32
К-25

ЧИТАЛЬНЫЙ ЗАЛ



ИСЛОМ КАРИМОВ

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ЎЗ КУЧ-ҚУДРАТИМИЗГА, ҲАМЖИҲАТЛИГИМИЗ ВА ҚАТЪИЙ ИРОДАМИЗГА БОҒЛИҚ

12

ТошДЮИ
КУТУБХОНАСИ

ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН" НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
2004

66.4(5У)
К25

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларининг 12-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2003 йил сентябридан 2004 йил августигача бўлган давр мобайнида мамлакатимиз Олий Мажлиси сессияларида, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий кенгашлар йиғилишларида, халқаро учрашув, анжуман ҳамда тантанали маросимлардаги маъруза, нутқ ва чиқишлари ўрин олган.

Уларда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги устувор тамойиллар, тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўлидан дадил олға бориш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар теран таҳлил этилган.

ISBN 5-640-03220-0

К 0804000000 - 82 / М351(04)2004 2004

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2004

ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ ГАВҲАР

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун биз қорақалпоқ элининг гўзал пойтахти, юртимизнинг шимолий дарвозаси бўлмиш Нукус шаҳрининг 70 йиллик тўйини байрам қилмоқдамиз.

Мана шу қутлуғ сана муносабати билан сиз, азизларни, сизларнинг сиймонгизда бутун Қорақалпоғистон аҳлини чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Бугун биз навқирон Нукус шаҳрининг катта тўйини нишонлар эканмиз, бу шаҳар тимсолида Қорақалпоғистон диёрида рўй бераётган янгиланишлар, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, одамларнинг турмуш тарзида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида гапиришимиз табиий, албатта.

Бу ўзгаришлар, аввалambор, қорақалпоқ халқининг машаққатли меҳнати ва ғайрат-шижо-

ати билан эришилаётган катта ютуқларда, шаҳар ва қишлоқлар, овулларнинг тобора обод бўлиб, республика ишлаб чиқариш салоҳиятининг юксалиб бораётганида, янги-янги иншоотларнинг ишга туширилаётганида яққол намоён бўлади.

Булар қаторида минтақамизда ягона бўлган Қўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, «Марказий Осиё безак тошлари» қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги мармар ва кабель заводлари, Ўрга газ кони, «Элтекс» ва «Катекс» каби замонавий ишлаб чиқариш мажмуаларини мисол келтириш мумкин.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистоннинг, жумладан, Қорақалпоғистоннинг ҳам энг заиф нуқтаси — бу коммуникация масаласи эканини мен доимо таъкидлаб келаман. Ана шу ўта муҳим муаммони ечиш бўйича мамлакатимизда кўп ишлар қилингани ва қилинаётганидан сизлар яхши хабардорсиз.

Айниқса, 345 километрли Навоий—Нукус темир йўли, Нукус билан Хўжайлини боғлайдиган улкан кўприк, Қўнғирот автомобиль йўли каби муҳим стратегик иншоотлар бу заминдаги беҳисоб табиий захираларни ўзлаштиришга, улардан, аввалambор, қорақалпоқ халқининг, бутун юртимизнинг фаровонлиги йўлида фойдаланишга хизмат қилади.

Ана шундай, одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган ишларимиз ҳақида гапирганда, биринчи галда, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласини алоҳида айтиб ўтишимиз ўринлидир.

Охирги йиллар давомида фойдаланишга топширилган 243 километр узунликдаги Туямўйин—Нукус, 112 километр узунликдаги Нукус—Тахтакўпир сув узатиш тармоқлари бу борада ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мураккаб экологик ҳудудларда яшаётган одамларга зарур шароит яратиш мақсадида Чимбой ва Тахтакўпир, Қўнғирот ва Қанликўл туманларининг олис қишлоқ ва овулларига, жами 390 та аҳоли пунктига ичимлик суви етказиб бериш бўйича қилган салмоқли ишларимиз барчамизни қувонтиради.

Ҳурматли юртдошлар!

Албатта, қўлга киритган бундай ютуқларимиз, улкан лойиҳаларни ўзлаштириш йўлида қилаётган меҳнатимиз ва ҳаракатларимиз халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлайди ва кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Айни пайтда олдимизда ҳали-бери ўз ечимини кутаётган, шу тупроқда яшаётган одамларни қийнаётган долзарб муаммолар ҳам борлигини эсдан чиқармаслигимиз ва бу масалалар доимо

эътиборимиз марказида туриши зарурлигини англаб олишимиз даркор.

Шу ўринда мен, аввало, барча раҳбарларни — улар Тошкентда ёки Нукусда бўладими — огоҳлантириб, алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман:

Катта-катта лойиҳалар устида ишлаш билан бирга, одамларимизнинг кундалик ҳаётий муаммоларини ечиш, ташвишларини енгиллаштириш, уларга сўзда эмас, амалда ғамхўрлик кўрсатиш, бу масалада лоқайдлик ва тўрачилик каби нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик, бир сўз билан айтганда, эл-улуснинг дардини ўз юраги, ўз қалбидан ўтказиб яшаш ва ишлашни бугунги кунда ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Азиз дўстлар!

Қорақалпоқ деганда, бу заҳматкаш халқнинг ўзига хос хусусиятлари, элни эл, юртни юрт қиладиган фазилатлари ҳақида гапирганда, аввало, бизнинг кўз олдимизда ўзининг узоқ тарихи давомида кўп азоб-уқубат, қирғин-қатағонларни бошидан кечирган, қанча-қанча оғир йўлларни босиб ўтган, чидамли ва бағрикенг, мард ва матонатли бир халқ сиймоси пайдо бўлади.

Агар биз она заминга, Ватанга меҳр ва садоқат ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биринчи галда, саҳро қуёши, гармсел ва изғирин шамолларида тобланган, оғир табиий шароитда ҳам ўз юртининг тупроғини кўзига тўтиё қилиб, келажакка

ишонч билан яшаётган қорақалпоқ эли ҳақида гапиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Кимки бу жафокаш халқнинг беғубор қалбини, асрий орзу-армонлари, интилишларини билмоқчи, англаб етмоқчи бўлса, унинг ақл-заковати билан яратилган «Қирққиз» ва «Шаҳриёр» каби ўлмас достонларга, Кунхўжа, Ажиниёз ва Бердах сингари улкан шоирларнинг таъсирчан асарларига мурожаат қилса, ўйлайманки, ўзи учун кўп-кўп маъно топади.

Қорақалпоқ халқи азалдан ўзининг билимга ташналиги, санъатга бўлган юксак муҳаббати, ўз диёрининг бошқалар англаб етолмайдиган гўзаллиги ва жозибасини кашф этишдек ноёб истеъдоди билан барча-барчани мафтун этиб келади.

Шу борада биргина мисол келтирмоқчиман. Куни кеча мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган тантанали байрам томошасида Қорақалпогистон санъат усталарининг ёрқин маҳорати, таъсирчан куй-қўшиқлари шахсан менга бениҳоя манзур бўлди.

Агар шу томоша якуни бўйича қандайдир танлов ўтказилса, бошқалар хафа бўлмасин-у, мен ҳеч иккиланмасдан биринчи ўринни қорақалпоқ санъаткорларига берган бўлур эдим.

Қорақалпоғистоннинг ана шундай катта иқтисодий, илмий ва маънавий салоҳиятини асраб-

авайлаб, уни янада бойитишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон Қаҳрамонлари Анисия Саидова, Алланиёз Ўтениёзов, Тўлепберген Қаипбергенов, улар қаторида Алимбай Мамутов, Турсунбай Ешжанов, Собир Камолов, Ибрайим Юсупов, Жўлдасбек Қуттимурадов, Муяссар Разоқова, Кенесбай Сержанов, Гулхатича Айимбетова, Элиза Айтниязова каби ўнлаб ишлаб чиқариш соҳаси, илм-фан ва маданият намояндаларининг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Муҳтарам юртдошларим!

Биз бугун бетакрор қиёфа касб этиб бораётган кўп миллатли Нукус шаҳрини йирик саноат, илм-фан ва маданият маркази, дўстлик ва бинодарлик шаҳри, деб таърифлаймиз. Ва албатта, бу таърифларнинг барчаси мустаҳкам ҳаётий асос ва заминга эга.

Буни ҳозирги вақтда Нукусда Фанлар академияси ва Бадиий академиянинг филиаллари, Қорақалпогистон давлат университети, қатор институтлар, қирққа яқин академик лицей, ўнлаб касб-ҳунар коллежлари, театр ва музейлар халқимизнинг маънавий-маърифий юксалиши йўлида хизмат қилаётгани ҳам тасдиқлайди.

Бутун халқимиз сингари қорақалпоқ эли ҳам нафақат бугунги ҳаёт, балки эртанги кунимиз, истиқбол орзуси билан, барчамизнинг таянчи-

миз ва суянчимиз бўлган жондан азиз фарзандларимизнинг тақдири ва келажагини ўйлаб яшамоқда.

Шу маънода, Нукус шаҳрининг ўзига хос ва ўзига мос яна бир хусусияти ҳақида гапиришни ўринли, деб биламан. Бугунги кунда шаҳар аҳолисининг 65 фоизини 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади.

Бу ерда ҳар ўн нафар фуқаронинг бири, таъбир жоиз бўлса, талаба бўлиб ҳаёт кечирмоқда. Ва бундай ҳолат бу навқирон шаҳарнинг келажагидан, катта имкониятларга эга эканидан далолат беради.

Шу заминга хос, барчанинг ҳайрат ва ҳурматини, завқини уйғотадиган яна бир белги-аломат борки, у ҳам бўлса, мана шундай оғир ва мураккаб, ҳар қандай одам ҳам бардош беролмайдиган бир шароитда қорақалпоқ ёшларининг билимга, етук инсон бўлиб вояга етишга қатъият билан интилаётгани, халқаро фан олимпиадалари ва нуфузли жаҳон мусобақаларида қатнашиб, юксак марраларни эгаллаб келаётганидир.

Истиқболимиз тимсоллари бўлган Алишер Санетуллаев, Рустам Султонов, Руслан Ургенчбаев каби билимдон ёшларимиз, Анифа Ортиқова, Зиёда Шарипова, Махсет Утемуратов каби иқтидорли санъаткорларимиз, Бауржон Каздаев, Эркин Қутибоев, Баҳром Эрматов сингари

мард ва жасур спортчиларимиз нафақат қорақалпоқ эли, бутун Ўзбекистон халқининг фахри ва умиди, десак, асло хато бўлмайди.

Қадрли дўстлар!

Мен бугун сизларнинг ҳузурингизга келаётиб, байрам арафасида Нукус шаҳрида амалга оширилган янги қурилиш ва ободончилик ишлари билан танишдим. Шуни мамнуният билан айтишим лозимки, қорақалпоқ халқининг бунёдкорлик салоҳияти тобора ортиб бораётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Айниқса, янги қурилган шинам тураржой бинолари, гўзал майдон ва хиёбонлар, театр ва музей, спорт мажмуалари, бозорлар, замонавий талабларга жавоб берадиган аэропорт, темир йўл вокзали ва бошқа қатор иншоотлар кўзларни қувонтириб, шаҳар чиройига чирой қўшиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шу эзгу ишларда фаол қатнашган қўли гул усталаримизга, қурувчи ва муҳандисларга, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари, барча мутахассисларига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Муҳтарам ватандошлар, қадрдонларим, қорақалпоқ диёри, қорақалпоқ элини улуғлайдиган аломат ва хусусиятлар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин буларнинг ҳаммасини бир сўз билан ифода этадиган бўлсак, қорақалпоқ мақолида айтилганидек, халқнинг бахту тахти — унинг туғилиб ўсган еридир, унинг жипслиги, аҳиллиги ва оғиз бирлигидир.

Бугунги унутилмас лаҳзаларда сиз, азизларнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, аввал ҳам айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: ўзимни нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб ҳисоблаш менга ҳар доим куч-қувват ва қанот бағишлайди.

Шунинг учун мен ушбу гўзал оқшомда катта қувонч ва ифтихор билан:

— ўз элим — қорақалпогим омон бўлсин, ўз қалъам — Нукусим дунё тургунча турсин, дейман.

Ишонаман, қорақалпоқ диёрининг келажаги, албатта, ёруғ бўлади, қорақалпоқ эли бутун халқимиз қатори ўз олдига қўйган буюк мақсадларга, албатта, етади.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака ёр бўлсин!

Яратганимизнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

Азиз дўстлар!

Энди менга шарафли бир вазифани бажариш учун ижозат этгайсиз.

Хабарингиз бор, Нукус аҳлининг мамлакатимиз ривожига қўшаётган катта ҳиссасини, иқти-

содий-ижтимоий ҳаётнинг кўплаб соҳаларида қўлга киритаётган салмоқли ютуқларини, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасидаги хизматларини инобатга олиб ҳамда 70 йиллик тўйи муносабати билан Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Ушбу қутлуғ ва ҳаяжонли лаҳзаларда Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотини сиз, ҳурматли, азиз юртдошларимизга топшириш менга чексиз қувонч бағишлайди.

Бу юксак мукофот барчангизга муборак бўлсин, Нукуснинг шон-шуҳрати янада зиёда бўлсин.

Нукус шаҳрининг 70 йиллигига
бағишланган тантанали
маросимдаги сўз,
2003 йил 12 сентябрь

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ИЖТИМОИЙ ҚАТЛАМИ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ МАЙДОНИДА ЎЗ ЎРНИНИ ЭГАЛЛАШИ ЛОЗИМ

Азиз дўстлар!

Бугун сизлар билан ўтказилаётган учрашувимизнинг асосий мақсади — ҳаётимизнинг ўзи, тез ўзгараётган замон олдинга сураётган долзарб бир масала устида фикр алмашишдан иборат.

Мендаги маълумотлар бўйича, мана шу учрашувга таклиф этилганларнинг аксарияти анчадан бери битта масала устида бош қотириб, бу борада тегишли идораларга чиқиш, мурожаат этишни муҳокама қилмоқда. Яъни, Ўзбекистон сиёсий майдонида янги партия тузиш ҳақида, унинг ғоя ва мақсадлари, таъсис ҳужжатлари, дастури хусусида муҳокамалар, баҳслар олиб бориляпти.

Албатта, бундай ташаббус Конституциямиз ва бошқа қабул қилган қонунларимиз доирасида, ҳар томонлама чуқур тайёрланиб, амалга ошириладиган бўлса, бунга, ўйлайманки, ҳеч ким қарши чиқмайди. Ва аксинча, бу таклифлар замиридаги мақсад ва интилишлар ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, одамларимиз, аҳолимизнинг орзу-умидларига мос келадиган бўлса, охир-оқи-

батда халқимизнинг оғирини енгил қилишга хизмат этса, айни муддао бўлади.

Бугунги учрашувда мана шу қараш ва ёндашувлар, ҳаракатлар бўйича атрофлича мулоҳаза юритиб, фикр алмашиб олсак, табиийки, бу ҳам фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Бугун эл-юртимиз кечираётган ҳаёт, давлатимиз, жамиятимиз олдига қўйган эзгу мақсадлар йўлидаги ҳаракатларимиз, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда танлаган бошқариш тизимини амалга ошириш борасида қўлга киритаётган ютуқлар, айни вақтда, шуни ҳам очиқ айтиш керак, ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат қуриш жараёнида дуч келаётган муаммолар ҳақида, ўйлайманки, барчангиз амалий фаолиятингиз мисолида яхши хабардорсиз.

Мен, имкониятдан фойдаланиб, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги ва эртанги босқичида сиёсий партияларнинг ўрни, мавқеи ҳамда вазифалари ҳақида тўхталиб, сиз, янги партия тузиш ташаббускорлари билан мамлакатимиз ҳаётида бу йўналишдаги мавжуд вазият бўйича очиқ гаплашиб олмоқчиман.

Ўйлайманки, бу ҳеч кимга сир эмас — ҳар қандай партия ва ижтимоий ҳаракатнинг пайдо бўлиши, аввалambор, шу юрт ҳаётида содир бўлаёт-

ган ўзгариш ва янгиланишлар, аҳолининг, ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва қатламларнинг хоҳиш-иродаси, интилишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бошқача айтганда, ҳар қандай партия ёки ижтимоий ҳаракат, биринчи галда, аниқ ғояларнинг тарафдори, муайян гуруҳларнинг манфаатларини аниқ тасаввур қиладиган, шу қарашларни олдинга сурадиган, ҳимоя қиладиган ва ҳаётга татбиқ этиш учун курашадиган куч сифатида майдонга чиқади.

Шу борада ўз-ўзидан аён бўлиши керакки, кўппартиявийлик шароитида ҳар қандай партия ва ҳаракат жамият ва халқ орасида обрў топиш эвазига, аввалambор, сайловолди ва сайлов даврида ўз ғоялари, дастури ва амалий ишлари билан сайловчиларни ўзига эргаштира олиш ва кўпроқ овоз тўплаш ҳисобидан қонунчилик ва ижро ҳокимиятларига ўз вакилларини ўтказиш ва шулар орқали ўз олдига мақсад қилиб қўйган ғоя ва интилишларни амалга ошириш билан ўзини намоён қилиши табиий.

Шу талабларга жавоб бермайдиган, амалий ҳаёт билан боғланмаган, ҳавойи интилишлар, фақатгина чиройли, лекин қуруқ даъват ва чақириқлар билан яшайдиган сиёсий куч эса — у партия бўладими, ижтимоий ҳаракат бўладими — охир-оқибатда инқирозга юз тутади ва халқ назаридан қолади. Бундай тизим ва ҳолат барча де-

мократик давлатларда табиий бир ҳолга айланган.

Албатта, демократик жамият қуришга бел боғлаган ва бунга эришган давлатларда бирон бир сиёсий кучнинг ўз мавқеи ва ўрнига эга бўлиши, обрў қозониши учун, сиёсий партия ёки ижтимоий ҳаракат бўлиб шаклланиши учун, шубҳасиз, маълум вақт ва тажриба керак бўлганини кузатиш мумкин.

Агарки, Америка, Европа ёки Осиёдаги ривожланган демократик давлатлар мисолида кўрадиган бўлсак, уларда ҳозирги кунда етакчи куч тариқасида фаолият кўрсатаётган партиялар узоқ ва мураккаб, давомли тарихга эга бўлгани, қанча-қанча ижтимоий-сиёсий кураш ва тўфонларни бошидан кечиргани, халқ ишончини қозониш учун оғир йўлларни босиб ўтгани ва бугун ҳам доимий ҳаракатда эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Бир сўз билан айтганда, ҳар қайси партиянинг ўз тарихи, сиёсий қиёфаси ва, энг аввало, бутун фаолиятининг негизида аниқ ва халққа, жамиятга тушунарли, таъсирчан гоялар мужассам бўлиши шарт.

Тан олишимиз керакки, биз мустақилликка эришгандан кейинги мана шу 12 йиллик даврда бу масалада ҳам бирмунча ҳаётий тажриба орттирдик.

Бошимиздан кечирган, ўзини оқламаган якка партиявийлик, зўравонлик тизими, халққа маъқул ёки номаъқул бўладими, фақатгина битта ғоя ҳукм сургани, халқимиз тарихида қандай салбий из қолдиргани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча бўлса керак. Буни барчангиз Ўзбекистонимизнинг яқин тарихидан яхши биласиз ва бундан тегишли хулосалар чиқаргансиз, деб ўйлайман.

Юртимизда етмиш йилдан кўпроқ якка ҳукмронлик қилган ана шу мафкура, минг афсуски, кўпгина одамларимизнинг онги ва тафаккурига ўрнашиб қолгани ва ҳамон ўз исканжасидан чиқармаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Ҳали-бери ҳаётимизга салбий таъсир ўтказаётган кўпгина мисоллар қаторида боқимандалик касаллиги ҳақида гапирадиган бўлсак, эски замондан қолган бундай асоратлар нақадар кучли эканини сезиш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда биз ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт қуриш учун интилмоқдамиз. Бу ҳаётнинг сиёсий-ижтимоий асослари бўлган демократия принципларини, кўппартиявийлик муҳитини мустаҳкамлаш, партиялар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим вазифаси, эртанги тараққиётимизнинг гарови бўлиб қолмоқда.

ТошДЮИ КУТУБХОНАСИ БИБЛИОТЕКА ТашГЮИ

Барча тараққий топган демократик давлатлар босиб ўтган бу йўл биз учун ҳам ягона тўғри йўл экани ҳақида, такрорлаб гапириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Ҳаммамизга маълум, ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд бўлган партиялар, яъни Халқ демократик, "Адолат" социал-демократик, "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси эски тузумдан мутлақо фарқ қиладиган янгича шароитда, кўппартиявийлик муҳитида ишламоқда, имкон қадар жамиятда ўз ўрнини топишга, одамларни ўз ғояси, ўз дастури атрофида жипслаштиришга интилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг эркин ва озод ҳаёт, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида қўяётган қадамлари барчамизни қувонтиради.

Лекин, таассуфки, шу мақсадга эришишга қаратилган жараёнлар, аввало, ҳақиқий кўппартиявийлик муҳитини барпо этиш, ҳар қайси партиянинг аниқ, фақатгина ўзига хос қиёфага, ўз тарафдорлари ва сайловчиларига эга бўлиши, олдинга сурадиган гоялари ва дастурларини амалга ошириш учун қатъий кураш олиб бориши жуда суст кечмоқда. Бундай интилиш ва ҳаракатлар, айтиш мумкинки, умуман сезилмаяпти.

Шуни яна ва яна бир бор афсус билан таъкидлашга мажбурман — ҳозир жамиятимизда шу масала бўйича кечаётган жараёнлар ҳеч кимни қониқтирмайди. Ва бундан керакли хулосалар чиқариш айни муддао бўлур эди.

Албатта, барча партияларимизни бир-бирига яқинлаштираётган жиҳатларнинг мавжудлиги — улар сиёсий, иқтисодий мақсад ёки дастур бўладими — бу ҳам табиий ҳол.

Ҳар қандай фаолият кўрсатаётган партия юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги каби ғояларни ўзининг эзгу мақсади деб олдинга суришига, ишончим комилки, ҳеч ким қарши чиқмайди.

Бошқача айтганда, бугун Олий Мажлисимизда ўз фракцияларига эга бўлган кўпгина партияларимиз демократик принциплар ва миллий қадриятларимизга асосланган келажагимизни кўришга бел боғлаганини, шу мақсадда олиб бораётган ислоҳотларимизга муносиб ҳисса қўшаётганини ҳеч ким инкор этолмайди ва бу борада уларни албатта қўллаб-қувватлайди.

Лекин табиий бир саволга жавоб топиш қийин бўляпти. Бу эзгу мақсадларга эришишда ким қандай йўлларни, қандай модел ёки программаларни таклиф этмоқда ва уларни амалга оширишда фидойилик кўрсатмоқда?

Яна битта масала: бу партиялар кимларнинг, қайси ижтимоий табақаларнинг аниқ манфаатларини кўзлайди?

Афсуски, бу саволларга ҳам тайинли жавоб йўқ.

Бугун бизнинг олдимизда турган мақсад битта — озод ва обод, фаровон ҳаёт қуриш, лекин бу мақсадга эришишнинг йўллари кўп. Нима туфайли, нима эвазига, нималарга суяниб ва таяниб амалга ошириладиган қандай дастур асосида биз бу мақсадларга етамиз? Бу борада биз қандай муаммоларни бартараф этишимиз, қандай марраларни эгаллаб, қандай босқичлардан ўтишимиз даркор? Энг қийин масала мана шу ерда.

Бундай вазиятни сиёсий ёки иқтисодий соҳаларда, ижтимоий, маънавий-маданий йўналишларда, умуман, давлат ва жамиятимизни қуриш, уни идора қилиш ва бошқариш масалаларида кузатишимиз мумкин. Нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги авлодларнинг келажагига ҳам таҳдид солаётган, халқаро майдонда тобора кучайиб бораётган янги хавф-хатарларнинг олдини олиш, юртимизда қарор топган тинч ва осуда ҳаётни бу бало-қазолардан асраш мақсадида нималарга нисбатан эҳтиёт ва ҳушёр бўлишимиз, ташқи ва ички сиёсатимизни узоқни кўзлаб, қандай принципларга асосланиб, нималарга ва кимларга таянган ҳолда олиб боришимиз зарур де-

ган саволлар, аввало, сиёсий партияларимизнинг аъзо ва раҳбарларини қийнаши керак эмасми?

Лўнда қилиб айтганда, бугунги вазият бу йўналишларда давлат сиёсатини аниқлаш, якка-ягона тўғри йўлни ишлаб чиқиш ва танлаш масаласида партия ва ҳаракатлардан тинмай бош қотиришни, бу масалаларнинг ечимини топиш мақсадида олиб борилаётган баҳс ва муҳокамаларда ўз фикри ва позициясини ҳимоялашга қодир бўлишни ва ўз ҳақлигини исботлаб беришни тақозо этади.

Лекин, очиқ айтиш керак, бизда бу борада қандайдир лоқайдлик, хотиржамлик ва бепарволик ҳукм сурмоқда. Худдики, ҳамма огир ва кескин муаммолар бугун ҳам, эртага ҳам ўз йўли билан ҳал бўладигандек, кимдир уларни ечиб беради, деган кайфиятлар устун бўлмоқда.

Аксарият партияларимиз эса курашиш ўрнига, сен менга тегма, мен сенга деб, ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаётдан орқада қолмоқда.

Баъзилар, бу катта сиёсат, бунга тажрибамиз ва қурбимиз ҳали етмайди, деб эътироз билдириши мумкин. Бундай қарашлар билан мутлақо келишиб бўлмайди. Нега деганда, сиёсий партия, деб ном олган куч, аввалambор, шундай мураккаб сиёсатга ўз ҳиссасини қўшиш учун майдонга чиқади.

Майли, келинг, бундай стратегик, ўта оғир сиёсий муаммоларни ечишдан кундалик ҳаётимизда ҳар қадамда учрайдиган масалаларга ўтайлик. Ҳеч кимга сир эмас, бугунги жиддий муаммоларимиздан бири — жойлардаги, аввалambор, ёшлар ўртасидаги ишсизликдир. Бу бир ой ёки бир йилда ҳал бўладиган масала эмас, албатта. Бу муаммонинг илдизи чуқур ва бунга олиб келадиган сабаблар кўп. Бундай мураккаб масалани ечиш учун у билан узвий боглиқ бўлган бошқа муаммоларни ҳам ҳал этишга тўгри келади.

Аввало, ўйлаб кўрайлик, ишсизлик ўзи нимадан пайдо бўлади? Бу муаммонинг ижобий ёки салбий томонга ўсиши, биринчи галда, иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ.

Айтайлик, иқтисодиёт тез ривожланса, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг харидори кўп бўлса, экспорт ҳажми ортиб, шу ҳисобидан корхоналарга валюта тушса, албатта, янги-янги иш ўринлари вужудга келади. Ва бу нарса нафақат завод ёки хўжалик, балки шу ерда ишлайдиган ҳар бир инсоннинг даромад ва буромадини ташкил қилади. Натижада ишсизлик даражаси пасаяди.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, барқарор ўсиб бориши — бу қишлоқ хўжалиги бўладими, саноат ёки хизмат кўрсатиш соҳаси бўладими — шу тар-

моқларда ишлаётган одамларнинг доимо сезгир ва изланувчан бўлишини, бугунги кун талаб қиладиган касб-ҳунарларни ўрганишни, ўз малака ва савиясини муттасил ошириб боришни, мухтасар айтганда, замон билан тенг қадам ташлашни тақозо этади.

Ҳозирги давр шиддати шундайки, озгина оқсоқликка йўл қўйган одам ёки корхона эртага ҳаётдан орқада қолиб кетиши мумкин. Маҳсулот таннархи ҳам, даромад ва буромад ҳам, турмуш даражаси ҳам замон билан ҳамқадам юришимизга чамбарчас боғлиқ. Бу оддий ҳақиқат бўлса ҳам, уни такрор-такрор айтишга тўғри келмоқда. Одамларни иш билан банд қилишнинг яна бир омили шуки, ҳар қандай шароитда ҳам ташаббус ва изланувчанлик билан яшаш, керак бўлса, тадбиркорлик сир-асрорларини пухта ўрганиб, тинимсиз ҳаракат қилиш ва олдинга интилиш лозим.

Бу масалада Япония ва Корея сингари табиий бойликка деярли эга бўлмаган мамлакатлар тажрибасидан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Улардаги мураккаб шароит, чекланган ресурслар доимий жонсаракликни, ақлни ишлатишни, тап-тақир жойда ҳам имконият топишни талаб қилади ва улар бу борада жиддий ютуқларга эришмоқда.

Демак, ишсизлик масаласини бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган партия ёки

ҳаракат, аввало, муаммонинг мана шундай туб илдизларини чуқур ўрганиши, шу хусусда бош қотириши, жамоатчилик ва халқнинг эътиборини шунга қаратиши лозим. Фақат шунинг эвазига улар етакчи ижтимоий ёки сиёсий куч деб ном олиши, эл-юрт орасида чинакам обрў-эътибор қозониши мумкин.

Мактабларимизнинг аҳволига эътибор берайлик. Бугун бизда 30 фоиз мактаб бинолари ночор ҳолатда. Очиқ тан олишимиз керак — бу муаммони, мактаблар масаласини тўла ечишга жойларда куч-имкониятларимиз етишмаяпти. Бу масалани ҳал этишга партиялар қандай ҳисса қўшмоқда? Мактабларни таъмирлаш, ўқувчиларга зарур шароит яратиш борасида улар қандай ташаббус билан чиқмоқда? Азалий урф-одатларимизга амал қилиб, маҳалла билан, жамоа билан биргаликда ҳашар уюштириб мактаб муаммоларини ечиш учун қайси партияда қандай амалий ҳаракат ёки интилиш сезилмоқда?

Сир эмас, бугунги кунда кўп мактабларда янги дарсликлар, китоб ва ўқув қўлланмалари етишмайди. Бир қарашда, бу оддий масалага ўхшайди. Лекин ҳаёт мана шундай оддий масалалардан ташкил топади, шуларнинг таъсирида ўтиб боради.

Шу муаммони ечиш борасида, мисол учун, ўзини ёшлар партияси деб атаган Фидокорлар

партияси нима иш қиляпти? Бу масалада бирон мактабга бир-иккита компьютер совға қилиш билан иш битадими? Бу муаммони ҳал этиш учун жиддий ўйлаб, аниқ дастур тузиб, енг шимариб узоқ ишлашга тўғри келади.

Ёки кўп жойларда одамларни қийнайдиган масала — ичимлик суви масаласини олайлиқ. Бу муаммо нафақат олис қишлоқларда, балки кўпчилик туман марказларида ҳам долзарблигича қолмоқда.

Яқинда аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича 2009 йилгача мўлжалланган ҳукумат дастури қабул қилинди. Кўпгина ташаббуслар қаторида бу дастурнинг ижроси ҳам Президент ва ҳукумат зиммасида турибди.

Энг ачинарлиси шундаки, бу масалалар ҳал бўлганидан кейин улар ҳақида гапирадиганлар, биз ундоқ қилдик, бундоқ қилдик, деб кўкрагига урадиганлар кўпаяди, албатта. Халқимиз таъбири билан айтганда, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўладиганлар топилиши шубҳасиз.

Демоқчиманки, агар ҳар қайси партия ҳаётдаги ҳамма муаммоларни эмас, бирор-бир аниқ ишни ўз масъулиятига олиб, уни охиригача ҳал қилишга интилса, фақат шунинг ҳисобидан обрў қозониши мумкин. Менимча, бу мақсадларга эришиш учун ташаббус ва ҳаракат қуйидан, од-

дий инсонлар орасидан бошланиши керак. Ҳар қандай таклиф-ташаббус тадбиркорлик ва ишбилармонлик маҳсули сифатида юзага чиққан тақдирдагина яхши самара бериши мумкин.

Лўнда қилиб айтганда, халқ ғамини ейдиган, унинг ташвишларини юракдан ҳис этадиган, ўзини етакчи деб ҳисоблайдиган одам доимо ёниб туриши керак. Биринчи галда, ёшларимиз ҳаётда ўз ўрнимни албатта топаман, кўзлаган мақсадимга албатта эришаман, ҳеч кимдан кам бўлишга ҳаққим йўқ, деган туйғу ва сўнмас ҳаракат билан яшаши ва ана шундай маънавий муҳит жамиятимизда барқарор бўлишини истардим.

Бизда бу борада ҳали ишга солинмаган, таъбир жоиз бўлса, теша тегмаган қанча имконият ва бойлик бор. Шуларни кўра биладиган, ўз онгидан ўтказадиган инсоннинг билими, ақл-заковати, ҳаракати ва куч-қудратига ишонган ва суянган ҳолда буни фаровон ҳаётга эришишнинг яккаю ягона тўғри йўли деб ҳисоблайдиган ва шундай ғояларни олга сурадиган сиёсий кучгина ҳақиқий партия бўлиб шакллана олади.

Ҳозир нима бўляпти? Кўпгина партияларнинг фаолияти ҳамон заиф ва мўртлигича қолмоқда, уларнинг айрим раҳбарлари бир поғона ўсдими — дарров доҳийлик касалига йўлиқмоқда.

Улар ўзини қандайдир партиявий фаоллар деб ҳис қила бошлайди. Етакчилик улар учун гўёки

касбга айланиб қолмоқда. Ваҳоланки, халқнинг ичида улардан ҳам донороқ, эл-юртнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган, лекин ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаволаниб кетмайдиган, ўзини кўпчиликдан устун қўймайдиган, камтар ва билимдон одамлар кўп.

Шу ўринда ўзимизга яна бир савол берайлик: бугунги кунда партияларимиз сафида бундай аъзоларнинг сони қанча? Фақат қуруқ гап сотиш, сўз юритиш билан эмас, ўз фаолияти мисолида амалий ишлари билан — тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес бўладими, фермерлик бўладими — ўзининг манфаатини, шу билан бирга эл-юртнинг ғамини ва ташвишларини ҳисобга олган ҳолда, каттами-кичикми фойда берадиган ишларни узилкесил ҳал қиладиган, уни қойил қилиб амалга оширишга қодир одамларнинг сони қанча? Ва партияларнинг бу одамларга таъсири қандай?

Барака топкурлар, айтинглар, нега деҳқон-фермерлар, тадбиркорлар ва ишнинг негизини биладиган кишилар, улар қайси соҳа ва йўналишда меҳнат қилишидан қатъи назар, партияларнинг эътиборидан четда қолиб кетяпти? Бу тоифа ва қатламларнинг манфаатлари, орзу-интилишлари партиялар томонидан қай даражада ифода этиляпти, керак бўлса, ҳимоя қилиняпти?

Ўйлайманки, бу саволларга жавоб топиш ва бундай масалаларни ечиш вақти келди. Буни жа-

дал суръатда ривожланаётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу вазифалардан келиб чиққан ва уларни инобатга олган ҳолда, янги тузилаётган партиянинг сиёсий қиёфаси, мақсад-дастурини, керак бўлса, тарихимизда тутадиган ўрни ва мавқеини белгилаб, аниқлаб олишимиз зарур, деб ўйлайман.

Энг муҳими, бугун мамлакатимиз, халқимиз танлаган пировард мақсадларга етиш йўлида эришилаётган улкан ютуқ ва марралар билан бир қаторда, ҳаётимизда мавжуд бўлган ғов-тўсиқлар, ечилмаётган муаммо ва нуқсонларни чуқур таҳлил қилиш, уларнинг илдиз ва томирларини аниқлаш асосида керакли хулосалар чиқариш, шу аснода мухтасар фикр юритишимиз айни муддао бўлур эди. Такрор айтмоқчиман: Ватанимиз мустақиллик йилларида эришган ютуқ ва марраларни ҳеч ким инкор этолмайди ва бунга ҳаққи ҳам йўқ, деб ўйлайман.

Халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган, нене офат ва тўфонларни, синовларни бошидан кечириб, қанча-қанча қурбонлар эвазига қўлга киритган озод ва эркин ҳаётни, ўз қадр-қимматимиз, муқаддас динимиз, тилимиз ва қадриятларимизни қайта тиклаб, амалда адолатли демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин иқтисодиёт қуриш имконига эга бўлганимизни, халқаро майдонда

Ўзбекистон деб аталмиш келажаги буюк давлатни барпо этишга муяссар бўлганимизни минг йиллик тарихимизда Аллоҳнинг ўзи берган улуғ неъмат, деб қабул қиламиз.

Лекин ҳаммамизга маълум — ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, тез суръатлар билан ҳамиша олдинга интилади. Кимки ҳаёт тараққиёти суръатлари билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд қараса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгараётган тарихнинг бир чеккасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетади. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати.

Мана шунинг учун ҳам барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, кўпроқ эришган ютуқларни фақатгина мақташ, уларга маҳлиё бўлиш ва шу маррада, шу босқичда депсиниб туриш эмас, балки бугун юртимизнинг тараққиётига ғов бўлаётган, унга зарар етказаётган муаммоларимизни очиб ташлаш ва уларни бартараф этишга бутун куч-ғайратимизни жалб қилишимиз шарт.

Айнан шу аснода, келажагимизни ўзимизга яққол тасаввур қилган ҳолда, эртанги кунимизни яхшилаш мақсадида замон талаб қилаётган ислоҳот дастурларини амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилишимиз лозим.

Юқорида зикр этилган мақсадларга эришишда, ўйлайманки, 2000 йилда Олий Мажлисимизнинг биринчи сессиясида қабул қилинган ва ке-

йинчалик, тўққизинчи сессияда янада ривожлантирилган давлат ва жамиятимизнинг барча соҳа ва йўналишларини либераллаштириш миллий дастуримизнинг ўрни ва моҳиятини бирон бир нарса билан ўлчаш қийин.

Шу дастурни сўзсиз амалга ошириш, уни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий қилиш, керак бўлса, унинг аҳамияти ва моҳиятини кенг оммага сингдириш масаласини бугунги кунда энг асосий, долзарб вазифамиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Аввало, шуни ўзимизга аниқлаб, чуқур англаб олишимиз зарурки, ва буни ҳеч ким инкор этолмайди, ҳар қандай тараққиёт, олдинга юриш — бу илму фан бўладими, иқтисодиёт, маънавий янгиланиш бўладими — уларнинг барчасини замирида, биринчи навбатда, инсоннинг ақл-заковати, ҳаракати, куч-қудрати туради. Бу ҳақиқат, ҳар қандай сиёсий давлат тизимидан қатъи назар, ягона ҳақиқат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Лекин, ҳеч шубҳа йўққи, инсоннинг, керак бўлса, омма ва халқнинг бундай аломат ва салоҳияти, аввалambор, эркинлик шароитида намоён бўлади. Бунинг негизида қандай тушунча ва гоя бор?

Мисол тариқасида иқтисодиёт соҳасини олайлик. Бу соҳа ривожини ўз зиммасига олган

оддий ишчи ёки раҳбар бўладими, уларга эркинлик бермасдан, таъбир жоиз бўлса, оёқ-қўлини, онги ва тафаккурини кишанлардан озод қилмасдан туриб, инсоннинг ўз ақл-заковати, куч-қудратини ишга солмасдан туриб ижобий натижага эришиш қийин. Бу ҳақиқатни исбот қилиб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ҳаётнинг турли соҳа ва жабҳаларини кўтарадиган, уларга ривож ва қанот берадиган омил, ҳамма нарсани ҳаракатга келтирадиган куч бу — аввало иқтисодий эркинлик, яъни том маънодаги инсон эркинлигидир.

Шу фикрни ривожлантириб айтмоқчиманки, кишилик тарихида ўзининг буюк имкониятларини доимо кўрсатиб келган ва бугунги замонда яна қайтадан машҳур бўлган куч — бу иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг замини ва пойдевори бўлмиш эркин тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатидир.

Агарки, Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий топган жамият ва давлатга айлантириш, аввалambор, халқимизнинг ҳаётини муносиб даражага кўтариш ва халқаро обрўсини юксалтириш, шу мақсадларга эришиш учун юртимизда осудалик ва тинчлик-осойишталикни сақлашдан бугунги кунда бизнинг жамиятимизда ким энг кўп манфаатдор деб сўраса, мен, тадбиркор ва ишбилармонлар аҳли, деган бўлардим.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин — шу мақсадларга эришишда жамиятимизнинг мана шу тоифаси, мана шу қатлами давлатимиз ва халқимизнинг суянчи ва таянчи бўлиши аён.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, ҳар томонлама асосланган шундай бир хулоса чиқариш мумкин.

Яъни, бугун жамиятимизнинг аввало иқтисодий ҳаётида тобора кенгайиб, кучга тўлиб бораётган тадбиркор ва ишбилармонлар, кичик ва ўрта бизнес, фермерлар ҳаракати эл-юрт тараққиётини, мамлакатимизнинг ҳал қилувчи соҳалари ва йўналишларида олиб борилаётган ислоҳотларни кескин суръатлар билан ривожланишини, олдимизда тўсиқ бўлиб турган барча ғов ва нуқсонларни бартараф қилиш масъулиятини ўз зиммасига олиши учун — уларга сиёсий майдонни очиб бериш жамиятимиз ҳаётининг кун тартибига долзарб масала бўлиб кирмоқда.

Шунинг учун ҳам янги партия тузиш ҳақида гап юритар эканмиз, ўз ҳаётининг маъносини ҳам, юрт ва жамият келажаги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигини ҳам тадбиркорлик ривожи ва самараси билан боғлаб келган одамларни унинг сафларига бирлаштирсак, ўйлайманки, айни муддао бўлар эди.

Бу ҳаракатнинг асосий гоялари, мақсад ва вазифаларини сиёсий тил билан ифода этадиган бўлсак,

бу ғояларни ўзида мужассам этган партия, ўз моҳият-эътиборига кўра, том маънода айни либерал-демократик партия платформасига тўғри келади.

Айниқса, бу борада юқорида тилга олинган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган либераллаштириш, ўзбекона қилиб айтадиган бўлсак, эркинлаштириш дастури муҳим дастак бўлиши мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий ўзаги ва гарови — бу эркинлаштириш сиёсатидир.

Шу маънода, менинг сизларга берадиган тавсиям, бугун тузиш масаласи ўртага қўйилаётган янги партияни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Либерал-демократик партия, деб аташ ўринли бўлур эди.

Бу икки тушунча ўзининг маъно-мазмуни, устун қўядиган ғоя ва мақсадлари бўйича бир-бири билан шундай чамбарчас боғланиб кетганки, уларни бир-биридан ажралган ҳолда кўриш, ўйлайманки, ғайритабиий ва ғайримантиқий ҳол бўлар эди.

Шунинг учун ҳам янги тузилаётган сиёсий куч ва ҳаракатга айнан шундай ном беришга ҳар томонлама асос бор.

Энди, шу фурсатдан фойдаланиб, сиёсий куч тариқасида вужудга келаётган партиянинг қури-

лиши ва фаолияти билан боғлиқ айрим ҳолатларга эътиборингизни жалб қилишни ўринли деб биламан.

Нафақат янги тузилаётган партиянинг, умуман, ўзини сиёсий ва ижтимоий куч деб эълон қилган ҳар қандай партия фаолиятида пайдо бўладиган энг катта муаммо — шу партиянинг ўз олдига қўйган, унинг сафларини бирлаштирувчи ғояни кенг оммага етказиш ва амалда исботлаб бериш, аввало, шу ғоя ва дастурни барча партия аъзоларининг онги ва тафаккурига сингдиришдан иборат, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Яъни, лўнда қилиб айтганда, бу партия нима учун, қандай ғояларни амалга ошириш учун майдонга чиқмоқда. Ва шу ғоялар нақадар адолатли экани, унинг халқ орзу-умидлари ва замон талабларига нечоғлик жавоб бера олишини жамоатчиликка тушунтириб, исботлаб беришдир.

Шу борада яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Тузилаётган партия ўз аъзолари, аввалambор, унинг асосчи ва етакчи фаолларидан ҳаётимизда кўп учрайдиган хавфли касаллик — амалпарастлик, манманлик, ўзига бино қўйиш ва ўзига ортиқча баҳо беришдан холи бўлишни талаб қилади.

Янги ташкил этилаётган партия фаолиятида ўзининг шахсий манфаати ва интилишларини,

бошқача айтганда, ўз амбициясини жамият ва халқ манфаатларидан устун қўйишга асло йўл бермаслик лозим.

Шуни яхши ва чуқур англаб олишимиз керакки, қаерда мана шу касалликнинг хуружи кучайса, шу ерда, аниқ айтиш мумкин, соғлом муҳит йўқолади, мансаб талашиш ва доҳийликка уринишлар авжига чиқади. Охир-оқибатда бу партия сиёсий майдонда пайдо бўлмасдан туриб инқирозга дучор бўлади.

Бу гапни яна давом эттириш, бу масалани яна чуқурроқ тушунтириб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Лекин бу огоҳлантириш бутун мана шу партияни ташкил қилаётган, унга аъзо бўлиб кирадиган одамларнинг қулоғида доимо жаранглаб туришини истардим.

Яна бир олдиндан ўзимизга тасаввур қилишга лойиқ масала: агарки, кимда-ким ўзининг шахсий манфаатига доир муаммоларни янги тузилаётган партия орқали ҳал қилиш, ечиш учун партияга кирмоқчи бўлса — қаттиқ янглишади.

Яна бир ҳақиқатни очиқ айтишга тўғри келади. Сизларга яхши маълум бўлиши керак ва ўзингиз амалий ҳаётда бунинг кўп гувоҳи бўласиз: тадбиркорлар зоти — буниям сир тутиш керак эмас — ҳаммага ҳам ёқмайди.

Ҳали-бери жамиятимизда бу тоифа ва шу ишга бел боғлаган одамларга нисбатан эски замондан

қолган қандайдир шубҳа билан қараш, уларни кимнидир алдаш, ҳақидан уриб қолиш ҳисобидан даромад топадиган кимсалар қаторига қўшиш ҳолатларини ҳам учратиш мумкин.

Лекин бугунги кунда бундай қарашларнинг камайиб, халқимизнинг онгу тафаккури тобора ўзгариб бораётганини эътиборга оладиган бўлсак, ҳаётимизда уларнинг аста-секин йўқолиши, ислоҳотларнинг чуқурлашуви, демократик ва бозор иқтисодиёти муносабатларининг жамиятимиздан янада кенгроқ ўрин олиши туфайли ўзўзидан барҳам топиши муқаррар.

Бу — биринчидан.

Иккинчидан, бундай салбий қарашларнинг ҳаётимиздан йўқолиши учун авваламбор тадбиркорларнинг ўзи кўпроқ ҳаракат қилиши ва ўзининг шахсий мисоллари билан бундай шубҳагумонлар ўринсиз эканини исботлаб бериши даркор.

Шуни ҳам айтиш керакки, кеча эҳтимол, бундай партия тузиш учун етарли даражада шароит бўлмагандир.

Аммо, агарки, бугун ҳаётимизда тобора кучайиб бораётган янгиланиш ҳаракатларини, дунёдаги тараққий топган давлатлар мисолида эркинлаштириш ва демократлаштириш ҳисобидан эришаётган марраларни инобатга олган ҳолда, барчамизга аён бўлиши зарурки, либерал-демокра-

тик гояларни, платформасини олдинга сурган ҳолда одамларимизнинг турмуш даражасини ўстириш, йўлимиздаги ғов-тўсиқларни олиб ташлаш, Ватанимизнинг тараққиётини жадал суръатлар билан ривожлантириш вақти келди. Ва шу ғоялар ва мақсадларни амалга ошириш учун Ўзбекистонимизнинг сиёсий майдонида янги партиянинг пайдо бўлиши айни муддао.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, мен, янги ташкил этилаётган партиянинг мақсад ва ғоялари тариқасида, қуйидаги принципиал масалаларга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчи мақсад. Ўзбекистоннинг тараққиётини, унинг оғир-енгилини ўз елкасига, ўз масъулиятига олишга бугун сиёсий куч сифатида бирлашаётган, мамлакатимизда катта салоҳиятга эга бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар тоифаси ҳақлидир.

Бу ҳаракатнинг асосий мақсади — сиёсий кучга айланиб, тадбиркорларнинг йўлини янада очиб, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий соҳаларда исботлаб бериш, манфаатини ҳимоялаш, эртанги кунини таъминлаш. Шу ижтимоий тоифа номидан Ўзбекистоннинг сиёсий саҳнасига чиқиш ва ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш.

Иккинчи мақсад. Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган, унинг стратегик

истиқболлари дастурини Конституция принципларига суяниб, бошқа сиёсий партия ва ҳаракатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш учун партиянинг куч-имкониятларини сафарбар этиш.

Ўзбекистон танлаган очиқ демократик, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамияти институтларининг ривожига кенг йўл очиб бериш ва демократик қадриятларни халқимиз, аввало, ёшлар онги ва ҳаётига сингдириш.

Бир сўз билан айтганда, ривож топган бутун демократик халқаро ҳамжамият билан ҳамоҳанг бўлиб яшаш мақсади янги тузилаётган партиянинг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланиши даркор.

Учинчи мақсад. Давлатни бошқариш, жамиятда шаклланаётган қарашларга таъсир ўтказиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, ҳаётимиздаги муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш, Ўзбекистоннинг халқаро обрўйини оширишда, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, асраб-авайлашда, миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашиш.

Халқимиз, аввало, ёшларимизни миллий ғоя, юрагида ўз элим, ўз юртим, жон Ўзбекистоним, деб ғурурланиб яшаш руҳида тарбиялашга ўзи-

нинг муносиб ҳиссасини қўшиш, ҳар қандай шароитда ҳам мустақиллик йўлимизни, қадриятларимиз, миллий ва диний анъаналаримиз, урф-одатларимизни қадрлаш, шу билан бирга, барча миллат ва элатлар қадриятларини камситишга йўл қўймаслик, бундай хуружларга қарши кураш олиб бориш.

Тўртинчи мақсад. Ўзи учун сиёсий платформа деб танлаб олган либерал-демократик ғоялар ва мақсадларни ўз фаолияти билан кенг омма онгига сингдириш, бу борада ҳар томонлама чуқур ўйланган ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, ўз сафини кенгайтириш.

Шу гояларни ҳаётга татбиқ қилиш учун фидойилик кўрсатган фаолларни депутатликка номзод этиб тавсия қилиш ва сайловчилар ишончини қозониб, ўз депутатлари зиммасига қонунчилик ва ижро ҳокимиятларида вакиллик вазифасини юклаш ва уларни бошқариш.

Содда қилиб айтганда, бу янги партия, бу ҳаракат тадбиркорларга, ишнинг негизини биладиган фаоллар ва фидоийларга суяниб-таяниб, уларни бирлаштириб, ўз олдига қўйган мақсадмарраларга эришиши даркор. Нега деганда, тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам тадбиркорлар ва ишбилармонлар зоти бутун дунёда давлатнинг таянчи ва суянчи, таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай жамиятнинг устуни бўлиб келмоқда.

Амир Темур бобомизнинг, “ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир”, деб берган насиҳатларида жуда катта маъно бор.

Ўйлайманки, янги тузилаётган бу партия сиёсий ҳаётимизда мавжуд бўлган ана шу бўшлиқни тўлдиради ва Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деган мақсадга етишиш учун ўз муносиб ҳиссасини қўшади.

Барчангизга шу эзгу мақсадларга эришиш йўлида куч-қувват ва омадлар тилайман.

Янги тузилаётган сиёсий партия
ташаббус гуруҳи аъзолари
билан учрашувдаги нутқ,
2003 йил 7 октябрь

БУЮК АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар, ҳурматли меҳмонлар!

Бугун юртимизда қутлуғ Рамазон ҳайити давом этаётган муборак кун, улуғ бир айём.

Аввалambор, шу муқаддас байрам билан сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Шу табаррук кунларга эл-юртимизни эсон-омон етказгани, бизга буюк аждодларимиз руҳини шод этиш йўлида савобли ишларни қилиш насиб этгани учун Аллоҳ таолога беҳад шукроналар айтамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун эрталаб биз беназир авлиё Абдулхолиқ Ғиждувоний қадамжосини зиёрат қилиб, ул зотга бўлган ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо келтирдик ва ҳозир ҳам ана шу ўчмас таассурот оғушида турибмиз.

Бу улуғ аждодимиз шарафига унинг она шаҳри бўлмиш Ғиждувонда амалга оширилган катта бун-

ёдкорлик ишларини, айниқса, бобомиз мангу ором топган жой том маънодаги зиёратгоҳга айланганини кўриб, ўйлайманки, ҳар бир юртдошимиз қалбида чексиз қувонч, ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлардан мамнунлик ҳисси уйғонади.

Мана, неча юз йилларки, Ғиждувоний ҳазратлари ўзининг ноёб ақл-заковати, собит эътиқоди, беқиёс инсоний фазилатлари билан дунёда Хожаи Жаҳон — жаҳон аҳлининг пири деб улуғлаб келинади.

Бир умр ҳалол меҳнат қилиб, оддий халқ ичида, оддий касб-кор билан камтарона ҳаёт кечирган бу мўътабар сиймонинг Аллоҳ йўлидаги буюк хизматлари бугун — орадан тўққиз аср ўтганидан кейин ҳам бутун мусулмон оламида юксак эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Шу сабабли биз Абдулхолиқ Ғиждувоний қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, англаш, халқимиз орасида кенг ёйиш, бу бебаҳо бойликни фарзандларимизга ҳам етказишни ўзимиз учун муқаддас бурч, деб биламиз.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз мана шундай улуғ боболаримиздан яна бири бўлмиш Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг янгитдан бунёд этилган қадамжоси пойида тўпланиб турибмиз.

Ушбу табаррук масканда бир йил мобайнида олиб борган кенг кўламдаги қурилиш ва ободон-

чилик ишларимиз натижасида бу жойнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Айниқса, миллий ва замонавий услубда яратилган гўзал бинолар, муҳташам айвон, мовий гумбаз ва пештоқлар, нақшинкор дарвоза ва устунлар, бир сўз билан айтганда, чинакам санъат асари бўлган бу мажмуа ҳар қандай одамни ҳайратга солиши шубҳасиз.

Буюк бобомизнинг юксак обрў-эътиборига муносиб тарзда, ўз қўлимиз билан барпо этган бу меъморий мўъжиза тимсолида биз аввало замонлар ва авлодлар ўртасидаги узвийликни, халқимиз даҳосининг боқийлигини кўрамиз десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Агар шу қисқа вақт ичида Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг муқаддас қадамжоларида қилган ишларимизга баҳо берадиган, уларнинг ҳажми ва миқёсини сарҳисоб этадиган бўлсак, бу ишларга амалда йиллар, балки ўн йиллар керак бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Савол туғилади: барчани ҳайратда қолдирадиган бундай улуғвор ишларни жуда қисқа муддатда бажаришга муяссар бўлганимизнинг боиси нимада?

Бунинг боиси, аввалambор, юртимиз тупроғида хоклари ётган пири комилларимиз, азиз

авлиёларимизнинг арвоҳлари, руҳи поклари доимо бизнинг ёдимизда, қалбимизда яшаб келаётганида, барча эзгу интилишларимизга Яратганнинг ўзи мададкор, халқимиз ибораси билан айтганда, дилкушод бўлаётганидадир.

Шу билан бирга, бу борадаги даъватларимизнинг халқимизга етиб боргани, одамлар юрагида акс-садо бергани ва эл-юртимиз бу эзгу ташаббусларни чин дилдан, бутун борлиғи билан қўллаб-қувватлагани ҳам айни ҳақиқатдир.

Қарангки, бундай хайрли ишларга маблағ ҳам топилар экан, лойиҳаларнинг энг гўзал, энг мукаммал шакллари ҳам пайдо бўлар экан. Бунга ҳисса қўшишни ўз виждони, ўз аждодлари олдидаги муқаддас бурч деб биладиган қанча-қанча одамлар бел боғлаб майдонга чиқар экан.

Энг муҳими, бизнинг ана шу саъй-ҳаракатларимиз бугунги ва келажак авлодларимиз учун, уларнинг маънавий юксалиши, миллий қадриятларимиз, динимиз арконларига муносиб бўлиб, онгли ва мазмунли ҳаёт кечириши учун беқиёс аҳамиятга эгадир.

Бизнинг ўзлигимизни англаш, асрий обидаларимизни, муқаддас қадамжоларимизни тиклаш йўлидаги барча ишларимиз замирида айнан ана шу руҳ, эзгу ният ва мақсадлар мужассам эканини мен яна бир бор такрор айтишни ўринли, деб биламан.

Мен Ўзбекистон тарихидаги шу каби олижаноб ишларни халқимизнинг нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда ислом динини асраш ва ҳимоялашга қўшаётган ўзига хос ҳиссаси, динимизга нисбатан турли бўҳтонлар уюштираётган, унинг обрўсини тўкишга уринаётган кучларга қарши аниқ ва амалий жавоби, деб қабул қилишингизни истардим.

Азиз юртдошлар!

Қадимий Бухоро замини Имом Бухорий, Ибн Сино ва Абу Бакр Наршахий каби алломаларга, буюк тариқат пирлари — Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Амир Кулол, Ориф Ревгарий ва Маҳмуд Фагнавий, Али Ромитаний ва Бобойи Самосий сингари азиз-авлиёларга бешик бўлгани билан ҳам бутун дунёга маълум ва машҳурдир.

Бухорони Бухорои шариф даражасига кўтарган ана шундай аждодларимиз орасида ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида нуфуз ва мақомга эга.

Бу улуғ шахс тимсолида инсон руҳиятининг нақадар теранлиги, бу дунёда ўз иродасини тарбиялаб, қалбини поклаб, нафс балосини енгиб яшайдиган одам қандай маънавий юксакликка кўтарила олиши яққол намоён бўлади.

Бу буюк зот эл-юртга холисона хизмат қилиш, аввало, маърифат йўлида одамларнинг қалбига чуқур кириб бориш орқали уларда эзгу интилиш-

лар, орзу-умидлар уйғотиш мумкинлигини ўз ҳаёти мисолида исботлаб берди.

Буюк аждодларимиз яшаб ўтган даврдан буён ер юзида не-не сурон ва тўфонлар рўй берганига, замонлар, салтанатлар, ҳаётга қарашлар ўзгарганига қарамасдан, бу пири комилнинг «Дил ба ёру даст ба кор», яъни «Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ҳаётбахш ҳикмати худдики шу бугун айтилгандек жаранглamoқда.

Ҳозирги таҳликали дунёда, турли низо ва адоватлар ҳали-бери барҳам топмаган мураккаб бир вазиятда Нақшбанд бобомизнинг — миллати, тили ва динидан қатъи назар — инсон зотини азиз ва мукаррам билиш, ўзаро меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват муҳитини қарор топтириш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтожларга ёрдам бериш каби эзгу даъватлари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Биз Нақшбанд ҳазратларини халқимизнинг руҳи ва табиатига беҳад яқин бўлган ана шундай ғоя ва қарашлари учун ардоқлаймиз, барчамиз унинг бой меросидан маънавий куч-қувват оламиз.

Ота-боболаримиз бу буюк авлиёга чин дилдан ихлос қўйиб, юз йиллар давомида уни «Баҳоуддини Балогардон» деб улуғлаб келишида ҳам албатта теран маъно бор.

Дарҳақиқат, Яратганнинг қудрати билан каромат соҳиби бўлган бу азиз зотнинг руҳи поклари ўтмишда ҳам, бугун ҳам бамисоли юрти-

миз осмонида кезиб, она диёримизни ёмон кўзлардан, офатлардан, бало-қазолардан асраб келмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Муҳтарам биродарлар!

Сизларга очиқ айтсам, Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг мана шу муборак қадамжосини обод қилиш фикри кўп йиллардан буён хаёлимни банд этиб келарди.

Ҳар сафар шу муқаддас даргоҳни зиёрат қилганимда ўзимни шу буюк зотнинг руҳи олдида қандайдир қарздор деб ҳис этардим.

Бир вақтлар, мустабид тузум даврида бу табаррук жой қандай аянчли аҳволга тушиб қолганини яхши эсласангиз керак.

Биз мустақилликка эришгач, кўплаб муқаддас қадамжолар қатори бу ерни ҳам обод қилиш мақсадида катта ишларни амалга оширганимиздан ҳам хабардорсиз, албатта.

Ана шу ишларни давом эттириш, бу зиёратгоҳни Баҳоуддин Нақшбанднинг оламшумул шуҳратига муносиб бир масканга айлантириш режаси йиллар давомида кўнглимни тарк этмаганини ҳам сизларга айтишим керак.

Ва ўтган йилнинг октябрь ойида ана шу ниятда атай вақт ажратиб, Тошкентдан бу ерга махсус келдим.

Бу ишга дахлдор бўлган раҳбарлар, лойиҳачи ва қурувчилар билан ёдгорлик мажмуасини янгитдан

бунёд этиш масаласини шу жойнинг ўзида муҳокама қилганимизда бошқа иншоотлар билан бирга, мана шу янги айвоннинг қаерда ва қандай шаклда бўлишини ўз қўлим билан чизиб берган эдим.

Одамни ҳайратга соладиган томони шундаки, қурувчилар шу лойиҳа бўйича иш бошлаганда айнан шу пайтда белгилаб берилган жойдан илгари мавжуд бўлган эски айвоннинг кўмилиб кетган пойдевори чиқибди.

Буларнинг барчаси мана шу масканнинг илоҳий хосиятидан, Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг руҳи барҳаётлигидан яна бир далолатдир, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласизлар.

Қадрли ватандошлар!

Мен бугун Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаларини обод этишда бутун мамлакатимиздан келиб қатнашган қўли гул уста ва меъморларимизга, моҳир қурувчи ва муҳандисларимизга, пудратчи ва лойиҳачи ташкилотлар, туман ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларига, шу хайрли ишларга хизмати сингган барча-барча инсонларга ўз номимдан, эл-юртимиз номидан ташаккурлар билдираман.

Халқимиз даҳоси билан яратилган бетакрор обидаларни, мана шундай қутлуғ зиёратгоҳларни минг йиллар давомида асраб-авайлаб келаётган муҳтарам Бухоро аҳли олдида таъзим қиламан.

Азиз юртдошларим!

Фурсатдан фойдаланиб, бу йилги мураккаб обҳаво шароитига қарамай, 360 минг тоннадан зиёд юксак пахта хирмони барпо этиб, шартнома-режасини муваффақиятли бажарган вилоят пахтакорларини, барча меҳнаткашларни чин қалбимдан қутлайман.

Ҳаммангизни бағримга босиб, қўлингиз дард кўрмасин, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим, дейман.

Ишончим комилки, Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби пири комилларимиз қолдирган бебаҳо маънавий меросга эга бўлган, ҳамиша пок ният билан яшайдиган халқимиз ўз олдига қўйган юксак мақсад-муддаоларига етишади, иншоолло.

Келинглар, азиз дўстларим, биродарларим, мана шу хосиятли кунда буюк аждодимизнинг табаррук қадамжосида туриб, эзгу ниятлар қилайлик.

Улуг боболаримизнинг руҳи поклари шод бўлиб, охиратлари обод бўлсин!

Она Ўзбекистонимизни ёмон кўзлардан асрасин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида ўтказилган тантанали маросимдаги сўз,
2003 йил 27 ноябрь

ВАТАН МУКОФОТИ — ХОРАЗМ ЭЛИГА ЮКСАК ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Муҳтарам юртдошлар!

Аввалambор, мен бугун қадимий ва бетакрор Хоразм заминига қадам қўйиб, сиз, азиз юртдошларим билан дийдор кўришиб, сизларнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, барчангизни бардам, яхши кайфиятларингизни кўриб, хурсанд бўлганимни билдирмоқчиман.

Ва сиз, азизларга, сиз орқали бутун Хоразм аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Барчангизга маълум: истиқлолимизнинг 12 йиллик байрами арафасида Хоразм вилояти ўзининг буюк хизматлари учун, аввало, аждодларимизнинг тарихий ва маънавий анъаналарини, мардлик ва жасорат намуналарини асраб-авайлаб, муносиб давом эттириб келаётгани, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофоти — Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланган эди.

Барчангизни, бутун Хоразм элини ана шу мукофот билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Бугунги воқеанинг яна бир муҳим томони шундаки, Ватан озодлиги йўлида мардона курашиб, жон фидо этган буюк аждодимиз, жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди номи билан аталган бу орден Ўзбекистон тарихида илк марта топширилмоқда. Ва бу орденнинг биринчи бўлиб айнан Хоразм вилоятига берилишида теран маъно бор.

Мен бу юксак мукофотни, аввалambор, минг йиллик қадимий цивилизация бешиги бўлган шу муқаддас заминга, дунёга Мусо Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замаҳшарий ва Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд ва Огаҳий сингари буюк зотларни берган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг бунёдкорлик ишлари билан мамлакатимизнинг обрўсини оширишга ва унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Хоразм элига давлатимиз ва халқимизнинг ҳурмат-эҳтироми рамзи сифатида қабул қилишингизни истардим.

Албатта, бундай юксак мукофот фақат бир йиллик натижалар учун эмас, балки минг-минглаб одамларнинг кўп йиллар давомида юртни обод қилиш, эл фаровонлигини ошириш йўлидаги фидокорона меҳнати учун берилишини, ўйлайманки, барчангиз яхши тушунасиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Хоразм вилояти кейинги йилларда ҳавас қилса арзийдиган марраларни қўлга киритмоқда.

Саноат соҳасини оладиган бўлсак, бундай ютуқларни ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларда, янги-янги соҳалар ва корхоналар пайдо бўлишида — вилоятда шакардан тортиб мева шарбатигача, экспортбоп ип калавадан тортиб замонавий кийим-кечакларгача, машҳур Хива гиламларидан тортиб экскаваторгача, бир сўз билан айтганда, ички ва ташқи бозоримизда харидоргир бўлган турли маҳсулотлар тайёрланаётганида кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда воҳада 27 та қўшма корхона ишлаб тургани, вилоят иқтисодиётига 161 миллион АҚШ долларидан зиёд инвестиция киритилгани, биргина 2003 йилда 4 та янги қўшма корхона ташкил этилгани ҳам иқтисодиёт ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Ўзимизда етиштирилган пахта ҳосилини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш ва шунинг ҳисобидан мамлакатимизга кўпроқ валюта маблағлари олиб келиш борасида ҳам вилоятда диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Жумладан, етиштирилган пахта ҳосилининг 15 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда.

Мана шу залда ўтирган мутахассис ва раҳбарлар яхши билади, илгари, собиқ шўро даврида бу кўрсаткич 3 фоиздан ошмас эди.

Кўриб турганингиздек, қисқа вақт ичида биз бу борада катта ютуққа эришдик, лекин фақат шу билан чекланиш бизга тўғри келмайди.

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг Хоразм вилоятида яна бир замонавий тўқимачилик фабрикаси — «Бурсел-Боғот текстиль» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида яқинда қабул қилган қарори бу соҳада келажакни ўйлаб, изчил иш олиб бораётганимиздан далолат беради.

Бўлғуси корхона йилига 5 минг 770 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Энг асосийси, ана шу маҳсулотнинг 80 фоизи чет элга экспорт қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2004 йилнинг охирига бориб, вилоятдаги пахта толасининг 30 фоизидан ортиғини шу ернинг ўзида қайта ишлашни ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, кейинги йилларда рўй берган объектив қийинчиликларга қарамасдан, вилоят меҳнаткашлари ғалла ва шоли, пилла ва бошқа маҳсулотлар бўйича шартнома режаларини мунтазам бажариб келаётганини эътироф этишимиз лозим.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Хоразм вилоятининг энг оғир муаммоларидан бири — бу коммуникация масаласи экани сизларга яхши маълум. Бу ўта муҳим масалани ечиш мақсадида

шу кунларда Ҳазорасп тумани ҳудудида Амударё устига замонавий кўприк қуриш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Лойиҳа қиймати 25 миллиард 556 миллион сўмга тенг бўлган, нафақат Хоразм, балки бутун мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга бу улкан иншоот ишга тушгач, бир вақтнинг ўзида Амударё узра поезд ҳамда автомобиль қатнови йўлга қўйилади.

Бу эса, ўз навбатида, вилоятни иқтисодий ривожлантириш, одамларнинг узоғини яқин қилиш учун янги имкониятлар очиб беради.

Мана шундай эзгу ишларни амалга оширишда Хива туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Бектурди Жуманиёзов, илғор фермерлар Гулмат Ҳайитметов, Машариф Қаландаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Болтабой Сапаев, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, электрпайвандчи Юсупбой Ўрозов, уста шоликор Қурбоной Узоқбоева, моҳир тикувчи Анабиби Собирова каби юзлаб заҳматкаш инсонларнинг хизматини барчамиз юксак қадрлаймиз.

Вилоятда бошқа соҳалар бўйича ҳам ўсиш-ўзгариш, янгиланиш жараёнлари изчил давом этмоқда. Замонавий корхоналар, янги турар жойлар, равон йўллар ва кўприклар, мактаб, лицей ва коллежлар, шифохоналар, улуғ аждодларимиз

номидаги боғлар, гўзал меҳмонхоналар барпо этилмоқда. Энг муҳими, одамларнинг ҳаётга муносабати, онги ва тафаккури ўзгармоқда. Буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Қадрли ватандошлар!

Юртимиздаги барча ўзгаришлар марказида инсон ва унинг манфаатлари тургани, ислоҳотлар-ислоҳот учун эмас, аввалambор, инсон учун деган қараш бизнинг асосий мақсадимиз экани барчангизга яхши аён, деб ўйлайман.

Шу маънода, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг огирини енгил қилиш борасида Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди.

Бу ҳақда гапирганда, узоққа бормай, мана шу Урганч шаҳрида ҳам яқин-яқингача тоза ичимлик суви масаласи оғир муаммо бўлиб келганини эслаш кифоя.

Биз бу масала устида вилоят ва тегишли республика ташкилотларининг раҳбарлари билан бирга бош қотириб, зарур маблағ ва имконият топиб, Туямўйин сув омборидан 148 километрлик сув тармоғини тортиб келганимиз, чет эллик ҳамкорлар иштирокида 36 километрлик янги сув тармоғини қурганимиз ана шу муаммони ечишда катта қадам бўлди.

Шулар қаторида Питнак шаҳрида сув тозалаш иншооти ва Капарас сув омборида юқори қув-

ватли насос станцияси ишга туширилганини, Германиядан олинган кредит ҳисобидан вилоятдаги 6 та қишлоқда жаҳон талаблари асосида сув таъминоти йўлга қўйилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Бундай ижобий фикрларни аҳолини табиий газ билан таъминлаш масаласи бўйича ҳам айтиш мумкин. Сўнгги пайтда 600 километрдан зиёд газ тармоғи барпо этилгани, вилоят бўйича аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси 90 фоиздан ошгани катта ютуқ, албатта.

Соғлиқни сақлаш соҳасини оладиган бўлсак, бу ерда 106 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаётгани, кейинги йилларда болалар шифохонаси, Шошилинч тиббий ёрдам маркази ва онкология касалхонаси, Хива ва Ҳазораспдаги тугуруқхоналар, Урганч ва Қўшкўпир юқумли касалликлар шифохонаси каби тиббиёт масканлари тубдан қайта таъмирланганини айтиб ўтиш лозим.

Айниқса, Урганч шаҳридаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кардиохирургия марказида юракни тўхтатмасдан операция қилишдек мураккаб жараёнлар ҳам амалга оширилаётгани эътиборга молик.

Энг муҳими, бундай шифохоналар ҳар қандай касалликни ҳам тўғри аниқлаб берадиган замонавий диагностика ускуналари билан таъминланмоқда.

Ҳолбуки, яқин-яқингача беморлар бу масалада қийналиб, қанча вақтини йўқотиб, ортиқча маблағ сарфлаб, Тошкентга бориб келганини сизлар яхши биласиз.

Хоразм вилояти бу соҳада ана шундай жиддий натижаларга эришиб, айтиш мумкинки, шу минтақада ўзига хос тиббиёт марказига айланиб бормоқда.

Бугун биз одамлар дардига дармон бўлишдек савобли ишга катта ҳисса қўшиб келаётган тажрибали жарроҳлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Қаландар Бобожонов, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Шокир Хўжаев, олий тоифали ҳамшира Гулчеҳра Раҳмонова, маҳалла шифокори, «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Турди Матназарова, болалар уйи ҳамшираси Нева Ким каби кўплаб медицина ходимларининг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Муҳтарам дўстлар!

Бутун мамлакатимиз сингари Хоразм воҳасида ҳам ёш авлод тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Ва, табиийки, бунда ўз ҳаётини таълим-тарбия соҳасига бағишлаган жонкуяр устоз-мураббийларимизнинг хизматлари беқиёс.

Ҳозирги пайтда вилоятдаги мавжуд 536 та мактабда 29 мингдан зиёд ўқитувчи қарийб 350 минг ўқувчига таълим-тарбия бериб келмоқда.

Кейинги йилларда 20 та янги мактаб барпо этилгани, 168 та мактаб эса тубдан таъмирланиб, қайта жиҳозлангани таълим соҳасида салмоқли ишлар қилинаётганидан далолат беради.

Бу ислоҳотларнинг муҳим бир йўналиши бўлган касб-ҳунар таълимига жиддий аҳамият берилаётгани туфайли охирги йилларда 35 та касб-ҳунар коллежи барпо этилиб, уларнинг умумий сони 56 тага етди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида қарийб 11 минг хоразмлик йигит-қиз таълим олаётгани, вилоятда 600 га яқин профессор-ўқитувчи, жумладан, 26 та фан доктори ва 166 та фан номзоди ёшларга сабоқ бераётгани ҳам Хоразмнинг илмий-маърифий салоҳияти юксак эканини кўрсатади.

Юртимиз ёшлари ўртасида ўтказилаётган фан олимпиадалари ва кўрик-танловлар, спорт беллашувларида воҳа фарзандлари ўзининг чуқур билими, истеъдоди ва маҳоратини намоён этиб, ҳамиша юқори ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Урганч давлат университетининг талабалари, Президент стипендияси соҳиблари Насиба Собирова ва Исоқжон Исмоилов, Зулфия мукофоти совриндорлари Мўътабар Рўзметова ва Муножот Абдуллаева сингари воҳанинг эртанги истиқболини белгилаб берадиган юзлаб ёшлар билан бутун вилоят аҳли фахрланади.

Ана шундай истеъдодли ўғил-қизларни тарбиялаб, камолга етказаётган хоразмлик устоз-мураббийлардан 25 нафари «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», яна 24 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» деган шарафли унвонга, кўплаб муаллимлар эса Ватанимизнинг орден ва медалларига сазовор бўлгани қувонарли, албатта.

Шундай жонкуяр юртдошларимиз қаторида Хива туманидаги 20-меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак, Ўзбекистон халқ ўқитувчилари Раҳмон Саъдуллаев ва Мунаввара Раҳмонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийлари Тангриберган Полвонов ва Олим Қувоқов, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Тафкил Латипов, «Шуҳрат» медали соҳибаси Шакар Аминова каби устоз-мураббийларга, вилоятдаги барча маориф ходимларига ташаккур айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Эл-юрт манфаатини ўйлаб яшаш, муҳтожларга беғараз ва беминнат ёрдам бериш, меҳр-мурувват ва саховат кўрсатиш каби халқимизга хос азалий фазилатларни давом эттириб, ўз ҳисобидан замонавий мактаблар, касалхона ва гузарлар, спорт майдончалари барпо этишдек хайрли ишларга салмоқли ҳисса қўшаётган барча инсонларга бугун самимий миннатдорлик изҳор этамиз.

Шулар қаторида Гурлан туманидан Эриммат ва Ёриммат Содиқовларга, Қўшкўпир туманидан Нураддин Нуриллаев, Шовот туманидан Бозорбой Оқмонов каби кўплаб тадбиркор ва ишбилармонларга умрингиздан барака топинг, кам бўлманг, деймиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Кейинги йилларда биз барча минтақа ва ҳудудларимиз қатори Хоразм воҳасида ҳам қадимий меросимиз, замонлар синовидан ўтиб келаётган миллий қадрият ва урф-одатларимизни асраб-авайлашга, бойитишга катта эътибор бермоқдамиз.

Бу ҳақда гапирганда, халқаро миқёсда кенг нишонланган буюк маънавий обидамиз — «Авесто» китобининг 2700 йиллиги, Хиванинг 2500 йиллиги, Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантаналарни эслаб ўтиш ўринли, деб ўйлайман.

Айниқса, ўрта асрларда Шарқ оламининг йирик илм-фан маркази сифатида эътироф этилган Хоразм Маъмун академиясини қайтадан тиклаб, уни замонавий асосда ташкил этганимиз маънавий ҳаётимиздаги муҳим воқеа бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, мен сизларга бир хушхабарни етказмоқчиман. Хоразм Маъмун академиясининг миллий ва умумбашарий цивилизация тараққиётидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини

инобатга олиб, биз унинг минг йиллик юбилейини муносиб нишонлаш мақсадида тегишли халқаро ташкилотлар билан музокаралар олиб бордик.

Ва ана шу саъй-ҳаракатларимиз натижасида ЮНЕСКО ташкилоти Бош конференциясининг шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтган 32-сессиясида Маъмун академиясининг минг йиллигини дунё миқёсида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Биз яқинда бу масала юзасидан ўзимизнинг ҳам ҳукумат қароримизни қабул қилиб, насиб этса, 2005 йилда ушбу санани сизларнинг иштирокингизда катта байрам сифатида кенг нишонлаймиз.

Азиз дўстлар!

Хоразм замини қадим-қадимдан кураги ерга тегмаган мард ва баҳодир паҳлавонлар юрти сифатида маълум ва машҳурдир.

Кейинги пайтда вилоятда оммавий спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга, айниқса, катта эътибор берилмоқда.

Бу борада қисқа муддатда жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган Олимпия захиралари коллежи қуриб ишга туширилгани, 15 минг томошабинга мўлжалланган «Хоразм» спорт мажмуаси халқаро андозалар асосида тубдан қайта қурилгани, вилоятдаги мавжуд спорт залларининг бар-

часи таъмирдан чиқарилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ана шундай замонавий спорт инфратузилмасига эга бўлгани учун ҳам мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари бу йил Хоразм вилоятида юксак савияда ўтказилганига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик.

Фарзандларимизнинг келажаги ва камолотини ўйлаб қилаётган бундай ишларимиз ўз ижобий самарасини беради, албатта.

Самбо ва оғир атлетика бўйича Осиё чемпионлари Алишер Йўлдошев ва Улуғбек Маҳмудов, бокс бўйича жаҳон биринчилиги совриндорлари Алишер Матниёзов ва Отабек Бобожонов, кураш ва дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионлари Рустам Юсупов ва Тамара Югай каби ўнлаб спортчи ёшларнинг қўлга киритаётган юксак натижалари бу ҳақиқатни исботлаб турибди.

Муҳтарам юртдошлар!

Агар мендан, Хоразм аҳли, аввало, қандай хислатлари билан ажралиб туради, деб сўраса, мен лўнда қилиб, «Ғурури билан» деб жавоб берган бўлур эдим.

Ҳақиқатан ҳам, бу юрт фарзандларининг ғурури баланд. Мен ғурури баланд деганда гердайишни эмас, балки ўз юрти, ўз тупроғи билан фахрланишни тушунаман.

Ғурури баланд деганда мен бу замин одамларининг, агарки тоғ-тоғ олтин ваъда қилса ҳам, ўз туғилган ерини ҳеч қачон бошқа жойга алишмаслигини, ота-боболарим, аждодларимнинг хоки ётган шу юрт шон-шуҳратига ўз ҳиссамни қўшаман, деган эътиқод билан яшашини тушунаман.

Эҳтимол, вилоят аҳлининг асл табиатидан бехабар бўлган одам, ахир, бу ер Швейцария ёки Греция бўлмаса, бир қарашда эътиборни тортмайдиган бу жойларни булар нега бунчалик жондилидан севади, нега бунча улуғлайди, деб ҳайрон қолиши мумкин.

Аслида, одамзоднинг она багрида дунёга келиши қандай мўъжиза бўлса, унинг қалбидаги Ватанга муҳаббат туйғуси ҳам ана шундай илоҳий мўъжизадир. Ва кимда-ким шу мўъжизани ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлса, Хоразмга келиб, бу замин одамларининг ҳаётига, меҳнатига назар солсин.

Кўнглимдаги бир гапни сизларга очиқ айтсам, мен Хоразм элини мана шундай олижаноб фазилатлари учун севаман ва ҳурмат қиламан.

Ўз ҳаёт тажрибамда кўрганман: бу халқ агар сени қабул қилса, бағрини, қалбини кенг очади, хурсандчилик кунларида ҳам, оғир синов пайтларида ҳам тоғдек елкадош бўлиб ёнингда туради. Энг муҳими, мардлик ва вафодорлик хусусиятларига ҳеч қачон хиёнат қилмайди.

Хоразм аҳлининг ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатини шу заминнинг улуғ шоирлари Феруз ва Огаҳий, Мунис ва Хоразмий қандай юксак пардаларда тараннум этганини барчангиз яхши биласиз.

Айниқса, буюк шоир ва авлиё Паҳлавон Маҳмуднинг «Мен учун Рум атласидан Хоразмнинг бир парча намати минг бора афзал» деган сатрлари барча хоразмликларнинг қалбини ифода қилади, десам, янглишмаган бўламан.

Шу фикрларни умумлаштириб, мужассам қилиб айтсак, ҳаётга мана шундай қараш, мана шундай фалсафа билан яшайдиган халқ билан бирга бўлиш, унинг ишонч ва ҳурматини қозонишдан ортиқроқ бахт борми, айтинглар, азиз дўстлар?

Албатта, мен яхши тушунаман, бугун Хоразм аҳли бошдан кечираётган етишмовчилик ва қийинчиликларга барҳам бериш, аввалambор, экологик муаммоларни ҳал этиш, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Мен сизларни қийнаб келаётган бу муаммоларни доимо ўзимнинг елкамдаги оғир юк, деб биламан. Шу боис ҳамиша Хоразмнинг дарду ташвишлари билан, уларни бартараф этиш фикри билан яшайман.

Шунинг учун ҳам сизлар эришган ютуқларнинг лоақал бир қисмида менинг ҳам озгина ҳиссам бўлса, бундан қувонаман, уни худдики ўзимнинг ютуғим, деб ҳисоблайман.

Бу йил мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, жумладан, Хоразм учун нақадар оғир келганини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундан қандайдир ўксиниб юрган хоразмлик деҳқонларни бағримга босиб, айтмоқчиман: азизларим, қадрдонларим, хижолат бўлманг, ҳаёт бир йил билан якун топмайди.

Мен ишонаман, мана шундай ориятли халқ билан ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиш мумкин. Пок ният билан қилган машаққатли меҳнатимиз ўз ҳосилини беражак, иншоолло.

Ишончим комилки, шу кунларга эришиш учун бир ёқадан бош чиқариб, бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилишимиз кераклигини мана шу залда ўтирганлар ҳам, мени эшитаётган барча одамлар ҳам яхши тушунади ва шу даъватимни қўллаб-қувватлайди.

Шу борада ўз олдимизга аниқ мақсад қўйиб, янги мавсумга пухта тайёргарлик кўришимиз, бунинг учун зарур ишларни уюшқоқлик билан бажаришимиз, аввало, ерни экишга тайёрлаш, ҳали ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш, энг муҳими, одамларнинг руҳини кўтариш — бизнинг ҳозирги кундаги долзарб вази-

фамиз, десам, ўйлайманки, ҳаммангиз бу фикримга қўшиласиз.

Ҳеч шубҳа йўққи, бугунги унутилмас, тарихий воқеа нафақат Хоразм эли, балки бутун Ўзбекистон аҳлини эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида ғайрат-шижоат ва қатъият билан меҳнат қилишга даъват этади, халқимизнинг кучига-куч, эртанги кунга бўлган ишончига-ишонч қўшади.

Мен сизларни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Қадим Хоразм замини дунё тургунча турсин, Хоразм эли ҳеч қачон кам бўлмасин!

Хоразм вилоятига
Жалолиддин Мангуберди
орденини топшириш
маросимидаги нутқ,
2003 йил 2 декабрь

АНДИЖОН АҲЛИНИНГ ТАШАББУСКОРЛИГИ, АЗМУ ШИЖОАТИ ВА ЖАСОРАТИНИ ХАЛҚИМИЗ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам Андижон аҳли!

Бугун мана шу фурсатдан фойдаланиб, сиз азизлар — Андижон элининг вакиллари билан юзма-юз бўлганимдан, сизларнинг кўзларингизда, чеҳрангизда табассум, хотиржамлик, бардамлик кайфияти, қувонч туйғуларини кўриб, беҳад мамнун эканимни изҳор этмоқчиман.

Ва мана шундай учрашувлар тез-тез бўлиб туришини, дийдор кўришувларимиз доимо тинч ва осуда, хурсандчилик вазиятида ўтишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз, десам, ўйлайманки, барчамизнинг орзу-умидларимизни ифода қилган бўламан.

Юртимизда мўътабар Рамазон ҳайити байрамини кутиб-кузатиб турган шу кунларда ҳаётимизда муҳим ижтимоий-маънавий аҳамиятга молик воқеалар бўлиб ўтаётганидан албатта ҳаммангиз хабардорсиз.

Бугун ҳам барчамиз яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи ва иштирокчилари бўлиб турибмиз.

Мамлакатимиз салоҳиятини юксалтириш, ислоҳотларни амалга оширишда фидойилик ва

ташаббускорлик кўрсатаётган, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, ёшларимизни элу юртга садоқат руҳида тарбиялаш борасида катта ютуқларни қўлга киритаётган Андижон вилоятига Ватанимизнинг юксак мукофоти — Амир Темур орденини топширишга багишланган тантанали маросимда қатнашмоқдамиз.

Аввалambор, халқимиз, давлатимизнинг вилоят меҳнаткашларига, бутун Андижон аҳлига ишонч ва эътирофининг юксак ифодаси бўлмиш мана шу олий мукофот билан сиз азизларни, барча-барча андижонликларни чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Қадрли биродарлар!

Андижон ҳақида, бу гўзал юртнинг қадимий тарихи, бу ерда яшайдиган одамларнинг ноёб фазилатларга эга экани, мардлиги ва вафодорлиги, ташаббус ва изланувчанлиги ҳақида кўп гапириш мумкин.

Барчамиз яхши тушунамиз, чуқур англаймизки, Парвардигоримизнинг ўзи ҳар қайси инсон ва элга ўзига хос ақл-идрок, куч ва қудрат, хусусият ва турли аломатларни ато этади.

Ҳар қайси эл-юртда бундай хусусият ва ижобий сифатларнинг рўёбга чиқиши учун албатта зарур вазият ва шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак.

Ўйлайманки, агар Андижон элининг ўзига хос салоҳияти, ана шундай олижаноб фазилатлари

айниқса истиқлол йилларида — юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш жараёнларида яққол намоён бўлмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугунги кунда саноат, ишлаб чиқариш тармоқларини оласизми, қишлоқ хўжалиги ёки ижтимоий соҳалар бўладими — уларнинг барчасида Андижон вилояти салмоқли натижаларга эришмоқда.

Албатта, бу муваффақиятларнинг сабаб ва омиллари кўп, лекин шахсан мен бунинг сирини, аввало, шу элнинг ҳеч кимга ўхшамайдиган аломат ва хосиятларида, яъни «анжанча» феълатворида, деб биламан.

Бошқа вилоятларимизни камситмаган ҳолда, очиқ айтишимиз керакки, Андижон халқи ўзининг азму шижоати, янгиликка интилиши, тадбиркорлиги билан нафақат мамлакатимизда, балки чет эллик ҳамкорларимиз ўртасида ҳам обрў-эътибор топмоқда.

Бу фикрнинг тасдигини вилоятда Америка Қўшма Штатлари ва Англия, Германия ва Франция, Италия ва Хитой, Япония ва Жанубий Корея каби ривожланган давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган 90 дан ортиқ қўшма корхона ишлаб турганида, вилоят иқтисодиётига умумий қиймати 1 миллиард 218 миллион АҚШ доллари

миқдоридаги хорижий инвестициялар киритилганида ҳам кўришимиз мумкин.

Барчамиз тушунамиз, дунёнинг бизнес оламида кўп нарсани кўрган бу одамлар анойи эмас, улар ҳамма билан ҳам ҳамкорлик қилавермайди.

Андижон элининг ақл-заковати, қобилияти, меҳнатсеварлиги, ўз сўзида қатъий туриши мана шундай шерикчилик алоқаларини ўрнатишда муҳим омил бўлаётгани сир эмас.

Шу ўринда замонавий автомобиллар ишлаб чиқараётган «ЎзДЭУавто» заводи, илғор технологиялар билан жиҳозланган «Алишер Навоий интернешнл», «Андижон кабель», «Андижон полипропилен» каби йирик қўшма корхоналар, маҳаллий хом ашё асосида ишлайдиган кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари бугун ўз маҳсулотларини дунёнинг 38 мамлакатига экспорт қилаётганини ҳам қайд этиш лозим.

Азиз дўстлар, шу қувончли дамларда сизларнинг ғайрат-шижоат акс этиб турган очиқ чеҳрангизга боқиб, бугун тарих мулкига айланган, менинг хотирамга чуқур ўрнашиб қолган айрим лавҳалар кўз ўнгимда гавдаланмоқда.

Ҳозиргидек эсимда, 1992 йилнинг 3 июлида, Олий Кенгашимизнинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтаётган бир пайтда, мен жанубий кореялик ишбилармонлар билан бирга Асака шаҳрига келган эдим. Мақсад — Ўзбекистонимизда замонавий ав-

томобиль заводи қуриш учун танланган жой билан ҳамкорларимизни таништириш эди. Албатта, биз бу масалада республикамиздаги бошқа кўп жойларни ҳам ўрганиб чиққан, уларнинг имкониятларини ҳисоб-китоб қилган эдик. Лекин пировардида бўлғуси завод учун Асака шаҳрини танладик.

Бундай қарорга келишимизга нафақат бу ерда зарур шарт-шароитнинг мавжудлиги, балки Андижон аҳлининг омилкорлиги, ўз мақсади йўлида тиниб-тинчимаслиги, бошлаган ишини албатта охирига етказиш каби хусусиятлари ҳам сабаб бўлди, десам, муболаға бўлмайди.

Биз қурилиш лойиҳасини амалга оширишга киришганимизда, кўпчилик бунга ишончсизлик билан қараган, ҳатто баъзи бир узоқ ва яқин қўшниларимиз орасида «Бу ишни СССРдай кучли давлат ҳам уддалай олмаган-у, Ўзбекистонга ким қўйибди!» — деганлар ҳам бўлган эди.

Лекин халқимиз, аввалambор, андижонликлар бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, уни рўёбга чиқариш учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилди. Биз бу йўлда қандай қийинчилик ва муаммоларга дуч келганимизни ўзимиз ва фақат ўзимиз биламиз.

Бу борада етарли тажрибамиз бўлмаса-да, барча муаммо ва тўсиқларни мардона енгиб ўтиб, шу эл-юрт қандай буюк ишларга қодир эканини амалда исботладик.

Энг муҳими, бу замонавий корхонанинг барпо этилиши наинки вилоят аҳли, айни пайтда бутун халқимизнинг тафаккури ва руҳиятини тубдан ўзгартириб, унинг ғурурини юксалтиришга, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилганини бугун фахру ифтихор билан таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Ҳаммангизга яхши маълум, ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириш, кучли рақобатга бардош бериш, унинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш осон иш эмас, албатта. Бу йўлда учраётган кўп-кўп муаммо ва қийинчиликларни енгишда инсон омили — заводнинг навқирон жамоаси, аввало бу ердаги ёш ишчи ва мутахассисларнинг малакаси, иқтидори, ишни ташкил қилиш маданияти, ўз корхонасига, ўз касбига муносабати, садоқати энг асосий таянчимиз бўлди, десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Корхонада ҳозирга қадар 342 мингдан зиёд автомобиль ишлаб чиқарилгани ва унинг 24 фоизи хорижга экспорт қилингани, янги ҳамкоримиз — Америка Қўшма Штатларининг «Женерал Моторс» компанияси ёрдамида «Матиз», «Ласетти» сингари янги русумдаги енгил машиналар чиқариш йўлга қўйилгани ҳам заводнинг замон талаблари асосида ишлаётганини кўрсатади.

Ҳурматли дўстлар, биродарлар!

Бугун сизлар билан бирга ёдга олсак арзийдиган, эслаганда кишини ҳаяжонга соладиган, кўнгилда ғурур-ифтихор уйғотадиган бундай воқеаларни Андижон вилояти мисолида кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистонимиз қўлга киритган ғалла мустақиллиги масаласида ҳам бу вилоят ва унинг меҳнаткаш, ишбилармон деҳқонлари ҳал қилувчи ўрин тутди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ёдингизда бўлса, тўқсонинчи йилларнинг бошларида биз четдан ҳар йили беш ярим миллион тонна ғаллани нақд валютага сотиб олар эдик.

Бунинг сабабини яхши биласизлар — шўро даврида қишлоқ хўжалигимиз асосан Марказ учун арзон пахта хом ашёси етказиб беришга мослаштирилган эди.

Ва ўша даврда иродаси заиф баъзи раҳбарларимиз Марказнинг кўрсатма ва буйруқларига кириб, таъбир жоиз бўлса, фақатгина уйларимизнинг томларига пахта эктирмади, холос.

Мана шу мураккаб вазиятдан фойдаланиб қолишга уринган айрим ташқи ва ички сиёсий найрангбозлар галла масаласини ёш, мустақил давлатимизга тазйиқ ўтказиш, уни юртимиз тинчлигини портлатиш қуролига айлантирмоқчи бўлгани ҳам сир эмас.

Натижада 1991 йили биз бу борада жуда оғир ҳолатни бошимиздан кечирганмиз. Бугун энди очиқ айтса бўлади, ўша қалтис пайтда мамлакат деярли очарчилик арафасида турган эди.

Ана шунда биз бу ҳаёт-мамот масаласида бировга қарам бўлмаслигимиз, ўз донимиз, ўз нонимизни ўзимиз етиштиришимиз керак, деган қатъий қарорга келдик. Лекин бу мақсадни рўёбга чиқариш осон бўлгани йўқ.

Аввало, бу ғоя эскича қарашлар ва баъзи консерватив кучларнинг қаршилигига дуч келди. Бунинг муайян сабаблари ҳам бор эди, албатта.

Етмиш йил давомида асосан пахта экиб келган тармоқда ғаллачилик бўйича етарли тажриба орттирилмаган, уруғчилик ривожланмаган, ғаллачиликка ихтисослашган техника ҳам деярли йўқ эди.

Содда қилиб айтганда, ота-боболаримиздан қолган ғаллачилик маданиятини ҳам йўқотиб қўйган эдик.

Бундай мушкул шароитда Андижон деҳқонлари бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, биринчи бўлиб «лаббай» деб майдонга чиқди ва шижоат билан ишга киришди. Барча қийинчиликларни тадбиркорлик, ишбилармонлик, изланувчанлик билан бартараф этиб, чинакам ватанпарварлик намунасини кўрсатди.

Ўзингиз ўйланг, тўрт-беш йил ичида вилоят бўйича ғалла ҳосилдорлиги гектарига 34 цент-

нердан 75 центнерга кўтарилгани ҳақиқий меҳнат жасорати эмасми?

Қисқа муддат ичида вилоятда ғалла уруғчилиги базаси яратилиб, дон етиштиришнинг «Андижон технологияси» ишлаб чиқилгани ҳам жуда катта иш бўлди.

Ҳозирга қадар бу ерда буғдойнинг ўндан ортиқ янги нави, хусусан, «Чиллаки», «Андижон-2» каби маҳаллий шароитда юқори ҳосил берадиган, тезпишар навларнинг яратилгани айниқса таҳсинга сазовор.

Ишончим комил, Ўзбекистонимизнинг ғалла мустақиллигини таъминлаш ишига андижонлик деҳқонларнинг қўшган ҳиссасини, мардлиги ва жасоратини халқимиз, тарихимиз ҳеч қачон унутмайди.

Ва шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, шу залда ўтирган азизларга, сиз орқали бутун Андижон аҳлига мана шу юксак минбардан туриб, ўша мураккаб дамларда давлат раҳбарини қўллаб-қувватлаганингиз учун, кўрсатган мардлик ва шижоатингиз учун таъзим қиламан.

Азиз дўстлар!

Халқимизда, кўпни кўрган деҳқонларимизда «Йил йилга ўхшамайди», деган бир нақл бор.

Ҳақиқатан ҳам, бу йил табиий шароит қишлоқ хўжалигимиз, жумладан, Андижон вилояти учун ҳам ҳар қачонгидан оғир бўлди. Баҳордаги

кучли жала, дўл ва селлар оқибатида катта-катта майдонларда чигитни қайта экишга тўғри келди, ёзда ҳароратнинг етарли даражада бўлмагани натижасида ҳосил кечикиб кетди.

Лекин шундай оғир вазиятда ҳам андижонлик пахтакорлар астойдил меҳнат қилиб, қарийб 280 минг тонна ҳосил олишга эришдилар.

Барчамиз Андижон аҳлининг иродаси ва қатъиятини яхши биламиз. Мен ишонаман, вилоят меҳнаткашлари ва пахтакорлари янги мавсумларда бўш келмайди, олдига қўйган марраларга албатта етади.

Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ, десам, асло муболаға бўлмайди.

Бунинг боиси — қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантириш бўйича Андижон вилоятида амалга оширилаётган самарали ишлардир.

Айниқса, андижонлик уста пахтакорларнинг ҳар бир қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, деҳқончиликда янги усул ва технологияларни жорий этиш борасида ўзига хос мактаб яратганини бугун барча-барча эътироф этмоқда.

«Андижон мактаби» деб ном олган чигитни плёнка остига экиш тажрибаси пахта ҳосилдорлигини кўтариш, тола сифатини яхшилаш билан бирга, уни етиштириш муддатини ҳам 1—1,5

ойга тезлаштириб, деҳқоннинг оғирини енгил қилмоқда.

Ҳолбуки, ҳеч ким андижонликларга «Мана шу усулни синаб кўринглар» деб тепадан буйруқ ёки кўрсатма берган эмас. Бу сизларнинг ўз ташаббусингиз, меҳнатга ва ҳаётга янгича ёндашувингизнинг яна бир намоёнидир.

Мана шундай изланишлар туфайли 2002 йил якуни бўйича вилоятда ҳосилдорлик гектарига 35 центнердан ошгани, пахта экиладиган майдонлар қисқарганига қарамай, кейинги тўрт йилда 1 миллион 360 минг тоннадан зиёд ҳосил етиштирилганини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг 27 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланаётгани ва бу кўрсаткични янада ошириш учун саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани барчамизни мамнун этади.

Вилоят аҳли деҳқончилик соҳасида эришаётган ана шу ютуқларда «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвонга сазовор бўлган таниқли ғаллакорлар Содиқжон Абдурасулов ва Отахон Аламатов, шунингдек, илғор пахтакорлар Асалхон Расулова, Одилжон Иномхўжаев, Ҳамидулло Қуббижонов ва Абдувоҳид Маҳмудов, пешқадам чорвадор Алижон Аҳмедов, моҳир пиллакорлар Зийнатхон Эрматова ва Мастурахон Мўминова сингари фидойи инсонларнинг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида

таъкидламоқчиман ва уларга самимий миннатдорлигимизни билдирмоқчиман.

Ҳурматли юртдошлар!

Андижон вилоятининг бугунги ҳаёти, келажак истиқболи ҳақида гапирганда, мен доимо бир нарсага алоҳида эътибор қаратаман. У ҳам бўлса, вилоятнинг мамлакатимиздаги аҳоли энг зич яшайдиган ҳудуд эканидир.

Андижон вилояти юртимиз умумий майдонининг 1 фоизини эгаллагани ҳолда, бу ерда республика аҳолисининг қарийб 9 фоизи, яъни 2 миллион 200 минг киши истиқомат қилади.

Барчамизга аёнки, бу ҳолат ўз навбатида кўпкўп ижтимоий масалаларни ечишни тақозо этади. Мана шундай мураккаб шароитни инобатга олган ҳолда, вилоятда қурилиш ва ободончилик, таълим-тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Буни вилоятдаги барча шаҳар ва туманларнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, олис ва чекка қишлоқлар ҳам обод бўлиб бораётганида, одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида амалга оширилаётган катта-катта ишлар мисолида кўриш мумкин.

Аҳоли турмуш шароитини яхшилашнинг асосий белгиси бўлган тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласини олайлик.

Агар 1991 йилда вилоятда ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 71 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич бугунги кунда 90 фоиздан ошиб кетди. Табиий газ бўйича эса 26 фоиздан қарийб 70 фоизга ўсиш бўлгани бу соҳада жиддий натижага эришилганидан далолат беради.

Албатта, бундай марраларга ўз-ўзидан эришилмагани, бунинг замирида қанча-қанча одамларнинг меҳнати ва шижоати ётганини ҳаммамиз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Халқимиз, миллатимиз тақдири ва келажаги учун катта аҳамиятга эга бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий этишда ҳам андижонликларнинг бошқаларга ибрат бўлаётганини алоҳида эътироф этишимиз зарур.

Бугунги кунда вилоятда 3 та академик лицей, 54 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

Айниқса, Андижон, Асака, Хонобод шаҳарлари ва Бўз туманида 9-синфни битирган ёшларнинг ана шундай замонавий ўқув масканларига тўлиқ жалб этилгани қувонарли ҳол.

Энг муҳими, бу касб-ҳунар коллежларини битирган ўгил-қизларимизни иш билан таъминлаш масаласи ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар билан биргаликда ҳал этилмоқда. Бу масала нечоғли долзарб аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши англаймиз, албатта.

Ҳозирги вақтда жойларда бир қанча мактаб биноларининг талабга жавоб бермаслиги, уларни таъмирлаш, замонавий асосда жиҳозлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлиги ҳаммамизга яхши маълум.

Андижон вилоятида бу борада яхши бир ташаббус бошлангани мени жуда қувонтирди.

Вилоятда жорий йилнинг ўзида ички имкониятларни ишга солиб, 43 та мактаб биноси тубдан қайта таъмирлангани, бунга тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар ҳам сидқидилдан ҳисса қўшаётганини эшитиб, бундай савобли ишлардан беҳад хурсанд бўлдим.

Шулар қаторида, Шаҳрихон туманидаги «Ривож» фирмаси 350 ўринли, Олтинкўл туманидаги «Сувюлдуз» фермер хўжалиги 320 ўринли, булоқбошилик тадбиркор Абдужалил Шарипов 260 ўринли, Андижон туманидаги «Мустақиллик» фермер хўжалиги 240 ўринли янги ўқув бинолари қуриб бергани алоҳида таҳсинга лойиқдир.

Бундай багрикенг, ибратли фазилатлар, мардлик ва меҳрибонлик соҳиби бўлмиш инсонларга ўз ҳурматимизни билдириш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Мана шундай интилиш ва амалий ҳаракатлар, ўз навбатида, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг малака ва билим даражасини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Қўрғонтепалик ўқитувчи Муҳаммадали Турсуновнинг «Алифбе» китоби, булоқбошилик Махфират Абдуллаеванинг инглиз тили дарслиги, шаҳрихонлик Камолиддин Ғофуровнинг кимё фани бўйича ўқув қўлланмаси яратгани ҳам шуни исботлаб турибди.

Мен, бугунги имкониятдан фойдаланиб, унибўсиб келаётган ёш авлодимиз тарбиясига ҳаётини бағишлаган вилоятдаги барча фидойи ўқитувчилар, муҳтарам устоз-мураббийларга чуқур ва самимий ташаккурларимни айтишни ўз бурчим деб биламан.

Андижон вилоятида кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, вилоят бўйича 255 та қишлоқ врачлик пункти, оналар ва болалар саломатлигини сақлашга ихтисослашган замонавий муассасалар, шошилинч тиббий ёрдам марказлари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниқса, бугунги кунда Андижон шаҳри том маънода республикамиздаги йирик тиббий марказлардан бирига айланиб бораётгани эътиборлидир.

Бу ердаги тиббиёт институтида олиб борилаётган илмий изланиш ва тадқиқотларнинг халқаро миқёсда тан олинаётгани ҳам Андижон олимларининг юксак салоҳиятини кўрсатади.

Қадрли дўстлар!

Андижон вилояти қўлга киритаётган барча ютуқларда одамларнинг онгу тафаккурини, ҳаётга қарашини ўзгартиришга, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, жамиятда юксак маънавий муҳитни қарор топтириш ишига зиёлилар, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Биз мана шу олижаноб мақсад йўлида астойдил хизмат қилаётган Сайфиддин Жалилов ва Зокиржон Машрабов, Дилшодахон Қурбонова ва Фатҳиддин Исоқов, Тўлан Низом, Қамчибек Кенжа ва Гулнора Бозорова каби ўнлаб маънавиятимиз фидойиларининг хизматларини қадрлаймиз ва юқори баҳолаймиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Бугунги кунда спортнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман. Лекин Андижон ҳақида гапирганда, спорт ҳақида тўхталмасдан иложи йўқ. Чунки вилоятда кейинги йилларда том маънодаги спорт мактаблари шаклланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятда барпо этилган янги спорт мажмуалари — Андижон шаҳрига беҳад ярашиб турган Олимпия захиралари коллежи, 20 минг ўринли «Соғлом авлод» стадиони ёшларимизнинг янги-янги

ғалабаларга эришишида пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Шунингдек, бу йилнинг ўзида 61 та янги спорт иншооти қуриб битказилгани, 700 дан зиёд спорт зали ва майдончалари тубдан қайта таъмирлангани ҳам мана шунга хизмат қилади.

Андижон спорт мактабининг ёрқин намояндалари — олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон чемпионлари Руслан Чагаев ва Ўткирбек Ҳайдаров, жаҳон кубоги ғолиблари Антонина Москалёва ва Татьяна Левина каби халқаро майдонларда Ўзбекистонимиз байрогини баланд кўтариб келаётган моҳир спортчиларимиз билан бутун халқимиз ҳақли равишда фахрланади.

Айниқса, жаҳон спорти юлдузларига айланган боксчи ўглонларимиз шарофати билан спорт оламида «Андижон бокс академияси» деган ибора пайдо бўлгани барчамизга мамнуният етказади.

Ана шундай спортчиларимиз изидан бориб, халқаро мусобақаларда дастлабки ютуқларни қўлга киритаётган Темур Шириев ва Муҳаммадумар Мадаминов, Ирина Мороз ва Вероника Қирғизбоева каби андижонлик ёшларимиз тимсолида биз юртимиз спортининг истиқболига ишонч ҳосил қиламиз.

Муҳтарам биродарлар!

Бизнинг кўҳна ва шонли тарихимиздан маълумки, улуғ Амир Темур бобомиз азму шижоат

соҳиби бўлган, мард ва жасур, тадбирли инсонларни ҳамиша юксак қадрлаган, шундай одамларга суяниб-таяниб иш тутган.

Соҳибқирон ҳазратлари орзу қилган ана шу хислат ва фазилатлар бугунги кунда юртимизда, жумладан, Андижон элининг табиатида тобора кучайиб бормоқда, десам, ўйлайманки, ҳақ гапни айтган бўламан.

Бугун мана шу олий мукофотни Андижон вилоятига топширар эканман, она юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида сиз, андижонлик қадрдонларим эришаётган улкан ютуқлардан мен ҳам қувонаман, мана шу ишларда кўпчилик қатори менинг ҳам озми-кўпми ҳиссам борлигидан кўнглим тоғдек кўтарилади.

Азиз дўстларим, ватандошларим!

Халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий-руҳий қудратимиз рамзи бўлмиш соҳибқирон Амир Темур номи билан аталган шарафли мукофот барчангизга муборак бўлсин!

Андижон халқининг бахти ва омадини берсин, Андижон замини ҳамиша гуллаб-яшнасин!

Андижон вилоятига
Амир Темур орденини топшириш
маросимидаги нутқ,
2003 йил 3 декабрь

КОНСТИТУЦИЯ – ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ҲАЁТ, ЯНГИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Аввалambор, сиз, азизларни, сизлар орқали барча халқимизни Конституциямизнинг ўн бир йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз ҳар йили бу қутлуг санани пойтахтимиз Тошкентда, вилоят ва шаҳарларимизда, бутун мамлакатимизда кенг нишонлаймиз. Шу муносабат билан Асосий қонунимизнинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамияти, унинг олдимизга қўяётган вазифалари ҳақида сўз юритамиз.

Ҳозиргина Олий Суд раиси Фарруҳа Муҳиддиновaнинг мазмунли маърузасида баён этилган фикрларга қўшилган ҳолда, рухсатингиз билан, мен ҳам ўзимнинг Конституциямизга алоқадор баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Мана, 11 йилким, биз ҳаётимизнинг Асосий қомуси бўлмиш, яъни давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугунги қиёфаси, ҳаёт тарзи, балки келажагини ҳам белгилаб, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий замин ва пойдеворини

муҳрлаб берувчи Конституциямиз асосида яшаб келмоқдамиз.

Мана, 11 йилким, Конституциямизда зикр этилган мақсад ва муддаоларга эришиш, юртимизда тинч, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш, халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш йўлида том маънода белимизни қаттиқ боғлаб меҳнат қилмоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизда, ҳар қайси оила ва фуқаромиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчасини Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, деб қабул қиламиз.

Шунинг учун ҳам бугун мана шу давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни баҳолар эканмиз, эришган натижа ва марраларимизни Конституциямиз олдимизга қўйган мақсадлар билан қиёслаб-таққослаб, тегишли хулосалар чиқариш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Албатта, Конституциямиз ғояларини амалга оширишда қўлга киритган ютуқларимиз, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин мен, шу фурсатдан фойдаланиб, ҳаётимиздаги ҳали-бери ечилмаган муаммо ва нуқсонлар, олдимизда турган тўсиқ ва ғовлар, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритиш,

уларни бартараф этиш ҳақида бош қотириш кераклигини уқтириб ўтмоқчиман.

Нега деганда, биз ўз фаолиятимизга танқидий, холисона баҳо бермас эканмиз, то ҳануз йўлимизда дуч келаётган нуқсон ва камчиликларни тан олмас эканмиз, уларни ечишга четдан келиб ҳеч ким ёрдам бермайди. Бу аччиқ ҳақиқатни барчамиз ўз ҳаётимизда, ўз мисолимизда кўрдик ва кўрмоқдамиз.

Содда қилиб айтганда, шуни яхши тушуниб олиш керакки, ютуғимиз ҳам, камчилигимиз ҳам фақат ўзимизники. Бу камчиликларнинг, ҳаётимизда ҳамон учраётган қийинчилик ва етишмовчиликларнинг пайдо бўлишига аввало ўзимиз сабабчимиз ва уларни бартараф этиш учун ҳам ўзимиз жавобгармиз.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ ўз кучимизга, ақл-заковатимиз, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга, динимиз ва тилимизга таянган ҳолда, айни пайтда демократик эркин дунё эришган ютуқларга ҳамоҳанг бўлиб, ўзимизга мос, ўзимизга хос йўлни танладик ва бу сиёсатни қатъиятлик билан олиб бормоқдамиз.

Шу ўтган вақт мобайнида қанча-қанча суронли кунларга дуч келмадик, ҳаётнинг ўзи бизларни не-не синовлардан ўтказмади.

Ва бугун ҳам — буни очиқ айтиш керак — дунёда, узоқ ва яқин атрофимизда давом этаётган

нотинчлик, халқаро майдонда терроризм хатари кучайиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, биз қандай таҳликали, ўта хавфли замонда яшаётганимизни тасаввур қилиш қийин эмас.

Мана шундай вазиятда эл-юртимизни эсон-омон, осмонимизни мусаффо сақлаш, ўз танлаган тараққиёт йўлимиздан оғишмай олдинга юриш нақадар оғир ва мураккаб вазифа экани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча, деб ўйлайман.

Биз, ўз тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда, шунга ишонч ҳосил қилдикки, юртимиздаги, ён-атрофимиздаги вазият қанчалик мураккаблашса, бизга маслаҳат ва тавсия берувчилар, ўз таъсирини ўтказишга уринувчилар ҳам шунча кўпайиб борар экан.

Бундай кучлар бизнинг маҳаллий шароитимизни, анъана ва қадриятларимизни, турмуш тарзимизни, дунёқарашимизни, минг йиллик тарихимизни яқиндан билмасдан туриб, ўз фикрини ўтказишга ҳаракат қилади. Бундай интилишлар негизида, албатта кимнингдир қандайдир манфаати борлигини тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу минбардан туриб бугунги кунимиз, келгуси авлодларимиз олдида ўз масъулиятимизни чуқур сезган, англаган ҳолда, бир ҳақиқатни қатъиятлик билан таъкидламоқчиман: биз ҳеч кимга тобе бўлмасдан, турли сиёсий ўйинлар

гирдобига тушмасдан, ўз миллий манфаатимизга жавоб берадиган мустақил сиёсатни давом эттирамиз.

Агар баъзиларга ўхшаб, кимнингдир етовида кўр-кўрона юрадиган бўлсак, тақдиримизни ҳал қилувчи масалалар бўйича узоқни кўзламасдан, енгил-елпи қарорлар қабул қилсак, ўйлайманки, бундай сиёсатнинг умри қисқа бўлади. Ва бундай йўл охир-оқибатда келажагимизга зиён етказиши, оғир пушаймонликка олиб келиши муқаррар.

Биз яхши биламиз ва жаҳон тарихи ҳам шундан далолат беради, ўз миллий анъаналари, қадриятлари ва томирларидан узилмаган, ўз қадр-қиммати ва ғурурини сақлай оладиган давлат ва миллат ўз мурод-мақсадига етади.

Шу маънода, Конституция тамойилларига асосланган ички ва ташқи сиёсатимиз мана шу давр мобайнида ҳар томонлама ҳаёт синовидан ўтди. Ҳатто бизни хуш кўрмайдиган айрим сиёсатчи ва таҳлилчилар ҳам бу йўлнинг тўғри эканини тан олди ва бу сиёсат бугун ўзининг ижобий натижалари ва ҳосилини бермоқда.

Бунинг исботини ҳаётимизнинг барча босқич ва соҳаларида — бу давлатимиз ва жамиятимиз сиёсий-ижтимоий тизимининг янгича, халқаро демократик асосларда шаклланиши бўладими, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш модели бўладими, юртимиз тинчлиги ва

сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлашга қодир Қуролли Кучларни барпо этиш бўладими, халқаро майдондаги обрў-эътиборимизнинг юксалиши, халқимизга куч-қувват берадиган миллий ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш жараёнлари бўладими — буларнинг барчасида биз танлаган йўл ва ислоҳотларнинг самарасини кўришимиз мумкин.

Иқтисодиётнинг, аввало, етакчи соҳаларнинг таркиби тубдан ўзгариши, янги-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг пайдо бўлиши, рақобатга бардошли маҳсулот ҳажми ва экспорт салоҳиятининг ўсиши, миллий валютамизнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувига эришганимиз ва унинг тобора мустаҳкамланиб бориши, нарх-навонинг жиловланиши, умуман, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиши — булар аввалambор халқимизнинг ҳаёт даражасига ижобий таъсир ўтказаётгани ҳақида гапиришга бугун тўлиқ асос бор.

Хабарингиз бор, яқинда матбуотда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро Болалар ташкилоти бўлмиш ЮНИСЕФнинг 2003 йил ижтимоий мониторинги натижалари эълон қилинди.

Холис ва аниқ далилларга асосланган ушбу ҳужжатда юртимизда оналик ва болаликни муҳо-

фаза қилиш, умуман, инсон ҳаётини ҳимоялаш ва қадрига етиш йўлида биз қўлга киритаётган ютуқларнинг эътироф этилиши ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, одамларимиз онгу тафаккури, маънавий дунёсининг замонга мос равишда ўзгариб бораётгани юртимиздаги янгиланишлар жараёнининг энг муҳим белги-аломатидир, десак, асло хато бўлмайди.

Албатта, ҳар қандай жамият ривожи учун моддий асослар зарур. Бусиз бугунги тараққиётни мутлақо тасаввур этиб бўлмайди. Лекин, шу билан бирга, инсоният ҳаёти учун маънавий асослар ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимизда таълим-тарбия, билим ва тафаккур бугунги кунда етакчи ва ҳал қилувчи ўринга қўйилмоқда. Миллий уйғониш руҳи, миллий ғоя ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Агар мендан, бугун биз қандай энг муҳим ва устувор йўналишларга эътибор қаратишимиз керак, деб сўраса, мен бу борада кейинги йилларда ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўяётган масалаларни алоҳида кўрсатган бўлардим.

Лўнда қилиб айтганда, ташқи сиёсат соҳасида узоқ-яқин қўшниларимиз билан тил топишиб, аҳил бўлиб яшаш, дунёнинг етакчи давлатлари —

у АҚШ ёки Европа Иттифоқи мамлакатлари бўладими, Россия ёки Хитой, Япония ёки Жанубий Корея бўладими — барчаси билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, уларнинг куч-қудрати ва бизга бўлган хайрихоҳлигидан ўзаро манфаатли муносабатлар йўлида фойдаланишимиз лозим.

Ички сиёсатимиздаги энг муҳим йўналиш эса — бу ҳам жуда чуқур, принципиал аҳамиятга эга — ҳаётимизнинг барча жабҳаларини либераллаштириш, ўзбекча айтганда, эркинлаштириш ва яна бир бор эркинлаштиришдир.

Яъни, тараққиёт пойдевори бўлмиш иқтисодиёт соҳасига давлат аралашувини кескин камайтириш, хўжалик юритувчи корхона ва ташкилотларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, бозор муносабати тамойилларига сўзда эмас, амалда риоя қилиш, унинг қонуний кафолатларини ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Энг муҳими, ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракатига кенг имкониятлар очиб бериш. Кичик ва хусусий бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари, яъни ишнинг негизини биладиган одамлардан таркиб топган бу тоифа салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш.

Бугун мамлакат ялпи ички маҳсулотида уларнинг ҳиссаси учдан бир қисмни ташкил этаёт-

ган бўлса, яқин беш-ўн йил ичида бу кўрсаткични 50-60 фоизга етказиш энг долзарб вазифаларимиздан бири бўлмоғи керак.

Бу эса, ўз навбатида, кўп-кўп масалаларни, аввало, ишсизлик масаласини, қатор ижтимоий муаммоларни ечиш, жамиятда барқарорликни таъминлаш имконини беради.

Мухтасар қилиб айтганда, ташқи ва ички сиёсатимиз йўналишларини белгилаб берадиган бундай ёндашув пировард натижада — мен буни аниқ ва масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда айтмоқчиман — халқимиз ва келажак авлодларимизнинг эркин ва озод бўлиб, дунё ҳамжамияти билан тенг бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қадрли юртдошлар!

Барчангизга яхши маълум — кейинги йилларда юртимизда ҳар қайси йилга, сизлар билан маслаҳатлашган ҳолда, алоҳида ном бериш ўзига хос бир анъанага айланиб қолди.

Бундан мақсад, биз шу тариқа ҳаётимиздаги бугунги кунда энг долзарб масалалардан бирини жамиятимиз, халқимизнинг эътибор марказига қўйиб, бу муаммони ечиш учун давлат ва унинг ҳокимият идораларини жалб этамиз.

Айни пайтда жамоатчилигимизни, шу юртда яшайдиган, шу заминга фарзандлик меҳри билан қарайдиган барча одамларни ҳам бу ишга

баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиш учун сафарбарликка даъват этамиз.

1997 йилдан буён қайси йилни олмайлик —бу Инсон манфаатлари ёки Оила йили бўладими, Аёллар ёки Соғлом авлод йили бўладими, Оналар ва болалар ёки Қарияларни қадрлаш йили бўладими — уларнинг барчаси негизида ана шундай олижаноб мақсад-муддаолар мужассам эканини кўриш мумкин.

Чунончи, янги асрнинг учинчи йилини юртимизда "Обод маҳалла йили" деб номлаганимиз замирида ҳам катта эзгу ниятлар кўзда тутилганидан сизлар яхши хабардорсиз.

Шу мақсадларда тузилган махсус дастур ва уни амалга ошириш бўйича эришилган пировард натижаларни баҳолайдиган, ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, бу дастур аввало юртимиздаги ҳар қайси инсон ва оиланинг ҳаёт тарзи ва шароитини яхшилаш, имкон борича одамларга эркинлик ва қулайлик яратиб беришга хизмат қилаётганини кўрамиз.

Бугун ҳам мана шу тантанали мажлисда қатнашаётган сиз, азизлар кириб келаётган янги йилимизга қандай ном бериш ҳақида ўйлаётганингизни мен яхши тушунаман.

Чунки ҳар қайси йилга қандай ном беришни, шу ном замирида мужассам бўлган вазифаларни амалга ошириш учун тайёргарлик бошлашни халқимиз орзиқиб кутади, десам, хато бўлмайди.

Шуниси эътиборга моликки, биз бу борада бошқалардан фарқли ўлароқ, амалий ишларга кўпроқ эътибор қаратамиз. Ҳар йили биз ўз олдимизга аниқ мақсад қўйиб, уни рўёбга чиқариш учун белимизни маҳкам боғлаб, аввало халқимизга суяниб иш кўрамиз.

Эл-юртимизни бугун қандай муаммолар ўйлантиряпти, олис ва чекка қишлоқларда одамлар қандай мақсадлар билан яшаяпти, нима устида бош қотиряпти, қандай камчиликлардан норози бўляпти ва уларнинг огирини енгил қилиш учун нималар қилишимиз керак — ана шу масалалар ҳар қайси йилга ном беришда доимо бизнинг диққат-эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Азизлар, бугунги муаммолар, олдимизда турган бир-биридан долзарб, бир-биридан мураккаб масалаларнинг барчасини, албатта, бир-икки йилда ечиб, ҳал этиб бўлмаслигини сизлар яхши биласиз.

Биз 12 йил давомида кўп нарсани ўргандик, кўп нарсага ақлимиз етадиган бўлди. Бир вақтлар, энг оғир ва мураккаб пайтларда, бошимизга тушган қийинчиликларга ҳам бардош бердик.

Биз 90-йилларда ким эдик, бугун ким бўлдик? Аввалги савиямиз қандай эди-ю бугунги савиямиз қандай?

Агарки, мендан шундай деб сўраса, мен айтардим: 90-йилларда одамларимизнинг ақл-закова-

ти, онгу тафаккури, дунёқараши бутунлай бошқача эди, ўз меҳнати, ўз ишидан манфаатдорлик туйғуси деярли йўқ эди.

Бугунги ҳаётимизнинг фарқи шундаки, аввалambор, юртдошларимизнинг кўзи очилди, улар ўз кучига ишониб яшайдиган бўлди, керак бўлса, ўз қобилияти, худо берган иқтидорини амалга ошириш имконига эришди.

Чунки биз доимо халқимиз ҳаёти билан боғлиқ масалаларда шошилмасдан, бошимиздан дўппини олиб қўйиб, чуқур ўйлаган, узоқни кўзлаган ҳолда, кўпчилик билан бамаслаҳат иш тутдик.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мен барчангизга, аввало, содда ва меҳнаткаш, бағрикенг, кўпни кўрган, буюк йўлга отланган халқимизга ҳаётнинг қийинчиликларига сабр-бардош билан чидаб келаётгани, тўғри йўлни танлашда менга кўмакдош бўлгани учун чин қалбимдан, такрор ва такрор миннатдорлик билдираман.

Шу билан бирга, янги йилга ном бериш, келгуси йилда биз учун қандай масалалар устувор аҳамиятга эга бўлишини аниқлаб олиш учун аввало "Обод маҳалла йили" бўйича баъзи бир фикрларимни сизларга етказишни маъқул, деб биламан.

Ўйлайманки, "Обод маҳалла йили"да амалга оширган кўпгина ишларимизга, 2003 йил нати-

жаларидан келиб чиққан ҳолда албатта якун ясаймиз.

Ушбу масала бўйича марказда ва жойларда мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилади.

Йил давомида амалга оширган хайрли ишларимизнинг ташаббускор ва ташкилотчилари бўлган фаолларимизнинг меҳнатига ҳам муносиб баҳо берилади.

Менга буюрса, аввало, ўз ишини қандайдир ҳисобот ёки кўз-кўз этиш, кимгадир миннат қилиш учун эмас, балки дил амри, қалб эҳтиёжи деб биладиган, ён қўшни — жон қўшниси, ўз маҳалласи учун жон куйдириб ишлаётган бундай инсонларни бошимга кўтарардим, бағримга босиб, ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдирардим.

Ҳаётга мана шундай фаол муносабат билан яшайдиган, меҳнати доим ҳам кўзга ташланмайдиган, аммо жамият учун ўта зарур, ўта муҳим вазифани адо этадиган ана шундай одамлар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам кам бўлмайди, десам, ўйлайманки, сизлар менинг фикримга қўшиласиз.

Азиз дўстлар!

Мен ҳозир сизларнинг ҳузурингизда "Обод маҳалла йили" дастурининг ижроси бўйича батафсил ахборот бериб ўтирмасдан, бу борада бажа-

рилган энг муҳим ишларнигина эслатиб ўтсам, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Аввало, шуни қайд этиш керакки, йил давомида маҳаллаларимизни янада обод қилиш мақсадида кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўплаб маданий-маиший бинолар, спорт майдончалари, хиёбон ва боғ-роғлар барпо этилди.

Буни 1 миллиард 745 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланиб, 310 та маҳалла гузари бунёд қилингани, шаҳар ва қишлоқларимизда 25 миллиондан зиёд дарахт кўчатлари ўтқазилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда долзарб масала бўлган маҳаллалар аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун қарийб минг километрлик сув тармоғи ва 1 минг 322 километрлик газ тармоги ишга туширилгани, бу эса одамларнинг, аввало, аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга сезиларли таъсир кўрсатишини айтиб ўтиш жоиз.

Айни пайтда маҳалла ва мавзелар ҳудудидаги минг километрдан ортиқ йўл қайта таъмирланиб, ободонлаштирилгани ҳам бу борада амалга оширган катта ишларимиз қаторига киради.

Бу ишларнинг кўпчилиги ота-боболаримизнинг эзгу удуми бўлмиш ҳашар йўли билан бажарилгани айниқса ибратлидир.

Шу маънода маҳалла фаолларининг ташаббуси билан Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарларида қарийб 12 ярим миллион ҳамюртимиз иштирок этганини, ҳеч шубҳасиз, миллий қадриятларимизнинг яна бир амалдаги намоёни деб баҳолаш мумкин.

Жорий йил давомида юртимиздаги 5 минг 630 та маҳалла ҳудудида кўплаб кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш ҳисобидан қарийб 155 мингта янги иш ўрни яратилгани ва бунинг натижасида кам таъминланган фуқаролардан 110 минг нафари иш ўрнига эга бўлгани айниқса диққатга сазовор.

Бу муҳим ишга тижорат банклари томонидан 36 миллиард 155 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан қарийб 8 миллиард сўм, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 миллиард 700 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилгани кўпгина муаммоларни ҳал этиш учун имкон яратди.

Дастур доирасида 1 миллиард 200 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Икки ёшгача бўлган болалар тарбияси билан шуғулланаётган 400 мингдан зиёд аёлга давлат томонидан нафақа пули тайинланди, шунингдек, 180 мингта

кам таъминланган оилага қарийб 4 миллиард сўм миқдорида моддий кўмак берилди.

Бунга қўшимча равишда республика "Маҳалла" жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан муҳтож оилаларга 509 миллион сўм маблағ ажратилганини, кўп болали оилаларнинг 240 минг нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда бепул дам олдирилганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Муҳтарам қарияларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бўйича аввалги йилларда бошланган кенг кўламли ишларимиз 2003 йилда ҳам изчил давом эттирилди.

Бу борада 25 мингдан зиёд ёлғиз пенсионер ва ногиронларга 630 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, дори-дармонлар сотиб олиш, коммунал тўловлар, саломатлигини тиклаш учун қўшимча маблағлар ажратилди, 28 мингдан ортиқ ёлғиз қария тиббий кўрикдан ўтказилиб, республика ортопедия корхонаси ва унинг ҳудудий бўлимларида ногиронларнинг 78 фоизига протезлар тайёрлаб берилди.

Маҳаллалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, асрлар давомида унинг багрида шаклланиб келаётган ибратли анъана ва қадриятларни ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш борасида ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилгани эътиборлидир.

Шу мавзуда илмий-оммабоп, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар ва телекўрсатувлар яратилгани, турли кўргазмалар ташкил этилгани бунга мисол бўла олади.

Жумладан, Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб НАТОнинг Брюсселдаги штаб-квартирасида ва Бельгиянинг бир қанча шаҳарларида "Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва урф-одатлар" номли кўргазма намойиш этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, якунига етиб бораётган йилни маҳалла муаммоларига бағишлаганимиз бу борада бошлаган ишларимизни давом эттириш, яна кўплаб ишларни эса жойидан силжитиш учун ўзига хос туртки бўлди.

Аввалambор, маҳаллага кўпроқ аҳамият бериш, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш, жамиятимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга доир қатор масалаларнинг қонуний асосда ҳал этилишига имкон туғилди.

Шу билан бирга, маҳалла тизимига доир айрим муаммолар ҳали-ҳозир ўз ечимини топмаганини ҳам эътироф этиш лозим. Бу масалаларни ҳал қилиш устида тинимсиз иш олиб бориш бундан буён ҳам бизнинг доимий эътибор марказимизда бўлиши керак.

Азиз дўстлар!

Биз маҳаллалар ҳақида кўп гапирамиз, олижаноб фикрларни билдирамиз. Албатта маҳалла-

ларнинг елкасига жуда кўп юмушларни юклаш мумкин, лекин шу вазифани қандай маблағлар ҳисобидан бажариш, бунинг учун фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда маҳалла оқсоқолларининг қандай ваколатларга эга бўлиши лозимлигини ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз керак.

Барчангизга яхши маълумки, маҳалла — бу ўзини ўзи бошқарув идораси. Шу боис унга қандайдир тазйиқ ўтказиш ёки ноқонуний буйруқлар бериш ярамайди, мен бунга мутлақо қаршиман.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалла халқимизнинг ўзи асрлар давомида ижод қилган том маънодаги демократик идора тариқасида одамларнинг сиёсий, ижтимоий савиясини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Халқимизнинг "Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла" деган нақли ҳам айнан шу маънода айтилган, десак, асло хато бўлмайди.

Шунинг учун ҳам маҳаллада яшайдиган ҳар қайси одам — у ишчи ёки ўқитувчи, раҳбар ёки пенсионер бўладими — ким бўлишидан қатъи назар, маҳалла идорасига келганида, албатта, бир ният, бир ташвиш ёки илтимос билан келади.

Шундай экан, маҳаллага мурожаат қилган ҳар қайси инсонни қуруқ гаплар билан жўнатиш эмас, балки уларнинг талаб ва илтимосини қон-

диришга ҳаракат қилиш лозим. Биз ана шу масала устида чуқурроқ ўйлашимиз зарур, деб ўйлайман.

Биз ҳозирги вақтда нафақат бошқарув борасида, балки марказий идоралар, вазирликлар, хусусан, Молия вазирлиги орқали мамлакатимиз бюджетини амалга ошириш билан боғлиқ кўпгина масалаларни ҳам маҳаллий ҳокимият идораларига босқичма-босқич ўтказиб боряпмиз.

Лекин бу ваколатларни вилоятлардан туманларга, туманлардан эса маҳаллаларга ўтказиш борасида бирмунча оқсоқлик кўзга ташланмоқда.

Мен бу ўринда яна бир нарсага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман. Бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларидан келиб кўрган одамлар фақат бизнинг юртимизда мавжуд бўлган, ноёблиги билан кўпчиликнинг ҳавасини ўзига тортадиган маҳалла идорасининг афзалликларига тан бермоқда.

Улар халқимизнинг ана шу тизимга суяниб ва таяниб, ўз келажагини қураётганини яхши баҳоламоқда. Чунки маҳаллада одамлар эркин яшаши, ўз фикрини эркин билдириши, камчиликларни бемалол танқид қилиши мумкин.

Шунинг учун ҳам маҳаллада бир киши ўз фикрини ўтказишига мен мутлақо қаршиман. Маҳалла том маънодаги жамоа бўлиши керак. Маҳаллага шундай шароит туғдириб бериш ке-

ракки, токи унда яшайдиган ҳар қайси инсон ўз ҳуқуқини яхши билсин ва маҳаллага суяниб, маҳалланинг ваколатларидан фойдаланиб, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга қодир бўлсин.

Шу кунларда юртимизда бўлиб ўтаётган ўзини ўзи бошқариш идораларига сайловлар ҳал қилувчи босқичга кирганидан барчангиз хабардорсиз, албатта.

Бу сайловларнинг юртимиз ҳаётидаги аҳамияти беқиёс. Нега деганда, мамлакатимиздаги 10 мингга яқин маҳалла оқсоқоли, қарийб 75 минг раис маслаҳатчиси ҳамда турли комиссияларнинг раислари ана шу сайловлар орқали сайланади.

Бу масаланинг жамиятимиз ҳаёти учун муҳимлигини ҳисобга олиб, фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчиларининг ўрни ва фаолиятини қонуний нуқтаи назардан янада мустаҳкамлаш мақсадида уларни сайлаш тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш керак, деб ўйлайман. Ва уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш тўғрисида таклифлар тайёрлашни маъқул, деб биламан.

Маҳалла ҳақида гапирганда, яна бир масалага тўхталмасдан бўлмайди.

Кейинги вақтларда маҳалланинг обрўсини тўкишга қаратилган маълум бир уринишлар ҳам бўляпти. Ҳозир дунёда нима кўп, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари кўп.

Ана шу ташкилотларнинг баъзи бир вакиллари мамлакатимизга келиб, маҳаллаларда аёлларнинг ҳуқуқи бузиляпти, деган мазмундаги бўҳтондан иборат ахборотларни тарқатмоқда.

Улар, нега аёллар ўз оилавий можароларини ечиш учун судга эмас, маҳаллага мурожаат қилмоқда, деган саволни ўртага ташламоқда. Маҳаллани ҳам давлат ҳокимиятининг бир тизими деб тушуниб, уни қандайдир тазйиқ ўтказадиган идора сифатида кўрсатишга уринмоқда.

Чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, бундай ноўрин даъволарнинг замирида бизнинг халқимизга хос бўлган фазилатларни, миллий турмуш ва тафаккур тарзини тушунмаслик, ҳамма нарсани Ғарбдаги мезонлар билан ўлчашга уриниш ҳаракатлари ётганини кўриш мумкин.

Ҳаммамиз яхши биламизки, бизнинг халқимизда ор-номус, андиша, ҳаё ва ибо деган тушунчалар ниҳоятда кучли. Бу эса кўпинча уйдаги можарони ҳал қилиш учун ариза ёзиб, судга чопишга йўл бермайди.

Оилавий келишмовчиликларни нари борса маҳалла доирасида, кўпни кўрган кексалар, фаоллар ёрдамида ҳеч кимга овоза қилмай, ортиқча расмиятчиликка йўл қўймай ҳал этиш — бу ота-боболаримиз амал қилиб келган азалий одат. Ким нима демасин, биз бундан ҳеч қачон воз кечмаймиз.

Албатта, биз инсон ҳуқуқларини юксак қадрлаймиз, бу борада бирон-бир адолатсизлик ёки қонун талабларидан чекинишга асло йўл қўймаймиз. Чунки бу дунёда ҳар ким ўз хоҳишига кўра яшашга, ўзи хоҳлаганча иш тутишга ҳақлидир.

Бугун биз суд тизимини айнан ана шундай қарашлар асосида ислоҳ қиляпмиз. Шу мақсадда судларда ярашув амалиёти ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу ўзаро келишув йўли билан ҳал бўладиган масалани жанжал кўтармасдан, беҳуда аризабозлик, бир-бирини ҳақорат қилмасдан ҳал этиш имконини беради.

Бундай ярашув жараёнларини маҳаллаларда амалга ошириш учун обрўли оқсоқоллар, ота-оналар бор, керак бўлса, жамиятда одоб-ахлоқ, шарму ҳаё каби фазилатларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маънавият фаоллари, маҳалла имомлари бор. Биз уларнинг билим ва тажрибаси, куч ва имкониятларини шу йўл билан жамият ҳаётининг устуни бўлган оилани мустаҳкамлашга қаратмоқчимиз.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз юртимизда эркин демократик жамият барпо этяпмиз. Лекин бизнинг ҳар бир ҳаётий масалада ўз фикримиз, ўз қарашимиз бор.

Менимча, дунёда ҳар қандай жамиятни шакллантиришда асрлар давомида тажрибадан ўтиб келаётган иккита қараш бор. Биринчи қараш —

маҳалла, яъни жамоа бўлиб яшаш. Иккинчиси — индивидуалистик тарзда, ўз шахсий манфаатларини биринчи ўринга қўйган ҳолда яшаш.

Фақат ўз манфаатини ўйлаб, худбинлик кайфияти билан яшаш бизга тўғри келмайди. Афсуски, баъзи кўпқаватли уйларда яшайдиган айрим одамлар ишдан келибоқ ўз подъездига кириб кетадию бошқалар билан иши бўлмайди, ҳатто ён қўшниси ким эканини ҳам билмайди.

Бунинг натижасида бундай одамларда бепарволик шу даражага етадики, улар ўзи яшаб турган хонадоннинг атрофини супуриб-сидириб, тартибга келтиришни ҳам ўйламайди.

Гўёки кимдир ташқаридан келиб, унинг остонасини супуриб бериши керак. Баъзан айрим масалаларда ишни бамаслаҳат ташкил қилиш ўрнига бир-бирининг устидан шикоят ёзиш билан, бир-бирининг кўнглини хира қилиш билан шуғулланади.

Арзимаган ҳаётий масалаларни ҳам ўз шахсий манфаатини кўзлаб, жанжал ва суд орқали, тортишув орқали ҳал қилиш, ортиқча можароларга бориш, ўйлайманки, бундай йўл халқимизга маъқул бўлмайди.

Бугунги кунда юртимиздаги ҳар бир одамни руҳлантириш, унга мадад бериш, унинг йўлини очиб бериш, ҳуқуқини ҳимоялаш керак. Мен фақат битта нарсага қаршиман, дунёнинг турли

жойларида баъзи бир ишлар, хунук одатлар жорий бўлаётганидан ва уларнинг бизга ҳам таъсир ўтказиши мумкинлигидан хавотирланаман.

Кўпчилигингизнинг хабарингиз бор, Берлинда, Римда, Европанинг бошқа кўп шаҳарларида намойиш ўтказиш баҳонасида эркагу аёл шарму ҳаёни йўқотиб, подадек қип-ялангоч бўлиб юрганини телевидениеда гоҳ-гоҳ кўрсатиб қолади.

Бундай "эркинлик", бундай "маданият" бизга тўғри келмаслигини ҳеч кимдан қўрқмасдан айтишимиз керак. Чунки биз ўз ҳаётимизни ўзимиз истагандек барпо этишга ҳақлимиз. Бу ҳуқуқни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди.

Шахсан ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, сизларга кўнглимдаги гапни очиқ айтмоқчиман: мен мусулмон бўлиб туғилганман ва мусулмон бўлиб қоламан.

Биз бошқа динларга, бошқа миллат ва элатларга, уларнинг урф-одатларига ҳурмат билан қараймиз. Ёшларимиз, албатта, Ғарб маданиятидан, бугунги демократия тамойилларидан хабардор бўлиши керак, лекин ота-боболаримиздан қолган, бизга динимиз уқтирадиган арконлардан, қоидалардан ҳеч қачон чекинмаслик лозим.

Мана шу залда ўтирган ёшларимизга қараб айтмоқчиман: ўз дини, ўз миллатига содиқ бўлган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди, буни доимо ёдингизда тутишингизни хоҳлардим.

Ҳурматли юртдошлар!

Кўряпсизки, маҳаллаларимизни ва маҳаллада яшаётган одамларнинг ҳаётини том маънода обод этиш, оғирини енгил қилиш учун ҳали олдимизда яна талай вазифалар турибди.

Биз шуни яхши тушунамиз, бошлаган кўпгина хайрли ишларимизни давом эттириш ва охиригача етказиш бир йил ёки битта дастур билан тугамайди, албатта.

Шу фикрларни инобатга олган ҳолда, юртимизда олиб бораётган барча савобли ишларимизга, эзгу интилишларга жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг эътиборини, бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш мақсадида мен кириб келаётган янги — 2004 йилни мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Меҳр ва мурувват деганда, биз аввало, жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронлар ва етим-есирларга, бева-бечораларга, боқувчиларидан жудо бўлган, ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларга ғамхўрлик кўрсатишни тасаввур қиламиз.

Меҳр ва мурувват деганда, биз шаҳар ёки қишлоқ бўладими, ёрдам ва кўмакка эҳтиёж сезадиган, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, турли сабабларга кўра ҳаётда омади келмаган, ўзини боқишга қийналаётган инсонларга

моддий ва маънавий кўмак беришни назарда тутамиз.

Меҳр ва мурувват деган ибора замирида биз жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит ва имкониятларни яратиб бериш, маҳаллаларимизнинг бу масаладаги ўрнини янада кучайтириш вазифасини тушунамиз.

Бугун биз мана шундай эзгу мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, шуни айтиш зарурки, бундай қараш ва бундай сиёсат биз қураётган янги давлат, янги жамиятнинг қиёфаси ва маъно-мазмунига ҳар томонлама тўғри келади.

Кези келганда бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман. Ҳа, бугун биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ҳаётимизда қарор топтириш йўлидан бормоқдамиз.

Лекин мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ, ўзимизга хос ва ўзимизга мос иқтисодиётни ва ижтимоий моделни, яъни устувор йўналишларни танлаган эканмиз, ўзгалардан фарқли ўлароқ, жамиятимизда ўта бойлар ва ўта қашшоқлар бўлиши маъқул эмаслигини эълон қилганмиз ва бизнинг бугунги амалий ҳаётимиз айнан шу мақсадга қаратилган. Бу ҳаётда ҳамма-

миз ҳам бой бўлишни, бадавлат яшашни хоҳлаймиз. Ва бу табиий ҳол, табиий интилиш.

Албатта, шундай ҳаётни қарор топтиришда, ҳар қайси инсон Яратганнинг ўзи унга ато этган қобилиятини рўёбга чиқариши учун давлатимиз ва жамиятимиз барча шароит ва имкониятларни туғдириб бериши керак ва аввало, муҳтож оила ва одамларга тегишли ёрдамларни кўрсатиши лозим.

Лекин ўзи бадавлат яшаб турган пайтда ёнидаги қўшниси йўқчиликка дучор бўлиб, қийналиб кун кечираётганини кўрган, инсофи, виждони бор ҳар қайси инсон хайру эҳсон қилиш билан чекланиб қолмайди.

Ёрдамга муҳтож бўлганларга баҳоли қудрат кўмак бериш, уларнинг кўнглини кўтариш билан савобли ишларга қўл уради, бу ишни ўзининг инсоний бурчи деб билади. Бу бизнинг асл миллий кадриятларимизга ҳам мос келади.

Менинг имоним комил, ана шундай фикр-зикр билан яшаётган одамларга Яратганимизнинг ўзи қайтаради, бойлигига бойлик қўшади.

Муҳтарам юртдошлар!

Меҳр ва мурувват йили "Обод маҳалла йили"нинг мантиқий давоми бўлади. Обод маҳалла аввало обод кўнгилдан бошланади. Биз "Обод маҳалла йили" шиори остида бир йил яшадик. Бугун шу йил давомида амалга оширилган хайрли

ишлар одамларнинг ички дунёсига, руҳиятига қандай ижобий таъсир ўтказганини исботлаб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Кириб келаётган янги йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилишдан ҳам мақсадимиз — одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса, фарзандларимизда ҳам шундай ноёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантиришдан иборатдир.

Дарҳақиқат, бизнинг азалий қадриятларимизга суяниб яшаб келаётганимиз 12 йил давомида ўзини оқлаганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мустақиллик йиллари ибратли анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва динимиз арконлари ҳаётимизга тобора кенг кириб бораётгани юртимиз аҳлининг бағрикенг, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли бўлишига, айниқса, хар кандай одамга парвоз учун канот берадиган мукаддас бешик бўлмиш оилани мустахкамлашга хизмат қилмоқда.

Такрор-такрор айтаманки, мен Президент сифатида фақат бир нарсани истайман, керак бўлса, халқимдан сўрайман: агар биз кўзлаган эзгу мақсадларимизга етмоқчи бўлсак, аввало оилага, жамиятимизнинг мана шу муҳим ижтимоий бўғинига катта эътибор беришимиз керак.

Мана шундай фазилатларни юртдошларимиз онгу тафаккурига сингдиришга муносиб ҳисса қўшаётган нуроний қарияларимизга, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига — мен шуни очиқ айтишим керак — хаётимизнинг оғир-енгилига бардош бериб, жамиятимизнинг таянч устунлари бўлиб келаётган мухтарама оналаримиз, мунис опа-сингилларимизга мана шу минбардан яна бир бор таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Азиз юртдошлар!

Ҳар сафар сиз, азизлар билан кўришар эканман, мана шундай учрашувлар мен учун қувонч ва куч-қувват беради. Бугун ҳам шу учрашувдан фойдаланиб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга қалбимдаги меҳр ва севгимни изҳор этиш имкониятига эга бўлганимдан ўзимни бахтиёр деб биламан.

Барчангизни Конституциямизнинг 11 йиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 11 йиллигига
бағишланган тантанали
маросимдаги сўз,
2003 йил 5 декабрь

ТАДБИРКОРЛИК ВА ИЗЛАНУВЧАНЛИК — ЮКСАЛИШ АСОСИ

Ассалому алайкум, муҳтарам депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Аввало, бугун сиз, азизлар билан учрашиб, сизларни бардам ва яхши кайфиятда кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни изҳор этиб, барчангизга, сизлар орқали бутун Самарқанд аҳлига ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга рухсат этгайсиз.

Азиз юртдошлар!

Ҳаммангизга маълум, яқинда Президент фармони билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тайинланди. Бу ҳақдаги фармон Олий Мажлиснинг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган ўн учинчи сессиясида кенг муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

Ҳукуматимиз бошқарувидаги бу ўзгаришга қандай омиллар сабаб бўлгани тўгрисида сессия пайтида ва кейинги учрашувларда атрофлича фикр билдирилди ва ўйлайманки, барчангиз бундан хабардорсиз. Мана шундай қарорга келиши-

мизга сабаб бўлган асосий бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Ўйлайманки, барчамиз бир ҳақиқатни яхши тушунамиз: мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ислоҳотларни кенг кўламда ва изчил жорий этиш, янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида учрайдиган кўпгина муаммоларни ечишда, аввалambор, давлат бошқарувида ҳар қайси идора, ҳар қайси бўғин, қолаверса, ҳар қайси раҳбар ўз ўрни ва масъулиятини чуқур англаган ҳолда ишлаши, ўз ваколати доирасида ўз вазифасини самарали адо этиши зарур.

Бундай талаб аввалambор юқори поғона, яъни Марказда фаолият кўрсатаётган ҳукумат аъзолари ва ҳукумат идораларига, уларнинг раҳбарларига, бугун ҳаётимизда ўтказилаётган ислоҳотларга бош-қош бўлаётган ва катта ваколатга эга бўлган мутасадди шахсларга тегишли десак, хато бўлмайди.

Яъни, ҳар қайси туман, ҳар қайси вилоят манфаатини, ҳудудлар олдида турган вазифаларни инкор этмаган ҳолда, энг юқори бўғиндаги бошқарув идораларининг фаолиятини кучайтириш, уларни жойлардаги аҳвол ва муаммоларни чуқур биладиган етук кадрлар билан мустаҳкамлаш масаласига биз устувор аҳамият беришимиз зарур.

Содда қилиб айтганда, давлат ва жамият, элни бошқарадиган ҳар қайси вазифада албатта иш-

нинг негизини биладиган, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб бера оладиган, Амир Темур бобомиз таъбири билан айтганда, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр одамларнинг ишлаши катта аҳамиятга эга.

Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз, лекин айни вақтда, ҳар қайси вилоят, ҳар қайси туман ва жойларда ўз фаолияти билан халқ орасида ҳурмат-эҳтиром қозонган етакчиларни, ҳаёт талаб қилса, юксак вазифаларга йўллашни, уларга оқ фотиҳа беришни шу ерда хизмат қилаётган жамоатчилик ўзи учун шараф, ҳам қарз, ҳам фарз деб билиши лозим, деб ҳисоблайман. Шу билан бирга, эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман.

Бугунги кунда ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар аввало инсон учун, деган ғояни биз ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганимизни ҳаммамиз яхши биламиз.

Ҳозирги вақтда халқимизнинг асосий қисми, яъни қарийб 60 фоизи қишлоқда яшайди. Бинобарин, қишлоқ аҳолисининг ташвиш-муаммолари, эҳтиёжларидан хабардор бўлиш ва уларни ўз вақтида ҳал қилиш — барча раҳбарлар, халқ ишонч билдирган сиз, депутатлар ва фаолларнинг асосий бурчи экани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Айни вақтда бугун қишлоқ хўжалигидаги вазият — аввало, кейинги йилларда мамлакат бўйича тупроқ унумдорлиги сезиларли даражада пасайиб, суғориладиган майдонларнинг 50 фоизидан кўпроғи турли даражада шўрлангани, умуман, экологиямиз бузилиб бораётгани ва шу каби бошқа оғир муаммолар соҳа ривожига нақадар салбий таъсир ўтказаётгани ҳам барчангизга яхши аён.

Табиий қийинчиликлар, об-ҳаво инжиқликлари ўз йўли билан, аммо бизнинг ишимизга халақит бераётган яна бир қанча субъектив сабаблар, гов-тўсиқлар ҳам борки, бу муаммоларни ечиш учун жойлардаги аҳволни яхши биладиган, минтақаларнинг дарди билан яқиндан таниш бўлган раҳбар ва мутахассисларни жалб қилишимиз керак. Ўз-ўзидан равшанки, қишлоқ хўжалигидаги бундай мураккаб вазиятни ўнглаш учун бу масъулиятли вазифа топширилган одамларга тегишли ваколат ҳам берилиши лозим.

Ҳаёт-мамотимизни белгилайдиган мазкур соҳани бошқариш, қабул қилинган қарорларни изчиллик ва қатъиятлик билан ҳаётга жорий этиш учун бошқариш тизимининг энг юқори поғонасидан энг қуйи лавозимигача ишни ана шундай хусусиятларга эга бўлган инсонларга топширишимиз зарур.

Босиб ўтган йўлимиз, тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, ҳукуматни бошқарадиган одам бе-

восита жойларда, минтақа ва ҳудудларда бўлиб, мавжуд аҳволни, у ерлардаги ечилмаган муаммоларни чуқур билиши, уларни ўз ҳаёти, ўз юрагидан ўтказиши, лўнда қилиб айтганда, шу муаммоларнинг қозонида қайнаган бўлиши керак. Ва бундай билим ва тажриба ана шу масалаларни ечишда ҳал қилувчи роль ўйнаши шубҳасиз.

Агарки юқорида зикр этилган мана шу омиллар, фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бу борадаги бугунги ҳукумат сиёсатини ҳақиқатан ҳам кескин ўзгартириш, уни минтақа ва ҳудудларнинг муаммоларига яқинлаштириш масаласини инобатга оладиган бўлсак, шу талабларга жавоб берадиган ҳукумат раҳбарининг айнан минтақадан қўйилишини табиий қонуният, деб қабул қилиш ўринли бўлади.

Шу маънода, Шавкат Мирзиёев ҳақида гапирадиган бўлсак, сизлар яхши биласизки, дастлаб у Тошкент шаҳрида бир неча йил туман ҳокими вазифасини бажарди. Кейин эса Жиззах вилоятининг биринчи раҳбари лавозимида ҳам фаол иш олиб борди. Мирзиёев билан Жиззахда бирга меҳнат қилган одамлар унинг вилоят миқёсида катта-катта ишларга бош-қош бўлганини ҳали-бери яхши эслайди.

Бу инсон кейинги икки йил давомида Самарқанд вилоятини бошқариб келди ва шу қисқа давр ичида воҳа ҳаётида — нафақат ишлаб чиқариш

ва қишлоқ хўжалиги соҳасида, балки одамлар билан тил топишиш, эл-юртнинг кўнглига етиб бориш ва уларнинг бошини қовуштиришда, кўпкўп ижобий бунёдкорлик ишларини — бу қурилиш ёки ободончилик, тиббиёт ёки таълим соҳаси бўладими — умуман, халқнинг кайфиятига ижобий таъсир қиладиган ишларни амалга оширишда Самарқанд аҳли унинг раҳбарлигида катта ютуқларга эришди. Бу ютуқларни ўзингиз ҳар қадамда кўргансиз, кўраяпсиз, гувоҳи бўлаяпсиз.

Биргина қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, вилоят меҳнаткашлари қаттиқ меҳнат қилиб, пахта ва ғалла бўйича шартнома режаларини бажаришга эришганини айтиш кифоя, деб ўйлайман.

Бундай жиддий ўзгаришларни бошқа жабҳаларда, жумладан, ижтимоий соҳа ривожида ҳам кузатиш мумкин.

Мисол учун, сўнгги пайтда аҳоли турмуш шароитини яхшилашнинг асоси бўлган табиий газ ва ичимлик суви таъминоти масаласида салмоқли натижалар қўлга киритилди.

Охирги икки йил мобайнида 800 километрдан зиёд газ тармоги тортилиб, 100 дан ортиқ қишлоқ табиий газ билан, шунингдек, қарийб 400 километрлик сув тармоғи барпо этилиб, 115 та

қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминлангани бунинг амалий тасдиғи бўла олади.

Шулар қаторида вилоят шаҳар ва қишлоқларида 90 та маҳалла гузари, 31 та қишлоқ-врачлик пункти, 6 та ихтисослашган шифохона, 880 минг квадрат метр уй-жой қурилгани, ўнлаб янги мактаб, лицей-коллежлар, маданий-маиший ва спорт иншоотлари барпо этилгани ҳам бу ерда кейинги йилларда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини кўрсатади.

Ўйлайманки, нафақат Самарқанд шаҳри, балки бутун вилоят қиёфасини ўзгартириб юборган бундай қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин мана шу мисолларнинг ўзиёқ кўп нарсани англатиб турибди.

Албатта, бу рақамлар ҳақида минбарлардан туриб гапириш осон. Лекин биз, мана шу залда ўтирганлар, кўпни кўрган депутатлар ва фаоллар, ўзимизга бир фараз қилайлик, мана, 100 та қишлоқ газ билан, 115 та қишлоқ тоза сув билан таъминланган, деяпмиз. Балки ёруғ ва иссиқ кабинетларда ўтирган, инсонга керак бўлган ҳамма нарса билан таъминланган одамлар буни тушуниши қийиндир. Лекин мен ўзимни мана шу қишлоқда яшаётган оддий бир деҳқон, бола ёки қария, айтайлик, оддий бир оила ўрнига қўйиб кўраман. Бу оила кеча қандай яшаган эди-ю, мана газ келгандан кейин ҳаёти қандай ўзгарди? Кеча

соғлиғи қандай эди-ю, тоза сув келгандан кейин ўзини қандай ҳис қилмоқда? Бу рақамларга, уларнинг ортида қандай ўзгаришлар ётганига мана шу одамларнинг кўзи билан қарашимиз керак. Шундан кейин адолат бўлади, шундан кейин биз бу ҳаётни тушунадиган бўламиз.

Мен қишлоқ шароитида яшаётган аҳолимизнинг дардини, керак бўлса, армонини назарда тутиб, сизларни шунга даъват қиляпман. Чунки ўзини шу ҳаётнинг фаол иштирокчиси деб биладиган шахс, у депутат бўладими, бирор давлат идорасида ёки ижтимоий соҳада ишлайдими, аввало, ана шу одамларнинг орзу-умидларини амалга ошириш орқалигина ўзига обрў топиши, керак бўлса, ўзининг ҳаётидан ҳам мамнун бўлиши мумкин.

Эски замондан, ота-боболаримиздан қолган бир нақл бор, яъни бировга яхшилик қилсанг, бундан аввалambор ўзинг роҳат қиласан. Агар одам ҳаётда ҳеч нарса қилмай, фақат томошабин ёки танқидчи бўлиб ўтса, ўйлайманки, умрининг сўнгида оғир бир кайфиятда бўлади: мен нима қилдим, кимга яхшилик қилдим, ким мени эслайди, қандай сўзлар билан эслайди, деган саволларга жавоб топа олмай қийналади.

Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти ва биз қадам қўяётган янги ҳаёт мана шу — фақат яхшилик қилиш, яхшиликнинг мевасини кўриш,

деган энг маъқул ва керакли фалсафа билан яшашни тақозо этмоқда.

Албатта, юқорида тилга олинган улкан ишларни ва режаларни амалга оширишда аввало шу юртнинг ватанпарварлари, фидойилари, бутун Самарқанд элининг хизмати ва меҳнати борлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин буларнинг барчасини бошқариш, одамларни катта марраларга, керак бўлса, зафарларга чорлаш, уларни ўз кучи ва қудратига ишонтириш — бу ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келмайди, десам, бу ҳам ҳақиқат.

Шунинг учун ҳам ишга муносабати, ташкилотчилик қобилияти билан ўзини кўрсатган Шавкат Мирзиёев номзодини Бош вазир лавозимига таклиф қилдик ва Олий Мажлисимиз сессияси бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Энди Мирзиёевни ана шу юксак масъулиятли лавозимга ўтиши муносабати билан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этиш ҳақидаги масалани овозга қўйишни сўрайман.

Азиз дўстлар!

Вилоятнинг янги раҳбарини тайинлаш ҳақида гапирганда, аввало, шуни айтиш керакки, Самарқанд аҳли — бу туман ёки вилоят маркази бўладими, узоқ ва чекка қишлоқлар бўладими — бугун ҳамма жойда катта, баланд руҳ билан меҳнат қилмоқда.

Вилоят меҳнаткашларининг иқтисодиётни юксалтириш, ўз маҳалласи, ўз юртини янада обод қилиш мақсадида янги-янги уфқларга интилиб, улкан ишларни амалга ошираётганини бутун Ўзбекистон кўриб турибди, десак, асло хато бўлмайди.

Янги раҳбарга **биринчи талаб** шуки, у одамлардаги мана шундай кўтаринки руҳни, катта ишларга бел боғлаган Самарқанд аҳлининг орзу-интилишлари ва азму шижоатини сўндирмасдан, камайтирмасдан, шу элга етакчи бўлиб, бош-қош бўлиб, уни янги мақсад ва марралар сари бошлаши керак.

Иккинчи талаб — вилоят раҳбари халқ ичидан чиққан, унинг табиатини яхши тушунадиган инсон бўлиши, шаҳар ва қишлоқ аҳлининг муаммоларини чуқур англаши, ёрдамга муҳтож одамларнинг дардига малҳам бўла олиши, ёшми-қарими, зиёлими, ишчими, уларнинг интилишларига ҳамоҳанг бўлиб, ўз фаолиятини эл-юрт ҳаёти билан чамбарчас боғлай олиши зарур.

Барчамиз шуни унутмаслигимиз лозимки, инсон фақат бугунги кун билан яшамайди. Шунинг учун ҳам бу вилоятни бошқарадиган одамга **учинчи талаб** — шу ҳақиқатни яхши англаб, аввалambор мана шу ерда ҳаёт кечирадиган халқнинг эртанги кунини, истиқболини ҳар томонлама кўзлаб иш олиб бориши даркор.

Истиқбол деганда биз нимани тушунамиз?

Истиқбол деганда, биз аввало мана шу Самарқанд заминида яшаётган 2 миллион 800 мингдан зиёд аҳолининг турмуш даражасини кўтаришни, ёш авлод иқболини ўйлаб, ёруг келажакни яқинлаштириш йўлида бутун борлиғини сафарбар этиб, фидокорона меҳнат қилишни тушунамиз.

Истиқбол деганда, биз биринчи галда бунёдкорликни, одамларнинг огирини енгил, узоғини яқин қилишга қаратилган ишларни, айниқса, мактаб-маориф, тиббий ва коммунал хизмат, аҳолини иш билан банд қилиш, газ ва сув таъминоти каби ҳаётий муҳим масалаларни ўз вақтида ҳал этишни назарда тутамиз.

Шу билан бирга, янги-янги корхоналарни барпо этиш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни олиб келиш, сифатли ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш, саноатда замонавий технологияларни жорий этиш, кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш вазифалари ҳам бизнинг келажак режаларимизда асосий ўрин тутиши лозим.

Истиқбол деганда, биз аввало қишлоқ хўжалигида янгича мулкий муносабатларни шакллантириш, одамларда ерга эгалик туйғусини қарор топтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, соҳани замонавий техника воситалари ва юксак технология билан таъминлаш, тобора кучга ки-

риб бораётган фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу тариқа қишлоқ халқининг фаровонлигини ошириш сингари устувор вазифаларни тасаввур қиламиз.

Муҳтарам дўстлар!

Ўйлайманки, сиз, азизлар, яхши тушунасиз ва менинг фикримга қўшиласиз, бугун шиддат билан ўзгараётган замон ҳар биримиздан ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, уни тубдан ўзгартиришни, янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу борада янги раҳбар ва унинг хусусият ва фазилатлари ҳақида гапирар эканмиз, бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Шу ерда яшаётган, истиқомат қилаётган халқни янги уфқларга даъват қилиш учун янги ҳоким биринчи галда қуйи, ўрта ва юқори бўғинларда ўтирган барча раҳбар ва мутасаддилар билан тил топишиб ишлаши, оддий одамларнинг ҳурматига муносиб бўлиши айниқса муҳим.

Бунинг маъноси шуки, янги раҳбар вилоятдаги катта-кичик етакчиларда — у туман ҳокимими, ширкат хўжалиги ёки ташкилот бошлиғими, бундан қатъи назар, фақат ижрочилик билан чекланиб қолмасдан, уларда ташаббускорлик ва тадбиркорлик аломатларини, изланувчанлик фазилатларини уйготиши ва рағбатлантириши даркор.

Умуман бугун қишлоқ инфраструктурасини яхшиламасдан, қишлоқда яшаётган одамларнинг маданиятини, ҳаётини юқори поғонага кўтармасдан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Мен фарзандларимизни, керак бўлса, янги авлодимизни ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш масаласида ёниб юрган одамларга кўпроқ суянаман. Умид қиламанки, шундай натижа, шундай ҳаётга албатта эришамиз.

Чунки бизга менсимай қараш кайфиятида юрганлар ҳам ҳозир ўз фикрини ўзгартиряпти. Биз эгаллаган марралар билан чегараланмасдан, аввалambор, илм-фанни ривожлантиришимиз, болаларимизнинг онгини, билимини янада кўтаришимиз керак.

Биласизларми, мен математика бўладими, физика бўладими — фан олимпиадаларида, турли спорт майдонларида, умуман халқаро мусобақаларда фарзандларимизнинг эришган муваффақиятини кўрганда, ўзимни худди қанот боғлаб парвоз қилаётгандек ҳис этаман. Чунки улар — эртанги кунимизнинг белгиси. Шу ёшлар бизнинг ўрнимизга келади, ишимизни давом эттиради.

Яна раҳбарлик масаласига қайтсак, энг муҳими, вилоят ҳокимлигининг идорасида ҳам, туманларда ҳам ўзаро ишонч, бир-бирини тўғри тушуниш, умумий иш учун жон куйдириш руҳи устун бўлиши керак.

Янги раҳбар ўзига ёқадиган, ўзига мос бўлган, ўзига шахсий садоқат кўрсатадиган одамларни амалга ўтқазишдек номақбул кайфиятларга берилмаслиги, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик ва қабилабозлик каби иллатлардан узоқ бўлиб, кадрларни ўзгартириш масаласида жуда эҳтиёткорлик билан иш олиб бориши зарур.

Бу фикрни урғу бериб айтаётганимнинг сабаби шуки, биз кўпгина туман ва вилоят раҳбарларини бу ҳақда огоҳлантирганимизга қарамасдан, бундай эски асоратлардан ҳали-бери жудо бўлолмаяпмиз. Мен бу ҳақиқатни афсус билан таъкидлашга мажбурман.

Бу масалага тўғри, холисона ёндашиш, етти ўлчаб бир кесиш, ишнинг негизини биладиган, юқори малакага эга бўлган, ҳалол ва тажрибали ходимларни, мутахассисларни асраб-авайлаш, тарбиялаш керак.

Содда қилиб айтганда, яхши кадрларни асрайдиган раҳбар, аввало, ўзини асрайди, муҳитнинг доимо барқарор бўлиб қолишига хизмат қилади.

Ҳурматли депутатлар!

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, мен вилоят ҳокими лавозимига Самарқанд давлат университети ректори вазифасида ишлаб келган Холмуродов Рустам Иброҳимович номзоди-

ни таклиф этаман. Бу номзодга тўхталиб, уни сиз, ҳурматли депутатларга тавсия этар эканман, юқорида зикр этилган фикр-мулоҳазалар билан бирга, яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Самарқанд диёри умумбашарият цивилизациясининг Рим сингари қадимий бешикларидан бири сифатида бутун ер юзида тан олиниши, унинг беқиёс табиати, кенг маънодаги унумдор замини, номлари жаҳон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган мумтоз зотларни бергани билан барчамиз чексиз фахрланамиз.

Самарқанд замини Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Хожа Аҳрор ва Маҳдуми Аъзам каби мусулмон оламида машҳур бўлган алломалар, азиз-авлиёлар хоки ётган табаррук масканлари билан ҳам мўътабардир.

Соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатининг пойтахти этиб танлаган, нафақат буюк тарихий обидалари, балки Улуғбек ва Али Қушчи каби улуғ мутафаккирлар ўзининг дунёни ҳайратга солган ўлмас кашфиётларини яратган бу юртни бетакрор мўъжиза десак, асло хато бўлмайди.

Шу боис асрлар давомида маърифат зиёсини таратиб келган Самарқанддаги илму фан ўчоқлари, қадимий мадрасаларда яратилган буюк мерос ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Самарқанд бугунги кунда ҳам ўзининг илмий

кашфиёт ва ютуқлари орқали жаҳонга танилган ўнлаб олий ўқув юртлари ва илм-фан даргоҳлари билан, ўзининг истеъдодли зиёлилари, юксак салоҳиятга эга бўлган илмий жамоатчилиги билан дунёда обрў-эътибор топмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳеч шубҳасиз, вилоят ҳокимлигига номзод ҳақида гапирар эканмиз, унинг хусусият ва фазилатлари ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг мана шундай юксак маърифий ҳаёт билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга қурби, билими ва савияси етадиган инсон бўлиши кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бир сўз билан айтганда, бу раҳбар шу тупроқда униб-ўсган, шу заминни муқаддас, деб қабул қиладиган, шу ерда яшайдиган халқнинг табиатини, феъл-атвори ва орзу-умидларини юракдан ҳис эта оладиган, шу эзгу интилишларни рўёбга чиқаришга астойдил бел боғлаган одам бўлиши зарур, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, яхши ишлаб келган депутатларнинг, халқнинг ишончини оқлаган раҳбар ўрнига янги одам топиш ҳам мураккаб масала. Лекин биз бу номзод билдирилган ишончни оқлайди, деб айта оламиз.

Чунки у ўз вақтида Самарқанд Архитектура-қурилиш институтида ишлаган, кейин Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи муовини лавозимида меҳнат қилган. Айниқса, нафа-

қат Самарқанд, балки бутун Марказий Осиёнинг илмий ўчоги бўлмиш Самарқанд давлат университетининг 20 минг кишилик жамоасини бошқарган. Демоқчиманки, раҳбарлик борасида маълум тажрибага эга одам.

Лекин, албатта, қишлоқ ҳаётидан, ишлаб чиқариш соҳаларидан, ҳаёт олдимизга қўяётган муаммолардан узоқроқ бўлган. Бироқ битта университетни бошқаришнинг ўзи ҳам осон иш эмас. Нега деганда, университетнинг муаммоларини ҳал этиш, у ерда ишлайдиган билими чуқур, савияси баланд, ҳар томонлама ўзини юқори баҳолайдиган домлалар, профессорлар билан ишлаш, уларнинг бошини қовуштиришга ҳар ким ҳам қодир бўлавермайди.

Ўйлайманки, психологик нуқтаи назардан, одамни тушуниш нуқтаи назаридан тўпланган тажриба бу одамга энди деҳқоннинг ҳам ҳаётини яқиндан билиш, ишчими, қурувчими, ким бўлмасин, шулар билан тил топишиш масаласида қўл келади. Мен бунга ишонаман ва сизларни ҳам шунга даъват этаман.

Сизларнинг тимсолингизда бутун Самарқанд аҳли бугун қабул қилаётган қароримизга қўшилиб, мана шу инсон атрофида жипслашиб, янги-янги зафарларни қўлга киритиш билан Самарқанднинг обрўсини юқори даражага кўтаради, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз.

Энди Рустам Холмуродовни Самарқанд вилояти ҳокими этиб тайинлаш ҳақидаги масалани овозга қўйишни сўрайман.

Ҳурматли дўстлар, азиз биродарлар!

Бугунги учрашувимиз давомида вилоят аҳлининг муносиб вакиллари бўлган сиз, азизларнинг чеҳрангизда яхши ният, яхши кайфият аломатлари сезилиб тургани мени хурсанд этди. Хурсандчилик бўлган жойда ишда унум бўлади, одамнинг табиати ҳам ўзгаради. Инсон агар яхши кайфият билан яшаса, ана шу кайфият самога кўтарилиб, яна шу ерга яхшилик олиб келар экан.

Шунинг учун яхшилик билан, эртанги кунниг ёруғ бўлишига ишонч билан яшаш керак. Айни вақтда биз раҳбарлар ана шу яхшиликни асраб-авайлаш билан бирга унга халақит бераётган, яхшиликнинг шаънига доғ тушираётган, эртага ғазабга айланиши мумкин бўлган ҳолатларни тўғри англашимиз, вақтида бартараф этишимиз керак. Бу — менинг вазифам, сизнинг вазифангиз ва шу юртда яшаётган барча фаолларнинг вазифаси.

Биз бугун Самарқанддаги ютуқлар ҳақида гапирдик. Ўйлайманки, мана шу янги раҳбарни тайинлаётган пайтда камчиликларимиз ҳақида ҳам гапирсак, ёмон бўлмасди.

Мана, қиш келяпти, янги мавсум яқинлашиб келяпти, ишлар жуда кўп. Деҳқоннинг ҳаётини

оладиган бўлсак, унинг дам оладиган вақти йўқ. Шунча йилдан бери кузатаман, бошқа соҳа одамларида қандайдир дам олиш, нафас ростлаш имкони бўлади. Лекин деҳқон ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, доим бир иш тугамасидан иккинчиси бошланиб, мавсум мавсумга уланиб кетишини кўришимиз мумкин. Шуни инобатга олиб, биз деҳқонларимизга ҳамиша кўмак беришимиз, уларнинг талаблари, ечилмаган муаммоларни аниқлаб, ҳал қилиб бериш асосий вазифаларимиздан бири бўлмоги керак.

Ишончим комилки, вилоятнинг меҳнаткаш, мард ва ориятли халқи Самарқанд заминининг катта салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш, Самарқанднинг шуҳратини янада юксалтириш учун бир тан, бир жон бўлиб, ўзини аямай меҳнат қилади.

Мана шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омадлар тилайман.

Халқ депутатлари Самарқанд
вилояти кенгашининг
навбатдан ташқари сессиясида
сўзланган нутқ,
2003 йил 16 декабрь

ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЕТУК АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

Ҳурматли йигилиш қатнашчилари!

Бугунги мажлисдан асосий мақсад — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилганидан буён ўтган вақт мобайнида бажарилган ишларни таҳлил қилиш ва Ҳомийлик кенгаши олдида турган келгуси вазифаларни муҳокама этишдан иборат.

Биз ҳозир Жамғарма ижрочи директори Алишер Мирқосимовнинг ҳисоботини эшитдик. Ҳисоботда шу йўналишдаги мавжуд ютуқ ва камчиликлар ҳақида батафсил гапирилди.

Албатта, эришилган ютуқлар ўзимизники, лекин бугунги йиғилишимизда кўпроқ муаммо ва камчиликлар тўғрисида гапирсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Бунда аввало спорт иншоотларини қуриш, таъмирлаш, уларни зарур анжомлар билан жиҳозлаш, жамғарма ишига жалб этилган мутахассисларнинг малакаси ва масъулиятини ошириш, шу соҳада ҳақиқий жонбозлик кўрсатадиган, болаларни юракдан яхши кўрадиган инсонларни топиш масалалари бўйича ҳали ҳам оқсоқлик борлигини тан олишимиз лозим.

Шу муносабат билан мен авваламбор сизларнинг эътиборингизни асосий масалага қаратмоқчиман. Яъни, Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси нима мақсадда тузилди ва унинг асосий вазифаси нимадан иборат? Бу савол, биринчи галда, бугунги мажлисда иштирок этаётган ҳокимларга, мутасадди раҳбарларга, шу ишга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган барча фаолларимизга тегишли эканини ҳаммангиз яхши тушунасиз, деб ўйлайман.

Биз бу саволга аниқ жавоб топмоқчи бўлсак, баландпарвоз гаплардан йироқ бўлиб, амалий ишларга кўпроқ эътибор беришимиз зарур. Аввало, бугун юртимизда қандай давлат ва жамият қураётганимизни, бу жараённинг моҳияти, устувор хусусият ва белги-аломатлари нимадан иборат эканини ўзимизга яна бир бор тасаввур этишимиз керак. Бу ҳақда мен ўз чиқишларимда кўп гапирганман. Яна такрорлаб айтмоқчиманки, ана шу эзгу мақсад доимо эътиборимиз марказида бўлиши даркор.

Чунки ҳаётимизнинг қайси соҳасини олмайлик, уларнинг барчаси охир-оқибатда шу масалага, яъни, бизнинг қандай жамият қуришимиз ва шу жамиятга муносиб баркамол авлодни тарбиялашимизга бориб тақалади. Албатта, спорт ҳар қайси миллат ва халқ, ҳар қайси жамият учун керак, лекин мен сизларни бу масалага кенгроқ

қарашга чақирмоқчиман. Ота-боболаримизнинг меросини бойитишга ўз ҳиссасини қўшиб, ўзбек миллатини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш учун интилиб яшайдиган ҳар бир соғлом фикрли одам яхши тушунадики, бу ерда гап ҳам жисмоний, ҳам маънавий тарбиянинг ўзаро уйғунлашиб, бир-бирини тўлдириб, ана шу мақсадлар йўлида асосий таянч бўлиши ҳақида кетяпти.

Агарки, ана шу катта вазифани занжирга қиёслайдиган бўлсак, янги авлодни тарбиялаш масаласи унинг асосий ҳалқасидир, десак, менимча, тўғри бўлади.

Биз ўз олдимизга буюк мақсадларни қўйган эканмиз, шу марраларга етиб бориш, шу даражага кўтарилиш учун нима қилишимиз, қандай шартни бажаришимиз кераклигини ҳам тўғри англаб олишимиз лозим. Албатта, янги-янги шаҳар ва қишлоқлар, замонавий корхоналар, чиройли ва кўркам биноларни қуришимиз мумкин, лекин ҳамма ҳавас қиладиган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбияламай туриб, кўзланган мақсадга эришолмаймиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук авлодни тарбиялаш — Жамғарма фаолиятининг бош вазифасидир.

Бугун мен бу ерда ана шу масалани яхши англайдиган одамлар ўтирибди, деб ишонаман.

Шундай эзгу мақсад-муддаоларимизни тўғри тушуниш, ҳаётга жорий этиш, керак бўлса, шу йўлда ташвиқот-тарғибот олиб бориш — барчамизнинг асосий ишимизга айланиши керак.

Табиийки, бунга эришишда фақат қуруқ гаплар, юзаки режа ва тадбирларни тузиш билангина иш битмайди. Бу улуғ мақсадларни амалга оширишнинг механизмлари ҳақида чуқур ўйлаб кўриш, уни татбиқ этишга киришиш вақти келди.

Шу билан бирга, биз раҳбар сифатида халқнинг ишончига сазовор бўлишни истар эканмиз, аввало ўз фаолиятимизга доимо танқидий кўз билан қарашимиз ва қилинган ишларни шу нуқтаи назардан баҳолашимиз керак.

Ўтган мажлисимизда айтилганидек, шўро даврида бизда спорт масаласига шунчаки, номига қаралган, спартакиада ва шунга ўхшаш тадбирлар хўжакўрсинга, кимнидир мақташ, кимнингдир шу ҳисобдан обрў ва даромад топиши учун ўтказилган. Бошқа республикалардан орқада қолмаслик учун турли сохта рақамларни, ютуқларни бўрттириб кўрсатиш бу соҳада ҳам авж олган.

Ўзбекистонда ўша даврдаги спортнинг моддий базаси, спорт секциялари фаолияти ҳақида рост гапни айтадиган бўлсак, бу аҳвол ҳеч кимни қониқтирмаслиги аён ҳақиқат эди.

Бугунги кунда биз ўз фаолиятимизда реал вазиятдан келиб чиқишимиз керак. Яъни, ҳозир

юртимизда қарийб 25 миллион аҳоли бўлса, уларнинг ярмидан кўпрогини 18 ёшга тўлмаган болалар ташкил қилади. Уларнинг асосий қисми, яъни 60–65 фоизи эса қишлоқ жойларида яшайди.

Таҳлилларга таяниб, очиқ айтишимиз зарур — қишлоқ жойларида яшайдиган, ҳали суяги қотмаган ана шу болаларни спортга жалб қилиш умуман қониқарсиз аҳволда. Айрим туманларда спортнинг «с» ҳарфини ҳам тушунмайдиган, бу соҳадан мутлақо йироқ бўлган одамлар шу иш билан шуғулланаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Шунинг учун биз Болалар спортини ривожлантириш жамгармасини тузишдан кўзланган иккинчи мақсад — ёшларни спорт оламига кўпроқ тортиш масаласида ҳам жиддий бош қотиришимиз даркор.

Албатта, бу масаланинг ечими қаерда, деб сўраса, мен қишлоқда жойлашган мактабларимиздаги шарт-шароитни яхшилаш, шу орқали болаларни кенг кўламда спортга жалб қилиш учун имконият тугдиришда, деган бўлур эдим.

Хўш, бугун қишлоқ жойларида бу борада аҳвол қандай? Умуман, қишлоқ аҳолисининг спорт билан шуғулланиш масаласи қай даражада ҳал этилган?

Ўйлайманки, бу саволга ҳам ҳеч ким аниқ ва ижобий жавоб бера олмайди. Шунинг учун ҳам

мен масалага кенгроқ ёндашиш керак, деб қайта-қайта таъкидлаяпман.

Эсимда бор, ўтган йиғилишимизда Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг раҳбарлари бу масала бўйича амалий аҳволдан йироқ, баландпарвоз гапларни айтишган эди. Бугун мен яна бир бор шу саволни бермоқчиман.

Ўтган вақт давомида шу масала бўйича бирон-бир аниқлик киритилдими-йўқми? Қишлоқ жойларидаги ёшларимизнинг неча фоизи спорт билан шуғулланади?

Яна бир савол. Ҳозир юртимизда 9 мингта умумий ўрта таълим мактаби бўлса, айтинглар, уларнинг қанчасида спорт заллари бор-у, қанчасида йўқ? Агарда кимда-ким уларнинг ҳаммасида спорт секциялари бор, дейдиган бўлса, бунга ҳеч ким ишонмайди.

Мана, матбуот, телевидение жойлардаги ҳақиқий аҳволни кўрсатиб беряпти. Мен яқинда телевидение орқали Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги бир мактабни кўрдим. Бу ерда спорт у ёқда турсин, оддий ўқув жараёнини ташкил этиш учун ҳам шароит етарли эмас. Мактаб 1936 йилда қурилган экан, шундан буён фақат 1956 йилда бир марта таъмирланибди. Эътибор беринг, ана шундай ночор мактабларда келажагимиз эгаси бўлган болаларимиз ўқияпти. Энди ўзингиз

айтинг, шундай аҳволда болаларни спортга жалб этиш мумкинми?

Телевидение ўз навбатида Бойсун туманининг тоғли ҳудудида жойлашган кичкинагина мактабдаги ҳавас қилса арзийдиган, таҳсинга сазовор бир мисолни ҳам намойиш қилди. Шу мактабда яратилган шарт-шароитни, директорнинг тадбиркорлигини кўрганда, интилиш бўлса, болалар тақдири учун куюниш бўлса, ҳар қандай олис жойда ҳам кўп ишни амалга ошириш мумкинлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ва худди шу ишга ўзингиз ҳам бевосита ҳисса қўшгандек қувониб кетасиз.

Биласизми, ана шу директор атай вилоят марказига бориб, вақтни сарфлаб, ўз ойлиги ҳисобидан мактаб учун зарур бўлган турли ўқув анжомлари, газета ва журналлар сотиб олиб, ўз ўқувчиларининг пухта билим олиши учун ҳаракат қилар экан.

Миллатимиз ва халқимиз келажаги йўлидаги ҳақиқий фидойилик шу эмасми?! Бундай одамларга ҳар қанча раҳмат айтсак, арзийди.

Мана, сизга иккита мисол. Ўзингиз хулоса чиқаринг: Навбаҳор тумани Навоий шаҳридан бор-йўғи 30 километр масофада жойлашган. Бойсундаги қишлоқ эса Термиздан 150 километр олисда. Демак, кўп нарса одамларнинг, биринчи галда, раҳбарларнинг фидойилигига боғлиқ экан.

Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг асосий мақсадини умумлаштириб айтадиган бўлсак, бу — ёшларни оммавий спортга жалб қилиш орқали соғлом ва баркамол инсонларни тарбиялаш. Албатта, бу бир-икки йилда ҳал бўладиган вазифа эмас, балки узоқ давом этадиган жараён.

Биз ҳозир бунча стадион қурдик, бунча спорт зали қурдик, деб ҳисоб беряпмиз. Бу қурилган нарсалар ўз йўлига. Лекин амалий натижалар қандай бўляпти? Масалан, қишлоқ жойлардаги болалар ҳар куни 6–9 соат вақтини қаерда ўтказади? Ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкин — мактабда ўтказади. Хўш, мактабда спорт масаласи қандай йўлга қўйилган? Унинг моддий базаси борми? Бу — биринчидан.

Иккинчидан, мактабларда спорт тўгараклари ишлаяптими, йўқми? Бу масалани хўжакўрсинга эмас, амалий мақсадларни кўзлаб ҳал этиш керак. Спорт майдончалари ва заллари қаерда қуриляпти? Асосан шаҳарларда, вилоят ва туман марказларида эмасми? Нима учун қишлоқ жойлар бу масалада яна эътибордан четда қолиб кетяпти? Нима, қишлоқда яшаётган болаларнинг бошқалардан кам жойи борми? Балки бўлажак чемпионлар шулар орасидан чиқар? Маънавий нуқтаи назардан қараганда, энг соғлом болалар

қишлоқ жойларда яшайди. Бунга мен юз фоиз ишонаман. Бу ҳақиқат, ҳақиқатни гапириш айб эмас. Шундай экан, нима учун бу болаларни эътиборимиздан четда қолдиряпмиз?

Мен сизларга мурожаат қилиб, керак бўлса, даъват қилиб айтмоқчиман, биринчи навбатда мана шу долзарб масалани ечиш зарур. Олис жойларда истиқомат қилаётган болаларга эътибор бўлмаса, улар учун спорт билан шуғулланадиган, ҳордиқ чиқарадиган жойлар бўлмаса, бу болалар бўш вақтини қандай ўтказади? Улар қиш пайтларида қаерга боради?

Мана, Тошкентда ва вилоятларнинг марказларида Янги йил байрами муносабати билан Президент арчаси маросимини ўтказамиз. Хўш, тоғли ҳудудларда жойлашган олис қишлоқларда бундай томошалар, бундай байрамлар бўладими? Бу — сиз билан бизнинг виждонимизни қийнаши керак бўлган аччиқ савол. Ҳар қайси ҳоким, ҳар қайси раҳбар шундан хулоса чиқариши даркор.

Бугун бундай узоқ ва чекка жойларда яшаётган болаларнинг барча муаммоларини ечишга қурбингиз етмаса, ҳеч бўлмаса, икки оғиз ширин сўз гапириб, биз бу шароитдан хабардормиз, имкон туғилиши билан албатта зарур чораларни кўрамиз, бу қийинчиликлар эртага ортда қолади, деб уларнинг кўнглини кўтариш қийинми?

Мен нима учун бу масалага сизларнинг эътиборингизни қайта-қайта жалб қиляпман? Сабаби — болаларимиз, фарзандларимиз тарбияси айнан шу ишларнинг амалга оширилишига боғлиқ. Бундай пайтда ҳоким ёки вазирлар ҳам ўзининг қаерда, қандай шароитда тарбия олганини бир эслаб қўйса, ёмон бўлмайди. Кўпчилигимиз қишлоқ жойда ўсиб, бугун турли даражадаги раҳбарлар бўлиб етишганимизни ҳам унутмайлик. Ўзингиз айтинг, баъзи жойларда болаларимизнинг талабга жавоб бермайдиган шароитда таълим ва тарбия олаётганига бефарқ қараб бўладими?

Яна таъкидлаб айтаман: қишлоқларда жойлашган мактаблар ночор аҳволда қолмаслиги керак. Нима, бу мактабларни жиҳозлаш, тартибга солиш, жумладан, спорт анжомлари билан таъминлаш шунчалик қийин ишми? Тошкентда, вилоят ва туман марказларида бу борада ҳамманинг ҳавасини тортадиган ишларни қиляпмизку? Шу ишларни нега қишлоқда қилмаймиз?

Барчамиз бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим: ёш авлод тарбияси — бу катта масала. Шу масалага ҳамма жойда бирдек эътибор бериб, қишлоқ мактабларини ҳам тез-тез бориб кўрсангиз, шундагина бу борада ўзгариш бўлади, шундагина натижа бўлади.

Бугун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти жойларда қандай ташкил этил-

япти ва қандай самара беряпти, деган саволга айнан шу нуқтаи назардан баҳо берилиши керак.

Энди сиз, Жамғарма раҳбарлари ва фаолларига иккинчи саволни бермоқчиман: нега 2003 йилга мўлжалланган Жамгарма бюджетини тўла шакллантириш учун 3,1 миллиард сўм етишмай қолди? Вилоятлар, аниқроғи, ҳомийлар ҳисобидан қарийб 1 миллиард 959 миллион сўм ўз вақтида ўтказиб берилмади? Бу борадаги кўрсаткич 42 фоизга бажарилган, холос. Шундай аҳволда сизлар қандай қилиб аслида 78 та объектга етадиган маблағ ҳисобига 105 та объектни ишга туширдик, деб маълумот беряпсиз?

Ҳокимлар бу масалага нима дейди?

Биринчидан, бу борада қанақа лойиҳалар бўйича нима иш қилинганини аниқлаш зарур. Бу лойиҳалар биз тасдиқлаган стандартга жавоб берадими ёки ҳали ҳам «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида бажариляптими? Мактаб ёки стадион бўладими, бошқа ўқув даргоҳи бўладими, бир нарсани қурмоқчи бўлсак, аввалambор, унинг моҳиятини чуқур ўрганишимиз ва бу объектларда қандай лойиҳаларни ишлатиш мумкин, деган саволга жавоб топишимиз керак.

Иккинчидан, бу масалада қандайдир мажбурлаш ёки тазйиқ ўтказишга йўл қўйиб бўлмайди. Бу борада ҳамма нарса қонун асосида бўлиши

лозим. Низомда белгиланган тушумларни бажармасдан, уларни Жамғарма ҳисобига ўтказмасдан, 12 ярим миллиард пулнинг атиги 5 миллиардини ишлатган ҳолда, режадагидан кўпроқ объект қурилиши — бу ақлга сигмайдиган гап. Лекин чуқурроқ ёндошадиган бўлсак, сабаби шу — ҳоким бу масалада бошини қотириб ўтирмаган, ташкилот ёки тадбиркорга нима қилсанг ҳам, шу объектни қурасан, деб кўрсатма берган-у, бошқа масалалар билан қизиқмаган.

Лекин бундай сиёсат бизга тўғри келмайди. Ўзингиз айтинг, ҳоким объектнинг лойиҳасини кўрмаган бўлса, бажариладиган ишлар сметасини ҳеч ким тасдиқламаган бўлса, бу қурилишнинг аслида қанчага тушганию ҳақиқий нархи қанча эканини қаердан билади?

Эртага прокурор ёки бошқа бир ваколатли идора текширганидан сўнг пушаймон бўлмаслик учун бу ишга жиддий қараш керак. Сизлар раҳбар бўлиб шу масалаларга эътибор беришингиз лозим.

Кейинги масала. Нима учун Жамғарма ҳисобида тахминан 2,5 миллион эркин алмаштириладиган валюта — АҚШ доллари бўлатуриб, янги қурилган ва аввалдан ишлаётган объектларни жиҳозлаш масаласида бу маблағ сарфлангани йўқ? Бу масалада бирор режа, тартиб борми? Бу маблағ ҳисобидан қандай спорт анжомлари со-

тиб олинади, умуман, бу пул қандай ишлатилади — буни ҳам аниқлаш зарур.

Такрор-такрор айтаман, Жамғарма фаолияти бу — янги иш, янги жараён. Уни тартибга солиш, ҳар томонлама меъёрида ташкил қилиш осон эмас, мен буни ҳам яхши тушунаман. Лекин ҳозир тилга олинган камчиликларни зудлик билан тузатиш даркор.

Бугунги асосий вазифа шуки, фақат пулни жамғариш эмас, ҳар қайси вилоят бўйича асосий объектларни аниқлаш, қанчаси янгидан қурилади, қанчаси таъмирланади — барчасини рўйхатга олиш керак.

Мен шу ўринда, фурсатдан фойдаланиб, пойтахтдаги маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллар ва раҳбарларга алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман. Нега деганда, Тошкент шаҳрида маҳаллалар раҳбарлари ва жамоатчилигида бу ишга ҳавас уйғонди, улар бу масала моҳиятини яхши тушунди. Бошқача айтганда, спорт кимга керак— аввалambор, шу юртда яшаётган ҳар бир инсонга, оилага, маҳаллага керак, юртимизни дунёга танитиш учун керак, деган ҳақиқатни бугун жамоатчилигимиз тобора яхши англаяпти.

Матбуотимиз ҳам шу масала бўйича яхши иш олиб боряпти. Маҳаллалардаги одамлар телевидение ва газеталардаги чиқишларида шу муҳим масала бўйича фаол фикр билдиряпти. Бу йўналишдаги ишларни яна давом эттириш зарур.

Қишлоқ жойларда ҳам одамларни мана шу даражада уйғотсак, уларнинг масъулиятини, керак бўлса, сафарбарлигини оширсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунинг учун, яна такрор айтаман, қандай объектларни қуриш, қайсиларини таъмирлаш, қайси объектларни замонавий талаблар асосида қайтадан жиҳозлаш бўйича аниқ таклиф ва режаларни ишлаб чиқиш зарур.

Айтилганлардан чиқадиган хулоса шуки, Жамғарма аввалambор қишлоқ жойда яшайдиган болаларнинг спортга қизиқишини уйғотиши, уларни спортга ҳавас ва меҳр руҳида тарбиялаши лозим. Биз ҳисобот учун ишламаслигимиз, балки олис-олис жойларга бориб, оғир ва долзарб муаммоларни ечишимиз керак. Айниқса, ҳокимлар ва фаолларга қараб айтмоқчиман: пахта, ғалла ўз йўли билан, сизлар бошида турмасангиз ҳам жойларда деҳқонлар ўз вазифасини билиб бажараверади.

Бизда нима бўляпти? Ҳоким эрталаб туради, машинага ўтирадию далага шошади. Одамларни руҳлантириш учун балки бу ҳам керакдир. Лекин шулар қаторида ҳоким бир ойда лоақал битта мактабга бориб, ёшлар тарбияси билан қизиқса, бир сафар касалхонага кирса, одамлар билан суҳбатлашса, уларни қийнаётган муаммолардан хабардор бўлса, бу муаммоларни ечиш учун бош қотирса, ўйлайманки, ўз бурчини кўпроқ бажарган бўлади.

Такрор айтаман, вилоят пахта ва галла режасини бажарса, бунда, албатта ҳокимнинг ҳам ҳиссаси бўлади. Лекин ҳокимнинг асосий вазифаси — одамларни рози қилиш. Фақат пахтаю ғалла режаларини бажариш эмас, балки аҳолининг даромадини ташкил қилиш, ижтимоий масалаларга эътибор бериш ҳисобидан бунга эришиш керак.

Қурилган объектлар масаласига келсак, мен ҳокимларга шундай тавсия берардим, бу объектларни бориб яна бир марта ўз кўзингиз билан кўринглар, бу лойиҳаларнинг қандай камчилиги борлигини аниқланглар. Мен Хоразмда бўлганимда қурилган объектларни кўрдим. Вилоят раҳбариятининг бу борада қилган ишлари ҳар томонлама эътиборга арзийди.

Андижондаги ишларни, у ердаги янги спорт иншоотларини кўриб, ўзимни худдики қанот пайдо бўлгандек, енгил ҳис қилдим.

Бошқа объектларнинг қурилиши ўз йўлига, уларни қуриш сизнинг, қурувчиларнинг, буюртмачиларнинг иши. Лекин болаларимиз учун янги мактаблар, замонавий спорт мажмуаларини қуриш — ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши керак.

Нега деганда, бола спорт билан шуғулланса, ота-онанинг кўнгли тўқ бўлади, уйда хотиржамлик бўлади. Шуни тушуниш керак, англаш ке-

рак. Спорт орқали боланинг дунёқараши ўзгаради. Кеча кўчада нима қилишини билмай юрган бола бирон-бир ҳунар ўрганиш, спорт машғулотлари билан банд бўлса, ота-онасига ҳам бошқача кўз билан қарайди, оилада меҳр-оқибат, аҳиллик кучаяди. Айниқса, ўғил болалар спорт майдонларида мардлик мактабини ўтайди. Спортда қийинчиликни кўргани учун бир бурда нон қаердан келишини, бу ҳаётнинг огирликларини тушунади, ота-онасига ёрдам беришга, уй-рўзғор ишларига қарашишга ҳаракат қилади.

Биз нима учун 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилдик? Бу қуруқ даъват эмас. Меҳр-мурувват — аввало, бу одамларнинг маънавий дунёсидаги ўзгариш аломатидир. Ногиронларга, бева-бечораларга, муҳтож одамларга ёрдам бериш ўз йўли билан, бу меҳр-мурувватнинг моддий кўринишлари, улар ҳам керак. Лекин том маънодаги меҳр-мурувват деганда, биз одамзотнинг қалбидаги маънавий янгиланишларни, унинг онгу тафаккуридаги ўзгаришларни тушунамиз. Меҳр-мурувват деган буюк мўъжизани ҳар бир юртдошимиз ҳар куни ўз атрофида яшайдиган одамлар билан муносабатда кўриши, ҳис этиши лозим.

Биз демократия ҳақида кўп гапирамиз. Аслида демократиянинг асосий белгиси нима? Одамлар ўртасидаги аҳиллик, ўзаро муроса, бир-бирини тушуниш ва англаш эмасми?

Ўзбекистон — аксарият аҳолиси мусулмон динига эътиқод қиладиган мамлакат. Бинобарин, бу ерда минг йиллардан буён шаклланиб келаётган ўзига хос миллий қадриятлар бор. Биз демократияни ана шу олижаноб қадриятларимиз билан уйғун ҳолда ривожлантиришимиз лозим.

Мен нима демоқчиман?

Спортни ривожлантириш жамиятимизда меҳр-мурувват туйғусини юксалтириш борасидаги мақсадимизга, керак бўлса, сиёсатимизга ҳам жуда катта ҳисса қўшади. Билиб қўйинглар, ўзини ҳақиқий спортчи деб биладиган, спорт билан чин кўнгилдан шуғулланадиган одам ҳеч қачон бировнинг ризқига хиёнат қилмайди, қўполлик, бахиллик, ҳасад каби иллатлардан йироқ бўлади.

Мана, масалан, шарқ яккакураш турларига эътибор беринглар. Мамлакатимизда ривож топаётган каратэ ёки таэквондони оласизми, мураббийлар бу спорт турларига қабул қилишдан аввал ёшларни текшириб кўради. Яъни, биринчи галда шу болада одамийлик, инсонпарварлик, ўз рақибини ҳурмат қилиш каби хислатлар борми, деган саволга маълум бир тестлар орқали жавоб топишга ҳаракат қилади. Фақат шундай синовдан ўтгандан кейингина бола машғулотга қабул қилинади.

Эътиборли томони шундаки, бундай болалар ҳеч қачон кўчада одобсизликка бориб, кучини

намойиш қилмайди, нега деганда, унинг ички дунёсига спорт орқали янгича қараш, янгича инсоний ҳиссиётлар киради. Шу масаланинг маънавий томонларини чуқур ўрганиш, спорт ёрдамида одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, фарзандларимизни ҳақиқатан ҳам комил инсонлар қилиб тарбиялаш, ўйлайманки, алоҳида урғу бериладиган, керак бўлса, асосий диққат-эътиборини қаратиш зарур бўлган муҳим масаладир.

Менинг бир таклифим бор, Андижонда колледж ва лицейларни қуриш, уларнинг замонавий қиёфа касб этишига жиддий аҳамият берилаётганини инобатга олиб, бу тажрибани ўрганиш учун республика семинарини ўтказиш керак. Андижонда қурилган баъзи бир коллежларнинг, айтиш мумкинки, Европадаги коллежлардан кам жойи йўқ.

Нафақат деҳқончилик мактаби, балки ижтимоий соҳада, аввалambор, таълим-тарбия соҳасида ҳам Андижонда кўп-кўп ишлар қилиняпти.

Жойларда ижтимоий масалалар имкон қадар ҳал этилса, ижтимоий маданият юксалса, одамларнинг аҳволи яхшиланса, эртага ҳамма далага чиқади. Агар мактабнинг аҳволи чатоқ бўлса, спорт деган нарса умуман бўлмаса, одамнинг қўли ишга борадими? Такрор-такрор айтаман, билиб қўйинглар, маданият, шу жумладан, спорт маданияти, спорт билан шуғулланиш — бу авва-

ло, муҳим ижтимоий масала. Шунинг учун ҳам бу омиллар албатта одамларнинг ишга бўлган муносабатига ўз таъсирини ўтказади.

Маданият деган сўзни кенг маънода тушуниш керак. Ўз вақтида ишлаб, ўз вақтида дам олиш — бу ҳам маданият. Қуриладиган уйни гуваладан эмас, пишиқ ғиштдан мустаҳкам қилиб қуриш —бу ҳам маданият. Ўз уйи, ўз маҳалласининг тозалиги ва ободончилигига эътибор бериш ҳам —маданият.

Бир нарсани яхши тушуниб олишларингизни истардим: бу ишлар Президент учун эмас, халқимизнинг келажагини ўйлаб қилинаётганини доимо ёдда тутиш лозим. Албатта, Президент халқимизнинг бугуни ва эртаси учун муҳим бўлган бир ишни амалга оширишда масъулиятни ўз зиммасига олиб, ташаббус билан чиқади, лекин бу ташаббус барча раҳбар ва фаолларнинг ташаббусига айланиши даркор. Агар шундай бўлмаса, бундай ташаббуслар ўзининг амалий ижросини топмасдан қолиб кетаверади.

Демоқчиманки, бирон бир устувор масалани, бу — Президент сиёсати, деб эмас, аввало, умумхалқ сиёсат, деб тушунсак ва шу асосда иш юритсак, тўғри бўлади. Яъни, бу масалалар мамлакатимиз, бутун ўзбек халқининг манфаатига дахлдор сиёсатга айланиши даркор.

Яна бир нарсага эътибор қаратишингизни сўрайман. Спорт иншоотларига одамлар борса,

шу ерда машғулотлар бўлсагина, уларнинг атрофи обод бўлади. Нега деганда, инсоннинг қадами етган жойда, албатта, ободончилик бўлади. Спорт иншоотини қурдингизми, унга одамлар қатнай бошладими, шу жойда йўл ва йўлаклар, майдончалар, дарахтзорлар, дўконлар, қисқаси, бутун бир инфратузилма пайдо бўлади. Акс ҳолда, у ер ташландиқ ҳолга келади.

Мен бирон бир раҳбарни танқид қилишдан олдин унинг ўрнига ўзимни қўяман. Шу иш менинг қўлимдан келадими ёки келмайдими — ўзимга тасаввур қиламан. Шу маънода, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари фаолларига мурожаат қилиб айтмоқчиман. Нима учун сизлар оқсоқликка юз тутяпсиз? Одамларнинг ор-номусини, қадр-қимматини кўтаринглар, буни фақат галлачилик, пахтачилик соҳасида эмас, балки таълим, маданият, спорт масаласида ҳам амалга ошириш лозим. Бизнинг кимдан кам жойимиз бор, деб белни қаттиқ боғланглар. Албатта, бу ишларнинг маблағ билан боғлиқ жиҳатлари ҳам бор, керак бўлса, маблағ масаласида ҳам ёрдам берамиз. Фақат сизлар ўз ташаббусингизни кўрсатинг.

Бир вақтлар шу масалаларни ҳал этиш оғир муаммо эди. Ҳозир биз аниқ йўлни танлаб олдик. Жумладан, спорт масаласида ҳам бир пайтлар тушунмовчиликлар кўп эди. Ва биз бу муаммога қайси томондан ёндашишни ўзимизга аниқ тасаввур

қила олмасдик. Хўш, энди ўзингиз айтинг, бугун аҳволимиз ўзгаряптими? Ўз ишимизни танқидий баҳолаётганимиз, ҳатто энг нохуш ҳолатларни ҳам очиқ гапириб, уларни бартараф этиш чораларини кўраётганимизнинг ўзи ютуқ эмасми?

Ҳозир гап кимнидир танқид қилиш, кимнингдир обрўсини тўкишда эмас. Асосий масала — халқимиз учун, келажагимиз учун зарур бўлган ишларни амалга оширишда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз буюк мақсадларни ўз олдимизга қўйган эканмиз, уларга етишишнинг ҳар томонлама синалган йўллари бор экан, уларга қатъий амал қилишимиз лозим.

Барчангизга маълумки, биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган давлат ва жамият барпо этяпмиз. Бунинг учун эса ҳар томонлама комил инсон, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш — биз учун энг буюк мақсадга, керак бўлса, энг савобли ишга айланиши даркор.

Биз бу борада жуда катта қадамлар қўйдик. Шундай экан, энди бу ишларни изчил давом эттиришимиз, янги-янги ташаббусларни бошлашимиз керак. Ютуқлар билан кифояланиб, бир жойда депсиниб туришга ҳаққимиз йўқ.

Нега деганда, беш йил ўтади, жуда кўп бўлса, ўн йил ўтади, насиб этса, ҳаммамиз соғ-саломат мана шу бошлаган ишларимизнинг қандай самара беришини кўрамиз. Ҳар томонлама бар-

камол ёшларга қараб, қандай миллатга, қандай авлодга эгамиз, деб балки ўзимиз ҳам ҳайратда қолишимиз мумкин.

Шунинг учун бугун белгиланган режаларни амалга оширишда, албатта, бу ерда айтилган танқидий фикрлардан хулоса чиқариб, бошлаган ижобий ишларимизни охирига етказишимиз керак.

Такрор айтаман, болалар спорти масаласи — бу ижтимоий ҳаётимиздаги жуда муҳим йўналиш ва у доимо бизнинг эътибор марказимизда туриши керак. Белни қаттиқ боғланглар, шу масалани охиригача етказсак, ўзингиз кўрасиз, биринчидан, одамлар биздан рози бўлади, иккинчидан, буюк мақсадга эришамиз. Соғлом ва баркамол авлодни ўстирамиз, шу авлод бизнинг ўрнимизни босади, насиб этса, ишимизни муносиб давом эттиради.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Болалар спортини
ривожлантириш жамғармаси
Ҳомийлик кенгаши
йиғилишидаги маъруза,
2004 йил 9 январь

МАВЖУД САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Ҳурматли депутатлар!

Аввалambор, бугун барчангизни бардам-бақувват кўриб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, сизларга ўзимнинг самимий ҳурмат ва истакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Бугун сиз, халқ вакиллари билан, Тошкент вилоятининг раҳбарлари ва жамоатчилиги билан учрашувимизнинг асосий мақсади — нафақат кун тартибидаги ташкилий масалани кўриб чиқиш, балки вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволига танқидий баҳо бериш, шу заминда яшайдиган одамларни ўйлантираётган, ташвиш ва эътироз уйғотаётган муаммолар ҳақида холисона гаплашиб олиш, уларни бартараф этиш йўлларини излашдан иборат.

Ўйлайманки, шу масалалар, аввалambор, олдимизда турган долзарб вазифалар бўйича фикр алмашиб олсак ва ана шу муаммоларни ечишда ҳар бир раҳбар, ҳар қайси инсон ўз жойида ўз ҳиссасини қўшса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Муҳтарам дўстлар!

Юртимизнинг бугунги харитасини улкан қурилиш, ободончилик ва бунёдкорлик майдони, деб ўзимизга тасаввур қилсак, Тошкент вилоятида бўлаётган ўзгаришларни шу ишларнинг узвий бир қисми, деб қиёсласак, ҳеч қандай хато бўлмайди, деб ўйлайман.

Албатта, бугун қайси соҳани олмайлик, бу ишлаб чиқариш бўладими, қурилиш ва ободончилик бўладими, саноат, қишлоқ хўжалиги ёки ижтимоий соҳа бўладими — буларнинг барчасида биз кўпмиллатли вилоят аҳлининг ўзини аямай меҳнат қилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Иқтисодиётда, ҳаётимизнинг ижтимоий, маданий ва маънавий соҳа ва тармоқларида ислоҳотларни жорий қилиш йўлида амалий қадамлар қўйилаётганини кўришимиз мумкин.

Иқтисодиётимизнинг етакчи бир қисми бўлмиш қишлоқ хўжалигида, одамларда ерга, мулкка эгалик ҳиссиётининг мустаҳкамланиб, фермер-деҳқон хўжаликлари ҳаракати кенгайиб бораётгани кўзга ташланмоқда.

Бутун эл-юртимиз қатори бугунги кунда вилоят аҳлининг тафаккурида ҳам ҳаётимизга янгича қараш тушунчалари, жамиятимиздаги муносабатларни янгилаш ҳаракатлари тобора кучайиб бормоқда.

Халқимизнинг онгида, ҳаётимизда бўлаётган бундай ижобий ўзгаришларни, аввалambор, 2004 йилнинг мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилингани ва буни аҳолимизнинг ижобий кутиб олиши мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Бугун вилоятнинг қайси шаҳар ва туманига борманг, барча жойларда меҳр ва мурувват деган тушунча янги маъно-мазмун билан бойиб, халқимизнинг табиати ва дунёқарашида ана шундай фазилат ва интилишлар янада кучайиб, кенг ёйилиб бораётганини кўриб, одам беихтиёр хурсанд бўлади, ўзи ҳам шундай савобли ишларга ҳисса қўшишга ҳаракат қилади.

Азиз дўстлар!

Тошкент вилоятининг Ўзбекистонимиздаги ўрни ва мавқеи, ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва коммуникация тизими ҳақида, унинг улкан табиий захиралари ва аввало инсон ресурслари ҳақида сизларнинг олдингизда ортиқча гапириб ўтиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман.

Аллоҳ назар солган бу замин бағрида ноёб бойликлар кўп. Бу ерда ҳар қандай давлат иқтисодиётининг негизини белгилаб берувчи тоғ-кон металлургияси, ёқилги-энергетика, кимё ва қайта ишлаш саноати ҳар томонлама ривож топган. Вилоятнинг ери унумдор, суғориш тармоқлари яхши йўлга қўйилган, сув ресурслари ҳам етарли.

Ҳақиқатда ҳам, қайси соҳани олманг, энг кучли корхоналар, энг кучли қурилиш ташкилотларининг кўпи Тошкент вилоятида жойлашган.

Бугунги кунда республикада ишлаб чиқариладиган жами саноат маҳсулотининг 10 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг эса 12 фоизи Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келиши ҳам воҳанинг салоҳияти мамлакатимизда нақадар катта эканини кўрсатиб турибди.

Билимдон, етук кадрлар мавжудлиги ҳақида гапирганда ҳам, азалдан бу вилоят катта салоҳиятга эга эканини барчамиз яхши биламиз.

Ўзбекистоннинг деҳқончилик тарихида Тошкент вилояти нафақат пахтачилик, балки қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳам ўзининг юксак маданияти, тажрибаси, ибратли ишлари билан машҳур бўлиб келган, десам, бу ҳеч ким учун янгилик эмас, деб ўйлайман.

Лўнда қилиб айтганда, Тошкент вилоятининг салоҳияти ва ўзига хос имкониятлари ҳақида гапирар эканмиз, ҳақиқатан ҳам, бу масканнинг мамлакатимиз тараққиёти, унинг бугунги ҳаёти ва эртанги ёруғ келажагини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс эканига сўзсиз ишонч ҳосил қиламиз.

Ва Тошкент воҳасининг обрў-эътиборини, керак бўлса, донғини юксалтиришда ўзининг ҳиссасини қўшган, шу заминни улуғлаш йўлида

хизмати сингган фидойиларнинг ҳақиқатан табаррук номларини катта ҳурмат ва эҳтиром билан эслаймиз, тилга оламиз.

Лекин, шу билан бирга, бу борада олдимизда аччиқ бир савол пайдо бўлиши табиий, деб ўйлайман. Нима бўлдики, охирги йиллар давомида барчамиз учун ибрат-намуна бўлган ишларни фақатгина эслаш қолди? Нима учун бундай ижобий намуналарни давом эттириш у ёқда турсин, вилоят эришган марраларини ҳам тобора бой бермоқда?

Очиқ айтиш керак — кейинги йилларда Тошкент вилояти қатор соҳа ва йўналишлар бўйича оқсоқликка юз тутмоқда. Вилоят ҳаётида бу хулосани тасдиқлайдиган кўп-кўп мисолларни топиш ва тасдиқлаш қийин эмас.

Бу эса, биринчи галда, вилоят иқтисодиётининг ўсиш суръатлари ва самарадорлигига, аҳолининг ҳаёт даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Буни кўрмаслик, англамаслик мутлақо нотўғри бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз аввалambор ўзимизга ўзимиз холисона баҳо беришимиз керак. Бу биз учун ўз мақсадларимизга етишнинг асосий шартидир.Ҳар қайси одам, ҳар қайси жамоа ўз ишига танқидий баҳо берсагина, эртанги режаларининг амалга ошишини ҳам таъминлай олади.

Биз нимага эришганимиз ва нималарга эриша олмаганимизни вақтида англаб, тўғри хулосалар чиқариб олсак, бу ҳам мардлик белгиси бўлади. Шундагина одамлар, халқимиз олдида виждонимиз тоза бўлади.

Бу маърузага тайёргарлик кўриш жараёнида мен ўзимга қайта-қайта бир саволни бердим: нима учун Тошкент вилояти бундай аҳволга тушиб қолди?Ҳаммамиз яхши биламиз, илгари катта-катта анжуманларда биринчи бўлиб Тошкент вилояти вакилларига сўз бериларди. Чунки вилоятнинг ҳамма соҳалар бўйича эришган кўрсаткичлари, обрў-эътибори баланд эди.

Албатта, обрў-эътибор осмондан тушмайди. Бунга фақат меҳнат, изланиш билан эришиш мумкин. Буни доимо бошқаларга ибрат бўлиб келган Тошкент вилояти тарихида кўп кўрганмиз.

Кейинги йилларда вилоят ҳаётида рўй бераётган оқсоқлик аввалambор одамларнинг нафсониятига, ғурурига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ғурур-ифтихор деган нарса бир йилда пайдо бўлмайди. Бунинг учун узоқ вақт тинимсиз меҳнат қилиш, керак бўлса, жон фидо этиш зарур.

Кўп-кўп мисолларда кўриш мумкинки, бу иш бизнинг қўлимиздан келади. Фақат одамларни уйғотиш керак, уларнинг ишончини қозониш керак. Қолган ҳамма нарса бизда бор.

Вазиятни шу нуқтаи назардан таҳлил қилиб, саноат соҳасини оладиган бўлсак, вилоятдаги кўпгина йирик корхона ва уюшмаларнинг ишлаб чиқариш ва техник ҳолати бугун замон талабларига жавоб бермайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот оддий рақобатга чидолмайди.

Фақатгина ўтган йилнинг ўзида 204 та корхонанинг 76 тасида режадагидан 42 ярим миллиард сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди.

Вилоят корхоналарида ишлаб чиқарилаётган аксарият маҳсулотларнинг сифати паст, таннархи эса баланд, маркетинг хизмати яхши йўлга қўйилмагани туфайли омбор учун ишлашдек яроқсиз усул ҳамон давом этмоқда.

Натижада вилоятда сотилмай ётган тайёр маҳсулотлар қолдиғи ўтган йилнинг ўзида 1,6 баробарга ортиб, 43 миллиард сўмни ташкил этгани ҳам ана шу ачинарли аҳволни тасдиқлаб турибди.

Сўнгги йилларда зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони 37 тадан 50 тага етгани, зарар миқдори эса 20 миллиард сўмдан ошиб кетгани аввало вилоят раҳбарияти ва тегишли мутасаддиларнинг ўзибўларчилик ва лоқайдлик кайфиятига берилиб кетганини кўрсатади.

Вилоятда тўлов интизомини, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда. Айни пайтда дебиторлик қарзлар миқдори 67 миллиард сўмдан

ортиқ экани, кредиторлик қарзлар эса 157 миллиард сўмни ташкил этаётгани ҳам шунинг исботидир.

Айниқса, пахтачилик соҳасидаги оқсоқлик йилдан-йилга кучайиб бораётгани ҳаммамизни ташвишга солиши табиий.

Охирги тўрт йил мобайнида вилоятда пахта етиштириш 281 минг тоннадан 226 минг тоннага тушиб қолгани, ҳосилдорлик эса 5 центнерга пасайиб, давлатга қарийб 138 минг тонна пахта кам етказиб берилгани пахтачиликдаги аҳволни яққол кўрсатиб турибди.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, биродарлар, мана шу 138 минг тонналик ҳосилни бой берганимиз шу ҳисобидан миллиард-миллиард сўм даромадни йўқотганимиздан далолат бермайдими?

Ва бу ҳаётимизнинг даражасига салбий таъсир ўтказмоқда, ижтимоий соҳада қанча-қанча объектларимиз қурилмасдан, кўп муаммоларимиз ечилмасдан қолиб кетди.

Бир пайтлар ишни қойил қилиб, барча-барчага ўрнак бўлган вилоят деҳқонлари энди бошқа жойларга бориб тажриба ўрганишга эҳтиёж сезмоқда. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бугун шу ҳақиқатни очиқ айтишга мажбурмиз.

Мисол учун, чигитни плёнка остига экиш масаласини олайлик. Ўтган йили бу усул билан режадаги 24 минг гектар ўрнига бор-йўғи 3 минг

700 гектар ерга чигит экилганига нима дейиш мумкин?

Қишлоқ хўжалигидаги илгор технологияларга мана шундай совуққон муносабат натижасида, изланувчанлик ва ташаббускорлик етишмаслиги оқибатида вилоятда ўтган мавсумда пахта топшириш бўйича шартнома режаси 77,5 фоизда қолиб кетди.

Ер ва сув имкониятлари жиҳатидан бир хил шароитда бўлган Чиноз тумани меҳнаткашлари шартнома режасини ортиғи билан адо этгани ҳолда, бу кўрсаткич Пскент ва Бекобод туманларида атиги 65—67 фоизни ташкил этганига нима деса бўлади?

Ҳурматли депутатлар!

Бугун қилаётган ишларимизга баҳо берар эканмиз, биринчи галда аҳолимизни қийнаётган муаммоларга, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, оғирини енгил қилиш йўлидаги масалаларга алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Бу йўналишда, холисона тан олишимиз керак, Тошкент вилоятида анча-мунча ишлар амалга ошириляпти.

Кейинги йилларда вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 93 фоизга, табиий газ билан таъминлаш эса 83 фоизга етгани ҳам шулар жумласидандир.

Лекин очиқ айтишимиз керак: қурилиш, ижтимоий соҳа, айниқса, маориф ва соғлиқни сақ-

лаш тармоқларидаги аҳвол аҳолининг кўпгина эътироз ва норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда Тошкент вилоятида 897 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда 520 минг нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Бу мактабларнинг 85 фоизи қишлоқларда жойлашган.

Хўш, ярим миллиондан зиёд бу болаларга муносабат қандай? Ёки ёшлар — келажагимиз эгаси, ғурур-ифтихоримиз, суянчимиз ва таянчимиз, деган тушунчалар фақат қуруқ гап бўлиб қоляптими? Бу соҳага Тошкент вилоятида нега етарли эътибор берилмаяпти?

Биламан, маблағ ва имкониятларимиз ҳозирча стишмайди. Агар етса эди, кўп мактабларни янгича қуриб, замонавий таъмирлаб, жиҳозлаб олган бўлардик. Лекин умумий республика кўрсаткичи деган ўлчов бор.Ҳар қайси вилоят ана шу кўрсаткичдан орқада қолса, ўзига табиий равишда, нега бундай бўлди, биз нимага оқсоқ бўлиб қолдик, деб савол бериши керак. Шундай экан, пойтахт вилояти нега бошқалардан орқада қолаяпти?

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида мен айни шу масалага эътиборни қаратган эдим.

Бугун бу муаммонинг нақадар долзарблигини Тошкент вилояти мисолида ҳам кўриб турибмиз. Нима учун Тошкент вилоятида қишлоқ мактаб-

лари, таъбир жоиз бўлса, худдики сағир бўлиб турибди? Ўйлайманки, бу сўзнинг маъносини яхши тушунасизлар, халқимиз қаровсиз, етим қолган болаларни сағир деб атайди.

Қишлоқ мактабларида ўқийдиган фарзандларимизнинг кўзига қаранг. Уларнинг кўзида битта савол — менинг айбим нима, нима учун мен шундай ночор шароитда ўқишим керак, деган маънони кўриш мумкин. Чунки улар дунёда, юртимизнинг турли жойларида бугун болалар қандай замонавий ўқув масканларида таълим олаётганини кўриб турибди. Шунинг учун уларнинг, менинг бошқалардан кам жойим борми, деб ўкиниши табиий ҳол, албатта.

Агар мендан, маънавий соғлом болалар қаерда ўсяпти, деб сўраса, бошқалар хафа бўлмасин-у, қишлоқда, деб жавоб берган бўлардим. Шундай экан, келажакда мамлакатимиз тақдирини белгилайдиган болаларимизнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари учун нега етарли шароит яратиб бермаяпмиз? Фарзандларимиз кўзидаги бу саволга биз ҳаммамиз — ҳокимлар ва раҳбарлар жавоб беришимиз керак.

Бу борадаги аҳволни аниқ тасаввур қилиш учун баъзи бир мисолларни келтирмоқчиман.

Вилоятдаги мактабларнинг 70 фоизида ўқиш икки сменада, Бўка ва Зангиота, Қуйичирчиқ,

Бекобод ва Ўртачирчиқ туманларидаги айрим мактабларда эса ҳатто уч сменада олиб борилади.

Аҳволнинг шундай кескинлигига қарамасдан, кейинги йилларда янги мактаблар қуриш ва ишга тушириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Жумладан, қурилиши тўхтаб қолган мактабларни қуриб битказиш юзасидан амалий ишлар қилинмаяпти.

Вилоятда бундай мактабларнинг сони 47 тани ташкил этади, уларнинг 42 тасида қурилиш ишлари бошланганига 10 йилдан кўпроқ вақт бўлган. Бўка ва Бўстонлиқ туманларида 5 тадан, Қибрай ва Пскент, Юқоричирчиқ ва Янгийўл туманлари ҳамда Ангрен шаҳрида учтадан ана шундай мактаблар бор. Чала қолган мактабни 10 йил давомида қуриб битказишга қурби етмаган туман мутасаддилари фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин?

Вилоятда мавжуд мактабларнинг тахминан 50 фоизи мослаштирилган биноларда, 62 та мактаб эса ночор аҳволда жойлашган. Энг ёмони, кейинги йилларда уларнинг сони камаймаяпти.

Сўнгги беш йил давомида фақат 297 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган. Лекин бу ишларнинг кўлами жорий таъмирлашдан фарқ қилмайди, белгиланган талаб ва меъёрларга жавоб бермайди.

Яъни, вилоятда капитал таъмирлаш ишлари фақат синф хоналарини бўяш ва оқлаш, бинолар томини тузатишдангина иборат бўлиб қолмоқда.

Мавжуд катта иқтисодий салоҳиятга қарамасдан, вилоятда, айниқса, Тошкент шаҳрига туташ шаҳар ва туманларда бюджетдан ташқари маблағларни бу соҳага жалб қилиш ҳажми ниҳоятда пастлигича қолмоқда. Бу ишга — алоҳида урғу бериб айтмоқчиман — ҳомийларнинг куч ва имкониятларини жалб қилиш ҳам қониқарсиз аҳволда.

Масалан, Зангиота туманидаги 22-мактабда ўн йил мобайнида бирор марта ҳам капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмаган.

Бу ерда 793 нафар ўқувчи таълим олишига қарамасдан, мактаб ошхонаси фақат 50 ўринга эга. Бу мактаб деярли иситилмайди, томидан сурункасига чакка ўтиб ётади, ҳовлидаги ёрдамчи бинолар санитария талабларига умуман жавоб бермайди.

Туман ҳокими ёки унинг ўринбосарлари охирги марта қачон бу ерга келганини мактаб раҳбарияти эслай олмаса керак.

Таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам салбий ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Бўстонлиқ ва Паркент, Пскент, Чиноз ва Янгийўл туманларидаги қатор мактаб-

лар кадрлар билан тўлиқ таъминланмаган. Айниқса, чет тили фани бўйича ўқитувчилар етишмайди.

Умумтаълим мактабларидаги мавжуд 33,5 минг педагог кадрнинг 70 фоизигина олий маълумотга эга. Бу мамлакат миқёсидаги ўртача кўрсаткичдан анча паст.

Масалан, олий маълумотга эга бўлмаган ўқитувчилар Бекобод туманида 46 фоиз, Паркентда 37,8 фоиз, Оҳангаронда 37 фоиз, Чиноз ва Пскент туманларида 33 фоизни ташкил этади.

Бу жойларда педагог кадрлар таркиби асосан ўрта махсус маълумотли ўқитувчилардан иборат.

Бундай аҳволга ким танқидий баҳо бермоқда? Ким бунинг чорасини кўрмоқда? Бундай ҳолатдан шу туманларнинг ҳокимлари, вилоят раҳбарлари хабардорми, улар бу аҳволнинг сабабларини биладими? Афсуски, улардан сўрасангиз, фақат, мана, пахтани бажардик, ғаллани бажардик, деб ҳисоб беришга ўтиб кетади.

Албатта, бу иқтисодий кўрсаткичлар муҳим, лекин ҳокимнинг асосий вазифаси — ижтимоий масалани ечиш, халқни рози қилиш эмасми? Бу масалаларни бугун Президент эмас, ҳаётнинг ўзи талаб қиляпти. Президент фақат сизларнинг эсингизга соляпти, холос.

Мактабларни тузатиш учун аввало ҳар томонлама асосланган, пухта режа тузиш керак. Аниқ

режа бўлмаса, интилиш ҳам бўлмайди. Фақат ҳисоб бериш учун эмас, эл-юртимиз учун ишлаш керак. Шундан кейин ғалла ҳам, пахта ҳам бўлади.

Ёки аҳоли саломатлигини сақлаш масаласини кўрайлик. Сўнгги пайтда вилоятда бу соҳани ислоҳ этиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирга қадар 174 та қишлоқ врачлик пункти ташкил этилгани, аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизими шаклланаётгани шундан далолат беради.

Лекин аҳолининг соғлигини сақлаш даражасини белгилайдиган кўпгина кўрсаткичлар бўйича вилоят бу борадаги республиканинг ўртача кўрсаткичларидан сезиларли равишда ортда қолмоқда.

Бу, аввалambор, аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларининг республика кўрсаткичидан 1,2 баробар, оналар ўлими бўйича қарийб 1,6 баробар ортиқлигида, 1 ёшгача бўлган болаларнинг касалланиш ҳоллари кўпайиб бораётгани ҳаммамизни ташвишга солиши муқаррар.

Вилоятда кўплаб тиббиёт муассасаларининг зарур анжом ва асбоб-ускуналар билан таъминланиш даражасининг пастлиги ва ночор аҳволи кишини ташвишлантиради.

Айниқса, Бўстонлиқ ва Зангиота, Чиноз ва Тошкент, Янгийўл туманларида соғлиқни сақ-

лаш муассасаларининг моддий-техника базаси, керакли ашёлар ва анжомлар билан таъминланиши, тиббиёт ходимларининг малакаси ҳамон паст даражада қолмоқда.

Кейинги беш йил ичида Оққўрғон ва Бекобод, Қуйичирчиқ, Чиноз ва Янгийўл туманларида бирорта ҳам тиббий ускуна сотиб олинмаган.

Кўп жойларда дори-дармон билан таъминланиш даражаси эҳтиёжга нисбатан атиги 30—60 фоизни ташкил этаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоятдаги мавжуд 199 та тез ёрдам машинасидан 55 таси, яъни 27,6 фоизи мутлақо фойдаланишга ярамайди, машиналардаги рацияларнинг 60 фоизи маблағ етишмаслиги боис ишламайди. Умуман, тез тиббий ёрдам соҳасини автотранспорт билан таъминлаш бўйича кўрсаткич вилоятда 82 фоиздан ортмайди.

Мисол учун, Ангрен шаҳрини олайлик. Бу ерда 16 та тез ёрдам машинасига эҳтиёж бўлгани ҳолда, ҳақиқатда 10 та машина мавжуд бўлиб, улардан атиги бештаси ишлайди, холос.

Бир қарашда, бу арзимас масала бўлиб туюлиши мумкин. Лекин тўсатдан юраги ёмон бўлиб қолган ёки ўлим тўшагида ётган одамнинг ўрнига ўзимизни қўйиб кўрсак, бунинг нақадар муҳим эканини тушунамиз.

Биз эндигина бозор иқтисодиётига ўтаётган даврда тиббий хизмат пуллик бўлиши керак, бозор муносабатлари шуни талаб қилади, деганлар ҳам бўлди. Лекин биз бундай бир ёқлама фикрларга берилмасдан, тиббиёт соҳасида ҳам ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлни танладик.

Мен соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш устида уч йилдан кўпроқ вақт бош қотирдим, бу борада жаҳон тажрибаси, Европа тажрибасини ўргандим.

Биз аввалambор аҳоли учун бепул тез тиббий ёрдам хизматини ташкил қилишга эътибор қаратдик. 1997 йилдан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳасида туб ислоҳотларни жорий этишга киришдик. Ўтган давр мобайнида бу борада кўп ишлар амалга оширилди.

Лекин Тошкент вилоятида аҳвол ҳануз эскича қолаётгани жиддий ташвиш уйғотади. Ўзингиз ўйланг, «тез ёрдам» ўз вақтида келмаса, унинг машинаси, рацияси ишламаса, бунинг нимаси тез ёрдам?Ҳозирги пайтда рўй бераётган ўлим ҳолатларининг аксарияти асосан тез ёрдам хизматининг вақтида кўрсатилмаслиги билан боғлиқ эканини инобатга оладиган бўлсак, Тошкент вилоятидаги мавжуд аҳволни албатта оқлаб бўлмайди.

Инсон манфаатларини таъминлаш устувор мақсадимиз экан, одамларнинг саломатлиги биз

учун асосий масалалардан бири бўлиши керак. Шуларни эътиборга олиб, биз Тошкент шаҳрида бешта махсус ихтисослашган шифохона очишга қарор қилдик, уларда энг мураккаб тиббий операциялар амалга оширилади. Шу билан бирга, шошилинч тиббий хизмат соҳаси ҳам эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Масалан, тез тиббий ёрдам хизматчиларининг маошини 15—20 фоизга ошириш ҳақида декабрь ойида имзоланган фармон бунга мисол бўла олади.

Яна бир бор такрорлайман — мактаб-маориф, касалхона, аҳолини газ ва сув билан таъминлаш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлмоғи керак.

Мана, Бўка туманида газлаштириш даражаси бор-йўғи 40 фоизни ташкил этишига нима дейиш мумкин? Шуни унутмаслигимиз керакки, бу фақат коммунал масала эмас, бу аввало аёлларга шароит яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, қолаверса, оилага, маҳаллага маданият олиб кириш, одамларнинг ҳаёт даражасини ўзгартириш демакдир.

Вилоятда янги қурилиш, халқимиз яшаётган жойларни, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, обод этиш масаласига етарли эътибор берилмаяпти.

Айрим қишлоқлардаги майдон ва кўчаларнинг қаровсиз ҳолати, аҳоли истиқомат қиладиган

тураржойларнинг эътибордан четда қолиб келаётгани лоқайдлик ва бепарволикдан йироқ бўлган ҳар қандай одамнинг кўнглини хира қилиши турган гап.

Мен юртимизнинг кўп жойларида бўлганимда, қишлоқларимиз, тураржойларимизнинг қиёфаси очилиб, гўзаллашиб бораётганини, бугунги ҳаётимизнинг янгича белги-аломати бўлган шундай интилиш ва эзгу ҳаракатларни кўриб, кўпчилик халқимиз қатори хурсанд бўламан, кўнглим тогдек кўтарилади.

Афсуски, Тошкент вилоятида бундай ижобий ёндашиш ва мисолларни камдан-кам учратамиз.

Яқинда мен Ғазалкент шаҳридан ўтаётиб, унинг қандай аҳволга тушиб қолганини кўриб, жуда ачиндим. Беихтиёр, бу жойнинг эгаси борми ўзи, деб ўйладим.

Қишлоқ ва шаҳарларимизни обод қилиш — бу шунчаки ҳавас ёки эрмак эмас, балки шу орқали одамларнинг турмуш шароити, энг муҳими, маънавий дунёси ўзгаради.

Турмуш маданияти, маънавият шундай нарсаки, у болаликдан, боғча ёшидан инсоннинг тарбиясига кирган тақдирдагина ижобий бир натижа беради. Қўни-қўшни, маҳалла-кўй ўртасида биргаликда гул ва кўчат экиш, деворларни оқлаш, ён-атрофни обод қилиш орқали бекорчилик, ҳар хил фисқу фасод ва ғийбат гаплар

барҳам топади. Шундан сўнг нафақат кўча ёки майдонларда, балки инсон кўнглида ҳам ёруғлик пайдо бўлади. Мен ободлик кўнгилдан бошланади, деганда, аввалambор, шуни назарда тутаман.

Азиз дўстлар, барчангиздан бир оддий ҳақиқатни унутмасликни сўрайман. Инсон фақат бугунги кун билан яшамайди.Ҳаёт қонунияти, тириклик талаби шундайки, бир кун билан яшайдиган, ўз олдига катта мақсад ва режаларни қўймайдиган одам узоққа боролмайди.

Тез суръатлар, шиддат билан кечаётган ҳаёт барчамизнинг олдимизга ўта оғир ва мураккаб масалаларни қўймоқда. Йилдан-йилга аҳолимизнинг сони кўпайиб, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда. Чунки одамлар фақат кечаги ёки бугунги ҳаёт даражаси билан чекланиб қолишни истамайди.

Мен қачонки «Бизга бўлаверади» деган гапни эшитсам, қоним қайнаб кетади. Нима учун бизга бўлаверар экан? Нима, биз бировдан каммизми? Мен бу саволни ўзимга доимо қайта-қайта бераман, сизлар ҳам ўзингиздан шуни сўранглар. Нима, ўзбек халқининг бошқалардан кам жойи борми? Билиб қўйинглар, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз. Бу ғоя, бу шиор халқнинг, миллатимизнинг онгига, суяк-суягига сингиши керак.

Мана, масалан, Тошкент вилоятида қишлоқ жойларидаги кўп уйлар гувала-пахсадан қилинган. Бундай ҳолат катта салоҳиятга эга бўлган пойтахт вилоятига ярашадими? Бу аҳволни ўнглаш учун имконият яратиш шунчалик қийинми? Кўп касалликларнинг келиб чиқиши ана шундай зах уйлардаги шароит билан боглиқ эмасми? Нима, Тошкент вилоятида ғишт заводларини кўпайтириб, ғиштнинг нархини арзон қилиб қўйиш мумкин эмасми?

Умуман, Тошкент вилоятида қурилиш соҳасида замонавий архитектура талабларига риоя қилиш борми ўзи? Биринчи галда шу масалага алоҳида эътибор беришимиз керак.

Бугун одамларни баландпарвоз гаплар, сохта ва қуруқ ваъдалар билан кўндириб, рози қилиб бўлмайди. Буни ҳаммамиз, аввалambор раҳбарлар, ўзини етакчи, деб ҳисоблайдиган одамлар чуқур англаши ва ундан керакли хулоса чиқариши лозим.

Битта бир оддий саволга жавоб берайлик. Меҳнат билан яшайдиган, меҳнат ҳисобидан ўз оиласининг ҳаётини тебратадиган, ўз келажагини кўрадиган одамларга нима керак?

Уларнинг ишини ташкил қилиб берсанг, улар ўз меҳнатидан мамнун ва рози бўлса, ўз меҳнатига қараб ҳақини олса, эртанги кунини аниқ ва равшан тасаввур қилса, бундай инсонлар ўз ол-

дига қўйган мақсадларига эришиш учун ҳар қанча фидойилик кўрсатиши мумкин.

Лекин бундай меҳнатчиларимизнинг бошини қовуштириш, кўнглини, руҳини кўтариш, уларнинг истиқболини кўрсатиш учун ишни ташкил қиладиган, уларни сафарбарликка чорлайдиган етакчи керак, ташаббус керак.

Бундай ҳолатларни тасдиқловчи мисолларни ҳар қадамда олиб келиш қийин эмас.

Кўп йиллар давомида чўкиб қолган хўжалик ёки ташкилотга билимли, замонавий талабларга жавоб берадиган, ташаббускор, изланувчан ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган бир инсон бошлиқ бўлиб келса, орадан кўп ўтмай, шу ерда қандайдир жонланиш пайдо бўлади, одамлар ҳам ҳаракатга келиб, шу етакчининг атрофида жипслашиб, кўпгина ўзгаришларга эришади, ютуқларни қўлга киритишга қодир бўлади.

Буни сизларга узоқ тушунтириб, исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Бундай вазиятни нафақат кичик бир жамоада, нафақат туман ёки вилоятда, балки республика миқёсидаги идора ва ташкилотлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, бизнинг халқимиздек кўнгли очиқ, багрикенг, содда, меҳнаткаш халқни дунёда қидириб топиш қийин.Ҳамма гап ташкилотчилик, замон билан ҳамқадам бўлиб яшашда,

ҳаёт талабига жавоб беришдай бир қарашда оддий, лекин шу билан бирга, раҳбарлардан талаб қилинадиган ўта мураккаб вазифани қай даражада адо этишда.

Демоқчиманки, раҳбарлик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Яратганнинг ўзи кимгадир фермерлик, кимгадир қурувчилик, яна кимгадир шифокорлик қобилиятини ато этади, аммо раҳбарлик истеъдодини ҳаммага ҳам бермас экан.

Бу масала бўйича кўп гапирамиз, лекин яна такрорлашга тўғри келади. Раҳбарларни танлаш ва тарбиялаш, керак бўлса, раҳбарлик меҳнатига, тўғрироқ айтадиган бўлсак, раҳбарлик санъатига ўргатиш масаласи бугунги кунда бошқариш тизимимизнинг энг огир муаммоси бўлиб қолмоқда.

Ўзингиз яхши биласиз: яхши мутахассис бўлиш мумкин — лекин яхши раҳбар бўлиш қийин.

Раҳбар ўз масъулияти ва жавобгарлигини аввало ўз виждони олдида, унга ишониб юрган одамлар ва эл-юрт олдида чуқур англаши керак, иш устида куйиши ва ёниши керак.

Кечаю кундуз эл ғами ва ташвиши билан яшаб, олдида турган муаммолар ечимини топмагунча, бошлаган ишларни охирига етказмагунча ўзига ҳам, бошқаларга ҳам тиним бермасдан меҳнат қилаётган инсонни мен ҳақиқий етакчи-раҳбар сифатида қабул қиламан.

Ўз тажрибамда кўрганман — ҳаётда тайёр раҳбар йўқ.Ҳеч ким тайёр ҳоким ёки вазир бўлиб туғилмайди, раҳбарлик қобилияти йиллар давомида шаклланади. Мен кўпроқ раҳбарнинг қайси хусусиятини қадрлайман? Менга доимо куйиб-ёниб яшайдиган, фидойи одам маъқул. Эҳтимол, у бирон масаланинг ечимини бирданига топа олмас, лекин кеча-кундуз шу ҳақда ўйласа, эл манфаати учун жон куйдирса, кўп муаммоларни ечишга қодир бўлади.

Минг афсуски, бугун кўп жойларда эскидан қолган, балки кимгадир ёқадиган қарашлар, кимгадир енгил ва қулай бошқариш услубларининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Яъни, «сен менга тегма, мен сенга тегмайман», «мендан кетгунча, эгасига етгунча» деган лоқайдлик, бепарволик, қатъиятсизлик ва заифлик намунаси бўлмиш ҳолатларга учрамоқдамиз.

Агар буларнинг қаторига таниш-билишлик, ошна-оғайничилик, маҳаллийчилик, порахўрлик каби иллатларни қўшсак, ўйлайманки, бугун ҳаётимизнинг кўпгина тармоқ ва жабҳаларидаги оқсоқлик, ечилмасдан турган кўпгина муаммоларнинг сабабини тушуниш қийин эмас.

Ҳар қайси раҳбар шунинг учун раҳбар қилиб қўйилган — сайланганки, у атрофида юрганларга нисбатан чуқурроқ билиш ва узоқроқ кўриш қобилияти ва тажрибасига эга бўлиши керак.

Афсуски, аксарият раҳбарлар кўп жойларда фақатгина оператив, яъни кундалик ишлар билан банд бўлиб юрмоқда. Албатта, бу ҳам керак. Жойлардаги вазиятдан хабардор бўлиш, муаммоларни вақтида ҳал этиб бориш ҳам лозим.

Лекин раҳбарнинг асосий вазифаси шундаки, у ўзи етакчилик қилаётган тармоқ ёки ҳудуднинг истиқболи билан боглиқ энг муҳим масалаларни олдиндан кўриб, уларнинг аҳамиятини ҳис этиб, сафарбарликни олдиндан ташкил қилиши шарт.

Бугунги кун ўтди, эртага бир гап бўлар, деб уйқуга, ғафлатга берилиб юришга раҳбарнинг мутлақо ҳаққи йўқ.

Фақат шундагина ўз тақдирини шу раҳбарга ишонган одамлар эртанги кунидан хотиржам бўлиши мумкин.

Тошкент вилоятидаги умумий аҳволга мана шундай кўз билан қараб, баҳо берадиган бўлсак, ишдаги йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар учун айбни биринчи галда ўз зиммасига етакчи лавозимини олган, лекин вазифасини уддалай олмаётган раҳбарда кўришимиз табиий.

Вилоятда бугун мавжуд бўлган иқтисодий-ижтимоий вазият аввалambор олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, бу ишга эл-юртни жалб қилиш вазифаси биздан янгича муносабат ва ёндашувларни, қатъий қарорларни қабул қилишни талаб этмоқда.

Вилоятнинг ҳозирги ҳокими Уммат Мирзақулов ҳақида гапирадиган бўлсак, албатта, бу раҳбар ўзининг қобилияти, билим ва тажрибаси билан мавжуд аҳволни яхшилаш йўлида қўлидан келганча меҳнат қилганини айтиш жоиз.

Биз ушбу сессияга тайёргарлик кўриш жараёнида бу раҳбар ҳақида одамларнинг фикрини ўргандик. Кўпчилик уни тоза одам, яхши инсон, бировни хафа қилмайди, деб таърифлайди.

Албатта, яхши одам бўлиш яхши, лекин Тошкентдай катта вилоятга ҳоким бўлиш учун шунинг ўзи етарлими?

Раҳбарликнинг оғир масъулиятини бўйнига олган шахс аввало ўзига ҳам, ўзгаларга нисбатан ҳам талабчан, қаттиққўл бўлиши, керак бўлса, кимгадир ёмон кўринишдан ҳам қўрқмаслиги керак.

Ахир, халқимизнинг, элга бошлиқ бўлиш осон, элни бошламоқ қийин, деган нақли бежиз айтилмаган.

Минг афсуски, кейинги пайтда биз вилоят иқтисодиётида, айниқса, унинг етакчи соҳа ва тармоқларида оқсоқлик тобора кучайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Иш фаолиятидаги камчиликларни У.Мирзақуловнинг ўзи ҳам тан олиб, Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этишни сўраб, ариза билан мурожаат қилди. Ижозатингиз билан, ана шу аризани овозга қўйишни сўрайман.

Биз Тошкент вилоятининг мамлакатимиз ҳаётидаги ўзига хос ўрнини инобатга олиб, вилоят ҳокими вазифасига номзод танлашда ҳар томонлама ўйлаб, депутатлар ва фаоллар билан фикрлашиб, бу лавозимга ҳозирги пайтда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Козим Тўлаганов номзодини тавсия этишга қарор қилдик.

Мен бу лавозим К.Тўлаганов учун катта ишонч, кўтарилиш эканига алоҳида эътибор беришингизни сўрайман.

Бу одам аввало қурувчи сифатида юртимиздаги кўплаб замонавий бинолар, катта-катта саноат иншоотларини қуришда ҳам фаол қатнашган. «Тошкент шаҳар бош қурилиш» ташкилотида ишлаган, пойтахтимизнинг ҳокими бўлиб фаолият кўрсатган. Мана энди, кейинги йилларда Вазирлар Маҳкамасида ўта масъулиятли вазифада ишлаб келаётган бу инсонни, Тошкент вилоятининг истиқболини ўйлаб, шу лавозимга тавсия этяпмиз.

Мен янги раҳбарнинг қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишини истардим. Аввало, Тошкент вилоятида кўп миллатли халқ яшайди. Уларнинг ҳаммаси билан тил топишиш, уларни бир мақсад йўлида сафарбар қила билиш керак.

Иккинчидан, янги раҳбар вилоятнинг истиқболдаги тараққиёт режасини аниқ белгилаб оли-

ши лозим. 2015 йилгача мўлжалланган ушбу дастурда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича устувор йўналишлар, муаммолар, уларнинг ечимлари, бир сўз билан айтганда, вилоятни ривожлантириш масалалари ўз аксини топиши зарур.

Ана шундан кейин аниқ мақсадлар йўлида ҳаракат қилиш, кутилган натижаларга эришиш мумкин.

Шу билан бирга, Тошкент атрофидаги пахта экилмайдиган туманларни пойтахт аҳолисининг эҳтиёжини таъминлашга хизмат қиладиган ҳудудлар сифатида ихтисослаштириш масаласини ҳам кўриб чиқиш лозим. Масалан, Тошкент, Қибрай ва Зангиота туманларида мева-сабзавот, полиз ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш имкониятлари бор.

Лекин фақат қишлоқ хўжалиги билан чекланиб қолиш бугунги кун талабига тўғри келмайди. Тошкент вилоятида еттита катта саноат шаҳри мавжуд. Ноёб ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлган бу шаҳарларни ўз ҳолига ташлаб қўймасдан, уларнинг келажаги ҳақида доимий бош қотиришимиз лозим.

Бир сўз билан айтганда, пойтахт вилояти том маънода пойтахт вилояти бўлиши даркор.

Қадрли дўстлар!

Ҳозиргина сизлар билан сайлаб, тасдиқлаб олган янги раҳбар бугун айтилган фикрлардан те-

гишли хулоса чиқариб, Тошкент вилоятининг иқтисодиётини ривожлантириш, ижтимоий-маънавий муҳитини яхшилаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун одамларни ўз атрофида бирлаштириб, бор куч-ғайратини, билим ва тажрибасини ишга солади, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, бутун вилоят халқига сиҳат-саломатлик, ғайрат-шижоат, юртимиз равнақи йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда омад ёр бўлишини тилайман.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ, 2004 йил 29 январь

ЭРИШГАН МАРРАЛАРИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАН ИЗЧИЛ БОРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бизнинг бугунги йиғилишимиздан кўзда тутилган мақсад — мамлакатимизнинг 2003 йилдаги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш якунларини сарҳисоб қилишдан иборат.

Шу билан бирга, биз ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, жорий, яъни 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва самарасини ошириш бўйича олдимизда турган асосий вазифа ва йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз лозим.

Одатда йил якунига бағишланган бундай мажлисларга кун тартибидаги масалаларга бевосита дахлдор бўлган раҳбарлар таклиф қилинади. Шу сабабдан улар йиғилишда кузатувчи ёки томошабин сифатида эмас, балки шу масалалар бўйича фаол иштирокчи бўлиб қатнашиши керак.

Яъни, ҳар бир иштирокчи, билдирилаётган бу фикр-мулоҳазалар менга ҳам тааллуқлими, йўл қўйилган нуқсон ва камчиликларда менинг ҳам айбим борми, деган саволларни ўзига бериши ва уларга жавоб излаши лозим.

Шу мақсадда ўтган йил якунларининг асосий кўрсаткичларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилар эканмиз, қуйидаги мулоҳаза ва хулосаларни чиқаришимиз зарур, деб ўйлайман.

Биринчидан, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларининг изчиллиги таъминланмоқда. Кейинги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ҳар йили мунтазам равишда 4 фоиздан кўпроқ ошмоқда. Ўтган йили бу кўрсаткич 4,4 фоизни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасида 2001 йилдаёқ ислоҳотлар бошланган 1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажмини оширишга эришган ягона мамлакатдир.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча муҳим тармоқлари изчил ривожланмоқда. Ҳисобот даврида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоизга ўсгани ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, электротехника саноатида (10 фоиз), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш соҳасида (30 фоиз), енгил саноат (6,2 фоиз), автомобилсозлик (29,1 фоиз) ҳамда истеъмол моллари ишлаб чиқаришда (8,4 фоиз) ўсиш суръатлари шунинг далилидир.

2003 йили республика ва маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисми амалда бажарилиб,

давлат бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан белгиланган 2 фоиз ўрнига 0,4 фоизни ташкил этди.

Иккинчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган либераллаштириш сиёсати, аввалambор, бюджет ва солиқ соҳаларини эркинлаштириш жараёни иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳисобот даврида даромад солиғи ставкаси 24 фоиздан 20 фоизга, ижтимоий суғурта ажратмалари 37,3 фоиздан 35 фоизга камайтирилди, айрим солиқ турлари умуман бекор қилинди.

Буларнинг барчаси солиқ тизимининг янада очиқ, ошкоралигини таъминлаш ва унификация қилиш имконини бериб қолмасдан, корхоналар зиммасидаги солиқ юкини сезиларли даражада енгиллаштиришга ҳам хизмат қилди.

Белгилаб қўйилган тўловлар даражаси 2002 йилга қиёслаганда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 33,2 фоиздан 32,5 фоизга пасайди.

Учинчидан, 2003 йилда қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, пулнинг банкдан ташқарида айланишини ва ялпи пул ҳажмини қисқартириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Касса режаларини назорат қилиш сингари эскирган усуллардан воз кечиб, ялпи пул массасини бошқаришнинг, банк фоиз ставкалари каби бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган,

замонавий, тез мосланувчан услублари жорий этилгани бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Буларнинг барчаси ялпи ички маҳсулотга нисбатан ўртача йиллик пул массаси ҳажмини 2002 йилдаги 12,5 фоиздан 10,9 фоизгача камайтириш имконини берди.

Иқтисодий-молиявий, солиқ ва пул-кредит сиёсатини эркинлаштиришга қаратилган кенг чора-тадбирлар мажмуининг изчил амалга оширилиши туфайли инфляция даражасининг кескин пасайишини, яъни бозордаги нарх-навонинг жиловлаб олинишини объектив қонуний натижа, деб қабул қилишимиз даркор. Инфляция даражаси 2002 йилда 21,6 фоиз бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 3,8 фоизни ташкил этди.

Бу мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда яна бир сезиларли қадам бўлди. Энг муҳими, одамлар учун бу ўзгаришлар анча енгилликлар туғдирди, улар бозордаги нархларнинг пасайишини ўз кундалик ҳаёти мисолида ҳис этмоқда, десак, хато бўлмайди.

Табиийки, инфляциянинг бу қадар кескин пасайиши аввало иш ҳақи ва аҳоли даромадларининг амалда ўсишига, банк тижорат ставкаларининг пасайишига ва шунга мос равишда иқтисодиётнинг реал тармоқларига ажратиладиган кредитлар ҳажмининг жиддий ортишига замин яратди.

Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 12,3 фоиз, уларнинг тижорат банкларидаги омонатлари ҳажми 44 фоизга кўпайди, кредитлар бериш, биринчи навбатда, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар миқдори 2,3 баробар ортди.

Тўртинчидан, кейинги йилларда мамлакатимизда изчил амалга оширилган ишлар, хусусан, бир томондан, қатъий пул-кредит сиёсатининг ўтказилиши, иккинчи томондан эса, алмашув курсларини унификация қилиш ва валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича кўрилган қатъий чоралар биз учун 2003 йилда миллий пулимиз — сўмнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш ва 2003 йилнинг 15 октябрида Халқаро валюта жамғармаси Битимининг 8-моддасига қўшилиш имконини берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биз бунга аввало ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, яъни, бунинг учун ташқаридан қарз олмасдан туриб, олтин-валюта захираларимизни нафақат сақлаб қолишга, балки уларни сезиларли даражада кўпайтиришга ҳам эришдик. Бу иқтисодиётимизни жаҳон иқтисодиётига интеграция қилиш йўлидаги мураккаб ва оғир, айни пайтда зарур қадам бўлди.

Биз ташқи иқтисодий фаолият ва валюта соҳасида олиб бораётган эркинлаштириш сиёсати-

мизнинг натижалари ва самарасини бугуннинг ўзидаёқ кўришимиз мумкин. Ҳисобот даврида ташқи савдо айланмаси ҳажмининг 17 фоиздан кўпроқ ошгани ҳам бу фикрни исботлайди.

Шу билан бирга, юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми 24,6 фоизга кўпайди. Мамлакатимизнинг тўлов қобилияти мустаҳкамланди, ташқи савдо айланмасида 760 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди. Иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри, яъни, ҳукумат кафолатисиз жалб этилган хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 2,5 баробар ўсди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ташқи иқтисодий фаолият кўламининг кенгайиши ва ҳажмининг ортиши билан бир қаторда, унинг таркибида, бу фаолиятни ташкил этиш тизимининг ўзида чуқур сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Бугунги кунда биз жаҳон бозорига фақат анъанавий хом ашёлар — пахта, рангли металлар ва бошқа маҳсулотлар чиқариш билан чекланиб қолаётганимиз йўқ. Экспорт таркибида тайёр буюмлар, чуқур қайта ишланган, яъни, қўшилган қиймати анча юқори бўлган маҳсулотлар тобора катта ўрин эгалламоқда.

Агар мустақилликнинг биринчи йилларида пахта толаси умумий экспорт ҳажмининг 50 фоиз-

дан кўпроғини ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 20 фоиздан ортмайди. Айни пайтда пахтадан тайёрланган ип-калава ва газламалар, шунингдек, пластмасса ва кимёвий маҳсулотлар, автомобиллар, хизматлар ва бошқа маҳсулотлар экспорти кескин равишда ўсди.

Импорт таркиби ҳам сифат жиҳатидан анча ўзгарди. Биз асосий эътиборни иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилашга, рақобатга бардошли маҳсулот тайёрлашга йўналтирилган янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратганмиз. Бу ҳаммамизга яхши маълум.

Шу боисдан ҳам импорт қилинаётган маҳсулотлар орасида машиналар, турли дастгоҳ ва ускуналарнинг кўп экани бежиз эмас. Ташқи савдо муносабатларини янада такомиллаштиришда маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулот ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш бўйича қабул қилинган маҳаллийлаштириш дастурининг ижроси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида ташқи алоқаларнинг жуғрофий кўлами сезиларли даражада кенгайди. Иқтисодий ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик муносабатлари анча мустаҳкамланди. Ҳозирги кунда ташқи савдо айланмасининг ярмидан кўпи ана шундай ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Бешинчидан, ҳар томонлама пухта ўйланган, фаол олиб борилаётган инвестиция сиёсати иқтисодиётимиздаги барқарорлик, таркибий ва сифат ўзгаришларини белгиловчи муҳим омил бўлмоқда.

2003 йилда мамлакат иқтисодиётига 2 триллион сўмга яқин, яъни, аввалги йилга нисбатан тахминан 4,5 фоиз кўп сармоялар киритилгани ҳам буни яққол кўрсатади.

Бу инвестицияларнинг асосий қисми, ўтган йилларда бўлганидек, Ўзбекистонимизнинг жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини, шунингдек, ижтимоий соҳа, авваламбор, таълим ва тиббиёт соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Инвестиция манбаларининг таркиби ҳам ўзгарди — иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида марказлашган сармоялар ҳажмининг камайиб бориши объектив ҳолатга айланди.

Айни вақтда корхоналарнинг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг бу борадаги улуши ортиб бормоқда. Масалан, капитал қўйилмалар таркибидаги бундай сармояларнинг ҳиссаси 2002 йилга нисбатан 57 фоиздан 63 фоизга ошди.

Хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришнинг умумий миқдори 602,3 миллион

Америка Қўшма Штатлари долларини ташкил этди. Тўғридан-тўғри киритилаётган чет эл сармоялари ва кредитлари қарийб 1,6 марта кўпайди.

Ушбу ҳолатга алоҳида эътибор бераётганимизнинг боиси шундаки, у аввало жаҳонда Ўзбекистон ва унинг иқтисодиётига бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Ўзингиз айтинг, дунёда қайси банк тегишли кафолатсиз қарз бериши мумкин? Қачонки, бу банкда ўз мижозига нисбатан ишонч бўлса.

Шунинг учун биз бундай муносабатни қадрлашимиз ва мустаҳкамлашимиз лозим. Агар биз билан ҳамкорлик қилаётган чет эл компания ва фирмалари олдидаги мажбуриятимизни бажармасак — Европа Иттифоқи, АҚШ ёки Япония бўладими, бошқа ривожланган мамлакатлар бўладими — уларнинг сармоядорлари Ўзбекистонга бўлган ишончини йўқотади. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Чунки, айтайлик, бизнес учун зарур бино ёки хом ашё ресурсини топиш қийин эмас, лекин хорижий ҳамкорларда ишонч пайдо қилиш — бу оғир масала.

Бугун юртимиз харитасига назар ташласак, қайси вилоят ёки ҳудудда раҳбар чет эллар билан ишончли алоқа боғлаб, сармоядорларни олиб келса, улар билан ҳамкорлик ўрнатса, доимо шунга интилиб яшаса, шу жойда ўзгариш ва янгиланиш бўлаётганини кўриш мумкин.

Аммо, афсуски, жойлардаги баъзи раҳбарларда "димоғ" деган нарса бор. Чет элларга ташриф билан борганимизда мен, юртимиз манфаатини ўйлаб, бизнесменлар ва сармоядорлар билан тил топишиш, муносабат ўрнатиш учун, керак бўлса, уларни бағримга босишга ҳам тайёрман. Бу шахсан мен учун, Президент учун эмас, балки халқимиз, Ватанимиз ва давлатимиз учун керак, шу боис, отанг — яхши, онанг — яхши, деб, уларнинг кўнглини топишга ҳаракат қиламан.

Вилоят ва туманлардаги айрим раҳбарлар эса, бундай иш услубидан узоқ, улар бугунги кун ўтса, эртага бир гап бўлар, деган номақбул кайфият билан яшаб юрибди.

Ҳолбуки, ўзини раҳбар деган, етакчи деган одамнинг зиммасидаги масъулият бошқаларникидан кўпроқ. Чунки Аллоҳ кимга кўпроқ берган бўлса, ундан талаб ҳам шунча катта бўлади. Ҳаммамиз шу ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим.

2003 йилда иқтисодиётимизнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим тармоқларида йирик лойиҳаларни амалга ошириш ишлари таъминланди.

Булар қаторига «Шўртан» газконденсат конида қурилган компрессор станциясини, Шимолий Ўртабулоқ конида ва Фаргонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишга туширилган янги қувватларни киритиш мумкин.

Шунингдек, «Мурунтов» конидаги қазиш ишларини жадаллаштириш лойиҳаси, кўмир саноатини техник қайта жиҳозлаш ишларининг биринчи босқичи муваффақиятли якунланди.

Самарқанд шаҳрида «Президент-отель» меҳмонхонаси барпо этилди, Тошкент шаҳрида 4 та меҳмонхона мажмуи тубдан таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида янги моделдаги автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Йил давомида «Бестекс», «Балиқчи текстиль» ва «Ойим текстиль» қўшма корхоналарида ипкалава ва газлама ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга туширилди.

Қўқондаги суперфосфат заводини реконструкция қилиш, «Сурхон текстиль», «Ядем текстиль» қўшма корхоналарини ташкил этиш, «Ишонч» акциядорлик жамияти ва «Велай-силк» қўшма корхонасини ипак калаваси ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича техник қайта жиҳозлаш ишлари якунланди.

2003 йилда жами 100 минг ўринга эга бўлган 143 та касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, кунига 15,5 минг, шу жумладан, қишлоқ жойларида 14,5 минг беморга хизмат кўрсатадиган поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди.

Автомобиль ва темир йўл тармоқларини, телекоммуникация тизимини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида турганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, деб биламан. Ҳисобот даврида янги Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўли қуриб битказилиб, йўловчи ва юк ташиш ишлари бошлаб юборилди.

Биз Ҳазорасп туманидаги Тошсоқ қўрғони яқинида Амударё узра бунёд этилаётган улкан темир йўл кўприги қурилишини тугаллаш арафасида турибмиз. Бу иншоотнинг лойиҳа қиймати, ён-атрофидаги йўллар билан ҳисоблаганда, 33,5 миллиард сўмни ташкил этади.

Мавжуд табиий ресурслар ва фойдали қазилмаларни ўзлаштириш, мамлакатимизнинг шимолий ҳудудларини ҳар томонлама ривожлантиришда бамисоли қон томири бўлиб хизмат қиладиган бу ноёб иншоотнинг ишга туширилиши қандай катта аҳамиятга эга эканини, ўйлайманки, ҳаммангиз яхши тушунасиз.

Жанубий йўналишдаги янги Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилиши ҳам стратегик аҳамиятга эга. Бу йўл Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини ривожлантириш, у ердаги йирик табиий бойликларни ўзлаштириш учун қулай имкониятлар очади.

Айни пайтда ушбу йўл халқаро аҳамиятга эга бўлган, Трансафгон деб ном олган лойиҳани

амалга ошириш орқали мамлакатимизнинг жанубдаги жаҳон денгиз коммуникацияларига чиқишини таъминлайдиган янги транспорт йўлаги бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилмоқда. Юртимизда автомобиль йўллари тармоғини мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Биз Қамчиқ довонида туннеллар қурилиши, умуман янги автомобиль йўлларини барпо этиш ва реконструкция қилиш натижасида Шарқ — Ғарб, Жануб — Шимол йўналишлари бўйича мамлакатимизнинг барча ҳудудларини транспорт йўллари билан ўзаро боғлашга эришдик.

Бу эса, ўз навбатида, республикамизнинг вилоят ва туманлари иқтисодиётини комплекс ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб беради. Кейинги йилларда ахборот ва коммуникация технологиялари, телекоммуникация соҳаларида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Қисқа вақт ичида мамлакатимизнинг исталган нуқтасида тезкор ва ишончли телефон алоқасини таъминлайдиган кўп тармоқли коммуникация алоқа тизими ташкил этилди.

Бугунги кунда республика шаҳарларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси 86 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради.

Барчамизга маълумки, аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш даражасини янада такомиллаш-

тириш халқаро Интернет тизимига кенг миқёсда уланиш билан бевосита боғлиқдир.

Бу борада ҳам охирги йилларда ҳавас қилса арзийдиган ўзгаришлар рўй бермоқда. Биргина 2003 йилда Интернетдан фойдаланувчилар сони қарийб икки баравар кўпайди ва бугун ахборот хизматининг ушбу туридан мамлакатимизнинг ярим миллиондан ортиқ аҳолиси фойдаланмоқда.

Интернет-клублар ва кафелар сони ҳам икки баравар ортди.

Азиз дўстлар!

Ўтган йилда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича олиб борган фаолиятимизнинг асосий якунлари ана шулардан иборат.

Хўш, 2003 йилда ва умуман ўтган йиллар мобайнида иқтисодиётимизни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш борасида орттирган тажрибамизни таҳлил қилиб, қандай хулосалар чиқариш мумкин?

Биринчи ва асосий хулоса—эски маъмурий-буйруқбозлик, план-тақсимот тизимидан беш тамойилга асосланган эркин, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бўйича танлаган моделимиз тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи яна ва яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Иқтисодиётимизни эркинлаштиришга қаратилган сиёсат, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос шароитида эркин иқтисодиёт ва тадбиркорлик

фаолиятининг асосий тамойилларига изчил амал қилиш, ҳеч шубҳасиз, ўз самарасини беради.

Иккинчи муҳим хулоса—иқтисодиётни фақатгина хом ашё ҳисобидан ривожлантиришга қаратилган йўналиш мутлақо нотўғри йўлдир. Бундай ҳолат худдики наркотик моддага ўрганиб қолган кишининг аҳволини эслатади.

Табиий ва ер ости ресурсларининг камайиб бориши билан бир қаторда, уларнинг чексиз эмаслигини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, бундай сиёсат охир-оқибатда иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланишига, кўп ҳолларда унинг заиф ва мўрт бўлиб қолишига олиб келади.

Бугунги кунда кескин рақобат муҳитида фаолият кўрсата оладиган ва одамларнинг фаровонлигини таъминлашга қодир бўлган иқтисодиётни барпо этиш учун аввалambор нималарга эътибор бериш керак?

Бунинг учун иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, унинг мутаносиблиги ва кўп жиҳатдан тўлақонли бўлишини таъминлаш, уни доимий равишда модернизация қилиш ва янгилаб бориш, ўз маҳсулотлари билан жаҳон иқтисодиёти ва савдо тизимида муносиб ўрин эгаллай оладиган замонавий тармоқларни жадал ривожлантириш лозим. Фақатгина мана шу тамойиллар асосида қурилган иқтисодиёт бу талабга жавоб бера олади.

Учинчи принципиал хулоса—иқтисодиётдаги ислоҳотлар сиёсий соҳа, давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ тизимидаги чуқур ислоҳотлар билан уйғун ҳолда амалга оширилмаса, уларнинг самараси, муваффақияти гумон бўлиб қолиши мумкин.

Мустақил тараққиёт йўлидаги тажрибамиз шуни кўрсатадики, бошқарув тизимини, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилмасдан туриб, иқтисодиётни ислоҳ қилиб ва ривожлантириб бўлмайди.

Ҳаётнинг ўзи бугун биздан ҳамма соҳани уйгун ҳолда ислоҳ этишни талаб қилмоқда. Бу бошқарув соҳаси ёки сиёсий тизим бўладими, давлат ва жамият қурилиши бўладими, ижтимоий соҳа бўладими — буларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқ эканини чуқур англаб, уларни бугунги кунда бутун жаҳон яшаётган тизимга яқинлаштириб, уларга бир бутун ҳолда қараб, изчил ислоҳ қилиш керак.

Мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёни, агар ушбу ислоҳотлар юқорида айтилган соҳаларда ягона мақсад сари қаратилган муштарак вазифа ва гоялар билан ўзаро боғлиқ бўлмаса, муайян босқичда барча ҳаракатларимиз турли мураккаб ва оғир муаммоларга муқаррар равишда тақалиб қолади.

Айнан шунинг учун ҳам ўз олдимизга қўяётган иккита асосий принципиал мақсад — туб демократик ўзгаришлар ва эркин бозор иқтисоди-

ётини шакллантириш масаласи бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи вазифалар бўлмоғи даркор.

Тўртинчи хулоса — ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас. Аввало, барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз лозим—яъни, иқтисодиётдаги ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди.

Албатта, бирон-бир босқич якунланиши мумкин, аммо ҳаётнинг ўзи янги-янги босқич ва вазифаларни ҳамиша олдимизга қўяверади. АҚШ, Германия, Япония каби ривожланган давлатларда ҳам иқтисодий ислоҳотлар доимий давом этишини кузатишимиз мумкин. Ахир, ҳаёт тўхтамайди, тараққиёт суръатлари бетиним изланишни, бинобарин, ислоҳотларни талаб қилади.

Агар биз юксак технологиялар, замонавий ахборот тизими ва телекоммуникацияларни олиб келиб ҳаётимизга жорий этмасак, қандай қилиб ривожланишга эришиб бўлади? Бу масала, яъни Ўзбекистоннинг келажаги қандай бўлади, деган савол бизни доимо ўйлантириши, амалий ишларга сафарбар этиши лозим.

Бутун жамиятимиз, бутун халқимиз, эртага мамлакатимнинг иқтисодиёти қандай ривож топади, эртага Ватанимнинг тақдири нима бўлади ва мен бу ишга қандай ҳисса қўшаман, деган

фикр билан яшаса, буни маънавий ҳаётимиздаги ҳақиқий уйғониш фасли, чинакам уйғониш мавсуми, деб атаган бўлардим.

Биз 2004 йилга мўлжалланган устувор йўналишларимизни ана шу принципиал қоидалардан келиб чиққан ҳолда, аниқ белгилаб олишимиз зарур. Бу, биринчи навбатда, бошланган ислоҳотларни ривожлантириш, уларни мантиқий ва изчил давом эттириш демакдир.

Бу—ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, миллий валютамизни мунтазам равишда мустаҳкамлаб бориш, хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкини камайтириш, четдан олиб кириладиган сармояларга кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омиллар яратиш демакдир.

Маълумки, 2004 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 6 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу ўсиш суръатлари саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш ҳисобидан таъминланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал суръатлар билан ривожлантиришга асосий эътибор қаратилади. Айниқса, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш сиёсати изчил давом этади.

Бу, энг аввало, бюджет ва солиқ сиёсатидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғликдир.

Жорий йилда даромад солиғини 18 фоизга тушириш мўлжалланмоқда. Бу йил ўтган йилда амал қилган ижтимоий ажратмалардан 4,2 фоиз кам бўлган ягона ижтимоий тўлов жорий этилади.

Маҳаллий бюджетлар ролини сезиларли даражада кучайтириш бўйича тегишли чоралар кўрилади. 2004 йилда давлат бюджети харажатларида маҳаллий бюджетлар улуши 62 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

Бу маъмурий ислоҳотни ўтказиш ва маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини кучайтириш билан узвий богликдир.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Шу ўринда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг алоҳида устувор йўналишлари хусусида кенгроқ тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало хусусийлаштириш жараёнлари суръатиии янада тезлаштириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг кўлами ва ҳажмини ошириш масалалари бўйича ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Маълумки, ўтган йили хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш борасида кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилди, айтиш мумкинки, расмий хусусийлаштиришдан реал хусусийлаштириш сари амалий қадамлар қўйилди, бу жараённинг механизмлари такомиллаштирилди.

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни сотишнинг са-

марали механизмлари, шунингдек, энг яхши бизнес-режаларни таклиф этган ҳамда зиммасига инвестицион мажбурият олган сармоядорларга объектларни танлов асосида, шароитдан келиб чиққан ҳолда, номига—рамзий нархларда сотиш механизмининг жорий этилиши ҳозирги вақтда ижобий самара бераётганини қайд этиш лозим.

2003 йилда тасдиқланган хусусийлаштириш дастури доирасида 2 минг 15 та объект ва акциялар пакети сотилди, бу эса 2002 йилга қарағанда 1,6 марта кўпдир.

Давлат мулкини хусусийлаштириш негизида 980 дан зиёд хусусий корхона ва мулкчилик шакли давлатга тегишли бўлмаган 400 та бошқа турдаги корхоналар ташкил этилди.

Ҳисобот йили давомида 2002 йилга нисбатан корхоналарнинг активлари 3,5 баробар кўп сотилди. Хусусийлаштиришдан тушган маблағ ҳажми йил мобайнида 1,3 баробар, шу жумладан, мулкни хорижий инвесторларга сотишдан олинган маблағлар миқдори 3,4 баробарга ортди.

Айни пайтда давлат активларини сотиш бўйича белгиланган топшириқлар қатор етакчи тармоқларда, жумладан, «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси, «Ўзэлтехсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўзпахтасаноат» уюшмалари, «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси, Қишлоқ ва сув

хўжалиги вазирлиги томонидан бажарилмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Жиззах ва Тошкент вилоятларида ҳам хусусийлаштириш бўйича қабул қилинган дастур талабларининг ижроси таъминланмаганини қайд этиш лозим. Бунга мазкур тармоқ ва ҳудудларда белгиланган вазифаларни бажариш механизми тўлиқ ишга солинмагани асосий сабаб бўлмоқда. Акция пакетларини номига—рамзий нархларда сотишда, айтиш керакки, ортиқча эҳтиёткорлик қилинмоқда.

Давлат мулки қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги билан бирга бир ой муддат ичида 2004 йилда ана шу асосда сотиладиган корхоналар ва объектларнинг қўшимча рўйхатини танқидий нуқтаи назардан яна бир бор кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тақдим этиши ва унинг ижроси устидан қатъий мониторинг ўрнатиши зарур.

Бугун таассуф билан айтиш керакки, мулкни ҳақиқий эгасига топшириш масаласига масъулиятсизлик билан юзаки ёндашиш ҳолатларига амалда ҳамон барҳам берилмаяпти. Бу борада эскирган қарашлар ҳали-ҳануз сақланиб қолмоқда.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман.

2002 йилни 38 та ҳиссадорлик жамияти зарар билан якунлаган бўлиб, уларнинг аксарияти аввало «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» ва «Ўздонмаҳсулот» тизимига тегишлидир.

Лекин ана шу жамиятлар ҳиссадорларининг умумий йиғилишларида уларнинг ижрочи раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу масалада акциядорлар ва биринчи галда Давлат мулки қўмитасининг принципиал позицияси қани, деган ҳақли савол туғилади.

Кўплаб акциядорлик компанияларида давлат акциялари пакети мутлақо эгасиз қолмоқда, улар учун амалда ҳеч ким жавоб бермаяпти. Бундай ҳолат билан асло муроса қилиб бўлмайди.

Яна бир муҳим муаммо. Хусусийлаштириш жараёни қачон аниқ мазмун ва кўринишга эга бўлади? Такрор ва такрор айтишга тўғри келади: қачонки қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори тўла ишга тушса, фонд биржаси том маънода фаолият кўрсатса, қачонки акциялар қиймати мунтазам эълон қилиб борилса, аҳолида акциялар сотиб олишга иштиёқ ва интилиш туғилса, акцияларнинг ўзи эса шунчаки оддий қоғоз бўлиб қолмасдан, ҳақиқий қимматли қоғозга айланиб, ўз эгалари учун муҳим даромад манбаи бўлсагина, бу мақсадга эришиш мумкин.

Содда қилиб айтганда, бу акциялар қонун нуқтаи назаридан қимматли қоғоз деб баҳоланади. Лекин ҳаётда одамлар бунга қандай қараяпти?

Бугун қайси корхонанинг акцияси ликвидли, яъни даромад келтириши мумкин? Бизда акциялар бозоридаги ҳақиқий аҳвол қандай? Оддий аҳоли, акциядорларни нима қизиқтиради? Табиийки, уларни фақат даромад қизиқтиради. Агар одамлар акциядан даромад кўрмаса, манфаатдор бўлмаса, ўз-ўзидан равшанки, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори ҳам шаклланмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда бу борадаги барча муаммоларни ҳал қилиш бўйича зарур таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Капитал қурилиш соҳасидаги ислоҳотларга яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман.

Қурилишда ҳали-бери пудрат ва лойиҳа ишларининг самарали бозори яратилмаяпти. Тўлиқ хусусийлаштирилиши мўлжалланган 11 та лойиҳа-қидирув ташкилотидан ҳозирга қадар фақат 4 тасининг акциялар пакети сотилган, холос.

Пудрат ишлари бозорида бажарилган жами ишлар ҳажмида нодавлат қурилиш ташкилотларининг улуши 60 фоизни ташкил этиши қониқарли ҳолат эмас, албатта. Бу соҳада 2004 йилда бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор пудратчи қурилиш ташкилотларини хусусийлаштириш ва тугатиш жараёнини тўлиқ якунлаш, лойиҳа ташкилотларини давлат тасаррufидан чиқариш, пудрат ва лойиҳа ишларининг том маънодаги бозорини яратиш.

Иккинчидан, қурилиш ва лойиҳа ишларига доир буюртмаларни бажариш бўйича танлов, тендер савдолари ўтказиш сифатини ошириш, бу масалада турли маъмурий аралашувларга чек қўйиш.

Учинчидан, қурилишда лойиҳа, смета ва технология интизомини мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирларни кўриш. Бунинг учун капитал қурилишнинг ҳисоб-китоб ва меъёрий-смета базасини бозор иқтисодиёти талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ва янгилаш даркор.

Бунда, бир томондан, қурилиш сифатини кўтариш, иккинчи томондан эса, қурилиш смета қийматининг сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик, жойларда ягона бюджет буюртмачиси хизматини жорий этишни тугаллаш кўзда тутилмоқда.

Тўртинчидан, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банк қурилишни бошидан охиригача бажарадиган, яъни, объектни тўла қуриб, калитини топширадиган пудрат ташкилотларини кредитлаш бўйича бозор механизмларини ишлаб чиқиши ва жорий этиши зарур.

Бешинчидан, мамлакатимиз корхоналарида юқори технологик қурилиш-пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган янги дастурни ишлаб чиқиш ва унинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш лозим. Бу вазифаларнинг бажарилишини Ҳукумат ўзининг қатъий назоратига олиши даркор.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун сизлар билан кўриб чиқишимиз лозим бўлган яна бир муҳим масала — бу **фермерлик ҳаракатини ривожлантириш масаласидир**.

Нафақат қишлоқ хўжалиги, керак бўлса, бутун иқтисодиётимизнинг келажаги мана шу вазифанинг қандай ҳал этилишига боглиқ, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Мамлакатимизда фермерликни ривожлантириш бўйича етарли даражада қонун ҳужжатлари, фармонлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинган, бошқача айтганда, зарур ҳуқуқий асослар яратилган, бу борада озми-кўпми амалий тажрибага эга бўлмоқдамиз.

Бугун республикамизда 87,5 минг фермер хўжалиги ташкил этилган бўлиб, уларда 603 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

Сўнгги уч йилнинг ўзида зарар кўриб ишлаган 336 та ширкат хўжалиги ўрнида 20 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари тузилди. 12 та туман-

даги барча ширкат хўжаликлари тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилди.

Ҳозирги вақтда республикамизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 14 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Етиштирилаётган жами галла ва пахта ҳосилининг учдан бир қисми фермерлар меҳнатининг маҳсулидир.

Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш учун жойларда 257 та муқобил машина-трактор парки, 136 та минерал ўғит ва 138 та ёқилғи-мойлаш материаллари сотиш шохобчалари, 118 та мини-банк ишлаб турибди.

Фермер хўжаликлари фаолиятининг таҳлили ва 2003 йил якунлари шундан далолат берадики, бу хўжаликларда ишлаб чиқариш самарадорлиги ширкатларга қараганда анча юқори бўлмоқда.

Фермер хўжаликларида барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги баланд, пахтачилик ва галлачилик бўйича рентабеллик эса ошиб бормоқда.

Уларда минерал ўғитлар ҳам, ёқилги ҳам тежамкорлик билан, оқилона ишлатилади, ширкат хўжаликларига қиёслаганда моддий ресурслар гектарига ўртача икки марта кам сарфланади.

Мана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фермерлик ҳаракатига устувор аҳамият бераётганимиз бежиз эмас, албатта. Келгусида фермер

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган асосий хўжалик субъектига айланиши лозим.

Бу муҳим вазифа 2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясида, шунингдек, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қабул қилинган аниқ Дастурда ўз ифодасини топганини барчангиз яхши биласиз.

Ушбу стратегик масалани ҳал этиш юзасидан бошлаган ишларимизни танқидий баҳолаган ҳолда, мен бир қатор жиддий мулоҳазаларни билдирмоқчиман.

Биринчидан, биз жуда муҳим эътибор қаратишимиз зарур бўлган масала — бу шартнома интизомининг ўта қониқарсиз аҳволи билан боғлиқ. Бу тўғрида кўплаб мисолларни олиб келиш қийин эмас.

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органларида фермерларнинг ҳуқуқлари камситилаётгани, тайёрлов ташкилотларининг етказиб берилган маҳсулот учун фермерлар билан ҳисобкитоб қилиш мажбуриятларини кўпол равишда бузаётгани, таъминотчилар шартномада кўрсатилган ҳажмларда фермерларга минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бермаётгани тўғрисида аниқ фактларни истаганча топиш мумкин.

Қатор туманларда фермер хўжаликларига янги ҳосил ҳисобидан аванс тариқасида тўғридан-тўғри кредитлар бериш тизими йўлга қўйилмоқда.

Бироқ, бу борада ҳозирнинг ўзида анчагина муаммолар ҳам мавжуд. Кредит олишда гаровга қўйиш механизми охиригача пухта ишлаб чиқилмаган. Бу масала бўйича биринчи галда Молия вазирлиги жавоб бериши даркор. Кўп ҳолларда фермерлар мансабдор шахсларнинг лоқайдлигига, бюрократик тўсиқлар ва тамагирлик ҳолатларига дуч келмоқда.

Адлия вазирлиги бу масалани алоҳида назорат остига олиши ва айбдор шахсларга нисбатан қаттиқ чораларни кўриши даркор. Буларнинг ҳаммаси хизмат вазифасини бажаришдаги лоқайдлик деб эмас, балки фермерлик ғоясига путур етказиш ва уни обрўсизлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар, деб баҳоланиши керак.

Биз фермерлик ҳаракатини йўлга қўйиш бўйича кўп иш қилдик. Аҳоли зич яшайдиган ва суғориладиган ерлар кам бўлган жойларда ширкатлар ҳам керак, албатта. Лекин фермерлик ҳаракати биз учун синалган ва устувор йўналиш ҳисобланади.

Барчамизга маълумки, фермерлик масаласи бугун давлат сиёсатига айланди. Шунинг учун бу борадаги тўсқинлик, тамагирлик ҳолатларига қонун нуқтаи назаридан баҳо берилиши зарур.

Иккинчидан—фермерлар томонидан етиштирилган маҳсулотларни тайёрлаш борасида шаклланган тизим ҳам жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда. Агар ёдингизда бўлса, дастлабки фермер хўжаликлари кўпроқ чорвачилик соҳасида ташкил этилган эди.

Шундай савол туғилади: хўш, бугун нима учун чорва молларининг бош сони ва етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларининг атиги икки фоизи фермер хўжаликлари улушига тўғри келмоқда?

Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳалигача ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашнинг самарали тизими яратилмаган. Биз бунинг оқибатида қанчадан-қанча зарар кўраётганимизни биронта одам ҳисоб-китоб қилганми ўзи?

Бу муаммо фақатгина фермер хўжаликларига тегишли эмас.

Бугунги кунда сут, гўшт ва тухум, мева-сабзавот, картошка каби маҳсулотларнинг асосий қисмини етиштираётган деҳқон хўжаликлари ҳам бундан азият чекмоқда. Ўз маҳсулотини сотиш муаммосига хусусий мулкка айлантирилган парандачилик ва балиқчилик хўжаликлари ҳам дуч келмоқда.

Ўрни келганда айтиш керакки, Ўзбекистонда балиқ истеъмол қилиш Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида энг паст да-

ражада. Бизда балиқ маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар, корхоналар борми ўзи?

Уларни ташкил этиш, фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида йўлга қўйиш қийинми? Балиқ маҳсулотларини баъзи ресторанлар, айтайлик, Япония ва Малайзия каби узоқ мамлакатлардан олиб келмоқда. Нега Ўзбекистоннинг ўзида бу масалага етарли эътибор йўқ?

Ҳалигача қишлоқда, бир томондан фермерлар ва деҳқонлар етиштирадиган маҳсулотларни шартномавий нархларда сотиб оладиган, иккинчи томондан қишлоқ аҳлига зарур товарлар, асбоб-ускуна ва материаллар етказиб берадиган инфратузилма тармоғи яратилмаган.

Бу масалани ҳал этишда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг роли умуман сезилмаяпти. Мазкур уюшманинг фаолияти бўйича жиддий эътирозлар бор — у асосан расмиятчилик билан банд, кимнинг қандай манфаатларини ҳимоя қилаётгани ҳам аниқ эмас.

Вазирлар Маҳкамасига, шахсан Бош вазирга барча манфаатдор идораларни жалб этган ҳолда, қисқа муддатда бу масалалар бўйича мавжуд аҳволни батафсил ўрганиб чиқиш ва уни тубдан яхшилашга доир аниқ таклифлар киритиш вазифаси топширилсин.

Учинчидан—очиқ айтиш керакки, бугун фермер бўлишни истайдиган одамларнинг сони кўп.

Аммо, ҳар ким ҳам ҳақиқий фермер бўлолмайди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Такрор айтаман, одамнинг хоҳиши, ҳаваси бўлиши мумкин, аммо унда ҳақиқий фермерлик қобилияти бўлмаслиги мумкин. Ҳозирги кунда, фермер деганда, биз қандай одамни кўз олдимизга келтирамиз?

Фермер дегани—бу аввало универсал қобилиятга эга бўлган инсон. Халқимиз ибораси билан айтганда, бугун фермерга қирқ ҳунар ҳам оз.

У бир вақтнинг ўзида ҳам деҳқон, ҳам агроном, ҳам чорвадор, керак бўлса, механизаторлик ва механиклик ҳам қилади, табелчи ва иқтисодчи, банкир ва бухгалтер, таъминотчи вазифаларини ҳам бажаради. Шу билан бирга, у ўз маҳсулотини сотиш масалалари билан шуғулланиши лозим.

Шундай экан, сиз, шу ерда ўтирганлар ўзингизни аввало фермернинг ўрнига қўйиб кўринг. Унинг қандай кўп ва оғир қийинчиликларни қандай енгиб ўтишини ўзингизга бир тасаввур қилинг.

Кўриб турганимиздек, амалда фермердан зарур кўникма ва билимга эга бўлишни талаб қилмайдиган соҳанинг ўзи йўқ.

Шу сабабли фермер бўлишни истайдиган одамлар ўртасида танлов ўтказиш, уларга ер ажратишда, янги фермер хўжаликларини рўйхатга

олишда бу ишнинг ҳамма томонларини ҳисобга олиб, ўта масъулият билан ёндашиш даркор.

Шу билан бир қаторда, фермерларни профессионал жиҳатдан тайёрлаш бўйича бизнес мактаблар тармогини кенгайтириш зарур.

Мен ҳокимлар ва бу соҳага алоқадор бўлган барча раҳбарларни огоҳлантириб қўймоқчиман — фермер хўжаликларини шакллантириш масаласига жиддий қараш, масъулият ва катта меҳнат талаб қиладиган бу ишни кампаниябозликка айлантириб юбормаслик керак.

Айниқса, фермерларга ер ажратишда холислик ва муқобиллик таъминланиши учун шахсан ҳоким жавоб беради. Чунки ер бу — халқнинг, давлатнинг мулки.

Бугун шу фурсатдан фойдаланиб, қишлоқ хўжалигига тегишли яна бир касалликка эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Лўнда қилиб, афсус билан айтадиган бўлсак, бу — кўзбўямачилик.

Имкон қадар ҳақиқий аҳволни кўрмаслик, кўрса ҳам тан олмаслик, вазиятни юмшатиб, безатиб кўрсатиш, оғир масала ва муаммолардан ўзини узоқ олиб юриш ҳолатлари, минг афсуски, жойлардаги кўпгина ҳоким ва амалдорларимиз фаолиятида одат бўлиб қолмоқда.

Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, улар ҳар йили мавсум бошланиши билан йўл

қўйилган қўпол хато ва ўзбошимчалик, бепарволик, лоқайдлик, оғир оқибатларга олиб келадиган нуқсонларни яшириб, мавсум якунланиши билан аввало ҳар хил табиий сабабларни ва иқлим инжиқлигини, ўз вақтида кимдир маблағ, кредит, ёқилғи, ўғит ажратмагани, кўмак бермагани ва шунга ўхшаган баҳоналарни ниқоб қилиб оладилар.

Бундай ҳолатлар нафақат ҳосил етиштиришда, қурилиш, ижтимоий муаммолар, ободончилик масалалари, аҳолимизнинг кўпгина дарду ташвишларини ечишда ҳам яққол сезилиб туради.

Мен буни кўп мисолларда кўриб-кузатиб, бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман: бугунги раҳбарлик мардликни талаб қилади, масъулият ва орномусни талаб қилади.

Хўш, бизда ҳозир нима бўлмоқда? Мавсум бошида ҳам, чигит экиш, ғўзани парваришлаш жараёнида ҳам аввалига ҳамма ишлар эскичасига "есть" қилинади, яъни, "бажарамиз" деган эски иборани эслатади. Раҳбарлар чигитни ўз вақтида экдик, етти марта культивация қилдик, деб ҳисобот беради. Бундай кўтаринки ҳисоботлар бутун мавсум мобайнида давом этади.

Аммо куз келиб, ҳосил кўтариладиган вақт яқинлашгани сари бу ҳисоботларнинг оҳанги ўзгара бошлайди. Охир-оқибатда ҳамма нарса обҳавога, ҳарорат етишмаганига, ёмғир ёғиб кет-

ганига боғланади. Мана, мисол учун, ўтган йили Наманган вилояти минерал ўғит бўйича ёрдам сўради. Биз вазиятни атрофлича ўрганганимизда, ўғитлар сақланадиган омборларнинг талабга мутлақо жавоб бермаслиги маълум бўлди. Ўғитни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланди.

Ёки Фарғона вилоятини олайлик. Маълумки, бу вилоят кейинги йилларда пахтачилик соҳасида оғир аҳволга тушиб қолмоқда. Албатта, бунда табиий қийинчиликлар ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Буни инкор этиб бўлмайди. Аммо ерга ўз вақтида ишлов бериш, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш, агротехника тадбирларини ўтказиш ҳам керакми, йўқми? Фақат осмонга қараб, олма пиш, оғзимга туш, деб ўтирса, албатта, ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди.

Аслида, Фарғона вилоятининг ер шароити Андижонникидан кам эмас. Лекин Фарғонада аҳволни ўнглаш учун қатъий чоралар кўрилмаяпти. Вилоят пахта бўйича шартнома режасини ўтган йили атиги 59,23 фоизга бажарди. Давлатга 340 минг тонна ўрнига 201 минг тонна пахта ҳосили топширилди. Ҳисоб-китобларга қараганда, қарийб 75 миллион долларлик даромад бой берилди.

Бу — жуда катта маблағ. Деҳқонларимиз, халқимиз буни билиши керак. Вилоят раҳбарлари бу ҳақда ўйлаяптими, йўқми? Ё бунинг ўрнига баъ-

зи ҳокимлар, бу йил пахта бўйича Фарғонанинг эмас, балки Қашқадарёнинг йили бўлди, деб "файласуфлик" қилиб юрибдими?

Мен ўтган йили ёзда Фарғона водийсида бўлганда Қува туманида пахтакор аёллар билан учрашганимни эслайман. Бу қадоқ қўлли инсонларга таъзим қилиш керак. Уларнинг ўша самимий суҳбатдаги тўй-томошалар қилиш, дам олиш ҳақидаги орзу-ниятлари ҳам ёдимда. Ўшанда вилоят ҳокими ҳам ёнимда турган эди. Ўзингиз айтинг, энди ана шу опа-сингилларимизнинг юзига қандай қараймиз? Ҳоким бўлса, ҳосилни кўсак қурти еб кетди, деб ўтирибди.

Биз нега ҳамма камчилик ва хатоларни табиатнинг бўйнига қўймоқчи бўламиз? Бундан ким ютади? Балки айрим амалдорлар бундан ютмоқчи бўлар — лекин халқимиз, давлатимиз бундан ютқазади.

Мен мутахассис эмасман, лекин шуни биламанки, қишлоқ хўжалигида ҳашаротларга қарши курашда биологик, кимёвий ва агротехникавий усулларни кенг қўллаш зарур. Хўш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг қошидаги ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш бошқармаси бу масалада қаёққа қараган? Нега катта миқдордаги валюта маблағлари сарфланиб, кераксиз дорилар олиб келинган? Бу масаланинг тагига албатта етиш зарур.

Тошкент вилояти Халқ депутатлари кенгашининг охирги сессиясида бундай номаъқул ҳолатлар ҳақида батафсил гаплашиб, муҳокама қилиб олдик. Ўйлайманки, раҳбар курсисида ўтирган, ақли, инсофи бор, ор-номусли одамлар бундай гаплардан тўғри хулоса чиқариб олади.

Ўтган йили бошланган ва 2004 йилда мантиқий якунига етказишимиз лозим бўлган **энг муҳим йўналишлардан яна бири — маъмурий ислоҳотни амалга оширишдан иборат.**

Хабарингиз бор, бу ислоҳотнинг асосий мақсад ва маъно-мазмунини белгилаб берадиган қатор фармонлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Амалга оширилаётган ислоҳот доирасида бошқарув аппаратидаги ходимлар сони 40 минг штат бирлигига ёки 22 фоизга қисқартирилмоқда. Ва бу ишни албатта охирига етказишимиз даркор.

Маъмурий ислоҳот бўйича республика комиссияси (Азимов) барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар билан биргаликда бу ишни пухта ташкил этиши ва биринчи чорак якунлари бўйича қилинган ишлар тўгрисида ахборот бериши лозим.

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, айрим вазирликлар, идора ва ҳудудларда маъмурий ислоҳотни, бошқарувнинг мазмун-моҳияти-

ни ўзгартирмасдан, фақатгина ходимлар сонини шунчаки қисқартиришдан иборат, деб юзаки қабул қилмоқдалар.

Биринчи навбатда, турли даражадаги бошқарув тузилмалари эски маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизимига хос, ўз умрини ўтаб бўлган вазифалардан халос бўлиши зарур.

Ўз-ўзидан аёнки, агар бу вазифалар бўлмаса, уларни бажарадиган амалдорларга ҳам ҳожат қолмайди. Бундай амалдорларнинг ўзи ҳам эндиликда уларнинг даври ўтганини, бугун бошқарувнинг янгича ёндашувлари, услуб ва воситалари талаб этилаётганини тушуниб етади.

Бундан буён тепадан туриб дўқ-пўписа қилиш, маъмурий тазйиқ ўтказиш ва ўзбошимчалик билан қарорлар қабул қилиш, давлат ресурсларини кимга хоҳласам, шунга бераман қабилида иш олиб бориш ҳуқуқи ўрнини замонавий бозор механизмлари, иқтисодий таъсир ва рағбатлантириш омиллари эгаллаши даркор.

Маъмурий ислоҳотни амалга оширишнинг энг муҳим вазифаси — бизга эски тузумдан мерос бўлиб қолган, моддий ресурсларни турли квоталар, лимит ва кўрсатмалар асосида марказлаштирилган ҳолда тақсимлаш тизимига бутунлай барҳам беришдир.

Ҳозирги кунда бу борада дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Тармоқлар бўйича ҳам, ҳудудлар

бўйича ҳам бошқарув тизимининг кўплаб ортиқча бўғинлари, мисол учун, нефть ва ёқилғи маҳсулотларини тақсимлаш бўйича вилоят бошқармалари тугатилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган статистик ҳисоботлар сони кескин қисқартирилди. Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигида 63 фоизни, саноатда эса ўртача 33 фоизни ташкил этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча қабул қилинган қарорига биноан, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим товарларни истисно қилганда, ҳар хил квоталар, лимитлар асосида товар ва моддий-хом ашё ресурсларидан фойдаланиш тизимининг ўзи тўлиқ бекор қилинади.

Бу қоида, жумладан, пахта толаси, ёқилғи ва нефть маҳсулотлари, минерал ўгитлар, ўсимлик ёғи, ун, шакар каби ўта муҳим ва харидоргир товарларга нисбатан ҳам жорий этилади.

Буларнинг барчаси, бозор тамойилларига тўлиқ мос равишда, товар-хом ашё биржалари, кимошди савдолари, ярмарка ва бошқа тузилмалар орқали амалга оширилади.

Бу эса, ўз навбатида, товар-хом ашё биржалари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этади. Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда муайян хом ашё ресурсларини биржадан кўра очиқ бозордан сотиб олиш осон ва арзонга тушади.

Одамда шундай таассурот туғиладики, на Давлат мулки қўмитаси, на товар-хом ашё биржаларининг раҳбар ва ходимлари биржалар фаолияти самарадорлигини оширишдан, бошқача қилиб айтганда, ўзларининг меҳнат натижасидан манфаатдор эмасга ўхшайди.

Шунинг оқибатида бу биржалар олди-сотди ишларини фақат расмиятчилик учун амалга оширадиган, хўжакўрсинга ишлайдиган идораларга айланиб қолмоқда.

Айнан шу сабабдан товар-хом ашё биржаларида товарларнинг айланиш даражаси пастлигича қолмоқда. Масалан, 2003 йилда бу кўрсаткич бирмунча қисқариб, 450 миллиард сўмни ёки жами улгуржи товар айланмасининг 18 фоизини ташкил этди, холос.

Ишлаб чиқариш ва техник мақсадларда қўлланадиган маҳсулотларнинг товарлар айланмасидаги улуши 10 фоиздан ошмайди. Биржа ходимларининг профессионал малакаси пастлиги, бу ҳол айниқса минтақаларда талаб даражасида эмаслигини афсус билан қайд этиш лозим.

Товар биржаларининг бундай қониқарсиз фаолияти турли олибсотар чаққонлар учун қўл келмоқда, товарларнинг биржадан ташқарида хуфёна айланиши, нархларнинг сунъий равишда қимматлашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бош вазир (Мирзиёев), Умумиқтисодиёт комплекси (Азимов) барча манфаатдор тузилмалар билан биргаликда биржа савдосидаги ишларнинг аҳволини атрофлича, синчиклаб кўриб чиқсин ва товар-хом ашё биржалари фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган аниқ таклифлар киритсин.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар ҳақида гапирар эканмиз, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг шаклланган тузилмаси бозор мезонларига қанчалик мос келишини танқидий баҳолаш, қайси тармоқ ва соҳалар талаб даражасида ривож топмаётганини аниқлаб олишимиз зарур.

Бу борада бизда ҳали ишга туширилмаган катта имкониятлар мавжуд. Буни айниқса хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожининг орқада қолаётганида кўришимиз мумкин.

Ўзингиз таққослаб кўринг, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши тараққий топган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида, масалан, Америка Қўшма Штатларида 80 фоизга тенг, Буюк Британия, Канада, Францияда 70 фоиздан зиёд, Германия, Италия, Японияда 68 фоизга тенг бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич улардан деярли икки баробар кам бўлиб, 40 фоизни ташкил этади.

Эътиборингизни ушбу масаланинг яна бир жиҳатига қаратмоқчиман. Илгор мамлакатлар тажри-

баси шуни кўрсатадики, хизмат кўрсатиш тармоғи иқтисодиётнинг энг тез ривожланадиган соҳаси бўлиб, айнан шу соҳа ортиқча ишчи кучларининг катта қисмини ўзига жалб этиши мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида иш билан банд бўлганларнинг ярмидан кўпроғи хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат қилади. Масалан, Швецияда бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этади. Бизда бу рақам ҳозирча 35—40 фоиздан ошгани йўқ. Бу масалада биз сезиларли даражада орқада қолмоқдамиз.

Шу ўринда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси шаҳардагига нисбатан қишлоқ жойларида икки баравар паст эканини гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг оқсоқ бўлиб турганини қуйидаги мисолдан ҳам билса бўлади. Бугунги кунда аҳоли харажатларининг катта қисми истеъмол товарларига тўғри келади.

Хизматлар учун эса бу харажатларнинг бор-йўғи 12 фоизи сарфланмоқда. Ҳолбуки, Америка Қўшма Штатлари ва Япония давлатларида оила бюджетида бу кўрсаткич қарийб 60 фоизни, Франция, Буюк Британия ва Германияда эса 50 фоизни ташкил этади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам шундан далолат бе-

ради, хизмат кўрсатиш соҳасида хотин-қизлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами—ногиронлар, пенсионерлар, етарли иш тажрибасига эга бўлмаган ёшлар меҳнати кенг қўлланади.

Бу аввало иш жадвалининг қулайлиги, иш кунининг тўлиқ эмаслиги, мавсумийлиги, касаначилик имконияти мавжудлиги билан изоҳланади.

Бизда сартарошлик, кийим-кечак, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, савдо, умумий овқатланиш каби анъанавий хизмат кўрсатиш турлари билан бир қаторда бу борадаги янги, истиқболли йўналишлар—мисол учун, туризм, меҳмонхона хўжалиги, уй-жой қуриш ҳамда таъмирлаш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун беқиёс имкониятлар бор.

Сўнгги йилларда хонадонларимизда мураккаб маиший техника, компьютер, шахсий транспорт воситалари кўпайиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу эса, ўз навбатида, уларга малакали хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш учун шароит яратади. Таълим ва маданият соҳасида, диагностика ва даволаш, жисмоний тарбия, дам олишни ташкил этиш борасида ҳам фаолият юритиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Айтиш керакки, банк-молия соҳаси, суғурта ва лизинг фаолиятининг маслаҳат ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш бўйича бозори ҳам эндигина шаклланмоқда.

Энг муҳими, иқтисодиётнинг ушбу тармоғи ўзининг ривожланиши учун катта капитал маблағ талаб этмайди ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолияти учун ниҳоятда мақбул ва қулайдир.

Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплексига икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш бўйича дастур тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритиш вазифаси топширилсин.

Биз учун устувор бўлиб қолаётган энг муҳим вазифалардан яна бири — **бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласидир.**

Сўнгги пайтда бу йўналишда ўта муҳим қонун ҳужжатлари ва қарорлар қабул қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўсиш тамойиллари, шунингдек, уларга бериладиган имтиёз ва енгилликлар тизими аниқ белгилаб қўйилди.

Хусусий корхона тўғрисидаги қоидалар қонун нуқтаи назаридан мустаҳкамланди. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартиби тубдан янгиланди ва соддалаштирилди. Ҳозирги вақтда бу ишни битта идорада, таъбир жоиз бўлса, "битта дарича"нинг ўзида тўла амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Бунда тадбиркорлик субъектини рўйхатга олиш билан бир вақтнинг ўзида унинг муҳандислик тармоқларига уланишига рухсат берувчи ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилади, солиқ ва статистика органларида ҳисобдан ўтиш масаласи ҳам ҳал этилади. Бугунги кунда рўйхатга олиш ва расмийлаштириш жараёни етти кундан бир ойгача бўлган муддат ичида бажарилиши шарт.

Айни вақтда мамлакатимизда 250 мингга яқин кичик бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда, бу соҳада 5,5 миллион киши ёки иш билан банд бўлган одамларнинг 57 фоизи меҳнат қилмоқда.

Ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич 1999 йилда 29,1 фоизга тенг эди. Биргина 2003 йилда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 375 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Биз Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратар эканмиз, шу орқали учта муҳим масалани ечишни кўзда тутамиз.

Биринчи масала — яқин беш-ўн йил ичида ушбу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг 50—60 фоизини ишлаб чиқаришга эришиш.

Иккинчи масала—бу соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг энг муҳим манбаларидан бирига айланиши лозим.

Доимий диққат марказимизда туриши керак бўлган **учинчи масала** — мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлмиш кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат.

Ҳурматли дўстлар!

Шуни очиқ тан олишимиз керакки, умумтаълим мактабларининг бугунги ҳолати ва биринчи навбатда уларнинг моддий базаси бизни мутлақо қониқтирмайди. Ҳозирги кунда мактабларда 6 миллион 200 минг нафар фарзандларимиз таълим олмоқда.

Мавжуд 9 минг 700 та умумтаълим мактабининг ҳар учтадан биттаси ўқув стандартлари талабларига жавоб бермайдиган мослаштирилган биноларда жойлашгани, 88 та мактаб эса айниқса ночор ҳолатда экани барчамизни ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Айрим мактабларда болалар икки, ҳатто уч сменада ўқимоқда. Ҳозирги пайтда мактабларнинг ярмидан кўпи компьютерлар билан жиҳозланган ва фақат 141 та мактаб Интернет тизимига уланган.

Мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Буни ўқитувчиларнинг 30 фоиздан ортиғи олий маълумотга эга эмаслиги ҳам кўрсатиб турибди.

Қатор фанлар, айниқса, чет тили ва бошланғич таълим, химия ва физика, жисмоний тарбия фанлари бўйича ўқитувчилар етишмайди. Ўқитув-

чилар меҳнатини рағбатлантириш масалалари ҳам жиддий эътибор қаратишни талаб этади.

Барчамиз шуни ёдда тутишимиз керакки, мактабни битирган фарзандларимиз эртага янги турдаги ўқув масканлари бўлмиш лицей ва коллежларга ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келишлари зарур.

Мен мактаблар масаласи ҳақида илгари ҳам кўп гапирганман. Бу муаммонинг бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун нақадар муҳимлигини инобатга олиб, бу борада кескин чоралар кўриш вақти етди, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрни қўллаб-қувватлайсиз.

Вазирлар Маҳкамасининг бу йилги биринчи чорак якунлари бўйича йиғилишида умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш масаласини алоҳида кўриб чиқиш керак, деб ҳисоблайман. Бу масала бўйича 2004—2008 йилларга мўлжалланган махсус дастур тайёрлаш ва уни бажариш учун тегишли имкониятларни қидириб топиш лозим.

Ушбу дастурни амалга ошириш учун нафақат бюджет маблағларини, балки ҳомий ташкилотлар, бу муҳим вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур англайдиган барча инсонларнинг куч ва имкониятларини жалб этишимиз даркор.

Қадрли дўстлар!

2004 йил юртимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганидан барчангиз яхши хабар-

дорсиз. Бу борада Ҳукуматимиз томонидан йил давомида амалга ошириладиган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ишларнинг комплекс дастури қабул қилинди.

Вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, давлат ва нодавлат идоралари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ушбу дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишлари лозим. **Бу борадаги энг асосий вазифа** — жамоатчилигимиз, одамларимизда, аввало, ёшларимиз қалбида меҳр ва мурувват туйгусини янада юксалтиришдан иборат.

Жамиятнинг кўмагига муҳтож бўлган ҳар бир инсон ва оилага, биринчи навбатда, ногиронлар, ёлғиз қарияларга, боқувчисини йўқотган одамларга ҳар томонлама ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак.

Бир сўз билан айтганда, ҳеч ким жамиятимизда ўзини ёлғиз сезмаслиги, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Халқимизга хос бўлган меҳрибонлик, багрикенглик, каттага ҳурмат, кичикларга иззат каби эзгу фазилатларни асло унутмаслигимиз, уларни нафақат асраб-авайлаш, балки кундалик амалий ишларимиз билан бойитиб ва мустаҳкамлаб боришимиз биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Азиз юртдошларим!

Лўнда, қисқа қилиб босиб ўтган йилнинг якуни ҳақида гапирар эканмиз, **биринчи хулоса** шундан иборатки, 2003 йилда мамлакатимиз салоҳиятини юксалтириш, одамларнинг ҳаётини яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Иккинчи хулоса — ҳаёт давом этар экан, у ҳамиша олдимизга янги ва янги вазифаларни қўяверади. Шунинг учун ҳам ҳар доим ишимизни холисона баҳолаб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб боришимиз керак.

Учинчи хулоса — мана шундай якунларни тўғри баҳолаб, халқимизга етказиш нафақат журналистларнинг, балки барчамизнинг бурчимиз. Бизнинг ўтган давр мобайнида нималарга эришганимизни ва яна қандай вазифалар олдимизда турганини одамларимиз, кенг жамоатчилигимиз албатта билиши зарур.

Мен олижаноб мақсад ва муддаоларимизга эришиш йўлида барчангизга куч-қувват, ғайрат-шижоат, сиҳат-саломатлик, ишларингизга омадлар тилаб қоламан.

2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза,
2004 йил 7 февраль

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИГИНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Қадрли дўстлар!

Бугун биз қадимий Хоразм заминида Ватанимиз ҳаётидаги унутилмас ва қувончли бир воқеа — азим ва қудратли Амударё узра бунёд этилган замонавий иншоот — янги, муҳташам кўприкнинг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этмоқдамиз. Янги йўлларни очиш, янги кўприклар қуриш, уларнинг инсон ва халқлар ҳаётидаги аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин.

Халқимизнинг «Кўприк қурган кам бўлмас, равон йўлда ғам бўлмас» деган доно мақоли замирида жуда катта маъно мужассам.

Барча-барча халқлар кўприк деганда, одамларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қиладиган, дилларни дилларга, элларни элларга боғлайдиған ҳаёт белгисини тасаввур қилади.

Бунинг ёрқин тасдиғини бутун оламга машҳур бўлган Буюк ипак йўлининг ривожланишига катта ҳисса қўшган, Шарқ билан Ғарб ўртасида бамисоли кўприк бўлиб хизмат қил-

ган бизнинг диёримиз мисолида яққол кўриш мумкин.

Қадим-қадимдан бизнинг юртимиз — ўлкамиз учун, унинг тараққиёти ва фаровон ҳаёти учун коммуникациялар, шу жумладан, йўлларнинг очилиши ва қурилиши алоҳида аҳамият касб этган.

Агарки, бугунги кунда мамлакатимизнинг жуғрофий жойлашуви, маъмурий чегараларини инобатга олсак, бизнинг халқаро коммуникациялардан, денгиз йўлларидан олис бўлиб яшаётганимизни назарда тутсак, бундай хулосани чиқариш қийин эмас, деб ўйлайман.

Бир фараз қилинг — дунё бозорига ҳатто энг яқин денгиз порти орқали чиқиш учун ҳам бизнинг камида икки-учта давлат ҳудудини кесиб ўтишимизга, қанчадан-қанча ортиқча харажат қилишга, қанча ташвиш чекишга, баъзан сунъий тўсиқларни ҳам енгиб ўтишга тўғри келмоқда.

Шу боис, мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ жаҳонга, дунё бозорига янги йўлларни очиш биз учун сув билан ҳаводай зарур ҳаётий эҳтиёжга айланди.

Ўтган қисқа давр мобайнида бу борада амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, Қамчиқ довони орқали Фарғона водийсини, Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўли орқали шимолий минтақала-

римизни мамлакатимизнинг марказий ҳудудлари билан боғлашга эришганимизни таъкидлаш лозим.

Ҳозирги пайтда жанубда Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилиши бошлангани ва шу йўлдан Афғонистон ва Эрон замини орқали Форс кўрфази портларига чиқиш режаларимиз, шарқда эса Андижон — Ўш — Қашқар автомобиль йўлини қуриш мўлжалларимиз бу ишларнинг узвий давоми, деб айтиш мумкин.

Шулар қаторида юртимизни Устюрть орқали Қозоғистон, Россия ва Европа билан боғлайдиган 316 километрли Қўнғирот — Бейнов тезюрар автомобиль йўлини барпо этиш ишлари ҳам яқин орада ниҳоясига етказилади. Шу билан бирга, Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Ангрен йўналишларида замонавий электропоездлар қатнови йўлга қўйилгани ҳам бу борадаги салмоқли қадамлардан биридир. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин — ҳозирги кунда Ўзбекистон йўллари халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий даражага кўтарилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, эртанги, узоқ давомли режаларимизни қурар эканмиз, юртимизни бошқа давлатлар ва минтақалар билан боглайдиган йўллар ва коммуникациялар барпо этиш масаласи доим бизнинг эътибор марказимизда туради.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун Амударё узра бунёд этилган бу кўприк кейинги йиллардаги улкан ишларимизнинг яна бир намоёни, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Ушбу ноёб лойиҳани амалга ошириш учун 33,5 миллиард сўм маблаг сарфлангани ҳам бу иншоотга нақадар катта эътибор қаратилганидан далолат беради.

Қорақалпогистон ва Хоразм диёрини пойтахтимиз Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудларимиз билан боғлашда бу кўприкнинг нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча, деб ўйлайман.

Узунлиги 681 метрни ташкил этадиган бу замонавий кўприк бир кеча-кундузда ҳар икки томонга 14 тадан поезд, соатига мингта автомобилни ўтказиш имкониятини яратади.

Бу эса Урганч — Тошкент йўналишидаги поездларнинг йўлда юриш вақтини 5,5 соатга, масофани 300 километрга қисқартириш, илгари транзит учун ҳар йили тўланадиган бир миллион АҚШ долларини тежашга имкон беради.

Биз учун шимолий йўналишда дарвоза очиш, шу минтақадаги бой ер ости табиий захираларни ўзлаштириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бу ерда истиқомат қилаётган одамларнинг ҳаётини обод қилишда бу улкан иншоот мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ва унинг

ижобий самараси ва таъсирини яқин орада шу воҳадаги хўжалик ва ташкилотлар, ҳар бир оила ўз ҳаёти мисолида кўриши мумкин бўлади.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, кўприк ишга тушиши билан олдимизда турган кўп оғир муаммоларни ечиш, шу орқали катта маблағларни тежаш, истиқболимизни кўриш имкони туғилади.

Азиз юртдошлар!

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: шундай мураккаб табиий шароитда, қишнинг изғирин шамоллари, ёзнинг жазирама офтобида, дарё сувини кечиб, бу муҳташам кўприкни қуриш осон бўлгани йўқ. Бугун ғурур ва ифтихор билан айтиш мумкин — бу қурилиш кейинги йилларда бунёдкор қурувчиларимизнинг маҳорати нечоғлик ошгани, биз ўз кучимиз ва салоҳиятимизга таяниб, қандай буюк ва бетакрор иншоотларни барпо эта олишимизнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Амир Темур бобомизнинг ибораси билан айтганда, бизнинг қандай куч-қудратга эга бўлганимизни, нималарга қодир эканимизни ана шундай улкан қурилишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумин.

Бугун мана шу минбардан туриб, ушбу муаззам кўприкнинг бунёдкорларига, аввало, «Боштранслойиҳа» институти мутахассисларига, бош пудратчи — «Ўзбектрансқурилиш» уюшмасининг «Кўприккурилиш» трести меҳнат жамоасига,

барча ишчи ва монтажчиларга, қурувчи ва муҳандисларга, қорақалпоқ ва Хоразм элининг мутасадди ва фаолларига, бу улуғвор ишга ҳисса қўшган жамики инсонларга самимий ташаккур билдириш менга катта мамнуният етказади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай буюк ишларнинг ижодкори бўлган азамат халқимизга яна бир бор таъзим қилишга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстларим, биродарларим, сизларни бугунги қувончли ва тарихий воқеа муносабати билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака, эзгу ишларингизда омад ёр бўлишини тилайман.

Қўлингиз дард кўрмасин, доимо омон бўлинг, азизларим!

Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида барпо этилган янги кўприкнинг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимдаги сўз,
2004 йил 12 март

ЁВУЗ КУЧЛАР ХАЛҚИМИЗНИ ЎЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛИДАН ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ

Маълумки, 2004 йил 28—29 март кунлари Тошкент шаҳрида қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Бу воқеалар натижасида бир неча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда тинч аҳоли вакиллари қурбон бўлди ва турли даражада тан жароҳати олди.

Бу жиноий ишларга алоқадорликда гумон қилинаётган бир неча шахслар қўлга олиниб, ҳозирги вақтда тергов ишлари олиб борилмоқда.

Шу воқеалар муносабати билан Президент Ислом Каримов 2004 йил 29 мартда Ўзбекистон телевидениеси учун махсус интервью берди.

Авваламбор, рўй берган мудҳиш воқеаларда бегуноҳ қурбон бўлганларга, ҳалок бўлган милиция ходимларининг оила аъзолари, қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзиямни изҳор этиб, ярадор бўлганларга ўз ҳамдардлигимни билдирмоқчиман, деди давлатимиз раҳбари.

Президент ушбу воқеалар, улардан чиқадиган хулоса ва сабоқлар ҳақида тўхталар экан, қуйидаги ҳолатларни алоҳида таъкидлади.

Дастлабки хулоса шуки, бундай ёвуз хатти-ҳаракатлар мамлакатимиз мустақиллигини, халқимизнинг тинч ҳаёти, эришаётган ютуқларимизни кўролмайдиган қора, қабиҳ ниятли кучлар томонидан амалга оширилгани аён бўлмоқда.

Бундан кўзланган мақсад — эл-юртимизнинг тинчлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштириш, одамларнинг юрагига ғулғула, ваҳима солиш, бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатимизга бўлган ишончни йўқотиш, эзгу ният ва амалий ишларимизга тўсиқ бўлишдан иборатдир.

Бу масала бўйича тергов олиб бораётган ваколатли органлар томонидан бугуннинг ўзида тўпланган ашёвий далиллар, шу жумладан, қурол-яроғ, портловчи моддалар, экстремистик руҳдаги диний адабиётлар, тинч аҳолига талафот етказишга мўлжалланган воситаларнинг мавжудлиги амалга оширилган бу террористик хуружларга бир неча ой давомида ҳар томонлама чуқур тайёргарлик кўрилгани, бунинг ортида катта маблағ ва имкониятларга эга бўлган экстремистик марказлар турганини кўрсатмоқда, деди Президент.

Аслида бу террорчилик хуружларини қабиҳ кучлар Наврўз кунлари, одамлар майдон ва хиёбонларга тўпланиб, байрам қилаётган жойларда амалга оширишни мўлжаллаган эди. Бизнинг байрамни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш масаласига

катта эътибор қаратганимиз уларнинг разил режаларини барбод қилгани маълум бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу воқеаларнинг бундан беш йил олдин, 1999 йил февраль ойида Тошкент шаҳрида содир этилган портлашлар билан боғлиқлигини, уларнинг услуби ўхшашлигини ҳам пайқаш қийин эмас.

Яна бир кўзга ташланадиган жиҳат — террорчилар бу жиноятларни, асосан, одамлар гавжум жойларда, бозорлар, савдо дўконлари, транспорт бекатлари атрофларида амалга оширишга уринишган.

Содир этилган жиноятларнинг яна бир хусусияти — ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиб, бошқа бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлиш ва талафот етказиш ҳолатлари бизнинг шароитимизда илгари рўй бермаган эди.

Буни баъзи хорижий мамлакатларда бугунги кунда учраётган қўпорувчилик ҳаракатларининг нусхаси ва кўриниши деб баҳолаш мумкин.

Мамлакатимизда рўй берган мазкур воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура раҳбарларидан иборат таркибда махсус ҳукумат комиссияси тузилди.

Вилоят, шаҳар ва туманларда ҳам ҳокимлар раҳбарлигида ана шундай комиссиялар тузилиб,

тезкор амалий ҳаракатлар бошланди ва бу ишлар ўз натижаларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари, мана шундай масъулиятли бир шароитда ўз юртининг тинчлигини, аёлларимиз ва болаларимиз, кексаларимизнинг осойишта ҳаётини сақлашни ўзининг муқаддас бурчи деб биладиган ҳар қайси юртдошимиз, ҳар қайси фуқаро бу ишга ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдирди.

Дарҳақиқат, бугунги шароит барчамиздан янада сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Маҳаллаларда, турар жойларда ўз уйимизни ўзимиз асраш бўйича барча чораларни кўришимиз, бепарволик, лоқайдлик кайфиятларига йўл қўймаслигимиз, дўсту душманни яхши таниб олишимиз керак.

Мана шундай мураккаб вазиятда мен кўпни кўрган, машаққатли синовларда ўзининг мардлиги ва матонатини намоён этган, эл-юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилаётган маҳалла жамоатчилигига, барча маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, менинг болаларим, фарзандларим бўлган маҳалла посбонларига алоҳида мурожаат қилмоқчиман, деди Ислом Каримов. Ишонаманки, сизлар бундай ғаразли хуружларга қарши ўз қатъий фаолиятингиз, жонкуярлигингиз билан халқимизни бирлаштиришга, бир мушт бўлиб ёвуз кучларга қарши зарба беришга қодир эканингизни бу сафар ҳам амалда кўрсатасизлар.

Ҳеч қандай шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини буколмайди, бизни ўз танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

Халқимиз бундай синовларни илгари ҳам бошидан кечирган ва уларни мардона енгиб ўтган. Шунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, қатъият билан ҳаракат қилишимиз, бундай жирканч, ёвуз бало-қазоларни таг-томири билан юлиб ташлашимиз, бизга ато этилган гўзал ва бетакрор юртимиз тинчлигини сақлашимиз зарур.

Мен мана шундай вазиятда 1999 йили Олий Мажлис минбарида туриб айтган гапларимни яна такрорламоқчиман. Биз манфур террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз, уларни маблағ билан таъминлаётган манбаларни, одамларни дин ниқоби остида чалғитиб, мудҳиш жиноятларга йўллаётган куч ва марказларни албатта аниқлаймиз. Ўз халқига, ўз ватанига қўл кўтарган, бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлган разил кимсаларнинг қилмишларини фош этиб, халқимизга кўрсатамиз, деди пировардида Президент Ислом Каримов. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қурбимиз ҳам албатта етади.

ВАТАНИМИЗНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ЎЗ КУЧ-ҚУДРАТИМИЗГА, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ ВА БУКИЛМАС ИРОДАСИГА БОҒЛИҚ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Барчангиз яхши хабардорсиз — шу йилнинг 29-30 март ва 1 апрель кунлари мамлакатимизда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари оқибатида 9 нафар ички ишлар ходими ва 5 нафар фуқаро ҳалок бўлди.

Ана шу бегуноҳ қурбон бўлган инсонларнинг оила аъзолари ва яқинларига ўзимнинг номимдан, сиз, муҳтарам депутатларимиз номидан ҳамда бугунги сессия мажлисида қатнашаётган барча иштирокчилар номидан яна бир бор ҳамдардлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Мудҳиш ва қабиҳ ният билан уюштирилган бундай террорчилик хуружлари натижасида қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Аввало, Аллоҳнинг ўзи юртимизни асради, қолаверса, тинч, осуда ҳаётимизни ҳимоялаш, сақлаш учун ўзининг азиз жонини берган ҳуқуқ-тартибот ходимларининг жасорати туфайли бунга йўл қўйилмади.

Ўзингиз фараз қилинг, Ромитан туманида террорчилар кўплаб портлатиш воситаларини тай-

ёрлаб, одамлар гавжум жойларда қўпорувчилик уюштирмоқчи бўлган. Агар уларнинг машъум нияти амалга ошганида, яна қанча-қанча бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлиши мумкин эди.

Ёки Тошкент шаҳрининг бир чеккасида тайёргарлик кўрган террорчиларнинг бошқа бир гуруҳи белига портлатиш воситаларини боғлаб, пойтахтимизнинг бозор ва майдонларида, жамоат жойларида портлашлар содир этганида, нима бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бундай даҳшатли вазиятни кўз ўнгидан ўтказганида, унинг оқибатлари ҳар қандай ақли расо одамни ларзага солиши шубҳасиз. Шундай ваҳшийликларнинг олдини олиш учун жон фидо этган мард йигитларни хотирлар эканмиз, хаёлимизга беихтиёр, бу бегуноҳ инсонларнинг айби нима эди, ахир, уларнинг ҳам бола-чақаси, ёру дўстлари, бу ҳаётдан умидлари бор эди, улар ҳам бахтли бўлишга ҳақли эди-ку, деган армонли сўзлар келади.

Ана шундай юртдошларимиздан бири — Қибрай тумани ички ишлар бўлимида хизмат қилган катта лейтенант Азизжон Турсунов оилада ёлғиз ўғил эди. Йигирма етти баҳорни қаршилаган бу навқирон йигит террорчиларга қарши курашда мардона ҳалок бўлди.

Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлимининг ходими, старшина Қодир Раҳмонов ҳам одам-

лар ҳаётини сақлаш учун жонини фидо қилди. Юраги беғубор, шоиртабиат бу инсоннинг уч фарзанди етим қолди, дилидаги не-не орзулари ушалмас армонга айланди.

Биз барчамиз эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш йўлида ўз ҳаётини бағишлаган милиция ходимларининг хотираси ва руҳи олдида умрбод қарздормиз. Бу фидойи инсонларнинг Ватан олдидаги хизматлари ҳеч қачон унутилмайди. Уларнинг жасорати юксак давлат мукофотлари билан тақдирланади, оиласи, фарзандлари доимо халқимиз, давлатимиз эътиборида бўлади. Мана шундай ўглонларимизнинг жасорати туфайли ўнлаб, балки юзлаб юртдошларимизнинг ҳаёти сақлаб қолинди, ёвуз террорчилар ўз уясида янчиб ташланди.

Мен ҳаммамиз учун огир бўлган бу йўқотишлар, бу воқеалар ҳақида, дунёдан бевақт кўз юмган одамлар ҳақида кўп ўйлайман. 1999 йилда Тошкент кўчаларида террор қурбони бўлган бегуноҳ юртдошларимизни, 2000 йилнинг ёзида Сариосиё ва Бурчмулла тогларида жангариларга қарши курашда ҳалок бўлган жасур аскарларимизни ҳам доимо эслайман.

Мен бугун, шу юксак минбарда туриб, мана шундай мард ва ботир, эл-юртига садоқатли фарзандларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарга бош эгиб таъзим қиламан.

Қадрли ватандошлар!

Юртимиз тинчлигига, болаларимиз ва аёлларимиз, кексаларимизнинг осойишта ҳаётига кимки тажовуз қилган бўлса, муқаррар равишда ўз жазосини олиб келган ва бу сафар ҳам шундай бўлади. Жиноятчилар амалдаги қонунларимиз, халқаро ҳуқуқий нормалар асосида суд олдида жавоб беради.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, кўпдан бери чуқур тайёргарлик кўрилган, нафақат бизни, балки дунё аҳлини ҳам ларзага солган бу воқеаларнинг томирига етиб бориш, жиноятчиларнинг ҳақиқий башарасини фош этиш, адолатни жойжойига қўйиш, бегуноҳ одамларнинг жавобгарликка тортилишига йўл қўймаслик — буларнинг барчаси ўта мураккаб ва масъулиятли вазифа бўлиб, Бош прокуратура бошчилигида олиб борилаётган тергов жараёнини охирига етказиш учун муайян вақт беришни талаб қилади.

Ҳеч шубҳасиз, эл-юртимизга қарши қаратилган бу қабиҳ, ақлга сиғмайдиган разолатни ким ташкил этгани, бу ишга ким раҳнамолик қилгани, маблағ ва қурол билан таъминлагани, уни амалга ошириш учун кимлар жалб қилингани, бу қўпорувчиликни уюштириш учун улар қаерда, ким орқали ва қайси йўл билан, қайси лагерь ва полигонларда тайёргарлик кўргани ҳақида тергов ўз хулосасини чиқаради ва суд бу жиноят

бўйича сўнгги нуқтани қўйганидан кейин халқимизга, халқаро жамоатчиликка маълумот берилади.

Мен бугун тергов материалларига асосланган ҳолда, бир нарсани аниқ айтишим мумкин: ҳар томонлама пухта тайёрланган бу жиноий ҳаракатларнинг илдизи мамлакатимиз ташқарисида жойлашган халқаро террорчилик ва экстремизм марказларига бевосита бориб туташмоқда. Буни тасдиқлайдиган далил-исботлар етарли.

Бугун биз ана шу фожиали воқеалар ҳақида гапирар эканмиз, мен учта муҳим масалага эътиборингизни жалб қилишни, буларга жавоб топишни зарур деб биламан. Бу ёвуз ҳаракатлар кимга қарши ва нимага қарши қаратилган? Ва уларнинг охир-оқибат мақсади нима?

Битта масала барчамизга аён бўлиши керак. Бу портлашларни кўр-кўрона бажарган, онги паст, калтабин, мияси заҳарланган ижрочилар бор. Шунингдек, буларни уюштириб, ўз халқига қарши жиноятга йўллаган ташкилотчи ва раҳнамолари ҳам борки, уларни бир-биридан ажратиш, ҳар қайсисига алоҳида баҳо бериш зарур.

Фақат мана шундай кўз билан қараб, бу воқеаларнинг таг-томирига етиб боришимиз, Ўзбекистонни, унинг мақсад-муддаоларини кўролмайдиган, кўп йиллардан буён юртимизга қарши қўпорувчи-террорчилик ҳаракатларини олиб

бораётган кучлар ва марказларни, уларнинг разил қиёфасини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз, узоқни кўзлаган манфур ниятларини тушунишимиз мумкин.

Азиз дўстлар!

Ҳаётнинг ўзи юртимизда янги давлат, янги жамият барпо этиш учун халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган тараққиёт йўлининг тўғрилигини тасдиқламоқда. Ҳозирги кунда бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаётга эришиш йўлида қўлга киритаётган ютуқларимизни, дунё бизни тан олаётганини кўриб, сизлар қатори, бутун халқимиз қатори мен ҳам ғурурланаман.

Агарки, бугун фақат марказда эмас, балки Ўзбекистоннинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида яшаётган инсонларни, уларнинг савияси ва дунёқарашини, ҳаёт тарзини 90-йиллардаги ҳолат билан солиштирадиган, холисона кўз билан баҳолайдиган бўлсак, бизнинг юртимиз шу қисқа даврда қандай масофани босиб ўтгани, қандай марраларни эгаллаганини тушуниш, англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Энг муҳими, бугунги Ўзбекистон фуқароси ўзининг ҳаётини танқидий баҳолаш билан бирга, ўзи ва оиласининг, юртининг келажагини яққол тасаввур этади ва бунга эришиш учун нималар қилиш кераклигини, жамиятимизда қандай ўзгариш ва ислоҳотларни амалга ошириш

зарурлигини, нима ҳисобидан тараққий топган давлатлар яшаётган ҳаёт даражасига кўтарилиш мумкинлигини яхши англайди.

Биз жаҳондаги барча эзгу ниятли, тараққийпарвар халқлар ва миллатлар билан ҳамжиҳат бўлиб, нафақат ғарб давлатлари, балки Япония, Жанубий Корея, Малайзия каби ривожланган шарқ мамлакатларида бўлганидек эркин ва фаровон ҳаёт қуришга интилмоқдамиз.

Мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун юртимизда мавжуд бўлган салоҳият ва бойликларни ишга солиш, улардан оқилона фойдаланиш, аввало, ўз куч ва имкониятимизга, ота-боболаримиздан қолган бебаҳо мерос, миллий урф-одат ва анъаналарга суяниш, қадриятларимизни тиклаш, бир-биримизга елкадош бўлиш эҳтиёжини халқимиз бугун ҳар томонлама тушуниб етди. Айни вақтда умумбашарий ютуқларни ўзлаштириш, ёш авлодни шу асосда тарбиялаш, дўстни ғанимдан ажратиш, бизга қўл узатаётган хайрихоҳ шериклар билан ҳамкорликда эртанги кунимизни кўриш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга қаратилган олий мақсадларимиз ҳа-

қида бугун ортиқча таргибот олиб боришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Ва мана шундай ҳолатни, яъни оддий фуқароларимизнинг умумий ва сиёсий савияси нақадар ўсганини юртимиз кейинги даврда эришган ютуқларнинг энг муҳими, деб ҳисоблайман.

Шундай экан, ўзимизга бир савол берайлик: бизнинг танлаган йўлимиз кимларга ёқади-ю, кимларга ёқмайди? Бу саволларга жавоб топиш ва тегишли хулосалар чиқаришга кўпни кўрган, донишманд халқимизнинг ақли ва қурби етади, деб ўйлайман.

Барчамизга аён бўлиши керакки, ғанимларимизнинг асосий нияти — Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртимизда, минтақамизда ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказишдан иборат.

Булар ўз мақсадларига эришиш учун одамларни, аввало, содда, билими ва ҳаёт тажрибаси паст кишиларнинг онги ва тафаккурини чалғитишга уринади. Уларни муқаддас динимизга,

унинг асл қадрият ва бойликларига бўлган қизиқиш ва интилишларидан ғаразли ниятларда фойдаланади. Охирги тўрт-беш йил давомида тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, бундай мараз ва қабиҳ ниятли кучлар ва марказлар жуда чуқур ўйланган, катта маблағ билан таъминланган, узоқни кўзлайдиган дастур ва режаларга, шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, энг замонавий восита ва имкониятларга эга. Улар, ўзининг таъсириға тушган кишиларнинг миясини заҳарлаш мақсадида, ҳеч қандай соғлом ақлга сиғмайдиган бузғунчи ақида ва ғояларни, шу жумладан, "Ҳизбут-таҳрир" оқимида кенг тарқалган халифалик қуриш даъватларини ишлатади.

Нима эмиш, барча мусулмон динига мансуб халқлар халифалик деб ном олган ва битта халифа бошқарадиган ягона диний давлатга бирлашиб, бизнинг асосий Қомусимиз — Конституция ва қонунлар ўрнига, ўрта асрларда ҳукм сурган ақида ва одатларга итоат қилиш асосида яшаб, кун кўришимиз керак эмиш. Давлатни бошқариш, унинг хўжалик ва иқтисодиётини тебратиш у ёқда турсин, оддий оиланинг даромад ва буромад ташвишларидан — ниманинг қаердан ва нима ҳисобидан, қандай меҳнат эвазига келишидан хабардор бўлган ҳар қандай ақли расо одам бундай ғояларнинг сохталигини англаши, уларнинг ҳақиқий баҳосини бериши мум-

кин. Бундай сохта, замирида ҳеч қандай асос бўлмаган сафсаталар ҳақида гапирганда, аввало бугун биз XXI асрда яшаётганимизни эсдан чиқармаслигимиз керак. Ва ҳозирги ўта мураккаб, шиддат билан ўзгариб, тараққий топаётган, компьютер ва телекоммуникация даврининг минг йиллар олдин мавжуд бўлган шароит ва вазиятдан ер билан осмонча фарқи борлигини оддий одам ҳам тасаввур қила олади.

Ҳеч қайси давлат, жаҳоннинг қайси қитъасида жойлашганидан қатъи назар, бугун дунё бозори ва халқаро ҳамжамиятдан ажралган ҳолда ва замон талаб қилаётган қонунларга итоат қилмасдан туриб, ўз келажагини кўролмайди. Бу ҳақиқатни исботлаб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ахир, ҳаммамизга маълум: тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайди-ку! Шу нуқтаи назардан қараганда, барча мусулмон давлатларини ягона халифаликка бирлаштириш мақсади ҳам ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган афсона, десак, асло хато бўлмайди.

Халифаликлар қачон бўлган? Халифаликлар қайси минтақа ва ҳудудда, қайси даврда ва қайси асрларда бўлгани ва тарихда қолганини ким билмайди? Шундан сўнг неча йил, неча асрлар ўтди?

Савол туғилади: бу қанақаси бўлди? Вақтни тўхтатиб бўладими? Ҳаётни тўхтатиб бўладими?

Қандай қилиб минг йиллар олдинги шароитни XXI асрга олиб келиш мумкин? Буларнинг ҳаммаси ўта содда, керак бўлса, барча уйдирмаларга лаққа тушадиган одамларга қаратилган ва буни тушуниш қийин эмас.

Минг афсуски, биз бу нарсаларга етарли эътибор бермаймиз. Ҳа, кимдир шу уйдирмаларни ўртага қўйса-қўйибди-да, бу бизнинг ишимиз эмас, биз бугунги ҳаёт билан яшаяпмиз, деймиз. Лекин бу — катта хато. Чунки биз битта халқмиз, кимки шундай даъватларга, ёлғон ғояларга алданиб қолса, улар учун ҳам биз жавобгармиз. Чунки улар ҳам бизнинг юртдошларимиз, бизнинг болаларимиз.

Аслида мана шундай тажовузлар нимадан бошланади?

Аввалambор, улар ёшларни ўз таъсирига олади, онгини заҳарлайди. Ақл-ҳушини йўқотган мана шундай одамларни тайёрлаб, кейин қўлига қурол беради. Уларни ўз Ватанига, ўзини одам қилиб вояга етказган эл-юртига қарши қўяди.

Шунинг учун мен матбуот орқали ҳам, хориж сафарларида ҳам доимо такрорлайман — терроргa қарши курашиш керак.

Лекин террорчилик ҳаракатлари мана шундай ақидалар найзасининг заҳарли бир учи, холос. Биринчи галда, террорчиларни тайёрлайдиган заминга, ғояга, мафкурага эътибор бериш, шу-

ларга қарши курашиш керак. Болаларимизнинг онгини ва ҳаётини бузадиган, эртанги кунига мутлақо ишончини йўқотадиган мана шундай ғояларга қарши биз қурол билан эмас, гоя билан курашишимиз зарур. Бизнинг ғоямиз кучли бўлиши лозим. Аввалambор, ўзимиз, ҳаётнинг ўзида синалган ўз ғоямизга ишониб майдонга чиқишимиз даркор. Ғаламисларга қарата, агар гоянг зўр бўлса, бугунги ҳаётга тўғри келса, яъни қандай қилиб халифаликни Ўзбекистонга ёки Ўрта Осиёга жорий этиш мумкинлигини исботлаб бер, дейишимиз керак.

Минг афсуски, биз бундай уринишларнинг зарарли афсона эканини тушунтириб беришга иккинчи даражали масала, деб қараймиз.

Агарки, биз юртимизда тинчликни сақламоқчи бўлсак, бир халқ, бир миллат, бир мушт бўлиб яшамоқчи бўлсак, бу адашган одамлар ҳам ўзимиздан чиққанини унутмаслигимиз, уларга шу кўз билан қарашимиз керак. Булар бегона эмас, бир вақтлар ўзимизда туғилган, ўзимизда тарбия топган, шу тупроқнинг сувини ичиб, тузини еб вояга етган. Шундай экан, фақат баланд-парвоз гаплар билан уларни қоралаш, бундай ғаразли кимсаларни янчиб ташлаймиз ва ҳоказо, деб ҳайқириш билан масала ҳал бўлмайди. Эй, барака топкур, бунақа даъватлар билан, бунақа интилишлар билан қаёққа борасан?

Бир эсланг, шўро замонида, 80-йилларда собиқ марказ "ўзбек иши", "пахта иши" деган уйдирмаларни баҳона қилиб, ўзбек миллати вакилларини бутун дунёга қандай кўрсатарди? Сочи тақир қилиб олинган, қалпоқ кийган, белини боглаган, соқол қўйган одамларни, мана, буларнинг башараси, деб, пешонасига тамға қўйиб, матбуот орқали намойиш этарди. Бугун шуни эслашимиз ўринли, деб биламан.

Мен ўша пайтда — 1989 йилда республика раҳбари бўлиб келишим билан, аввалambор, ўзбек халқини шундай уйдирма ва туҳматлардан сақлаш, унинг шаънини асраш мақсадида, миллатни доғ остида қолдиришга қаратилган уринишлардан халос қилишга киришдим. Ва ҳозиргача ўзбек миллати ҳеч қачон қул бўлмаган, ҳеч қачон босмачи бўлмаган, ҳеч қачон қон тўкиш тарафдори бўлмаган, деб бутун дунёга шу фикрни англатишга ҳаракат қилиб келяпман. Бугун жаҳонда ўзбек номи, ўзбек миллатининг обрў-эътибори тан олингани шунинг исботи эмасми?

Биз бугун бу обрўни мустаҳкамлашимиз лозим. Бу обрў-эътиборга қарши қаратилган, буни кўролмайдиган кучларга, нима ҳисобидан зарба беришимиз керак? Аввалambор, сафимизни бирлаштириш ҳисобидан. Биз киммиз, ўзбекмиз, бир миллат вакилимиз, бир миллат ворисларимиз, деб ўзимизни кўрсатишимиз зарур. Шундагина

ғаразли ният билан орамизни бузиб, болаларимизни биздан ажратиб, ўзимизга қарши қўяётган кучларга қарши кураша оламиз.

Яна бир масала. Ўзларини инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси деб атайдиган халқаро ташкилотларнинг вакилларида шундай бир қараш бор: нима эмиш, "Ҳизбут-таҳрир" оқими вакиллари — бу тинч ҳаётни кўзлайдиган, адолатга интиладиган, мусулмончилик тарафдори бўлган одамлар эмиш.

Бу масалада барчамиз огоҳ ва сезгир бўлишимиз даркор. "Ҳизбут-таҳрир" каби диний оқимлар аҳолининг ичида, маҳалла ва қишлоқларда ташвиқот ишини бошлаб, ўз сафига аввало ёшларни тортаётган пайтда найранг ишлатиб, ўзини мусичадек беозор, фақатгина адолат ўрнатиш тарафдорлари деб кўрсатишга уринади. Лекин тажриба шуни тасдиқлаяптики, улар кучга кирганда ўзининг ҳақиқий қиёфасини кўрсатади.

Ўз сафидан жангариларни майдонга чиқариш учун ҳар томонлама замин тайёрлаб турган бу оқим вақти-соати келганда, ҳокимиятни, қонуний тизимни ағдариш мақсадида тинч ҳаётни бузиб, ур-йиқит, портлатиш, қон тўкишдек мутлақо зўравонлик ва тажовузкорлик ҳаракатларига ўтиши ҳеч гап эмас. Бундай оқимлар ва уюшмаларнинг низоми ва қоидалари кимки уларнинг қараш ва ғояларини қабул қилмаса ёки уларга кўнмаса, буларнинг пешонасига "кофир", "дин-

дан қайтган" деган тамғани босиб, уларга қарши жиҳод эълон қилиш, ҳатто ота-онасидан ҳам воз кечишни талаб қилади.

Мен шу масала бўйича бир саволни ўртага қўймоқчиман. Агарки, бу оқим биз бугун яшаётган Конституцияга қарши, қонунларга қарши бўлса, Конституция деган, дунёвий давлат деган тушунчаларни бутунлай инкор этса, маърифий ҳаёт тарзини, башарий тараққиётни мутлақ рад қиладиган бўлса, асло қабул қилмаса, бугунги ҳаётни ағдаришга даъват этадиган бўлса, буни қандай баҳолашимиз мумкин? Айтайлик, булар эртага ўзининг ана шу ғаразли ғояларини татбиқ қилишга киришса, ҳокимиятни ўз қўлига олмоқчи бўлса, қанча-қанча қон тўкилади, юртимиз вайронага айланиши, ҳаётимиз юз йилларча орқага кетиши муқаррар. Бугун шуни тушунмайдиган, англамайдиган одам борми?

Боз устига, бу оқим тарафдорлари ўзининг чақириқ ва бақириқларида бошқа дин ва миллат вакилларини Ўзбекистондан, шу минтақадан ҳайдаб чиқаришга, уларни умуман йўқ қилишга даъват этадиган бўлса, бундай ҳаракатлар охир-оқибатда нималарга олиб келиши мумкин?

Тарихдан маълумки, халифаликни тузиш у ёқда турсин, икки мусулмон давлатини бирлаштириш, мисол учун, ўтган XX асрнинг 50-йилларида Миср давлатининг Сурия ва Ливия каби

араб мамлакатлари асосида ягона давлат қуриш ҳаракатлари нима билан тугагани барчамизга аён. Ёки Афгонистонда толиблар зўрлик билан жорий этган тизимни минтақамизда, Ўрта Осиёда кўришни истайдиган бирорта одам йўқ, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, деб ўйлайман.

Ҳеч қандай қонунга итоат қилмайдиган бу мутаассиблар ўз жоҳиллиги ва ваҳшийлиги билан, инсон қадри ва қимматини бир тийинга олмасдан, майдонларда одамларни қўйдай сўйиб ташлагани билан бутун жаҳон аҳлининг нафратига дучор бўлди.

Ўзингиз айтинг, бундай тартибларни бизнинг заминимизда ҳам кўришни кимдир хоҳлайдими?

Нега биз ўзимизга, биз киммиз, деган саволни қўймаймиз? Агар ғурур бўлмаса, ифтихор бўлмаса, ҳар қайси миллатни миллат, ҳар қайси халқни халқ қиладиган мана шу туйғу, мана шу даъват юрагимиздан, қалбимиздан жой топмаса, келажагимизни тасаввур қилиш мумкинми?

Мана, Германияни, Японияни олинг. Бундан 50-60 йил олдин улар бугун эришган тараққиётни фараз қилиши ҳам қийин эди. Нима ҳисобидан улар жаҳон майдонига чиқди, бутун дунё ҳурмат қиладиган етакчи давлатлар қаторидан ўрин олди? Бу давлатларда аввалambор халқ бирлашди. Миллий ғурур, миллий ифтихор, эртанги кунга мустаҳкам ишонч пайдо бўлди. Ўз олди-

га қўйган марраларга эришиш учун зарур дастурлар ишлаб чиқилди, одамлар, бутун миллат бир тану бир жон бўлиб, майли, беш йил, ўн йил бўлсаям, йигирма йил бўлсаям қаттиқ ишлаймиз, лекин шу даражага етамиз, деган ягона мақсад билан яшади.

Шундай экан, олма пиш, оғзимга туш, деган кайфият билан биз қаерга борамиз? Ким келиб бизнинг ишимизни қилиб, муаммоларимизни ечиб беради, табиий ер ости бойликларимизни юзага чиқаради, ишга солади? Ким ўзидан-ўзи энг замонавий технологияларни олиб келади? Ким уни жорий қилади? Ким замонавий корхоналарни қуради? Ким ўзбек миллатининг билими, савиясини кучайтиради, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтаради? Дунёда, айтайлик, ҳамма билан беллашувга тайёр бўлган ёш авлодимизни ким тарбиялайди? Фақат ўзимиз, ўзимизнинг миллатимиз, ўзбек халқи қилади бу ишларни. Мен мана шу даъватни халқимиз асло унутмаслигини истардим.

"Туркистон" газетасининг тепасида ёзилган шиорни ҳаммамиз, ҳар куни ўқишимиз керак. Шу юрт, шу эл учун ёниб-куйиб яшаш керак. Шундан кейин ўзимизни шу халқнинг, шу юртнинг ўғлони ва фарзанди деб ҳисоблашга ҳақли бўламиз.

Шу ўринда яна бир масала бўйича сизлар билан фикр алмашиб олмоқчиман. Мана шу во-

қеалар содир бўлганидан кейин айрим давлатлар, ҳуқуқни ҳимоялайдиган халқаро ташкилотлар, хорижий матбуот вакиллари ва баъзи сиёсатдонлар ақлга сигмайдиган гапларни ҳам тарқатишга уринмоқда. Яъни, юз берган терроручилик чиқишларидан фойдаланиб, бугунги Ўзбекистон ҳокимияти ўз халқига, аҳолисига нисбатан репрессияларни кучайтиришга уринармиш. Таассуфки, минтақамиздаги маҳаллий халқларнинг минг йиллик тарихидан, муқаддас қадриятларидан, урф-одат ва удумларидан узоқ бўлган, бундай сохта даъват ва уйдирмалар билан осмонда парвоз қилиб юрган ташкилотлар ҳам кам эмас.

Энг афсусланадиган жойи шуки, улар аввало маҳаллий аҳолининг ҳаёт тарзи, асрлар давомида шаклланган дунёқарашини чуқур ўрганмасдан, ҳаётимизнинг ичига кирмасдан, фақатгина минбардан туриб бирёқлама баҳо ва маслаҳат беришга киришади.

Шуларга қарата, эй, барака топкур, биз ҳам бутун дунё қаторида демократик давлатларнинг тизимини ўзимизда шакллантириш, демократик қадриятларни ҳаётимизга жорий қилиш, бозор иқтисодиётига ўтиш ва шу ҳисобидан келажагимизни кўриш йўлида тинмай ҳаракат қиляпмиз, лекин сизларга демократияни ўрнатиш учун юз йиллар керак бўлган бўлса, нимага биздан атиги

ўн йил ичида шу мақсадга эришишни талаб қиласиз, деб савол қўйиш ўринли.

Энг муҳими, биз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга, демократик ва фаровон ҳаёт даражасига эришмоқчи эканмиз, уни кимгадир ёқиш учун эмас, хўжакўрсин учун эмас, аввало бизнинг ўзимизга, келажак авлодларимизга керак бўлгани учун қурмоқчимиз.

Шу муносабат билан жамиятимизнинг барча аъзоларига, бутун халқимизга мурожаат қилмоқчиман.

Биз, биринчи галда, халқимиз, миллатимиз шаъни ва ғурурини ўйлашимиз зарур. Такрор айтаман, эл-юртимизнинг ғурур-ифтихорини ўзимиз кўтаришимиз, эртанги кунимизни ўзимиз қуришимиз лозим. Тинч ва осуда ҳаёт ўзимиз учун, халқимиз, миллатимиз учун керак.

Шу борада, кимки ўзининг халқи, юрти олдидаги масъулиятини, керак бўлса, бурчини яхши тушуниб, милицияга келадими, прокуратурага келадими, йўл қўйган хато ва қилмишларини тан олиб, хулоса чиқариб, кечирим сўраса ва яна битта шарти — ота-онаси, ўзи яшайдиган маҳалла шунга кафолат берса, Президент сифатида мана шу минбарда туриб айтаман — бунақаларни кечирамиз. Биз ҳеч қачон халқимизга, аҳолимизга тазйиқ қилмаганмиз ва қилмаймиз.

Лекин ҳар қандай қўпорувчилик ва тажовузкорликнинг олдини олиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрамиз. Эл-юртимизни, унинг шаънини, унинг келажагини, болаларимиз тақдирини ўзимиз ўйлаб, ўзимиз ҳимоя қиламиз. Бу йўлда кимки бизга хайрихоҳлик қўлини узатадиган бўлса, албатта, ўз миннатдорлигимизни билдириб, уларнинг олдида қарздорлик туйғусини доимо ҳис этиб яшаймиз.

Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, мантиқий бир хулосага келишимиз мумкин. Буларнинг барчасини сохта гояларни тарқатиш, содда фикрлайдиган одамларни чалғитиш йўли билан бугун минтақалар ва дунёнинг харитасини ўзгартиришга, тинч яшаётган халқларни разолат ва жаҳолат замонига қайтаришга, ўз манфур мақсади йўлида ислом динини қурол қилиб олишга уринаётган ақидапараст "доҳий"ларнинг маккорона ва ўта хавфли ўйини, десак, асло хато бўлмайди.

Лекин бундай мудҳиш режаларни бизнинг юртимизда амалга оширмоқчи бўлганлар қаттиқ адашади. Биз қандайдир бечора, кимнингдир стаклашига муҳтож бўлган давлат ёки халқ эмасмиз. Биз кўҳна ва бетакрор тарихга эга бўлган, дунёни ҳайратга солган улуғ мутафаккир ва саркардаларнинг ворисларимиз ва буюк давлат қуришга бел боғлаган халқмиз. Бизга қарши ёвуз

ният билан юрган қўпорувчи, бузғунчи кучлар шуни қулоғига қўрғошиндек қуйиб олсин: Ўзбекистон давлати ўз халқини, ўз заминини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилишга қодир. Буни ҳеч ким ва ҳеч қачон унутмаслигини хоҳлардим.

Ҳурматли депутатлар!

Юртимиз бошига иш тушган ташвишли кунларда жаҳондаги кўплаб нуфузли давлатлар, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари халқимизга ҳамдардлик билдириб, бизни қўллаб-қувватлаганидан, ўйлайманки, жамоатчилигимиз яхши хабардор. Шулар қаторида, мусулмон давлатларининг раҳбарлари, ислом оламининг кўзга кўринган сиёсат ва дин намояндаларининг бу масалага холис ва соғлом ёндашуви эътиборга сазовор.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Мисрда чиқадиган "Ас-сиёсий" газетасида сиёсатшунос Муҳаммад Салома Ўзбекистондаги воқеалар муносабати билан алоҳида бир мақола чоп эттирган. Бу мақоланинг таржимаси яқинда "Халқ сўзи" газетасида босилиб чиқди. Муаллиф, содир бўлган воқеаларни таҳлил қилар экан, жумладан, бундай деб ёзади: "Бирон-бир давлатнинг мустамлакаси бўлмаган, диний ва дунёвий илм олиш учун барча шарт-шароитлар тўлиқ таъминлаб қўйилган бу озод юртга қарши жиҳод қилиш — ўзини 90 фоиздан ошиқ аҳолиси му-

сулмонлардан иборат бўлган Ўзбекистоннинг мўмин халқига қарши қўйиш демакдир".

Муаллиф экстремистларнинг халифалик қуриш ҳақидаги даъволарига тўхталиб: "Бу тўдага бутун мусулмон уммати номидан бундай сиёсий чақириқларни ўртага ташлашга ким ҳуқуқ берди? – деган саволни қўяди. — Агар Ўзбекистон мисолида уни талқин қиладиган бўлсак, ҳар қандай йўл билан ўз нафсини қондиришга уринаётган бир гуруҳ лўттибозлар эмас, балки 25 миллионлик мамлакат аҳолисининг амри вожиблигидан келиб чиқиш керак. Бу халқ ўз хоҳиш-иродасини мамлакат раҳбари ва халқ номзодлари сайловларида яққол намойиш этган ва бугунга келиб, ўзи олий ваколат берган шахслардан Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва тотувлигини таъминлаб беришни талаб қилишга ҳаққи бор".

Ўйлайманки, бундай холис ва ҳаққоний фикрларни шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Мана шундай маърифатли, оқ-қорани танийдиган инсонлар тимсолида мусулмон дунёси бу терроризм ҳаракатлари динимизга мутлақо ёт, бегона эканини ҳар томонлама исботлаб, уларни қаттиқ қораламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, эл-юртимиз ўз бошидан оғир синов кунларини кечирган бир пайтда бизга ҳамдард бўлган барча инсонларга, чет эллардаги дўстларимизга ўз номимдан, халқимиз

номидан миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз бугун нотинч ва таҳликали бир замонда яшамоқдамиз. Инсоният юксак орзу-умидлар билан қадам қўйган янги — XXI асрда ҳам халқаро террорчилик дунёнинг турли жойларида ўз ёвуз қиёфасини намойиш этаётгани, айниқса, ялпи хавфсизликка катта таҳдид солаётгани барчада ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Ҳозирги вақтда терроризмнинг тажовузидан ўзини холи ҳис қиладиган бирорта қитъа ёки давлатнинг ўзи йўқ. Худди вабо сингари ер юзининг кўплаб мамлакатларига ёйилиб бораётган бу бало-қазо эртага кимни нишонга олишини ҳам олдиндан айтиш қийин.

Буни кейинги пайтда жаҳоннинг қатор мамлакатларида, жумладан, Туркия ва Саудия Арабистонида, Индонезия, Россия, Испанияда ва куни кеча Сурия давлатида содир этилган террорчилик хуружлари ҳам тасдиқлайди.

Бизнинг юртимизда рўй берган қўпорувчилик ҳолатлари ҳам ана шу халқаро террорчилик ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ, деб айтишга барча асослар бор.

Шу борада ҳаммамиз бир муҳим фикр ва сабоқни яхши англаб олишимиз даркор. Биз ўз олдимизга қўйган буюк ва эзгу мақсадларга эри-

шиш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш вазифасини бажариш аввало ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг жипслигига, кучли иродасига боғлиқ.

Албатта, бу масалада бизга хайрихоҳлик билан қарайдиган давлатлар, узоқ-яқин қўшниларимизнинг ёрдам ва кўмагига ҳам суяниш керак, лекин, охир-оқибатда ўз салоҳиятимизга таянишимиз лозим. Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган барча хатарлардан, юртимизга қарши тузилаётган турли фитналардан ўз вақтида огоҳ бўлишимиз, уларни бартараф этиш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солишимиз зарур. Биз халқаро терроризмга қарши курашда жаҳон ҳамжамияти, биринчи галда, минтақамиздаги давлатлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилишимиз даркор. Лекин кўп ҳолларда бу борада қабул қилинган дастурлар, келишув ва қарорлар, минг афсуски, қоғозда қолиб кетмоқда.

Халқаро террорчи кучлар қайтадан бирлашиб бош кўтараётган, ўта маккор ва ёвуз услубларни қўллаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан, минтақамизда жойлашган барча давлатлардан бу балога қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришни, бир ёқадан бош чиқариб, бундай уринишларга кескин зарба беришни, ҳар қандай тажовуз ва тер-

рорчилик хуружларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашни такозо этмокда.

Бу курашдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Шуни яна бир бор таъкидлаб ўтишни зарур, деб биламан: бу машъум офат мени четлаб ўтади ёки сен менга тегма — мен сенга тегмайман, деган хомхаёлларнинг умри узоқ бўлмайди. Бундай қараш ва сиёсатларнинг охири вой бўлиши муқаррар.

Ҳурматли депутатлар!

Юртимизда содир бўлган мана шундай мудҳиш, ғайриинсоний хуружларнинг сабаблари ва уларга олиб келган ҳолатларни таҳлил қилар эканмиз, шуни айтиш керакки, бу жиноятларнинг бошида турган ва уларни ташкил қилганлар ўз қора ниятларига етиш учун аввало кимларга суянган, кимлардан фойдаланган, кимларни қурол қилиб ишлатган?

Бундай саволларнинг негизига, илдизига етиб боришимиз керак.

Албатта, сир эмас, ҳар қандай жамиятда, миллатда ичи қора, нафси бало, табиатан тажовузкорлик ва зўравонликка мойил бўлган, керак бўлса, қотилликка ҳам борадиган кимсалар топилади. Шулар қаторида ҳамма нарсадан норози, аламзада, ўзининг ғаразли мақсадларини ус-

тун қўядиган кишилар ҳам кам эмас. Лекин, биз бир муҳим масалага алоҳида эътибор беришимиз зарур. Юртимизга қарши бундай тажовуз ва қўпорувчилик хуружларини ташкил қилиш нияти билан юрган кучларнинг тузоғига тушганларнинг аксарияти биринчи навбатда оилада ҳам, мактабда ҳам жиддий таълим-тарбия олмаган ёшлардир. Улар ижобий маънодаги ворислик, яъни авлоддан авлодга ўтиб борадиган ибратли анъаналардан йироқ, муҳити носоғлом бўлган оилаларда ўсган, омади юришмаган, ҳаётда ўз ўрнини топмаган, жамият эътиборидан четда қолган ўсмирлардир. Уларнинг кўпчилигини ҳатто ўрта мактабни битиришга ҳам ақл-идроки, кучи етмаган кимсалар ташкил қилади.

Биз бундай нохуш, ачинарли ҳолатни атрофлича ўрганиб, ундан хулоса ва керакли сабоқлар чиқаришимиз, бунга қарши зарур чора-тадбирларни кўришимиз талаб этилади. Рўй берган бу фожиали ҳодисаларнинг сабаблари ҳақида гапирганда, яна бир нарсани афсус билан тан олишга тўғри келади. Яъни, баъзиларимиз давлат бор, унинг органлари, махсус хизматлари бор, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш уларнинг вазифаси, деган фикрда беғам ва бепарво бўлиб юрамиз.

Дарҳақиқат, давлат, унинг тегишли органлари жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъмин-

лаш учун, энг муҳими, инсоннинг муқаддас ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш учун ташкил этилгани шубҳасиз. Лекин, бир ўйлаб кўрайлик, агар жамият ўзини ўзи ҳимоя қилмаса, ҳар ким фақат ўз манфаати билан яшаса, бундай жамиятнинг ҳаёти, келажаги нима бўлади?

Мана шундай лоқайдлик ва бепарволикни кўрганда, одам беихтиёр ёниб кетади, эй, одамзот, кўзингни оч, Ўзбекистонни вайронага, халқимизни қулга айлантирмоқчи бўлганлардан, болаларимизни алдаб, уларни ўзимизга қарши қайраб юрганлардан огоҳ бўл, деб ҳайқиргиси келади.

Одам ҳайрон қолади, нега инсон то ўз бошига жудолик ва айрилиқ, мусибат тушмагунча ақлини йиғиштириб ололмайди, ён-верига ҳушёр назар ташлаб, дўстни душмандан ажратолмайди? Қачонгача биз атрофимизда қабиҳ ният билан юрган, ич-ичидан заҳарга, фасодга тўлган кимсалардан андиша қиламиз, уларнинг қора қилмишларини фош этиб, жойига ўтқазиб қўйишга журъат қилолмаймиз?

Мен мана шу минбарда туриб, шундай кескин саволларни беришга ҳақлиман. Чунки бизнинг ҳаётимиз, эртанги кунимиз бугун ҳал бўляпти. Шундай экан, нима учун бизлар бепарвомиз? Шаҳар бедарвоза бўлмаганидек, маҳалла ҳам, элюрт ҳам эгасиз бўлмаслиги керак-ку, ахир.

Шу борада ҳаётимизнинг ўзи давлат вазифасида, лавозим курсисида ўтирганлар олдига алоҳида талаб қўймоқда. Давлат хизматида юрганлардан савлат тўкиб ўтириш, мендан кетгунча, эгасига етгунча, деб, юз бераётган ҳодисаларга томошабин, кузатувчи бўлиш эмас, аввало халқ манфаати, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш учун куйиб-ёниб яшашни, бу курашнинг олдинги сафида бўлишни талаб қилишга ҳақлимиз.

Айниқса, халқ ишонч билдирган мансабдор шахслар бу курашнинг олдинги сафида бўлиши лозим. Аввалambор, буни ҳокимлардан талаб қиламан. Агар халқни, тинч ҳаётни асраш йўлида ўз кўксингизни қалқон қилишга қурбингиз етмаса, ҳоким бўлишга нима ҳаққингиз бор?

Муҳтарам юртдошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳурматли ота-оналаримизга, эл-юрт манфаати йўлида жуда катта иш қилаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, ўқитувчи ва мураббийларимиз, муҳтарам уламоларимизга, бутун жамоатчилигимизга мурожаат қилмоқчиман.

Ҳозирги кунда диний экстремизм мафкурасига, қўпорувчилик-террорчиликка қарши курашдаги асосий вазифа — аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган таргибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйлан-

ган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мана, ёшлар ўсяпти. Албатта, ҳали уларнинг тажрибаси кам. Лекин мен ишонаман, ёшларимиз орасида, мен халқимни, юртимни ҳимоялашга тайёрман, мана, мен борман, жаноб Президент, деб майдонга чиқаётганлар сони кундан-кунга кўпаймоқда.

Муҳим бир ҳақиқатни барчамиз унутмаслигимизни истардим. Тарихимизни эсласак, бизнинг миллатимиз табиатида олижаноблик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, керак бўлса, ўта соддалик хусусиятлари устун бўлиб, халқимиз жаҳолат ва тажовуз йўлини, разил ўйинларни ўзига қабул қилмаган ва инсонийлик шаънига зид бўлган бундай ҳаракатларни доимо рад этган. Рўй берган воқеаларга мана шундай мантиқий кўз билан қараб, аксарият йўлдан адашганларнинг аянчли қисматига баҳо берадиган бўлсак, бунинг сабабини уларнинг онгу тафаккури ҳали шаклланмаганидан, ақли ва билими етишмаганидан, буларни асраш, ёмон йўлдан қайтариш учун керакли пайтда ёнида имон-иродаси бақувват, ўзига яқин одам топилмаганидан ахтаришимиз керак. Ва шу туфайли улар ўта айёр ва маккор, қора ниятли кимсаларнинг тузоғига тушиб қолганини англашимиз зарур.

Айнан шу ҳақиқатни инобатга олиб, буларнинг орасида олиб борилаётган ўта масъулиятли ишда шираси, таъсири йўқ, умумий, ҳавойи гаплардан воз кечиб, ақидапарастликнинг ўзи нима, диний экстремистик оқим ва ҳаракатларнинг асл мақсади нималигини, уларнинг эл-юртимизга, ота-боболаримиздан қолган асл динимизга қандай катта зарар етказишини тушунтириб бера олишимиз даркор. Шундагина адашганларни йўлидан қайтариш, бундай машъум ҳодисаларнинг олдини олиш, юртимиз ва миллатимизни асрашимиз мумкин.

Албатта, биз бугун таълим-тарбия соҳасида, маънавий-маърифий соҳада кўп-кўп ишларни амалга оширмоқдамиз. Юзлаб академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, замонавий спорт масканларини барпо этдик ва барпо этмоқдамиз. Айни пайтда мактабларга, айниқса, қишлоқ мактабларига эътиборни кучайтирмоқдамиз.

Биз яқинда мактабларнинг моддий-техникавий базасини яхшилаш масаласи бўйича давлат дастурини қабул қиламиз. Ва ушбу беш йиллик дастурни амалга оширгандан кейин, ишонаман, мактабларимиз ҳам лицей ва коллежлардан асло қолишмайдиган бўлади. Болаларимиз шундай замонавий мактабларда ўқиб, таълим-тарбия олади, албатта.

Ҳеч шубҳасиз, биз бу борада бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, қанчалик қийин бўлмасин, бу соҳа учун зарур бўлган куч ва маблағларни излаб топамиз ва сафарбар этамиз.

Биз ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимизга бир ҳақиқатни, яъни, «Эй болам, сенинг Ватанинг битта — барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ» деган тушунчани уларнинг қалбига, онгу шуурига сингдиришимиз даркор.

Қадрли юртдошларим!

Албатта, юқорида зикр этилган масалаларнинг барчаси тўғри ва ўринли, биз уларни энг долзарб вазифамиз тариқасида қабул қиламиз. Лекин бу вазифаларнинг негизида, амалга оширишимиз лозим бўлган бу гояларнинг пойдеворида битта нарса турибди.

У ҳам бўлса, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришдир. Бунга аввало барча жабҳаларда бошланган эркинлаштириш сиёсатини, иқтисодиёт соҳасидаги туб ислоҳотларни охирига етка-

зиш ва ўсиш суръатларини ошириш эвазига эришишимиз мумкин.

Нафақат давлатнинг, балки ҳар қайси оила, ҳар қайси одамнинг даромадини кўтариш, турмуш даражасини яхшилаш бўйича кўп ишларни қилишимиз даркор.

Саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва хусусий бизнес вакилларига кенг йўл очиб бериш, уларнинг олдидаги тўсиқ-ғовларни олиб ташлаш, ижтимоий муаммолар, айниқса, ишсизлик масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Юртимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, тили, дини, миллатидан қатъи назар, шу заминдаги барча инсонларнинг ўзаро меҳр-оқибатли бўлиб яшаши, жамиятимизда ҳеч ким, биринчи галда, ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлган инсонлар ўзини ёлғиз сезмаслиги учун барчамиз ҳисса қўшишимиз керак.

Бу олижаноб мақсад-муддаоларга етиш йўлида бизга хайрихоҳ бўлган, демократик ислоҳотларни амалга оширишда ёрдам бераётган давлатлар ва халқаро ташкилотлар, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, демократик тамойиллар ва қарашлар одамларимизнинг тафаккуридан чуқур жой олишига эришишимиз лозим.

Муҳтарам халқ ноиблари!

Ўзининг узоқ, давомли тарихида кўпни кўрган халқимиз бундай синовларни илгари ҳам бошидан кечирган ва уларни мардона енгиб ўтган.

Албатта, биз аввало Яратганимиздан эл-юртимизни турли офатлардан, ёмон кўзлардан сақлашини сўраймиз. Аллоҳ таоло ўз марҳаматини, меҳр-мурувватини халқимиздан дариғ тутмасин, барчамизни ўз паноҳида асрасин, деб эзгу ният қиламиз. Айни замонда барчамиз бир тану бир жон бўлиб, терроризм ва экстремизм хавфига қарши қатъият билан кураш олиб боришимиз, "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиорнинг маъносини кенг ва чуқур англаб, гўзал ва бетакрор Ватанимизнинг тинчлигини, халқимиз осойишталигини кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур.

Сиз, азиз депутатларни ўзимнинг ҳамфикр, яқин елкадошларим, деб билиб, барчангизни эл-юртимизни бало-қазолардан асрашда, ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга етишда янада жипслашишга, бу йўлда қатъият ва фидойилик кўрсатишга даъват этаман.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг ўн тўртинчи
сессиясидаги нутқ,
2004 йил 29 апрель

МАКТАБ — ТАРАҚҚИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САОДАТ КАЛИТИ

2004 йил 11 май куни Оқсарой қароргоҳида Умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳолатини ўрганиш ҳамда 2004—2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссиянинг йиғилиши бўлди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Аждодларимизнинг асрий орзу-армонлари рўёбга чиқаётган истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори, умуммиллий масала бўлмиш таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, шу жумладан, мактаб таълимини тараққий эттириш ишларига ҳам давлатимиз раҳбари доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Қисқа даврда соҳа равнақи йўлида зарур ҳуқуқий, илмий-услубий ва молиявий шароитлар яратилди. Чунки келажагимиз пойдевори мактабда бунёд этилади. Улуғ ватандошларимиздан бири таъкидлаганидек, мактаб — тараққиётнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг калитидир.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини бажариш асносида, мактабларнинг моддий-техника имкониятларини ошириш, уларни замонавий биноларга, ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва адабиётлар билан таъминлаш айниқса долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, Президентимиз уқтирганидек, мактабни битирган фарзандларимиз эртага олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларга ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келиши зарурлигини унутмаслигимиз керак.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида ушбу масалага яна бир бор атрофлича тўхталиб, умумтаълим мактабларининг бугунги ҳолати, моддий-техника базаси қониқарли ҳолатда эмаслигини жиддий танқид қилган эди.

Ҳозирги кунда кўплаб мактаблар ўқув стандартлари талабларига жавоб бермайдиган биноларда жойлашган. Айрим мактабларда болалар икки сменада ўқимоқда. Мактабларнинг ярмидан кўпроғи компьютерлар билан жиҳозланган, холос. Интернет тизимига уланган мактаблар ҳали жуда оз.

Мактабларни малакали педагоглар билан таъминлаш масаласи ҳам жиддий муаммо бўлиб

қолмоқда. Олий маълумотга эга бўлмаган ўқитувчилар ҳам анчагина. Чет тили ва бошланғич таълим, химия ва физика, жисмоний тарбия каби фанлар бўйича ўқитувчилар етишмайди.

Ислом Каримов мазкур масала бўйича истиқболли махсус дастур тайёрлаш ва уни амалга ошириш учун нафақат бюджет маблағларини, балки ҳомий ташкилотлар, бу муҳим ишнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур англайдиган барча инсонларнинг куч ва имкониятларини жалб этиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Ана шу ташаббуснинг амалий ифодаси сифатида 2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004—2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинди. Дастурни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан уйғунлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссия тузилган эди. Республикамиздаги барча мактаблар моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолатини танқидий ва батафсил ўрганиб чиқиш учун ишчи гуруҳлари ташкил этилганди.

Ўтган давр мобайнида Махсус комиссия юртимиздаги жами мактабларнинг аҳволини ўрганди ва шу асосда Дастур лойиҳасини ишлаб чиқди. Ишчи гуруҳлари томонидан жойлардаги мактаблар Фармойишда белгиланган тартибда тўлиқ

рўйхатдан ўтказилди, паспортлаштирилиб, тегишли хулосалар тайёрланди.

Йиғилишда ушбу Фармойиш ижроси бўйича бажарилган ишларнинг дастлабки натижалари муҳокама қилинди.

Юртимиздаги барча мактабларни бешта йўналиш бўйича бугунги замон талабларига қиёслаб, атрофлича ўрганиб чиқиш юзасидан тегишли топшириқлар берилган эди, деди Ислом Каримов йиғилишни очар экан. Чуқур танқидий-таҳлилий хулосалар асосида тайёрланаётган Дастурда минтақаларда, айниқса, қишлоқ жойларда ана шу йўналишлар бўйича йилма-йил амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар ўз аксини топиши керак.

Биринчи йўналиш — мактаблар, шу жумладан, бориш қийин бўлган ҳудудлар ва қишлоқларда жойлашган мактабларнинг биноларини реконструкция қилиш, капитал ҳамда жорий таъмирлашнинг манзили аниқ кўрсатилган режаларини ишлаб чиқиш, мактабларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш каби масалаларни қамраб олади.

Бу йўналиш бўйича таҳлилларни баҳолар экан, Президентимиз, жойлардан билдирилаётган «энг маъқул ва яхши йўл — янги мактаблар қуриш, чунки эскиларини таъмирлаш қимматга тушади» қабилидаги айрим таклифларни чуқурроқ, атроф-

лича ўрганиш ва ўйлаб кўриш, шундан кейингина хулоса чиқариш кераклигини таъкидлади.

Ишлаб турган мактабларни реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жорий таъмирланадиган мактаблар қаторига киритиш учун аниқ мезонлар белгиланиши лозим. Авария ҳолатидаги мактаблар бузиб ташланиши ва уларнинг ўрнига янгилари қурилиши даркор. Бунда мактабларни реконструкция қилишга оид бир хил типдаги лойиҳалар ишлаб чиқиш зарур.

Ислом Каримов аниқ лойиҳаларсиз қўл урилган ишнинг салбий оқибатига мисол сифатида Қамаши туманидаги мактабни эслатиб ўтди. Иш бошиданоқ аниқ лойиҳа мавжуд бўлмагани, бажариладиган ишлар ҳажми пухта белгилаб олинмагани учун бу ерда тўрт йил бурун зилзиладан зарар кўрган мактаб биносини тиклаш ишлари ҳалигача поёнига етгани йўқ.

Бундай ҳолларнинг олдини олиш борасидаги ягона йўл — жойлардаги ҳар бир мактабнинг ҳолатини пухта ўрганиб, тарҳини чизиб, қайси турдаги лойиҳага мос келишини аниқлашдир. Шунда тегишли лойиҳа бўйича реконструкция қилиш учун қанча маблағ ажратиш кераклиги ва қандай кўламдаги ишларни бажариш тақозо этилиши ҳам ўз-ўзидан равшанлашади.

Ишни пухта, режали, ҳамма жиҳатларини тўла ҳисобга олган ҳолда бошлаш даркор, деди Юртбо-

шимиз. Шундай экан, мактабларни муайян турлар бўйича таснифлаб, ҳар бир турдаги мактаб учун қатъий лойиҳа макетларини чизиб, меъморий ечимларини ҳал этиш керак. Албатта, намунавий лойиҳа муайян шарт-шароитга мослаштирилади.

Ислом Каримов мактаб таълимини ривожлантириш истиқболлари хусусида сўзлар экан, шаҳар ва қишлоқ мактаблари ўртасидаги тафовутларни адолатсизлик, деб баҳолади. Келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик асосий мақсадлардан бири бўлиши зарурлигини уқтирди.

Намунавий лойиҳанинг яна бир афзаллиги — уларда хавфсизлик кафолати мавжуд эканидир. Давлат интизомига қатъий амал қилган ҳолда яратилган лойиҳалар бўйича қурилган мактабларда, айтайлик, табиий офат туфайли бирон-бир ҳалокат содир бўлса, тегишли мутасаддилар жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Давр ва ислоҳотларимиз талабларидан келиб чиқиб жорий этишга киришаётган ушбу ишларимиз миқёси лицей ва коллежлар қурилишига нисбатан анча кенг ва кўламлидир, — деди давлатимиз раҳбари. — Фарзандларимиз таълим ва тарбия олиши учун муносиб шарт-шароит яратишга қаратилган бу саъй-ҳаракатларимиз миллатимизнинг, халқимизнинг буюк келажагини ўйлаб, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ишлардир.

Фармойишда белгиланган иккинчи йўналиш — мактабларни ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш борасида сўзлар экан, мамлакатимиз раҳбари бу ишлар қурилиш ва таъмирлаш жараёнлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилиши зарурлигига эътиборни қаратди.

Таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш — Фармойишда қайд этилган учинчи йўналишдир.

Мактаб таълими тизимидаги эски стандартлар ҳалигача кўриб чиқилмаган, деди Президент. Соҳа бўйича мавжуд меъёрларни аниқлаш, рўйхатини тузиш, ўрганиб чиқиш, муайян қисмини янгилаш, кераксизларини бутунлай бекор қилиш даркор.

Янги меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда шундай жиҳатлар ҳисобга олиниши керакки, ҳар бир ўқитувчи, таълим соҳаси ходими бола тимсолида шахсни кўрсин, унинг учун шахсга тегишли барча ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланиши борасида ўзининг масъул эканини доимо ҳис этиб турсин.

Тўртинчи йўналиш — умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлашдир. Педагоглар таркиби сифатини яхшилаш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини янада

рағбатлантириш мактаб таълимини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Бу ишлар тўла-тўкис амалга оширилса, аввало, педагогикага оид ўқув юртларини битириб, бошқа соҳаларга ишга кетиб қолаётган мутахассислар мактабга қайтади. Ўз навбатида, ўқитувчиларнинг масъулияти ортади, ишига рағбати кучаяди. Бу эса ёшларимизни турли оқимларга қўшилиб қолишдан асрайди, уларни фойдали ишга жалб этишда, демакки, эл-юрт учун хизмат қиладиган инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия — ўзаро узвий боғлиқ шарқона тушунчалардир. Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Бугун мактаб ўқувчиларининг нафақат жисмоний, балки маънавий камолоти ҳам спортга бевосита боғлиқ эканидан халқимиз яхши хабардор, деди Юртбошимиз бешинчи йўналиш —мактабларда спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб. Бу борада амалга ошираётган кенг миқёсли ишларимизни ҳамма кўриб турибди ва маъқулламоқда. Болалар спортини ривожлантириш бўйича дастурларимизни изчил амалга оширишда давом этишимиз лозим.

Давлатимиз раҳбари юқорида баён этилган улкан ҳажмдаги, ниҳоятда салмоқли ишларни

бажариш учун молиявий манбаларни аниқ белгилаш борасидаги вазифаларга эътиборни қаратди. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш келажакда мактаблар моддий базасини мустаҳкамлаш ва замон даражасига мос тарзда юксалтиришга хизмат қилади.

Олдимизда бир-икки йилни эмас, балки неча ўн йил илгарини ўйлаб қилиниши лозим бўлган ғоят масъулиятли вазифалар турибди, деди Юртбошимиз пировардида. Бу ишларни ҳар томонлама пухта ва режали асосда ташкил этишимиз керак. Умуммиллий аҳамиятга молик ушбу ишларимиз 5—6 йилдан сўнг ўз самарасини беришига ишонаман. Фарзандларимиз — бизнинг келажагимиз. Халқимиз эртасининг қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахбороти тингланди.

Юксак марраларни кўзлаган ҳар қандай миллат, халқ учун таълимни ривожлантириш ҳаёт ва мамот масаласи бўлиб келган. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида буюк келажак барпо этишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган халқимизнинг мактабларимиз аҳволини тубдан ўзгартиришга, бу борада ҳам ҳеч кимдан кам бўлмасликка қаратилган бундай хайрли саъй-ҳаракатлари тез орада юксак самара беришига шак-шубҳа йўқ.

ЭЛ-ЮРТГА ҲАЛОЛ, ВИЖДОНАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Муҳтарам депутатлар!

Аввалambор, бугун сиз, муҳтарам Андижон элининг вакиллари билан дийдор кўришиб хурсанд бўлганимни ва шу имкониятдан фойдаланиб, бутун вилоят аҳлига ўзимнинг ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан мамнунман.

Ҳар доим мана шундай учрашувларда мен одамлардан ҳол-аҳвол сўраш, уларнинг ишлари, кайфиятларидан хабардор бўлиш билан бирга, уларнинг ҳаёт кечириши, ҳаёт ташвиш ва ўзгаришларига муносабатини билишни истайман.

Ҳозирги кунда юртимизда, жумладан, Андижон заминида бўлаётган жараёнларга сизлар қандай баҳо беряпсизлар — нимадан рози, нимадан норозисизлар, нималар сизларни безовта қиляпти, деган масалалар мени биринчи навбатда қизиқтиради, эътиборимни ўзига тортади.

Бунинг сабабини тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман.

Халқимиз бугун белини қаттиқ боғлаб, олдида турган эзгу ният ва марраларга эришиш мақсади-

да астойдил меҳнат қилаётган бир пайтда нималар, қандай муаммолар йўлимизда тўсиқ бўлиб турганини, барчамизни ташвишга солаётганини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Аввало, бу муаммоларни, ҳаётимизда содир бўлаётган воқеаларни ўртага қўйиб, уларни атрофлича таҳлил қилиб, холисона баҳосини бермасак, зарур ечимини топмасак — ҳаммамизга аён бўлиши керак — бундай ҳолат чуқур илдиз отиб, яхшиликка олиб келмайди.

Худди мана шундай кўз билан қараб, кейинги йилларда Андижон вилоят аҳлининг машаққатли, мардона меҳнати эвазига қўлга киритилган марралар ҳақида, шу билан бир қаторда ҳали ечилмаган, биринчи галда, шу ерда истиқомат қилаётган одамларни ташвишга солаётган муаммолар тўғрисида, учраётган хато ва нуқсонлар, аввало, раҳбарлик лавозимида, мансабда ўтирганларнинг масъулияти ҳақида тўхталиб ўтишга рухсат этгайсиз.

Бугун ҳеч кимга сир эмас, вилоятнинг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги салмоқли ўрни ва аҳамияти, Андижон халқининг ибратли ва фидокорона меҳнати ҳақида кўп гапириш мумкин. Айниқса, вилоят меҳнаткашларининг истиқлол йилларида қўлга киритган катта ютуқларини бугун яна бир бор эслаш, эътироф этиш ўринли бўлади.

Андижон халқининг мамлакатимиз галла мустақиллигини таъминлаш, пахтачиликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасини, саноат ва қурилиш, ободончилик, ижтимоий соҳа бўйича амалга ошираётган ижобий ишларини хаёлимиздан ўтказадиган бўлсак, Андижонни Андижон қилган, унинг шуҳратини дунёга тараннум этаётган минг-минглаб заҳматкаш, мард ва фидойи инсонлар кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Қисқа давр ичида, яъни кейинги тўрт-беш йил мобайнида вилоятда ғалла ҳосилдорлиги бир неча баробар ошгани — бу албатта андижонлик деҳқонларнинг нафақат меҳнат жасорати, айни пайтда ватанпарварлик намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигида янги, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, шу ҳисобидан пахта ҳосилини барвақт йиғиштириб олиш ва юқори навларга топшириш, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, умуман, Андижон деҳқончилик мактабига хос илғор ва самарали тажрибалар бугунги кунда бутун мамлакатимизда оммалашиб бормоқда.

Ҳаммамизга маълумки, ўтган йил деҳқончилик учун ниҳоятда оғир келди. Лекин шундай мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, вилоят пахтакорлари бор имкониятларини ишга солиб, астойдил меҳнат қилганига барчамиз гувоҳмиз.

Ўтган давр мобайнида Андижон вилояти мамлакатимизнинг ўзига хос ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга бўлган йирик саноат минтақасига айланганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бугунги кунда бу ерда нуфузли чет эл фирма ва компаниялари иштирокида ташкил этилган 100 га яқин замонавий қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Айниқса, маҳаллий хом ашё асосида ишлайдиган кўплаб кичик ва хусусий бизнес субъектлари ўз маҳсулотини жаҳоннинг 38 мамлакатига экспорт қилаётгани вилоятнинг саноат соҳасидаги салоҳияти қанчалик юксалганидан далолат беради.

Нафақат вилоят маркази, балки олис туман ва қишлоқларнинг ҳам қиёфаси ўзгариб бораётгани вилоятда ободончилик соҳасида ҳам катта ишлар қилинаётганини кўрсатади. Шулар қаторида ҳозирга қадар 60 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, кўплаб замонавий спорт иншоотлари қурилиб ишга туширилганини бу борадаги салмоқли қадам, деб баҳолаш лозим.

Равон йўллар, шинам турар жойлар, боғ-роғлар, майдон ва хиёбонлар бугун ҳар қандай одамнинг ҳам эътиборини ўзига тортади.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида Андижон мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, миллий тараққиётимизда

ўзига хос ва ўзига мос ўрин тутадиган вилоятга айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Мана шу давр мобайнида Андижон аҳли қандай муваффақият ва ютуқларга эришган бўлса, уларни шу элга мансуб бўлган мардлик, изланиш ва тадбиркорлик фазилатлари билан қўлга киритганини, бу юксак марралар фидокорона меҳнатнинг ҳақиқий белгиси ва самараси эканини ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди.

Андижон вилоятининг ўтган йили Ватанимизнинг юксак мукофоти — Амир Темур ордени билан тақдирлангани ҳам шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди. Азиз дўстлар, агар эътибор берган бўлсангиз, сизлар билан ўтган йиллар давомида неча марта учрашган бўлсак, мен Андижон элининг бундай олижаноб хусусиятларини доимо завқ билан тилга олганман, бу ҳақда такрор-такрор гапирганман.

Ҳақиқатан ҳам, Андижон аҳлининг азму шижоатидан ҳайратда қолганимни, шу юртнинг гуллаб-яшнаши учун, унинг чиройига чирой қўшиш учун сизларнинг қилган мардона меҳнатингизга тасаннолар айтиб билдирган фикрларимни мен бугун ҳам такрорлашга тайёрман. Нега деганда, чин юрагимдан чиққан бу сўзлар менинг Андижон халқига бўлган самимий эътироф ва ҳурмат-эҳтиромим ифодасидир.

Бугун мамнуният билан айтиш керакки, Андижоннинг қадимий ва ҳамиша навқирон заминида шу элнинг муносиб фарзандлари, янги авлод вояга етмоқда.

Биз бошлаган эзгу ишларнинг давомчилари бўлмиш бу ёшларимизнинг етук ва баркамол инсонлар бўлиб улғаяётгани, уларнинг бахту иқболи кўпчилик ота-оналар, жамоатчилик қатори менга ҳам қувонч ва фахру ифтихор бағишлайди. Лекин, очиқ айтишим керак — бугун сизлар билан фақат шулар ҳақида гапириш, фақат ютуқларни санаш ёки уларни таърифлаш учун йиғилганимиз йўқ.

Ўйлайманки, ҳаммангиз тўғри тушунасиз, бугун Андижонга келиб, сизлар билан учрашиб турганимизнинг бошқа сабаблари ҳам бор. Агарки биз Ўзбекистонимизни бамисоли денгизда сузиб бораётган улкан бир кема деб тасаввур қиладиган бўлсак, унинг ўз йўлидан огишмай олға бориши учун аниқ мақсад ва режаларга эга бўлиши зарурлигини барчамиз яхши англаймиз, албатта.

Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсад ва режаларимиз эса барчага аён — халқимиз ҳаётини тараққий топган давлатларнинг даражасига кўтариш, эркин ва озод жамият қуриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаш.

Бугун биз ана шундай олий мақсадлар сари интилар эканмиз, бу борада қанча-қанча қи-

йинчиликлар, турли муаммо ва синовларга дучор бўлишимиз ҳам табиий, албатта.

Мана шундай шароитда ҳар қайси катта-кичик ҳудуд ёки минтақанинг ҳаётида — у вилоят ёки шаҳар бўладими, туман ёки хўжалик бўладими — бундан қатъи назар, раҳбарнинг ўрни, раҳбар шахсининг таъсири қанчалик муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида ортиқча тўхталиб ўтиришга зарурат бўлмаса керак.

Мен фақат шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, раҳбарлик лавозимига кўтарилган кишиларнинг энг асосий, энг муқаддас вазифаси — уларни тарбия қилган, билим берган, ишонч билдириб, юксак мартабага муносиб кўрган эл-юртига виждонан, ҳалол хизмат қилиш ва доимо зиммасига олган юксак масъулиятни сезиб, ҳис этиб яшашдир. Раҳбарнинг ишига баҳони шу халқ, шу юрт беради. Тарих тажрибаси ва синовидан ўтган мана шу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бугунги сессия мажлиси кун тартибига қўйилган масалани кўрар эканмиз, барчамиз унга айнан мана шу нуқтаи назардан қараб, муҳокама қилишимиз ва тегишли хулосалар чиқаришимиз зарур, деб ўйлайман. Албатта, ҳар қайси вилоят, туман ёки хўжалик фаолиятида, такрор айтаман, ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам бўлиши муқаррар.

Шу маънода, катта суръатлар билан ривожланиб бораётган мамлакатимиз иқтисодиётида — бу саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, мавжуд ер ости ва ер усти бойликларимизни халқимиз манфаати йўлида ишлатиш бўладими, хизмат кўрсатиш ёки илм-фан, маданият, таълим-тарбия соҳалари бўладими — уларнинг барчасида ютуқлар билан бир қаторда, ишни бугунги замон талаблари асосида тўғри ва самарали ташкил этишда ҳали-бери камчилик ва нуқсонлар, оқсоқлик борлигини ва улар йўлимизда тўсиқ бўлиб турганини инкор этиб бўлмайди. Бу ҳам ҳаётимизнинг аччиқ бир ҳақиқати, десак, янглишмаган бўламиз.

Биз айрим вилоятлар, шаҳар ва туманлар, керак бўлса, бутун республикамиз миқёсида ижтимоий-иқтисодий, демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёнини таҳлил қилар эканмиз, бундай ҳолатларни ҳеч қачон яширганимиз йўқ ва бу ҳақда доимо очиқ-ойдин гапирамиз.

Буни хориждаги бизни хушламайдиган, бизни кўролмайдиган мухолифларимиз ҳам тан олишга мажбур бўлмоқда.

Яъни, Ўзбекистон давлати ва жамоатчилиги ўз тараққиёт йўлида учраётган хато-камчиликларга ўзи холис ва танқидий баҳо бера олади ва шу боис четдан кимдир келиб буни кўрсатиши-

га ҳожат қолмайди. Чунки биз ўз ютуқларимиз ва имкониятларимизни ҳам, камчиликларимизни ҳам кўпроқ ўзимиз сезамиз, ўзимиз кўрамиз.

Илгари ҳам кўп бор айтган, ҳаётнинг ўзи тасдиқлаган ҳақиқатни яна такрорлайман. Биз ўзимиз, ўз қўлимиз, ўз меҳнатимиз билан қилишимиз керак бўлган ишларни ҳеч ким четдан келиб, бизнинг ўрнимизга бажариб бермайди. Ва табиийки, биз ўз мақсад-муддаоларимизга етмоқчи эканмиз, бу нуқсонларни аввало ўзимиз аниқлаб, уларни бартараф этишимиз керак. Бундай ҳолатларни бекитиш, сир тутишга уриниш кимнидир эмас, аввало, ўзимизни алдаш демакдир.

Охир-оқибатда бугун яширган, сир тутган муаммолар эртага кутилмаганда бошқа бир жойдан албатта ёриб чиқади ва ҳал этиш қийин бўлган масалага айланади.

Бизнинг амалга ошираётган ҳар бир ишимизга, умуман фаолиятимизга баҳо беришда айнан мана шундай қараш, мана шундай холисона ёндашув ҳукмронлик қилиши керак. Бошқача айтганда, иш фаолиятимизни таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқаришда юзаки ва бирёқлама қарашлардан воз кечиш лозим.

Бу ғаллачилик ёки пахтачилик бўладими, қурилиш ёки ободончилик бўладими — қайси соҳа ёки тармоқ бўлмасин, фақат кўзга ташланиб турган натижалар ҳақида гапирмасдан, ма-

салага кенгроқ қараб, ҳаётнинг бундан ҳам мураккаброқ томонларига, яъни барча қилган ишларимиз пировардида юртдошларимиз, халқимизнинг кайфиятига, уларнинг ҳаётига қандай таъсир ўтказаётгани ҳақида ўйлашимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки — вилоятнинг ишлаб чиқариш режаларини бажариши албатта муҳим, лекин одамларнинг кайфияти ва қарашларига аввалambор уларнинг оладиган маоши ва даромади, оила ҳаётини тебратиш, ижтимоий ҳимоя, маънавий муҳит билан алоқадор бўлган барча-барча масалалар кучли таъсир ўтказишини унутмаслигимиз керак.

Бу аввало одамларнинг ўз фаолиятини эркин юритиши учун шароит яратиш бўладими, савдо-сотиқ ёки аҳолига кундалик зарур эҳтиёж молларини етказиб бериш бўладими, транспорт, коммунал ва маиший хизмат бўладими, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш бўладими, шулар қаторида қабул қилинган қонунларга итоат қилиш, тартиб-интизомни сақлаш бўладими, шу соҳаларга жавоб берадиган ташкилот ва раҳбарларнинг ўз вазифасини тўғри адо этиши бўладими — бир сўз билан айтганда, давлат ва жамият, инсон ҳаётига дахлдор бундай масалалар одамларнинг кайфиятини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Мен ҳозир ўз сўзимда, одамларнинг ўз фаолиятини эркин юритиши, деган иборани ишлатдим. Бу нима дегани? Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугун — кечаги замон эмас. Инсон аввало Конституция, қонунлар ва ҳуқуқий мезонлар асосида яшаши керак. Бугун давлат манфаати эмас, инсон манфаати биринчи ўринда туриши даркор. Фаровон ва бахтли ҳаёт учун қандай эркинликлар зарур бўлса, ҳаммасини туғдириб беришимиз лозим.

Бу борада юртдошларимизнинг энг кўп норозилигини уйғотадиган нарса — адолатнинг бузилишидир.

Азиз дўстлар, бугун мен Андижон вилоятидаги нохуш ҳолатлар ҳақида изтироб билан гапиряпман. Чунки сизлар ўзингизнинг ибратли ишларингиз билан Андижон ҳақида доимо яхши гапларни айтишга кўпчилик қатори мени ҳам ўргатиб қўйгансиз.

Кўп бор айтган гапни яна такрорлашга тўғри келади — одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин. Аммо адолатсизликка чидай олмайди. Халқимиз андишали, сабр-бардошли халқ. Аммо, билиб қўйинглар, сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор. Барча ҳокимлар, катта-кичик раҳбарлар шуни қулоғига қуйиб олсин.

Ўзингиз ўйланг, кимдир кунни кун, тунни тун демай меҳнат қилса-ю, лекин кимдир амалидан

фойдаланиб, ўз манфаатини кўзлаб, турли ҳийла-найранглар билан бошқаларнинг ҳақига хиёнат қилса ва шунинг ҳисобидан, қўпол бўлса ҳам айтиш керак, қутуриб кетса — бу албатта жамоатчилик, эл-юртнинг эътирози ва норозилигига сабаб бўлади.

Мана шундай хунук, бемаза ишларга йўл қўймаслик учун ҳар қайси вилоят, шаҳар ва туманда ҳокимият тизими, шу масалаларга бевосита мутасадди бўлган ҳуқуқ-тартибот ва суд идоралари мавжуд.

Мисол учун, вилоятда ҳоким бор, лекин бу жойда қонунни ҳимоя қиладиган ташкилотлар ҳам борки, улар ўз фаолиятида мустақил бўлиши зарур. Улар учун қонун олдида барча — оддий фуқаро ҳам, мансабдор шахс ҳам баробар бўлиши ва уларга бир хил талаб билан ёндашиш керак.

Биз демократия ҳақида кўп гапирамиз. Лекин демократия сўзининг асосий маъно-мазмуни — бу адолат демакдир.

Масалан, яқинда вилоят суди раиси лавозимига янги номзод тайинлашда вилоят ҳокими бу вазифага ўз одамини қўйиш учун оёқ тираб олганини қандай тушуниш мумкин? Агар биз ҳокимият тармоқларининг бўлиниш тамойилига амал қилмасак, ҳар қайси ижроия ҳокимият раҳбари ҳокимиятнинг бошқа тармоғи ишига бундай

ўзбошимчалик билан аралашишга уринадиган бўлса, у ҳолда, ҳаётда адолат у ёқда турсин, оддий тартиб-интизомни ўрнатиб бўладими? Мана шундай вазиятда одамлар, фуқаролар дардини кимга бориб айтади? Шунинг учун барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳоким — ҳокимлигини қилсин, суд — судлигини. Шундагина ҳаётда тартиб бўлади, адолат бўлади.

Гап бугун фақат битта одамни ишдан олиб, бошқасини қўйиш ҳақида бораётгани йўқ. Биз аввало шу ҳолатларга олиб келган сабабларни чуқур таҳлил қилишимиз ва уларни бартараф этишимиз керак.

Давлат раҳбари сифатида менинг орзуим, мақсадим шуки, жамият ҳаётида айрим шахсларга эмас, балки аниқ қонун ва ҳуқуқ нормаларига асосланган тизим — система барқарор ишлаши керак.

Мисол учун, мана Швейцарияни олайлик. Бу мамлакатда оддий фуқароларнинг кўпчилиги мамлакат Президенти кимлигини ҳам билмайди. Нега деганда, бу ерда ана шу юқорида тилга олинган тизим ишлайди. Ёки Италияни оладиган бўлсак, бу ерда ҳам ҳукумат тез-тез алмашиб туради. Аммо ҳаёт ўз йўлида кетаверади — саноат, қишлоқ хўжалиги, банк-молия муносабатлари, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, савдо-сотиқ масаласи, бир сўз билан айтганда, давлат тизими ишлайверади.

Биз Ўзбекистонда ҳам шундай шарт-шароитни вужудга келтиришимиз керакки, раҳбар қанча буюк бўлмасин, қанча доно бўлмасин, мамлакат ҳаёти бунга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ўз маромида давом этиши лозим.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади — ҳамма жойда ҳам аввало раҳбарлар ва масъул ходимларнинг фаолияти, юриш-туришига қараб, уларнинг оилавий ҳаёти ва маънавий қиёфасига қараб, фуқароларнинг, умуман жамиятнинг ҳокимиятга бўлган ишончи ёки ортади, ёки бутунлай йўқолади.

Лавозим курсисида ўтирган, ҳокимият номидан иш юритадиган баъзи шахслар ўзининг номаъқул ишларини яширишга қанчалик уринмасин, одамлар шу жойда адолат тамойиллари бузилишига қараб, бундай раҳбарларнинг издан чиқиб кетганини барибир сезади, билади.

Бу ҳақда гапирар эканман, ўйлайманки, мен сизлар учун ҳеч қандай янгилик очаётганим йўқ. Андижон вилоятида бугунги кунда мавжуд бўлган мана шундай ва шунга ўхшаган нохуш ҳолатлар ҳақида шу залда ўтирганлар мендан кўра кўпроқ билади.

Лекин бутун халқимиз қатори Андижон аҳлининг ҳам бошқаларда учрамайдиган бир хусусияти борки, у ҳам бўлса, андиша туйгусидир. Бундай хусусиятни ифодалайдиган бошқа сўзлар ҳам

бор ва улар сизларга жуда яхши таниш. Бунинг отини бетга чопмаслик, истиҳола, дейди, ўзбекчилик, мусулмончилик, дейди.

Шуни ҳам айтишимиз керакки, халқимизда азалдан ўзидан ёши ёки ҳаётий тажрибаси каттароқ бўлган одамни ҳурмат қилиш одати ҳам борки, буниям инобатга олмасдан бўлмайди.

Энди, бундай хусусият ва аломатлар кимгадир ёқадими, ёқмайдими — улар ҳаётимизда бор. Ва биз табиатан шундай халқмиз.

Лекин бундай хусусиятлар гоҳ-гоҳ ишимизга халақит беришини ҳам англашимиз керак, деб ўйлайман.

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун кун тартибига қўйилган масала, яъни ташкилий масала устида ўйлар эканмиз, бунга олиб келган сабабларни кўз ўнгимиздан ўтказиш, ортимизга бир назар ташлаб, шулар орасидан энг асосийларини ажратиш ва уларнинг моҳиятига етиб бориш барчамизнинг инсоний бурчимиз, деб ҳисоблайман.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Андижон вилояти мустақиллик йилларида барча соҳаларда катта қадамлар қўйди. Ўзбекистондаги улкан ўзгаришларда, янги ҳаёт, янги жамият қуриш борасида эришилган марраларда Андижон аҳлининг муносиб ҳиссаси бор, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Энг муҳими, бугун Андижон диё-

рида ҳаётга, меҳнатга янгича ёндашув қарор топмоқда.

Одамларнинг онгу тафаккурида шу тупроқ, шу муқаддас замин ўзимники, мен учун Андижондан, Ўзбекистондан бошқа Ватан йўқ, она юртимнинг бугунги ва эртанги куни аввало менга боғлиқ, деган ҳис-туйғулар тобора кучайиб бормоқда.

Мана шундай ғурур, мана шундай келажакка ишонч мактабларда, лицей ва коллежларда, ўқув юртларида таълим олаётган минг-минглаб ёшларимизнинг кўзларида чақнаб турганини кўриб, ҳар қандай киши тўлқинланиб кетади.

Яна бир ижобий ҳол — Андижон элида эгалик, мулкдорлик ҳисси, менинг кичкина бўлсада, ўз очган ишим бор, орттирган мулким, бойлигим бор ва у албатта ўзимники, ундан нафақат оилам, фарзандларим, балки бутун элу юрт наф кўради, деган қараш мустаҳкамланиб бормоқда.

Менинг давлатим, халқимнинг дунёда муносиб ўрин эгаллаши менинг меҳнатим ва интилишларимга боғлиқ, деган фикр билан яшаётганларнинг сафи кун сайин кенгаймоқда.

Албатта, баъзилар, ишнинг натижаси, ишнинг якуни омадга ҳам боғлиқ, деб айтиши мумкин. Лекин ҳаёт шуни кўрсатадики, омад ўз-ўзидан келмайди. Омадни Аллоҳнинг назари тушган

инсонга, юртга беради, Аллоҳни қалбида, юрагида олиб юрганларга, яхши ният ва яхши орзу билан астойдил интилиб меҳнат қилаётганларга беради.

Менинг назаримда, бу ютуқларнинг асосий сири шундаки, Андижон аҳли доимо иноқ бўлиб, бир-бирига кўмак бериб, узоқни кўзлаб яшамоқда. Вилоятдаги барча ибратли ишлар замирида мана шундай ҳамжиҳатлик мужассам. Ва шубҳа йўққи, истиқболни, фарзандларининг бахту саодатини ўйлаб яшаётган Андижон халқи ҳеч қачон кам бўлмайди. Юрагимдаги бир гапни очиқ айтадиган бўлсам, мен сизларга ишонаман, сизларни яхши кўраман.

Раҳбарлар ўзгаради, янги одамлар келиб кетаверади, лекин ҳамма нарсани шу эл, шу юртга меҳр қўйган, мард ва танти, лафзи ҳалол меҳнаткаш халқнинг бунёдкорлик меҳнати ҳал қилади.

Бу гапларнинг барчаси — ҳақиқат, уларга яна бирор нарса қўшимча қилиш қийин, деб ўйлайман.

Лекин, шуни ҳам тан олишимиз керакки, биз охирги йиллар асосан ва кўпроқ Андижоннинг ютуқлари ҳақида гапирадиган бўлдик.

Вилоят ҳаётида йўл қўйилаётган камчиликлар, эришилмаган марралар, аҳоли турмушига бевосита таъсир кўрсатадиган соҳалардаги хато-нуқсонлар, айрим раҳбарларнинг мақтовдан боши

айланиб, ўзини йўқотиб, оёғи ердан узилиши билан боғлиқ масалаларга эътибор кам бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу ўринда гап аввало Андижон вилоятининг биринчи раҳбари Қобилжон Обидов фаолияти ҳақида кетмоқда.

Албатта, барчамиз эътироф этамиз: шу заминда туғилиб, узоқ йиллар шу ерда ишлаб, Андижонни обод этиш, уни улуғлаш учун кўп хизмат қилган бу раҳбар оғир пайтларда ҳам шу элга етакчилик қилиб, ўз қобилиятини, ўз салоҳиятини намоён этган.

Ва шу даврда Андижон вилояти қандай натижаларга эришган бўлса, уларда бу раҳбарнинг ҳиссаси борлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Шунинг учун ҳам унинг меҳнат фаолияти катта мукофот ва унвонлар билан тақдирланган.

Лекин, чуқур таассуф билан таъкидлашимиз керакки, охирги йилларда Қ. Обидовнинг юриштуриши, ўзини тутиши, одамлар билан муносабати тобора ўзгариб бораётганини кузатиш қийин эмас.

Бу раҳбарнинг бошқаларни фикрига беписандлик билан қараш, манманлик — шуни ҳам айтишимиз зарур — доҳийлик касаллигига берилиб кетгани айниқса ачинарлидир.

Ишга жуда катта зарар етказаётган томони шу бўлдики, бу одам атрофида юрганлардан кўпроқ

мақтов эшитишга ўрганиб қолиб, ўз фаолиятига танқидий ёндашиш у ёқда турсин, оддий танқидга ҳам чидолмайдиган раҳбарга айланиб қолди.

Бундай вазият, албатта, Андижон шаҳар ва туманларидаги ҳолатга, керак бўлса, вилоятдаги умумий муҳитга салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди.

Бу одамнинг ўзини катта тутиб, вилоятнинг тақдирини белгилаб берадиган кўпгина соҳа ва масалаларни ўзига номуносиб, иккинчи даражали ишлар қаторида кўриб, уларни ҳал қилиш, ечимини топиш, мавжуд муаммоларнинг олдини олишни бошқаларга — ўз ёрдамчиларига ташлаб қўйиб, бундай тартибни иш услуби ва қоидасига айлантириб олганини ўзининг масъулиятини йўқотгани деб ҳисоблаш зарур.

Вазият шу даражага етиб борганки, вилоят ҳокими Тошкентдан Андижонга иш юзасидан келган айрим вазир ва раҳбарларни қабул қилмаган ҳолатлар ҳам бўлган.

Андижоннинг ўзида ҳам вилоят миқёсидаги раҳбар ва фаолларни ойлар ва йиллар давомида қабул қилмасдан, улар қўяётган масалаларга эътибор бермаган.

Бундай номақбул иш услуби, ўзининг раҳбарлик масъулиятини тўғри тушунмаслик охир-оқибатда қандай натижаларга олиб келишини англаш қийин эмас.

Раҳбар унинг зиммасига топширилган ҳудуд, эл-юртда бўлаётган барча ишларга жавобгар эканини яна тушунтириб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Вилоят ташвишларини ўз ҳолига ташлаб, кўпгина соҳаларни эгасиз қолдириб, фақатгина дала ишлари, ғаллачилик ва пахтачилик ҳисобидан ўзини кўрсатишга уринадиган раҳбар хато қилади.

Андижон мисолида кўпгина соҳаларда, аввало, оддий одамларнинг эҳтиёж ва талабларини қондирадиган йўналишларда бундай ёндашув натижасини кўриш мумкин. Энг ёмони, ишга бундай муносабат жойларда тартиб-интизомнинг бузилиши ва ўзбошимчаликка олиб келиши муқаррар.

Вилоятда ердан ноқонуний фойдаланиш, уни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа моддий бойликларни талон-торож қилиш, солиқ тўплаш, солиқ интизомини қўпол равишда бузиш, кўпгина ҳолатларда қонун бузғунчиларини ҳимояга олиш каби хунук мисолларни олиб келиш қийин эмас. Вилоятда 2003 йилнинг ўзида дон экинларига мўлжалланган 533 гектар майдонга бошқа экинлар экилган.

Масалан, Улуғнор туманидаги М. Иминов номли ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган

"Шаҳриёр" фермер хўжалигига шартнома асосида берилган 18 гектар ер майдонининг ярми хўжалик раиси Х. Фозилов томонидан ноқонуний ҳолда олиб қўйилган.

Бу раҳбарнинг фаолияти ўрганилганда, унинг 2002-2003 йиллар давомида ширкатнинг 330 нафар аъзосига 72 гектар майдондаги ерни 28 миллион сўм пора эвазига бериб юборгани маълум бўлди.

Биргина жорий 2004 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 21,9 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик техникаси, 12,1 тонна нефть маҳсулоти, 46,1 тонна минерал ўғит ноқонуний ўзлаштирилган.

Булоқбоши туманида яшовчи омбор мудири М. Аҳмедов 4 тонна, Олтинкўл туманида яшовчи Д.Сиддиқов қарийб 5 тонна минерал ўғитни четга пуллаб юборган. Бу каби жиноий ҳаракатлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам содир этилаётгани ҳақида тегишли органларда етарли далил ва маълумотлар бор. Уларнинг ҳар бири бўйича суд ўз хулосасини чиқаради, албатта.

Вилоятнинг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудлари орқали турли маҳсулотларни юртимизга назоратсиз, контрабанда йўли билан олиб кириш, бу ёқдан эса металл ва нефть маҳсулотларини қонунсиз равишда олиб чиқиб

кетиш ҳолатлари ҳали-бери давом этаётгани ҳақида кўп маълумотлар бор.

Масалан, Андижон туманидаги "Улуғ ёғду" кичик корхонаси ҳайдовчилари А. Умаров ва Х. Ибрагимов Фаргона нефтни қайта ишлаш заводидан 33 минг 736 литр керосинни ноқонуний олиб кетаётганида ушланган.

Шу ўринда савол туғилади. Бу туманларнинг, корхона ва хўжаликларнинг эгаси борми ўзи? Бор, албатта, лекин, афсуски, улар сен менга тегма, мен — сенга, деб фақат ўз манфаати, ўз тирикчилигини ўйлаш билан овора. Вилоятда хуфёна иқтисодий фаолият йўлига тўсиқ қўйиш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш бўйича етарли чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Шу йилнинг 1 май ҳолатига кўра нақд пул тушумига эга бўлган 334 та хўжалик субъектининг фаолияти ўрганилганда, уларнинг 321 тасида, яъни 96 фоизида назорат-касса машиналаридан фойдаланмаслик ва бошқа қоида бузиш ҳолатлари аниқлангани ҳам шу фикрни тасдиқлаб турибди.

Буларнинг натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида бюджетга ундирилган солиқлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан республика бўйича 23,4 фоизга ўсган бўлса, Андижон вилоятида умуман ўсиш бўлмаган.

Шундай хуфёна ишлар туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят бўйича товар айланмаси 130 миллиард сўмни ташкил этгани ҳолда, банк кассаларига атиги 18 миллиард сўм ёки жами тушумнинг 14 фоизи топширилган, холос.

Бу кўрсаткичлар Булоқбоши ва Асака туманларида 8 фоизни, Марҳамат ва Қўрғонтепа туманларида 5 фоизни, Пахтаобод ва Улуғнор туманларида 4 фоизни, Балиқчи туманида 3 фоизни, Бўз туманида эса — ҳатто одам айтишга ҳам уялади — атиги 2 фоизни ташкил этганини қандай изоҳлаш мумкин?

Қани, айтинғлар, олинган тушум кассага эмас, киссага кетаверса, банкка пул тушмаса, биз фуқароларимиз олдидаги ижтимоий мажбуриятларимизни қандай бажарамиз?

Фахрийларнинг пенсиясини, нафақалар ва стипендиялар, кам таъминланган оилаларнинг ёрдам пулини, ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақини нима ҳисобидан тўлаймиз?

Вилоят раҳбарлари, мутасаддилар шу ҳақда ўйлайдими, йўқми? Шу йилнинг 29 апрелига қадар вилоят бўйича 3,5 миллиард сўм миқдоридаги биринчи даражали ижтимоий тўловлар, пенсия ва нафақалар берилмасдан қолгани шунинг оқибати эмасми?

Ишга бундай лоқайдлик билан, мендан кетгунча — эгасига етгунча, деб ёндашув туфайли

қанчадан-қанча одамларнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжлари, ризқ-насибаси, тирикчилигига зарар етказилмоқда ва бу уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Вилоятда сўнгги пайтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари анча кўпайган. Жумладан, транспорт воситаларини олиб қочиш 20 фоизга, порахўрлик 54 фоизга, қотиллик 36 фоизга кўпайган. Энг ёмони, номусга тегиш, талончилик каби жиноятчиликнинг оғир турлари кескин ўсган.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳолатларининг кўпайиб бораётгани барчамизда жиддий хавотир уйғотиши зарур. Андижон, Улуғнор, Бўз, Булоқбоши, Балиқчи ва Избоскан туманларида бу борадаги аҳвол айниқса ташвишлидир.

Яна бир масала ҳақида алоҳида тўхталишга мажбурман.

Ҳаммамизнинг ҳам оиламиз, фарзандларимиз бор. Албатта, оилавий турмуш, шахсий ҳаёт —бу ҳар қайси инсоннинг аввало ўз иши. Лекин элюртга раҳбар бўлган, етакчи бўлган одам бошқаларга ақл ўргатиб, уларга талаб қўяр экан, биринчи галда ўз боласининг тарбияси ҳақида ўйлаши керак. Халқимизнинг “Олдин ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ” деган ҳикмати ҳам бежиз айтилмаган.

Шу маънода, вилоят ҳокими ўз ўғлининг тарбиясига, унинг босар-тусарини билмай, отасининг обрўсига доғ тушишини ўйламасдан қилган бемаза ишларига панжа орасидан қараб келгани айниқса ачинарлидир.

Ҳурматли дўстлар!

Кўриб турганингиздек, бундай нохуш ҳолатларнинг барчаси вилоят раҳбарияти, аввало, биринчи ҳоким фаолиятига холис баҳо бериш ва зарур чораларни кўришни талаб этади. Қ.Обидов раҳбарлик фаолиятида йўл қўйган хато-камчиликларини ўзи ҳам тан олиб, лавозимидан озод қилишни сўраб ариза ёзган. Ана шу аризани овозга қўйиб, бу масалага ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Энди сизлар билан вилоятнинг янги раҳбарини сайлаб олишимиз керак.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтмоқчиман. Ҳаммангиз яхши тушунасиз, мана шундай даражага кўтарилган вилоятни бошқариш ўта қийин вазифа. Бу ерда бошланган ишларни давом эттириш учун қандай маҳорат керак, қандай ақл-заковат, куч ва ирода керак. Лекин, ўйлайманки, андижонликлар билан ишлаш ҳам осон, ҳам оғир. Осонлиги шундаки, бу эл одамлари ўз ишини пухта билади, уларнинг меҳнатга, ҳаётга муносабати бошқача. Фақат уларга ўз имконияти ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун шароит туғдириб берилса, бас.

Шу билан бирга, раҳбар ўзига хос ғурурга эга бўлган вилоят аҳлининг кўнглини топмаса, амалий ишлари, шахсий ибрати, қатъият ва бағрикенглиги билан одамларнинг қалбига кириб бормаса, билиб қўйинглар, иш кетиши қийин.

Яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман. Андижон элининг ўзига хос хусусият-аломатлари бор. Вилоятдаги ҳар бир ҳудуднинг, айтайлик, Олтинкўл ёки Қўрғонтепа, Асака ёки Избосканда яшайдиган одамларнинг ўзига яраша феъл-атвори, ўз туғилган жойи билан фахрланиш одати бор. Бунинг ёмон жойи йўқ, албатта. Лекин вилоят миқёсида туманларни бир- биридан устун қўймаслик, қарама-қарши қўймаслик керак. Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, гуруҳбозлик каби иллатлар ориятли Андижон аҳлига мутлақо ярашмайди.

Айниқса, раҳбар инсон ҳаётига путур етказадиган майда гапларга, фисқу фасодга, маишатбозликка берилмаслиги керак. Менинг илтимосим, керак бўлса, талабим шуки, Андижон заминида ғийбатга — аламзадаликка ҳеч қандай ўрин қолдирмаслигимиз зарур.

Биз мана шу ҳолатларни инобатга олиб, вилоят фаоллари ва оқсоқоллари билан фикрлашиб, бу лавозимга шу юрт, шу заминнинг шароитини яхши биладиган, ҳозирги пайтда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келаётган

Сайдулло Бегалиев номзодини тавсия этишга қарор қилдик.

Ҳурматли дўстлар!

Янги ҳоким ҳақида гапирганда, ўйлайманки, бу одам ўз зиммасига қандай масъулиятли вазифани олаётганини яхши тушунади. Баъзан шундай бўладики, киши бирор вазифага тайинланаётганида ўзининг имкониятлари шу вазифани адо этиш учун етарлими, йўқми — бунга аҳамият бермайди.

Агар одам ўз имкониятлари даражасидан ортиқ вазифани бўйнига олса, табиийки, номутаносиблик вужудга келади. Шунинг учун, етакчи бўламан, деган ҳар қайси инсон фақат ўзига ишонмасдан, аввало, у билан бирга ишлайдиган раҳбар ва мутахассисларнинг билим ва тажрибасига, халқнинг қўллаб-қувватлашига суяниб фаолият олиб борсагина, ижобий натижаларга эришиши мумкин.

Энг муҳими, раҳбар, мен ўзимга юклатилган вазифани адо этиш учун ҳали жуда кўп меҳнат қилишим, изланишим керак, деган фикр-туйғу билан, эзгу интилиш ва пок ният билан яшаши лозим. Акс ҳолда, у оёги заминдан узилиб, атрофидаги лаббайчи-хушомадгўйларнинг сохта мақтовларига ўрганиб қолиб, хотиржамлик, беғамликка берилса, шу куни ўз лавозимига фотиҳа ўқиган бўлади.

Мен барча катта-кичик раҳбарлар мана шу ҳақиқатни, мана шу огоҳлантиришни ҳеч қачон эсидан чиқармаслигини сўрардим.

Ишончим комилки, ишнинг негизини биладиган, тадбиркорлик ва изланувчанлик хусусиятларини доимо намоён этиб келаётган Андижон аҳли янги раҳбар атрофида бирлашиб, бугун замоннинг ўзи олдимизга қўяётган вазифаларни ҳал этиш, вилоят шуҳратини янада ошириш учун сидқидилдан меҳнат қилади.

Ана шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ, 2004 йил 25 май

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Муҳтарам депутатлар!

Сурхон замини, Сурхон юрти Яратганнинг ўзи унга ато этган тарихи, ўзига хослиги ва гўзал табиати, аввало шу ерда яшайдиган халқнинг самимияти ва меҳмондўстлиги билан ўзига доим эътиборни тортиб туради, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Кейинги йилларда бу замин воҳа аҳлининг фидокорона меҳнати эвазига тобора гўзаллашиб, қиёфасини ўзгартирмоқда, ўзининг ер ости, ер усти бойликларини ўзлаштириш орқали мамлакатимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, ўн-ўн беш йиллар олдин Сурхон ҳақида фақат матбуот ва тарихий ҳужжатлар орқали эшитиб ва танишиб юрган одамлар ҳам бугунги кунда бу воҳа билан, унинг боқий ёдгорликлари, Бойсун, Денов ва Сариосиё сингари гўзал, сўлим масканлари, очиқ кўнгил халқи билан, унинг бетакрор санъати, бугунги ҳаёти ва ўзгаришлари билан танишишни хуш кўрмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Қадрли дўстлар, биродарлар!

Бугун барчамиз кўз ўнгимизда дунё шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу оламшумул жараёнлар, ер юзидаги барча қитъа ва минтақалар қатори, бизнинг мамлакатимиз, халқимиз олдига ҳам катта вазифалар қўймоқда.

Бу эса ўз навбатида бизнинг фаолиятимизни — бу ички ва ташқи сиёсат бўладими, иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий-маънавий масалалар бўладими — буларнинг барчасини ана шу кескин ва юксак талаблардан келиб чиққан ҳолда ташкил этишни тақозо қилмоқда.

Бугун ҳаёт шундай тез ўзгариб бормоқдаки, агар қайси инсон ёки давлат мана шу ҳолатни сезмаса, англамаса, давр ўзгаришлари, жаҳон ҳамжамияти билан уйғун бўлиб, ҳамоҳанг бўлиб қадам ташламаса, бу борада қандайдир мудроқлик ёки сусткашликка берилса, ҳаммамизга аёнки, у тараққиётнинг катта йўлидан четга чиқиб қолади, ўз мақсад-муддаоларига етолмайди.

Биз бугун дунёда ва юртимизда кечаётган жараёнларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб, улардан сабоқ ва хулосалар чиқарар эканмиз, мана шундай қараш ва мезонларга асосланиб иш тутишимиз лозим. Бир сўз билан айтганда — ўзгариб бораётган замон, ҳаёт юриши олдимизга қўяётган масалалар, яъни биз ҳеч кимдан кам

бўлмаймиз, деган мақсадни амалга ошириш йўлидаги ишлар бугун биздан нимани талаб қилса, шунга риоя қилмасдан туриб, ҳеч нарсага эриша олмаслигимиз ҳаммамизга аниқ бўлиши шарт. Кимки, қандай вазифа ёки лавозимда ўтирмасин, бундан қатъи назар — талаб барчага тенг ва бир хил бўлиши керак.

Шу маънода, бугунги сессия йиғилишида сиз, ҳурматли халқ вакиллари билан биргаликда вилоятдаги ҳозирги вазиятга танқидий баҳо бериб, кўпроқ амалий ишлар, ечилмаган муаммолар ҳақида, шу билан бирга, ишни ташкил қилиш, энг аввало, раҳбарларнинг ўз олдида турган улкан ва мураккаб вазифаларни бажариш учун элни ортидан эргаштириш, уни юксак мақсадларга жалб этиш, одамларнинг дарду ташвишларига яқин бўлиш, уларни юрагидан ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳақида очиқ гаплашиб олишни хоҳлардим.

Албатта, юртимизнинг жанубий остонаси бўлмиш Сурхон заминининг ривожланиши, кейинги пайтда вилоятда амалда намоён бўлаётган натижалар, эришилган марралар ҳақида гапирмасдан бўлмайди.

Айниқса, вилоят маркази Термизнинг қиёфаси мустақиллик йилларида бутунлай ўзгариб, нафақат 2500 йиллик тарихга эга бўлган, балки замонавий шаҳар сифатида ҳам қайта тикланга-

ни, унинг обрў-эътибори ва нуфузи юксалаётгани диққатга сазовор. Бундай ўзгаришларни вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам кузатиш мумкин. Яхши биласизлар, яқин-яқингача барчамиз қўшни Афғонистон заминида тезроқ осуда ҳаёт қарор топишини орзу қилар эдик.

Чунки бу мамлакатда тинчлик ва хавфсизликнинг ўрнатилиши, Амударё узра жанубга йўл очилиши, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари, қадимий борди-келди анъаналаримизнинг қайта тикланишидан биринчилар қаторида Сурхон вилояти ҳам наф кўришини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугун, шукрки, ана шу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқмоқда. Термиз — Ҳайратон кўприги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, афғон халқига инсонпарварлик ёрдамини етказиб беришдек хайрли ишга хизмат қилмоқда.

Афғонистон ҳудудида йўл ва кўприклар, коммуникация тармоқларини барпо этишда халқимиз вакиллари, шу жумладан, сурхондарёлик қурувчи ва мутахассислар ҳам иштирок этмоқда.

Буларнинг барчаси жанубий сарҳадларимизда тинчликни таъминлаш, вилоятга хорижий инвестицияларни жалб этиш, бу ерда ўзгариш ва янгиланишлар, бунёдкорлик жараёнини осойишта шароитда давом эттириш имконини бер-

моқда. Халқимиз "Қўшнинг тинч — сен тинч" деб бежиз айтмаган.

Сурхондарё вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожини юксалтириш мақсадида сўнгги йилларда республика ҳукумати томонидан бир қанча йирик лойиҳалар амалга оширилаётганини, хусусан, Тошгузар — Бойсун — Қумқўргон темир йўли қурилиши жадал суръатларда давом эттирилаётганини алоҳида қайд этиш зарур.

Бу темир йўл тармоги ишга тушганидан кейин вилоятнинг табиий захираларга, иқтисодий ва инсоний салоҳиятга бой бўлган бир қатор ҳудудларини, бугун оғир муаммоларни ечаётган туманларимизни мамлакатимизнинг ягона коммуникация тизими билан боғлаш, бу бойликларни ўзлаштириш ва халқимиз манфаати йўлида ишлатиш, ишсизликни камайтириш, оилаларга кўпроқ даромад келишини таъминлаш имкониятига эга бўламиз.

Бу ерда амалга оширилаётган яна бир улкан лойиҳа — Тўполон сув омбори қурилиши ҳам давом этаётганидан, ўйлайманки, яхши хабардорсиз. Ўзига 500 миллион куб метр сувни сиғдира оладиган ушбу йирик иншоот қуриб битказилганидан сўнг вилоятда деҳқончиликни ривожлантириш йўлида янги уфқлар очилади. Буларнинг барчаси мана шу воҳада яшаётган одамлар учун ҳар тарафлама қулайликлар туғди-

риши, уларнинг ҳаётини фаровон этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Сурхон заминидаги ижобий ишлар қаторида кейинги пайтда вилоят меҳнаткашларининг обҳаво қийинчиликларига қарамай, ғалла ва пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини бажаришга эришганларини ҳам алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Ва мана шу фурсатдан фойдаланиб, мураккаб иқлим шароитида мардона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштираётган миришкор деҳқонларга чин қалбимдан ўзимнинг миннатдорлигимни билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Шу билан бирга, воҳада халқ хўжалигининг бошқа тармоқ ва соҳаларида ҳам ижобий силжишлар борлигини таъкидлаш жоиз. Биргина 2003 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 5,3 фоизни ташкил этгани вилоят иқтисодиётида ривожланиш суръати ошиб бораётганидан далолат беради.

Вилоятдаги асосий магистрал йўлларнинг замон талаблари даражасида таъмирлангани, янги корхоналар, лицей ва коллежлар, боғ-роғлар, кўркам тураржой ва бинолар барпо этилгани ободончилик ва қурилиш соҳасида ҳам муайян ишлар қилинаётганини кўрсатади.

Лекин вилоятдаги бугунги аҳволга холисона кўз билан қараб, хулоса чиқарадиган бўлсак,

охирги пайтда кўпгина соҳаларда — бу саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ёки маданият бўладими — жиддий қолоқликка, хато ва нуқсонларга йўл қўйилаётганини таассуф билан қайд этиш даркор.

Айниқса, юқори раҳбарлик лавозимларида ўтирган айрим шахсларнинг қисқа вақт ичида айниб, ўз масъулиятини йўқотиши натижасида вилоятда маънавий муҳит ва адолат тамойилларининг бузилиши билан боғлиқ нохуш ҳолатлар ҳақида, аҳолида, одамларда норозилик уйғотаётган номаъқул ишлар ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз зарур. Чунки Сурхон заминида тўғри сўзни, мардлик ва ориятни юксак қадрлайдиган, Алпомишнинг авлодлари бўлган самимий, ғурури баланд инсонлар яшайди. Улар ютуқни ютуқ деб, камчиликни камчилик деб, юзга очиқ айтганни маъқул кўради. Оқил, кўпни кўрган халқимизда, "Касалликни қанча яширсанг, охир-оқибат иситмаси барибир ошкор қилади" деган бир нақл бор.

Шунинг учун юқорида тилга олинган касаллик газак олмасидан, чуқур илдиз отмасидан олдин бундай нохуш вазият, муҳит пайдо бўлишининг сабабларини очиб бериш ва уларни бартараф этиш барчамизнинг бурчимиз, деб ҳисоблайман.

Ортиқча гапларни четга суриб, ҳақиқатни пўстлогидан ажратган ҳолда, очиқ айтадиган бўлсак, бундай вазиятнинг юзага келишига аввало вилоятнинг юқори раҳбарлик лавозимларида ўтирган одамларнинг, шахсан Тошмирзо Қодировнинг охирги қисқа вақт мобайнида ўзини бутунлай йўқотиб қўйгани асосий сабаб бўлмоқда.

Унинг ўз вазифасини тўғри тушуниб етмагани, ишни замон талаблари асосида ташкил этишдаги заифлиги, мана шу элга бош бўлишдек масъулиятли вазифани адо этишда ўзини кўрсата олмагани ҳақида гапиришга бугун барча асосларимиз бор. Биз бундан икки йил муқаддам мана шу залда сизлар билан маслаҳатлашиб, Тошмирзо Қодировга ёш, билимли раҳбар сифатида ишонч билдириб, уни Сурхондарё вилоятига ҳоким этиб тасдиқлаган эдик.

Дастлабки пайтда у ўзига билдирилган ишончни оқлаш учун ҳаракат қилганини, ишда бирмунча ижобий натижаларга эришганини айтиб ўтиш керак.

Лекин Сурхон воҳасида вужудга келган бугунги вазият, ижтимоий соҳалардаги тобора кучайиб бораётган муаммолар, кўпгина муҳим масалаларнинг назардан четда қолиб кетаётгани, ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, энг муҳими — ҳокимнинг ўз юриш-туриши, атрофдаги, умуман, оддий

одамлар билан муомаласи, ўзини тутиши барчамизни ташвишга солмоқда.

Раҳбарлик лавозимига — масъул вазифага тайинланадиган одамлардан нималар талаб қилинади, улар қандай хусусият ва фазилатларга жавоб бериши кераклиги ҳақида кўп гапирамиз. Биз кўпинча раҳбар қатъиятли, билимдон ва талабчан бўлиши керак, деймиз. Ҳеч шубҳасиз, раҳбар учун бу фазилатлар сув билан ҳаводай зарур, лекин ҳозирги замонда фақат шуларнинг ўзи билан узоққа бориб бўлмайди.

Раҳбар қачон эл-юрт ишончини, эътиборини қозона олади?

Қачонки, юраги, қўли тоза, кўнгли очиқ, ақл ва заковат соҳиби бўлса, унинг табиатида қатъиятлик билан билим, талабчанлик билан адолат уйгун бўлса, у ўзи бошқарадиган одамларнинг гам-ташвишларини ўз қалбидан ўтказишга қодир бўлса.

У ўзининг иссиқ истараси, муомаласи бўладими, қандайдир бошқа ижобий жиҳати биланми, одамларнинг эътиборини ўзига тортадиган, бир сўз билан айтганда, халқнинг кўнглига йўл топа оладиган бўлиши шарт.

Раҳбар энг мураккаб, энг мушкул вазиятларда ҳам одамларни кўндириш, уларни баъзи бир ножўя ишлардан, хатти-ҳаракатлардан қайтариш ва жамоада, туман ёки вилоятда соғлом вазият, соғ-

лом иқлим барпо эта олиш салоҳиятига эга бўлиши даркор. Биз бугун юртимизда ҳуқуқий давлат, демократик, эркин жамият қуриш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда таъминлаш, унинг ақл-заковати ва қобилияти, орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратишни ўзимизнинг бош вазифамиз сифатида белгилаб олганмиз.

Шундай экан, бизнинг Конституциямизда инсон манфаати давлат манфаатларидан устун қўйилган экан, биз бугун барпо этаётган янги жамиятда халқ раҳбарларга эмас, аксинча, раҳбарлар халққа хизмат қилиши керак, деган талаб асосий қоида бўлиши даркор. Лекин, афсуски, бу олижаноб ғояни, мана шундай интилишни жойларда айрим мансабдорлар томонидан тўгри тушунмаслик, баъзан эса мутлақо унутиб қўйиш ҳоллари учраб туришини ҳам тан олишимиз керак.

Раҳбарнинг обрў-эътибори унинг кийими ва кўринишида, савлату салобатида, қовоқ-димоғида, ўзига бино қўйишида эмас, балки аввало унга ишонч ва ҳурмат билдирган сайловчилар ва фуқароларга бўлган самимий муносабатида, одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган амалий ишларида намоён бўлади. Лекин, минг афсуски, шу оддий ҳақиқатни лавозим курсисида ўтирган кўпгина амалдорлар ҳали-бери англаб етмаяпти.

Т. Қодировнинг фаолиятига айнан мана шундай кўз билан қараб, баҳо берадиган бўлсак, таассуфки, унинг раҳбар сифатида ижобий ишларидан кўра салбий хусусиятлари кўпроқ кўзга ташланганига гувоҳ бўламиз.

Албатта, ҳар қандай раҳбар ҳам аввалambор инсон, унинг ҳам ўзига яраша фазилат ва камчиликлари бўлиши, у ҳам кимнидир ёқтириши, кимнидир хушламаслиги мумкин. Лекин қонун ва ҳуқуқий мезонларни писанд қилмаслик, одамлардан узилиб қолиш, манманлик раҳбар учун мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган нуқсонлардир.

Қодировнинг асосий айби ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, у ўзига давлат, халқ томонидан берилган ваколатни ўзбошимчалик деб, талабчанликни зўравонлик деб тушунган, шундай ёндашувни иш услуби ва қоидасига айлантириб олган. Табиийки, раҳбар деган одам ҳар қайси соҳа, тармоқ ва конкрет ишни, унинг сирларини шу вазифаларда ўтирган мутахассислардан кўра кўпроқ биламан, деб ўйласа ёки ҳис қилса — бу қип-қизил калтабинлик ва аҳмоқона қараш, десак, хато бўлмайди.

Ҳокимнинг вилоят ҳаётига чуқур кириб бормасдан, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, молия-бюджет масалаларини пухта билмаган ҳолда, фақат буйруқбозлик, дўқ-пўписа билан иш юритишга берилиб кетгани қандай хунук

оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ва албатта, биринчи раҳбар феъл-атворидаги бундай камчиликлар нафақат иқтисодий соҳага, авваламбор, вилоятдаги маънавий муҳитга салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди. Бунинг исботини кўриш учун вилоятдаги айрим соҳа ва йўналишларда мавжуд бўлган ҳолатларга мурожаат қилиш кифоя, деб ўйлайман.

Ҳозирги кунда ҳар қайси вилоят ва туман ҳокимининг диққат марказида туриши керак бўлган бозор муносабатларини шакллантириш, кичик ва хусусий бизнес, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш масалаларини олайлик.

Хусусан, бугун қишлоқда асосий куч сифатида майдонга чиқаётган фермерлик ҳаракати йўлида Сурхондарё вилоятида ҳалигача турли ғовтўсиқлар сақланиб қолмоқда. Уларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўрилмаяпти.

Биргина мисол. Шўрчи туманидаги У.Дониёров номли ширкат хўжалигининг умумий йиғилиши "Қосим-ХБК" фермер хўжалиги учун 10 гектар ер ажратиб бериш ҳақида қарор қилганига қарамай, хўжалик раиси Х.Қорақулов, туман ер ресурслари бўлими бошлиғи М.Ашуров бу қарорни бажариш ўрнига, сансалорликка йўл қўйган.

Фақат суд аралашувидан кейингина масала ижобий ҳал этилган.

Бугунги кунда ерда меҳнат қилиб оиламни боқаман, ўз ишимни очиб, эл-юртга ҳам фойда келтираман, деган ният билан юрган фермер ва тадбиркорларнинг турли идоралар эшигида сарсон бўлаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Вилоятда кичик ва хусусий бизнес соҳасига мана шундай лоқайдлик билан қараш, амалий ёрдам бермаслик оқибатида уларнинг хўжалик судларига ариза ва шикоятлари 2002 йилга нисбатан ўтган йили 75 фоизга ўсгани шуни кўрсатади.

Шуниси қизиқки, ерни фермерга қонун асосида беришни пайсалга соладиган баъзи раҳбарлар ер ресурсларини мақсадга зид равишда ишлатиш ва талон-тарож қилиш ҳолларига панжа орасидан қарайди.

Акс ҳолда, 2003 йили Шеробод туманида 66 гектар, Қизириқ, Узун ва Бандихон туманларининг ҳар бирида пахта ва дон экишга мўлжалланган 8-10 гектар ер майдонларига бошқа экинлар экилган бўлармиди?

2004 йилда яна 77 гектар ердан мақсадга хилоф равишда фойдаланиш ҳолати аниқлангани бу касаллик вилоятда илдиз отиб бораётганидан далолат беради. Ёки вилоятдаги тўлов интизоми масаласини кўриб чиқадиган бўлсак, бу борада ҳам аҳвол қониқарсиз экани аён бўлади.

Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, дебиторлик қарзлари — 4 миллиард 74 миллион

сўмга, кредиторлик қарзлари эса 8 миллиард 245 миллион сўмга етгани буни исботлаб турибди. Бундай ҳолат ўз навбатида корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Айниқса, баъзи корхона ва хўжаликларда ишчи-хизматчиларнинг маошлари ўз вақтида тўланмаслиги ҳақли равишда меҳнаткашларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда. Бундай муаммоларнинг сабаби вилоятда пул тушумини таъминлаш, солиқларни ундириш масаласига етарлича эътибор берилмаётгани билан боғлиқлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Давлат солиқ идоралари томонидан чакана савдо қоидаларини бузган 36 та корхона бўйича маҳаллий ҳокимликларга тақдимномалар киритилган бўлса-да, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмаганини қандай тушуниш мумкин?

Ўйлайманки, бунинг жавоби аниқ — бундай раҳбарлар ўз қўл остида юрган қонунбузарларни ўзлари ҳимоя қилади.

Вилоятда хуфёна иқтисодиёт ва нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишига қарши кураш борасида ҳам қатор камчиликлар мавжуд.

Масалан, биргина Термиз туманидаги "Жарқўргон-Сурхон" корхонасида ўтказилган текшириш натижасида 206 миллион сўмдан зиёд пул

банкка топширилмагани, 540 минг сўмлик савдо тушуми эса назорат-касса аппаратидан ўтказилмагани аниқланган.

Афсуски, бундай мисоллар оз эмас.

Термиз туманидаги "Қизилбей" савдо ишлаб чиқариш корхонасида қарийб 95 миллион сўм, вилоят марказидаги "Мулки жаҳон Термиз" фирмаси дўконида 26 миллион сўм, Денов шаҳридаги "Аслсервис" фирмасида 10 миллион сўмдан ортиқ маблағ банкка топширилмаганига нима дейиш мумкин?

Мана шундай қонун бузилишлари натижасида вилоятда 2004 йилнинг дастлабки тўрт ойида савдо тушумининг товар айланмасидаги улуши 56,2 фоизни ташкил этган. Бу нимага олиб келишини ҳаммангиз яхши тушунасиз, деб ўйлайман.

Бундай салбий ҳолатлар бошқа соҳаларда ҳам учрайди. Қонунга зид равишда, контрабанда йўли билан олиб ўтилаётган товар-моддий бойликларни бюджет ҳисобига ўтказиш бўйича туширилган маблағ ўтган йили ҳаммаси бўлиб 36 миллион сўмни, яъни республика бўйича туширилган маблағнинг атиги бир фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, вилоят қўшни давлатлар билан чегарадош бўлиб, таъбир жоиз бўлса, юртимизнинг асосий дарвозаларидан биридир. Айланма йўллар билан Тожикистонга ун, минерал ўғит ва бошқа маҳсулотларни ташиб ўтиш ва четдан турли то-

варларни контрабанда йўли билан олиб келиш ҳолатлари ҳамон давом этмоқда.

Мисол учун, Узун туманидаги Б.Очилдиев номли ширкат хўжалигида яшовчи О. Мирзаев 15 тонна ун маҳсулотини, О.Қаршиев эса 31 тонна ем озуқасини мамлакатимиздан ташқарига қонунга хилоф тарзда олиб чиқиб кетаётганида ушланган.

Шу йил 8 апрель куни Термиз туманида яшовчи Р.Султонов ва Денов туманида яшовчи С. Шарипов ўзларига тегишли "Камаз" автомашинасида умумий қиймати 27,6 миллион сўмлик спиртли ичимликларни қалбаки ҳужжатлар билан расмийлаштириб олиб кетаётганида қўлга олинган.

Текширув ишлари давомида вилоят ҳокимининг акаси бўлган Абдулхолиқ Қодировнинг қўшни Тожикистон Республикасидан 1 миллион 700 минг сўмлик товарларни қонунга зид равишда олиб келгани аниқланган.

Бундан ташқари, бу "уста тадбиркор" вилоят "Пахтасаноат" акциядорлик бирлашмасига 128 миллион сўмлик эҳтиёт қисм ва қурилиш материалларини ҳеч қандай тендер савдосисиз пуллашга муваффақ бўлган.

Вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" бирлашмасининг Музработ тумани филиали мудири Х. Даминов бош ҳисобчи Ф.Маматмуродов ва омбор мудири Х. Тошқулов билан келишиб, 49 миллион

218 минг сўмлик минерал ўғитни сохта ҳужжатлар асосида талон-тарож қилиб юборган. Савол туғилади: бундай бепарволик, хуфёна ишлар, аниқроқ айтсак, қоидабузарликдан ким манфаатдор? Шу ишларни тартибга солиши лозим бўлган мутасадди идоралар қаёққа қараяпти?

Айниқса, ёш авлодни тарбиялашга масъул бўлган айрим таълим муассасаларидаги бемаза ишларга, болаларнинг ризқига хиёнат қилиш ҳолатларига қандай чидаш мумкин?

Вилоят "Ўқувтаълим-таъминот" корхонаси раҳбари Н. Ёқубов ва омбор мудири Э. Эшмуродов ўқувчиларга бепул бериладиган 80 миллион сўмлик кийим-кечак ва ўқув жиҳозларини қонунга хилоф равишда сотиб юборган.

Қумқўрғон тумани халқ таълими бўлими бошлиғи Т. Нормуродов бош ҳисобчи М. Худойқулов билан бирга ўқитувчиларнинг 16 миллион сўм, Шўрчи туман халқ таълими бошлиғи Н. Эшназаров эса бош ҳисобчи Д. Бекмуродов билан биргаликда 17 миллион сўм иш ҳақини ўзлаштириб юборган. Наҳотки, ақлга сиғмайдиган бу ишларни вилоятда ҳеч ким сезмаган, билмаган бўлса?

Ҳурматли депутатлар!

Вилоятда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан боғлиқ масалаларда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу ҳақда гапир-

ганда, аввало, вилоят ҳокимининг кадрларни ишчанлик қобилияти, тажриба ва малакасига қараб эмас, балки биринчи навбатда маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, шахсий садоқатига қараб танлашни ўзига одат қилиб олганини айтишга тўғри келади.

Мисол учун, вилоят ҳокимининг яқин таниши бўлмиш, илгари судланган, сохта диплом асосида Сариосиё пахта тозалаш заводида директор бўлиб ишлаб келган М. Расулов вилоят "Пахтасаноат" акциядорлик бирлашмасига раис этиб тайинланган. Сариосиёлик Ғ. Фаттоев ҳам ана шундай йўл билан вилоят ҳокимлиги ишлар бошқарувчиси лавозимини эгаллаган.

Кейинги икки йилда вилоят миқёсидаги лавозим курсиларига ўтқазилган вилоят машина-трактор парки бирлашмаси раиси Ҳ. Жўрақулов, Каттақум акциядорлик жамияти раиси Қ. Панжиев, Аму-Сурхон бошқармаси бошлиғи Ш. Махсимовлар ҳам таниш-билишчилик асосида ишга тайинлангани текшириш жараёнида аниқланди.

Энг ёмони, вилоят ҳокими ўз атрофидаги мана шундай хушомадгўй ва югурдакларининг гапига кириб, шахсий адоватга берилиб, кадр ва мутахассисларга уларнинг ишига қараб эмас, ўзига ёқиш ёки ёқмаслигига қараб муносабатда бўлган.

Айниқса, шу Сурхон воҳасининг ривожига кўп хизматлари сингган, ҳалол меҳнати билан эл-

юрт орасида обрў қозонган, тажрибали, тадбиркор инсонларни менсимаслик, уларнинг фикрларини назар-писанд қилмаслик, одамларнинг шахсиятига тегиш ҳолатлари ҳар қандай кишини ҳам ранжитади.

Ишончим комилки, мана шу залда ўтирганлар бундай мисолларни кўплаб билади.

Мен фақат битта мисол келтирмоқчиман.

Денов туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев республикамиздаги машҳур хўжалик раҳбарларидан бири.

Ҳаётда кўп нарсани кўрган, деҳқончилик илмининг устаси бўлган мана шу ҳурматли оқсоқолга нисбатан ҳам вилоят ҳокими томонидан тазйиқлар ўтказилганига, бир неча бор уни ҳеч қандай асоссиз ишдан олиб ташлаш учун уринишлар қилганига нима деса бўлади?

Халқимиз бекорга “Одамни синамоқчи бўлсанг, унга амал, лавозим бериб кўр”, демайди. Т.Қодировга ўхшаш раҳбарлар фаолиятидаги мана шундай ачинарли ҳолатларни кўрганда, киши беихтиёр бу нақлда қандай чуқур маъно ва ҳақиқат борлигига яна бир марта иқрор бўлади.

Қадрли дўстлар!

Биз Т.Қодировни вилоят ҳокими вазифасига тасдиқлаганимизда, у Сурхон элини бир мақсад йўлида бирлаштиради, бошини қовуштиради,

керак бўлса, ибрат ва намуна кўрсатиб, одамларни ўз ортидан эргаштиради, деб умид қилган, бу вазифанинг масъулияти ва жавобгарлиги ҳақида гапирган эдик.

Мансаб курсисига ўтирган ҳар қайси одам бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслиги керак: раҳбарга лавозимни, обрўни шу эл-юрт беради, лекин лавозимни унинг ўзи йўқотади. Бу оддий, шу билан бирга, ҳар бир раҳбар учун олий ҳақиқат, десак, асло хато бўлмайди.

Афсуски, бу ҳақиқатни Т. Қодиров ўз вақтида тушуниб, англаб етмади, иш фаолиятида унга амал қилмади. Бугунги вазият Т. Қодировни ўз вазифасидан, яъни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан озод қилишни талаб этади. Бу бўйича Т. Қодировнинг берган аризаси бор.

Ижозатингиз билан ана шу масалани овозга, сизларнинг тасдигингизга қўймоқчиман.

Азиз юртдошларим!

Бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилиб, шу тўғрида сизлар билан маслаҳатлашиб олмоқчиман. Бугунги тажриба, айтиш керак, аччиқ тажрибамиз шуни кўрсатадики, бирон вазифага номзод тайинлашда шу номзодлар лавозим курсисига ўтиргандан кейин, аксарият ҳолларда, берган кўпгина ваъда ва мажбуриятларини эсдан чиқариб қўяди.

Уларнинг тез вақт ичида бутунлай ўзгариб кетиши, халқдан узоқлашиб, ақлини йўқотиб қўйиши, ўзини худдики, бу вазифа унга ота-бобосидан мерос қолгандек тутиши, бошқалардан қонунга итоат қилишни талаб этиб, ўзининг қонунларни бузиши — мана шундай хунук ҳолатлар ва кўринишларнинг рўйхатини давом эттириш мумкин.

Бу касалликнинг асосий илдизлари ва сабабларини излаш, унинг ечимини топиш, ўйлайманки, бугунги куннинг энг оғир ва мураккаб вазифаларидан бири десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мисол учун, Т.Қодировни олсак, у Сариосиё туманида ҳоким бўлиб ишлаган даврида ўзининг кўзга кўринган ҳаракатлари ва амалий ишлари билан шу туманда яшаётган, меҳнат қилаётган кўпчилик одамларнинг ҳурматини қозонгани сир эмас. Орадан кўп ўтмасдан вилоят ҳокими лавозимига кўтарилгандан кейин ҳам у биринчи йили ёмон фаолият кўрсатмаган, анча самарали ишларга бош қўшган.

Лекин охир-оқибатда бу раҳбарнинг мана шундай тез ўзгариб, бутунлай издан чиқиб кетганини, ўйлайманки, қандайдир изоҳлаш, тушунтириш осон эмас.

Албатта, ҳар қайси одамнинг ҳақиқий қиёфасини, унинг иродаси бақувватлиги ёки имони

бутунлигини тўла англаш ва сезиш — бу ҳам ўта мушкул вазифа.

Халқимизнинг, қовуннинг палаги тоза бўлса, ҳеч қачон айнимайди, деган мақолида чуқур маъно бор. Яъни, бошқача айтганда, одамнинг аждоди, насл-насаби тоза бўлса, унинг фарзандлари ҳам шундай бўлади.

Лекин, шу билан бирга, ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, нафс балосига қарши туриш, ундан ўзини асраш ҳар қандай одамнинг, жумладан, катта ваколат ва имкониятга эга бўлган раҳбарларнинг ҳам қўлидан келавермас экан ва минг афсуски, бугун кўп жойларда бундай номақбул ҳолатларни кўрмоқдамиз.

Бундай ўта мураккаб муаммонинг ечимини топиш мумкинми, деган савол туғилади. Бугун биз демократик, ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамияти барпо этаётган бир пайтда, бу масалани ечиш йўллари барчамизга аниқ бўлиши зарур. Биз бу масаланинг биринчи ва асосий ечимини жамият ҳаётида ошкоралик тамойилини ўрнатишда кўришимиз керак.

Ошкораликни ҳаётимизнинг барча соҳаларида — бу кичик жамоа бўладими, туман ёки вилоят бўладими, республика бўладими — ҳамма жойда қарор топтиришимиз, бўлаётган ишларни халқимиз, жамоатчилигимиздан сир тутмас-

лигимиз керак. Барча-барча ишларимиз очиқ ва ошкора тарзда ўтиши шарт.

Иккинчидан, рўй бераётган бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун жамоатчилик назоратини, шу жумладан, депутатлик назоратини тубдан ўзгартиришимиз, унинг таъсирчанлигини оширишимиз керак.

Демоқчиманки, ҳар қайси раҳбар, у туман, шаҳар, вилоят ҳокими бўладими ёки ваколат олган давлат ходими бўладими, вилоят ва туман кенгашларида, керак бўлса, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йигинлари мажлисларида мунтазам равишда ҳисобот бериши лозим. Биз раҳбарлар фаолиятига шу асосда баҳо бериб, тегишли хулоса чиқариш тартибини қогозда эмас, амалда жорий этишимиз керак.

Бу муаммони ечишнинг яна бир йўли шуки, биз халқимиз ҳаётига бевосита алоқадор бўлган кўпгина масалалар ҳамда уларни ҳал қилиш ваколатлари ва жараёнини республикадан вилоятларга, вилоятлардан эса жойларга кўпроқ ўтказиб боришимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу йўналиш бўйича фаолиятимизни такомиллаштириш устида доимо иш олиб боришимиз, жамоатчилигимизнинг ижтимоий ролини кучайтиришга қаратилган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишимиз даркор.

Лекин бундай чора-тадбирлар қаторида энг муҳими — қонуннинг бажарилишини ва қонун олдида барчанинг тенглигини сўзда эмас, амалда таъминлашимиз зарур. Такрор айтаман, қонун олдида барчанинг тенглигига ва бу жараённинг муқаррарлигига оддий фуқаро тўла ишонч ҳосил қилиши бу борада ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Шу нуқтаи назардан вилоят мисолида гапирадиган бўлсак, вилоят ҳокими — ҳокимлигини қилсин, депутатлар кенгаши — халқ ноиблари, яъни халқ вакиллари деб ваколат олганлар ўз ишини — назорат ишларини бажарсин, суд эса, уларнинг ҳаммасига бир кўз билан қараб, ўз ишини — вилоятда адолатни қарор топтириш вазифасини адо этсин.

Ижтимоий ҳаётимизни шу даражага, шу марраларга кўтаришга, ана шу принципларни амалда таъминлашга эришган тақдирда, ўйлайманки, бугун тажрибамизда учраётган кадрлар масаласидаги мана шундай ачинарли ҳолатларнинг олдини олишга муваффақ бўламиз.

Мана шу фикрларни инобатга олган ҳолда, чуқур ўйлаб, сиз, ҳурматли депутатлар билан бамаслаҳат вилоятнинг янги раҳбари ҳақида гаплашиб олишимиз керак. Биз бу масалада ҳаётнинг паст-баландини, кўпни кўрган оқсоқоллар,

шу заминнинг муаммоларини яхши тушунадиган фаоллар билан кенгашиб, уларнинг фикрини олдик. Ва Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасига бу ернинг шарт-шароити ва одамларини яқиндан биладиган, ҳозирги пайтда Денов тумани ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Абдулҳаким Эшмуродов номзодини тавсия этишга қарор қилдик.

Ана шу масала бўйича ҳам ўз фикрингизни билдиришни сўрайман.

Азиз дўстлар!

Ишончим комилки, ҳозиргина сизлар билан сайлаб олган янги раҳбар бугун бу ерда айтилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, мана шу заминни обод қилиш йўлида ҳаётнинг ўзи илгари сураётган долзарб вазифаларни ҳал қилишда сиз, вилоят фаоллари, бутун Сурхон аҳлига таяниб ва суяниб иш олиб боради. Шу йўлда сизга, бутун вилоят аҳлига сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ, 2004 йил 1 июнь

ТОШКЕНТ САММИТИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТДАН ШАКЛЛАНИШИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧДИР

2004 йил 17 июнь куни пойтахтимизда халқаро миқёсдаги бир қатор муҳим сиёсий воқеа — Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШҲТ) Тошкент саммити бўлиб ўтганидан халқимиз яхши хабардор. Тошкент саммити минтақамиз истиқболига доир қабул қилинган муҳим ҳужжатларга, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги аниқ амалий натижаларга бойлиги, ишчанлик руҳида ўтгани билан бутун дунё жамоатчилиги эътиборини ўзига тортди.

Бу нуфузли учрашувнинг юксак савияда ўтиши ва умуман, мазкур анжумандан кўзланган мақсад ва вазифаларга эришишда саммит ишига раислик қилган Ўзбекистон раҳбарининг хизмати катта бўлгани ҳам кўпчилик томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг ушбу анжумандаги нутқида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш, минтақамиздаги иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш бўйича илгари сурилган ғоя ва так-

лифлар саммит ишининг маъно-мазмунини белгилаш ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Юртбошимиз ўз нутқида саммит иштирокчиларига мурожаат қилар экан, кун тартибига қўйилган масалалар ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўйлайманки, Тошкент саммити ШҲТнинг ташкилий жиҳатдан шаклланиши ва аввал тузилган ташкилий тузилмалар ва институтларни аниқ маъно-мазмун билан тўлдиришдаги якуний босқич сифатида тарихда қолади, деди Ислом Каримов.

Ҳозирги вақтда Пекинда ШҲТнинг котибияти иш олиб бормоқда.

Тошкентда Минтақавий антитеррор маркази тузилди. Ўтган давр мобайнида уч бор йиғилиш ўтказган Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ўз олдига қўйилган вазифаларни изчил бажармоқда, ШҲТнинг Мувофиқлаштирувчилар кенгаши тезкор, ўта муҳим ишларни амалга оширмоқда.

Ушбу саммит арафасида ШҲТга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг учрашуви ҳамда иқтисодиёт ва савдо вазирларининг мажлиси самарали ўтганини алоҳида қайд этиш зарур. Буларнинг барчаси ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган даврда бажарилган жами ишлар ШҲТ мамлакатлари, биринчи гал-

да, Россия ва Хитой раҳбарларининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини ўз зиммасига шу минтақада яшовчи халқлар хавфсизлиги ва барқарорлиги ҳамда фаровонлигини таъминлаш масъулиятини олишга қодир бўлган нуфузли халқаро ташкилотга айлантиришга қаратилган қатъий иродаси ва азму шижоати туфайли амалга оширилди.

ШҲТ фаолиятининг истиқболи ва самарадорлиги кўп жиҳатдан БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш ана шу икки етакчи давлат — Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикасининг фаол иштироки ва ҳамкорликдаги ҳаракатларига боғлиқ, десам, ўйлайманки, ҳеч қандай муболаға бўлмайди, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари, Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берар экан, бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатар ошиб бораётган бир шароитда бу минтақа ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ҳамда бой табиий-иқтисодий, минерал-хом ашё ва биринчи навбатда углеводород захиралари туфайли халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида бўлиб келаётганини қайд этди. Хусусан, Афғонистондаги тикланиш жараёни билан боғлиқ масалаларга эътиборни қаратди.

Воқеалар ижобий йўналишда ривожланаётганига қарамай, Афғонистон вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тинч йўл билан қайта тиклаш учун жиддий ёрдамга эҳтиёж сезмоқда. Бу заминда гиёҳ-

ванд моддалар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётгани, айниқса, катта хавотир уйғотади.

Минтақа мамлакатларидаги вазиятга хавф соладиган халқаро террористик, экстремистик ва айирмачи кучларнинг фаоллашаётгани ҳам қаттиқ ташвиш уйғотмай қолмайди.

Ислом Каримов ҳозирги кунда ҳар бир мамлакатнинг ва бутун минтақанинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, коммуникация ва транспорт соҳаси, сув-энергетика ва хом ашё захираларидан, инсоний салоҳиятдан оқилона фойдаланишга доир лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳаракатларни ўзаро келишиш ва мувофиқлаштириш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Минтақага хорижий капитал ва инвестицияларни жалб этиш, шу мақсадда бу ҳудуддаги барча мамлакатлар учун умумий бўлган шарт ва қоидаларни шакллантириш лозимлигини уқтириб ўтди.

Марказий Осиё ҳар бири ўзига хос тарихий, этник-маданий илдизларга, диний ва ижтимоий турмуш тарзига, ўз менталитетига эга бўлган мамлакатлар ва халқлар яшайдиган минтақа эканини доимо ёдда тутиш муҳим, деди Ўзбекистон Президенти. Уларнинг ҳар бири вазмин, жуда эътибор билан, таъбир жоиз бўлса, ҳурмат-эҳтиром билан ёндашишни талаб қилади.

Марказий Осиёда юз бераётган кўплаб воқеаларни тушунишнинг калити ва минтақада барқарорлик

ва хавфсизликни сақлаш борасидаги мураккаб муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан ана шундай ёндашув замирида мужассам, десак, хато бўлмайди.

Айнан ана шу омилларни ҳисобга олмайдиган барча ташаббуслар, ўйлайманки, самарали ва муваффақиятли бўлмайди.

Биз шунга қатъий аминмизки, ШҲТнинг биносини кўтариб турадиган асосий устунлар, энг муҳим йўналишлар — хавфсизлик ва иқтисодиёт бўлиши зарур. Ана шу икки устун ёки таъбир жоиз бўлса, араванинг икки ғилдирагига таянган ҳолдагина, ШҲТ фаолиятининг самарадорлиги ва унинг халқаро нуфузини, шиддат билан ўзгараётган дунёдаги вазиятга мос тарзда ҳаракат қилишини таъминлаш мумкин.

Ислом Каримов Ўзбекистон ШҲТнинг устувор вазифаси сифатида эълон қилинган халқаро терроризм, экстремизм, айирмачилик ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши муросасиз курашни сўзсиз қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Бугун ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокида расмий очилиш маросими бўлиб ўтган Минтақавий антитеррор тузилманинг фаолияти айни ана шу мақсад ва вазифаларга қаратилган, деди давлатимиз раҳбари. Ва ушбу тузилма фаолиятини такомиллаштириш ҳақида тўхталиб, жумладан, қуйидаги амалий таклиф ва мулоҳазаларни илгари сурди.

Минтақавий антитеррор тузилманинг ўз вақтида ишга туширилиши ШҲТга аъзо барча мамлакатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари, давлат раҳбарларининг бу масалага шахсий эътибори туфайли амалга ошди.

Минтақавий антитеррор тузилманинг мақоми, энг муҳим фаолият йўналишлари ШҲТнинг давлат бошлиқлари даражасида тасдиқланган асосий ҳужжатлари билан белгилаб берилган. ШҲТнинг турли даражадаги учрашувларида Минтақавий антитеррор тузилма фаолиятини бевосита шакллантириш ва ташкил қилиш билан боғлиқ жами 9 та ҳужжат қабул қилинди.

Ижозатингиз билан Минтақавий антитеррор тузилма фаолиятининг баъзи муҳим томонларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Минтақавий антитеррор тузилманинг муваффақиятли фаолият олиб боришининг энг муҳим шарти — бизнинг Марказий Осиё минтақаси ва бутун дунёдаги хавфсизлик ва барқарорликка қарши қаратилган хавф-хатар ва таҳдидларга умумий ва ягона ёндашув ва қарашимиз, десам, умид қиламанки, умумий фикрни айтган бўламан, деди Юртбошимиз.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз хавфсизлигига бир хилда таҳдид солаётган хатарларнинг умумийлигини англаш бизни бирлаштириши зарур ва шарт.

Иккинчидан, Минтақавий антитеррор тузилмани ШҲТ мамлакатларининг тегишли хизматлари вакиллари — қўйилган вазифаларни юксак профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш ўта долзарб аҳамиятга эга. Минтақавий антитеррор тузилманинг бош идораси ходимлари уларни вакил қилиб юборган мамлакатлар пойтахтларидаги ўз ҳамкасблари билан боғланиш, мулоқот қилиш ва доимий алоқада бўлиб туриши жуда муҳим.

Учинчидан, биз ишонамизки, фақат махсус хизматлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги юқори даражадаги ишонч ва яқин ҳамкорликкина тезкор аҳамиятга эга бўлган ахборотлар билан ўз вақтида алмашиш, турли хавф-хатарларга қарши олдиндан зарба берадиган тадбирларни ҳамкорликда аниқ режалаштириш ва амалга оширишни таъминлайдиган ҳақиқий самарали алоқаларни йўлга қўйиш имконини беради.

Тўртинчидан, Минтақавий антитеррор тузилма БМТ, АСЕАН, Интерпол, Европол сингари етакчи халқаро ташкилотларнинг антитеррор марказлари билан амалий ҳамкорлик учун очиқ бўлиши лозим.

Бешинчидан, агарки халқаро терроризм ва унинг ортида турган экстремистик марказлар ва кучлар катта молиявий ва бошқа ресурсларга, ўзгараётган вазиятга қараб тез шаклини ўзгарти-

риш ва мослашиш қобилиятига эга бўлса, бундай бало-қазога қарши курашиш уларга махсус кўп томонлама ҳамкорлик усулларини ва биринчи навбатда олдиндан пайини қирқиш ишларини қўллашни талаб қилади.

Ва ниҳоят, олтинчидан, ШҲТ иш юритишнинг фақат куч ишлатиш ва ҳуқуқ-тартибот усуллари билан чекланиб қолмаслиги лозим. Муаммога кенгроқ қараш зарур. Бизнинг назаримизда, терроризмнинг мафкуравий негизи ва манбаларини таг-томири билан қўпориб ташлаш учун бутун бир тадбирлар мажмуи, жумладан, маънавий-маърифий, таълим, тарғибот-ташвиқот йўналишидаги ишларни амалга ошириш лозим.

Минтақавий антитеррор тузилманинг муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича Ўзбекистон бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларини ишга солади, деб ишонтириб айтмоқчиман, деди мамлакатимиз раҳбари.

ШҲТ доирасида террорчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорлигимиз истиқболлари ҳақида сўз борар экан, менинг назаримда жуда муҳим ҳисобланган қуйидаги масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман, деди Ислом Каримов ўз фикрини давом эттириб.

Биз фақат террорчилик кўринишларининг ўзига, портлашлар содир этиб, бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлаётганларга қарши кураш билан

чекланмаслигимиз керак. Булар аслида биз терроризм деб атайдиган найзанинг бир учи, холос.

Аввалambор, нафрат ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўп сонли радикал ва экстремистик марказларга, одамларнинг онгини заҳарлаётган ва биринчи галда ёшларни йўлдан оздираётган, айтиш мумкинки, бўлажак террорчиларни тайёрлайдиган бамисоли конвейер ярataётганларга қарши курашиш даркор.

Ўзбекистон Президенти ҳеч қайси мамлакат наркоагрессия, халқаро террорчилик, диний экстремизм ва айирмачилик каби иллатларнинг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга ўтишига бефарқ қарайдиган шунчаки «транзит» бўлолмаслиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлади. Афсуски, баъзи қўшни ҳудудларда бу борада ўзгача фикрлар ҳам қулоққа чалинмоқда. Ёвузлик найзаси ҳозирча гўё бошқаларга қаратилганига ишониб, бундай офат ва таҳдидларга қарши қатъий курашдан ўзини четга олишга уриниш хатарли хато бўлиши мумкин. Чунки хавфсизлик яхлит ва бўлинмайдиган тушунча эканини ҳаётнинг ўзи такрор ва такрор исботламоқда. Шу боис ШҲТнинг жавобгарлик ҳудуди деган тушунча истеъмолга киришга ҳақли ва бунинг учун барча асослар бор.

Энди ШҲТнинг иқтисодий тузилмаларини кучайтириш зарурати ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман, деб Президентимиз саммит иштирокчилари

эътиборини яна бир муҳим масалага қаратди. Марказий Осиё умумий бозорини шакллантиришни биз бу вазифани тубдан ҳал этишнинг ечимларидан бири деб биламиз. Бу вазифанинг амалга оширилиши, бизнинг назаримизда, минтақа мамлакатлари ва халқларининг туб стратегик манфаатларига мос келган бўлур эди. Россия, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг фаол иштирокида умумий бозор тузиш бугун амалда бўлган тор миллий доирадаги бозорлар ўрнига минтақада товарлар ва хизматларнинг, меҳнат ва сармоянинг ягона ёндашув, ягона қонуний меъёр ва қоидалар жорий этилган йирик ва жуда кенг кўламли бозорини шакллантириш имконини беради.

Шу тариқа хорижий сармоя ва илғор технологияларни жалб этиш учун кенг имкониятлар очилади. Бу эса пировардида иқтисодиётни барқарор ўстириш ва одамлар турмуш даражасини оширишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Ислом Каримов Ўзбекистон томони саммит йиғилишида Марказий Осиё ҳудуди орқали ўтадиган йирик транспорт-коммуникация лойиҳалари, транспорт йўлаклари ва йўналишлари борасида илгари сурилган ғоя ва таклифларни қўллаб-қувватлашини таъкидлади. Бу ғоя ва таклифлар ўз навбатида ШҲТга аъзо давлатлар билан Европа Иттифоқи, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-

иқтисодий алоқаларни кучайтирувчи омилга айланиши мумкинлигига эътиборни қаратди.

Афгонистонни минтақавий муаммоларни ечишга жалб этиш, мамлакатни тинчлик йўли билан қайта тиклаш жараёнида зарур ёрдамни кўрсатиш мақсадида ШҲТ давлатларининг Афғонистонга кўмаклашиш бўйича ўзаро келишилган аниқ қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти тузилганига уч йил бўлди, деди Ислом Каримов ўз нутқини якунлар экан. Ўтган давр мобайнида эришилган асосий натижа шуки, ШҲТ амалий фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро ташкилот сифатида шаклланиб бўлди. Ишончим комилки, ҳозирги шиддат билан ўзгараётган дунёда халқларимиз фаровонлиги йўлида муносиб ўрин эгаллаш учун ШҲТ, шубҳасиз, катта имкониятларга эга.

Ўз навбатида шуни ҳам айтиш керакки, давлатимиз раҳбари нутқида кўтарилган масалалар ижросини таъминлаш, аввалambор, минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятига янгича маъно-мазмун бахш этиш, унинг самарадорлигини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

2004 йил 21 июнь куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги фармонида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисни очар экан, Президент Ислом Каримов, аввало, ана шу фармон нима учун қабул қилинди, унинг бош мақсади нимага қаратилган ва ушбу ҳужжатда белгилаб берилган асосий вазифаларни бажаришда нималарга эътибор қаратиш керак, деган саволларга жавоб топишимиз ва шу ҳақда фикр алмашиб олишимиз зарур, деди.

Бу масала биринчи галда Хотин-қизлар қўмитаси нима учун ташкил қилинган, у нима учун керак, деган муҳим бир саволни ўртага кўндаланг қўйишни талаб қилади. Бу савол қандай ғалати туюлмасин, унинг замирида жуда катта маъно бор.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Хотин-қизлар қўмитаси ўзида аввало жамоатчилик ташаб-

бусини мужассам этадиган тузилма, деб таъкидлади Президентимиз. У хотин-қизларнинг жамоатчилик асосида тузиладиган бошланғич ташкилотлари орқали аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва турли манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўзига хос муаммоларини ечишга қаратилган табиий интилишларини ифода этади. Агарки, биз эртанги кунимизни чуқурроқ тасаввур этадиган бўлсак, Хотин-қизлар қўмитасини фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантириш ҳақида ўйлашимиз зарур.

Биз фуқаролик жамияти ҳақида кўп гапирамиз, аммо, очиқ айтиш керак, унинг маъно-мазмуни, шакл-шамойилини ҳамма ҳам тўғри тушунавермайди. Фуқаролик жамиятининг энг асосий белгиси — бу давлатнинг вазифа-ваколатларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий маданиятини оширишдан иборат.

Биз ўз олдимизга қўйган кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазифаси мана шу ва шунга ўхшаш жараёнларда ўз ифодасини топиши зарур.

Бутун маърифий дунёда хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги

ҳақида, ўйлайманки, узоқ гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Албатта, мана шундай интилишларни амалга ошириш мақсадида давлат, давлат тизими ва ҳокимият четда турмасдан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини амалда жорий этишни давлат сиёсати даражасига кўтаришга ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Яъни, қисқа қилиб айтганда, хотин-қизлар ҳаракатининг жойлардаги ва марказдаги фаолиятини ўзида мужассам этган Республика Хотин-қизлар қўмитаси ишида юқорида зикр этилган икки йўналиш уйғунлашган бўлиши лозим.

Афсуски, бизда ҳанузгача Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари фаолияти ва мақсадини айнан шундай тушуниш етишмаяпти, деди Ислом Каримов. Бунинг сабаблари ҳақида гапирганда, шуни айтиш керакки, Хотин-қизлар қўмитаси бизда кўпроқ давлат ҳисобидан молиялаштириладиган ва ўз фаолиятида маъмурий бошқарув усулларидан, яъни юқоридан туриб буйруқ-кўрсатма ва топшириқлар бериш усулидан фойдаланадиган давлат тузилмаси каби қабул қилинади.

Марказда ҳам, жойларда ҳам аҳвол ана шундай. Хотин-қизлар қўмиталарини бошқарадиган аксарият фаолларимиз мансаб курсисига ўтириши билан аёллар жамоатчилигидан ажралиб қола-

ди ва иш юритишда асосан маъмурий-буйруқбозлик услубига ўтиб олади.

Бу қўмиталарда ишлаётган кўпчилик раҳбарлар ўзларини аёллар жамоатчилигининг вакили эмас, балки хотин-қизларни бошқариш учун қўйилган давлат ходимлари, деб ҳис қилади, ўзини асосан давлат бошқарувчиси, давлат назоратчиси, деб кўрсатади. Ўз иши ва фаолиятининг мақсадини ҳам худди шундай тушунади.

Бундай ёндашув эса нимага олиб келиши маълум: аёлларимизнинг кайфияти ва ҳақиқий аҳволи, муаммолари ва манфаатлари четда қолиб кетади. Натижада бундай қўмиталар билан оддий хотин-қизлар ўртасида узилиш пайдо бўлади ва бу узилишни аввалambор шу соҳага масъул бўлган одамлар, афсуски, сезмай юрибди.

Аслида эса, хотин-қизлар қўмиталарида амалдорлар — бюрократлар эмас, ўзини аёлларнинг ишончли вакиллари сифатида ҳис қиладиган фаоллар иш олиб бориши шарт, деди Президент.

Опа-сингилларимиз орасида фаолият олиб боришда қурултойлар, хотин-қизлар қўмиталарининг конференцияларини ўтказиш каби иш юритишнинг демократик шакллари деярли ишламаяпти, уларнинг амалий самараси сезилмаяпти. Ҳолбуки, ишга айнан ана шундай ёндашув орқали аёлларимиз, қизларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиши, шу тариқа қуйидан,

жамоатчилик орасидан чиқадиган таклиф-ташаббусларни аниқлаш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Хотин-қизлар қўмитаси, гарчи давлат томонидан молиялаштирилаётган бўлса-да, аслида у биринчи навбатда фуқаролик жамиятининг бир институти сифатида аёлларимизнинг ижтимоий манфаатларини ифода этадиган ташкилот эканини унутиб қўйган. Хотин-қизлар қўмитаси фуқаролик институтига хос иш шаклларидан бутунлай узоқлашиб, "давлат вакили" деган жуда қулай мақомга ўтиб олган. Бундай иш услуби бугунги кун талабларига асло жавоб бермайди.

Албатта, давлат Хотин-қизлар қўмитасига турли тадбирларни ўтказишда ёрдамини аямайди, лекин бундай тадбирларнинг маъно-мазмуни ва йўналиши аёлларнинг ўзлари томонидан, хотин-қизлар ташкилотлари томонидан шакллантирилиши лозим. Яна бир бор такрорлайман, биз фақат моддий мадад кўрсатишимиз керак, аммо тадбирларни уюштириш ташаббуси, уларнинг маъно-мазмуни қуйидан — фуқаролик жамиятининг вакиллари бўлмиш хотин-қизлар ташкилотларидан чиқиши керак, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Бу қўмиталарда фаолият олиб бораётганлар жамоатчилик олдида, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари олдида амалда ҳисоб бермайди. Бу

мутлақо нотўғри. Туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида хотин-қизлар қўмиталарининг жамоатчилик олдида — делегатлар олдида эмас, балки хотин-қизларнинг жамоатчилик ташкилотлари олдида мунтазам ҳисобот бериб туришини таъминлайдиган тизим жорий этилиши лозим.

Хотин-қизлар қўмиталарининг ахборот ва матбуот хизматлари билан алоқалари ҳам талаб даражасида эмас. Аёллар ҳаётини ёритадиган матбуот нашрлари қандай мавзу ва муаммоларни кўтариб чиқаётгани, улар ўз ўқувчилари, биринчи навбатда, ёш хотин-қизларга қандай таъсир кўрсатаётганини, уларнинг фаолиятига танқидий баҳо бериш масалалари ҳам мазкур қўмиталарнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Бугунги кунда юртимиз аёллари ҳаётнинг барча соҳаларида — ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол иштирок этмоқда. Уларнинг мақсад-муддаолари, орзу-интилишлари, жамиятдаги мавқеи ҳам ўзига хос ва турлича бўлиши табиий.

Масалан, уларнинг маълум бир тоифаси шаҳар, туман ва республика миқёсидаги турли тузилмаларга тайинланган ёки сайланган аёллар бўлиб, улар, минг афсуски, асосан ўзларини, ваколатини намойиш қилишга, бошқа аёллардан ажралиб туришга ҳаракат қилади.

Бундай ҳолат бизда мавжуд ва уни очиқ айтишимиз керак.

Яна бир тоифа — хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шу билан бирга, тадбиркорлик, тижоратчилик фаолиятида ўзи учун қулай имконият ва имтиёзлар яратишга, ўз манфаатларини таъминлашга ҳаракат қиладиган аёллар. Уларнинг сафи бугунги кунда тобора кенгайиб бормоқда ва биз уларга ўрта синф вакиллари сифатида қарашимиз, тегишли ёрдам ва кўмак беришимиз лозим.

Айни пайтда хотин-қизлар, аввало қишлоқларда яшаётган опа-сингилларимиз орасида бизнинг эътиборимиздан четда қолган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган аёллар борлигини ҳам таассуф билан тан олишимиз керак, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Табиийки, ҳаётда бўшлиқ бўлмаганидек, бундай хотин-қизларга ўзига хос таъсир кўрсатишга уринадиган аёллар ҳам топилади. Улар тўй-маъракалар, турли урф-одат, дафн ва бошқа маросимларда кўпчиликка бош-қош бўлиб, ишбошилик қилади. Уларнинг номини отинойи дейдими, дастурхончи ёки кайвони дейдими, ҳар бир маҳаллада учрайдиган бундай аёлларсиз ҳаётда кўпгина юмушлар битмайди.

Биз бир нарсани ҳисобга олишимиз даркор. Ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом дини — ҳаммамиз учун муқаддас, халқимизнинг асосий

қисми шу динга эътиқод қилади. Шу дин билан боғлиқ урф-одатларга мусулмон фарзандлари сифатида барчамиз ҳам риоя қиламиз. Бу — инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Шундай экан, маҳаллалар хотин-қизлари орасида ана шу урф-одатларга тўла амал қилинаётгани ҳам — бор ҳақиқат. Буни кўрмаслик ва сезмаслик мумкин эмас. Шу сабабли бундай аёлларга зарур ёрдам кўрсатиб, қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларни маҳалла бошқаруви таркибига киритиш, жойларда ҳокимликлар, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари, диний ташкилотлар улар билан ҳамкорликда иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Бу борада бизнинг ҳаёт тарзимизга, миллий-диний қадриятларимизга зид бўлган носоғлом қарашларга, жангарилик, мутаассиблик кайфиятларининг тарқалишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Президент ўз фикрини давом эттириб, бугун хотин-қизлар қўмиталари, жумладан, республика, вилоят, шаҳар ва туман ташкилотларининг фаолиятини замон талаблари асосида танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш, ушбу қўмиталарнинг раҳбар ва фаоллари ишини юқорида билдирилган мезонлар бўйича холисона баҳолаш кераклигига ҳам тўхталиб ўтди.

Мажлисда Ислом Каримов аёлларни иш билан таъминлаш, оилани, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, таълим-тарбия со-

ҳасидаги долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Хотин-қизлар ўртасида бандлик масалаларини ҳар томонлама кўриб чиқиш лозим. Давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам билан бир қаторда, биринчи навбатда, уларнинг ўзларига ишлаб даромад топиш учун имконият туғдириш керак. Бу йўналиш вақтинчалик иш ўринлари барпо этиш, касаначилик фаолиятини ташкил этиш ва шу сингари аёлларнинг ижтимоий бандлигини таъминлайдиган кўплаб усулларни ўз ичига олади.

Қишлоқ жойларида яшайдиган хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишда биринчи ва энг муҳим қадам — уларни иш билан таъминлашдир. Аёл киши ўзи ишлаб даромад топса, у мустақил бўлади ва ўзини ўзи ҳимоя эта олади. Ҳар қандай иш — аёлнинг мустақиллиги, фаол турмуш тарзининг биринчи шартидир. Аёл иш билан банд бўлмаса, ижтимоий жиҳатдан фаол бўла олмайди.

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш учун биринчи навбатда мазкур йўналишда қабул қилинган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш, уларни махсус изоҳлар билан алоҳида тўплам шаклида нашр этиш керак. Шу билан бирга, уларнинг қандай бажарилаётганини баҳолаш ва текшириб кўриш зарур. Ва ана шу

ишларнинг натижасини мамлакатимиз парламенти ва ҳукуматининг махсус йиғилишида кўриб чиқиш лозим. Қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини текшириш ва уларни бажармай келаётганларни жавобгарликка тортиш керак.

Дунёда, ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш йўналиши бўйича — бу скрининглар бўладими, патронаж ва бошқалар бўладими — қандай замонавий усуллар, ускуна ва воситалар, илғор иш шакллари ва институтлардан фойдаланилаётганини ва бундай тажриба бизда қандай қўлланилаётганини аниқлаш лозим, деди Президентимиз. Бу институтларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш учун, аввало, тегишли молиявий манбаларни топиш зарур.

Бу мақсадларни амалга оширишнинг бош шарти оилага бўлган эътибор билан белгиланади. Бу ўринда гап оилада болалар тарбияси учун яратилган шароит, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғлом этиб тарбиялаш ҳақида бормоқда. Қайси оилада муҳит соғлом бўлмаса, ўша ерда ахлоқи бузуқ, ноқобил болалар пайдо бўлиши барчага аён.

Шу масалаларни ечиш учун хотин-қизлар қўмиталарининг маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан доимий алоқасини йўлга қўйиш, бир ёқадан бош чиқариб ишни ташкил қилиш лозим. Оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит барпо этишда маҳалла ва хотин-қизлар

ташкилотларининг ролини ошириш даркор. Бизда фуқаролик жамиятининг икки асосий бўғини — бу маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари бўлиб, улар ўзаро уйғунликда ҳаракат қилиши керак.

Лекин бу ўта муҳим масала фақатгина ана шу ташкилотларнинг вазифаси эмас. Ёшлар ўртасида диний экстремизм, ақидапарастлик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олишда, фарзандларимизни бундай бало-қазолардан асраш учун курашда, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашда ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, хусусан, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, Дин ишлари бўйича қўмита, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Оила" маркази, кенг жамоатчилик, барчамиз масъулмиз, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизларнинг социал ва ижтимоий фаоллигини ошириш масаласига ҳам атрофлича тўхталиб ўтди.

Бу борада хотин-қизларнинг сайланадиган, вакиллик ва бошқа давлат ҳокимият идораларидаги кенг иштирокини таъминлаш муҳим аҳмиятга эга. Жамиятимиздаги билимдон, ҳаёт мазмунини тўғри тушунадиган, фаол ва ташаббускор хотин-қизларнинг ҳокимият вакиллик идораларига сайланиши ва уларда иштирок этиши учун янада кўпроқ имкониятлар яратиш, уларга кенг йўл очиб бериш керак.

Шу борада нодавлат жамоат ташкилотларини ривожлантириш масаласига ҳам тўхталиб, Президентимиз уларнинг мақоми ва имкониятларини мустаҳкамлаш, юзага чиқадиган муаммоларнинг ечимини топиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиши лозимлигини айтиб ўтди. Шу йўналишнинг ҳал қилувчи масалаларидан бири — бу хотин-қизларнинг таълим ва малака даражасини ошириш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон бугун бутун дунёда ўзига муносиб обрў-эътибор қозонмоқда, деди Юртбошимиз ўз сўзини давом эттириб. Бу жараённинг узвий ва ажралмас қисми — опа-сингилларимиз, қизларимизнинг халқаро майдонга чиқишида намоён бўлади. Бунда айниқса хотин-қизлар қўмиталари, аёллар ташкилотларининг халқаро хотин-қизлар ҳаракатида, гуманитар, таълим ва бошқа соҳаларда фаолият олиб борадиган ташкилотлар ишида фаол иштирокини таъминлаш бениҳоя катта аҳамиятга эга.

Ана шу долзарб масалаларни оқилона ҳал этиш орқалигина биз ўз олдимизга қўйган ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш вазифасини ҳал этишимиз, эзгу мақсад-муддаоларимизга етишимиз мумкин, деб таъкидлади Президентимиз пировардида.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Аввалambор, ўз ҳаётини матбуот ва ахборот соҳасига бағишлаган сиз, заҳматкаш журналистларни, муҳтарам фахрийларимизни, юртимиздаги барча оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа ходимларини бугунги байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Азиз дўстлар!

Ҳар қайси ташкилот, ҳар қайси меҳнат жамоаси ўз фаолияти билан боғлиқ муайян саналарни нишонлар экан, албатта, шу ўтган давр мобайнида қўлга киритган натижа ва ютуқларини сарҳисоб қилади. Шу билан бирга, ўз ишига танқидий баҳо бериб, олдига қўйган марраларга етишда нималарга эришгани ва нималарга эриша олмаганини, бунга нималар халақит бераётганини таҳлил этиб, тегишли сабоқ ва хулосалар чиқаради.

Шу маънода, бугун ўз байрамини нишонлаётган журналистлар, аввалambор, жуда шарафли, айни пайтда ўта оғир ва машаққатли бу касбнинг ҳақиқий усталари, чинакам фидойилари,

бу соҳанинг қувонч ва изтиробларини юрагидан, қалбидан ўтказадиган бутун матбуот ва ахборот аҳли ҳам шундай саволларга жавоб излаши табиий, деб ўйлайман.

Албатта, оммавий ахборот воситалари фаолиятига баҳо беришда ҳокимият ва мансаб курсисида ўтирганлар эмас, аввало шу касбнинг заҳматини чекадиган инсонлар, уларнинг меҳнатидан, маҳоратидан баҳраманд бўладиган муштарийлар ва кенг ўқувчилар оммаси, жамоатчилик фикрига суяниш энг ҳаққоний, демократик ёндашув бўлади.

Барчамизга маълумки, информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитида матбуот, айниқса, журналистлар зиммасида бир-биридан долзарб, бир-биридан масъулиятли вазифалар турибди. Лекин, менинг назаримда, уларнинг орасида энг муҳим бир йўналиш борки, у ҳам бўлса, халқимиз манфаатларини ҳимоялашдан иборат.

Содда қилиб айтганда, олис қишлоқ ёки туманда, шаҳар ёки вилоятда бўладими, бизнинг бугунги ҳаётимизни, давлатимиз ва жамиятимиз юкини ўз елкасида кўтариб келаётган инсонларнинг манфаатини ҳимоялаш матбуот аҳлининг нафақат вазифаси, балки муқаддас бурчидир.

Табиийки, ҳимоялаш деганда, биз барчамиз жуда кенг маънони кўзда тутамиз. Биринчи галда, бу сўз орқали миллатни миллат, халқни халқ

қиладиган азалий урф-одат ва миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлашни англаймиз.

Ҳимоялаш деганда, бизнинг миллий ғоямиз бўлмиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигига эришиш, мухтасар айтганда, эркин, озод ва обод ҳаёт барпо этиш йўлидаги ғов ва муаммоларга халқнинг кўзини кенг очиб бериш, уларни йўлдан олиб ташлаш учун ўз маҳорати ва истеъдодини бағишлашни тушунамиз.

Юртимизга қарши қаратилган информацион хуружларга зарба бериш, биз танлаган эзгу мақсад ва муддаоларни кўролмайдиган четдаги ва ўзимиздан чиққан айрим тили бурро шоввозларни, турли ниқоблар остида ўзини ҳаммадан доно, бизга энг яқин ёрдамчи ва маслаҳатгўй қилиб кўрсатадиган, ҳатто миллий анъаналаримиз ва ҳаёт тарзимизни ўзимиздан ҳам яхшироқ билишни даъво қиладиган кимсаларнинг сохта уринишларини фош этиш ҳам халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишнинг яна бир амалий намоёнидир.

Матбуот аҳлининг меҳнатини, уларга худонинг ўзи берган истеъдодни юксак баҳолаб, мен журналистларга тақдир-қисмати доимо халқ билан боғланган, ҳаётнинг энг қайноқ, энг оғир, ҳал қилувчи жабҳаларида бўлиб, эл-юртнинг қувонч ва ташвишлари, умид ва интилишларини чуқур ҳис қиладиган ва ифода этадиган ноёб касб эгалари, фидойи инсонлар сифатида қараш тарафдориман.

Шу боис, мамлакатимизда муҳим сиёсий, иқтисодий-ижтимоий қарорлар қабул қилишда халқ қалбининг кўзгуси бўлмиш матбуот фикрини инобатга олиш алоҳида аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Айни вақтда, биз оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини, молиявий таъминотини мустаҳкамлашга журналистларнинг мустақил фаолият ва фикр юритишининг асосий кафолати тариқасида қарашимиз ва бу масалага катта эътибор беришимиз керак.

Азиз дўстлар!

Жамият ҳаётида муносиб ўрин ва обрў-эътибор қозониш учун бугунги шиддаткор замонда журналист аҳли, оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш йўлида олиб бораётган умумхалқ ҳаракатимизнинг энг олдинги сафларида бўлиши албатта шарт, десак, ўйлайманки, ҳаммангиз шу фикрга қўшиласиз.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаётда мана шундай юксак марраларни эгаллашда барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий ютуқлар, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

РАҲБАР ТАШАББУСКОР, ТАЛАБЧАН ВА АЛБАТТА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

2004 йил 9 июль куни Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Аввало, бугун мана шу муаззам ва муқаддас Самарқанд заминида туриб, сиз, муҳтарам юртдошларимга, сизларнинг тимсолингизда барча вилоят аҳлига тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилашга ижозат бергайсиз, деди Президент Ислом Каримов сессияда сўзлаган нутқида.

Самарқанд деганда, кўз ўнгимизда, аввало, жаҳоннинг қадимий цивилизация бешикларидан бири, ўзининг бой тарихи ва маданияти, улкан иқтисодий ва маданий салоҳияти, гўзал табиати билан ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этадиган бетакрор бир маскан намоён бўлади.

Самарқанд тимсолида дунё аҳли нафақат Ўзбекистон, нафақат Ўрта Осиё, балки кўҳна

Шарқ оламини ўзига тасаввур қилиши, шу боис бу заминга катта қизиқиш ва ҳурмат-эҳтиром билан қараши ҳақида батафсил гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, деб қайд этди Юртбошимиз.

Самарқанд тимсолида миллатимиз, халқимиз онгу тафаккурида Амир Темур бобомизнинг шону шавкати, Улуғбек даҳоси, Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Хожа Аҳрор ва Махдуми Аъзам каби азиз-авлиёларимизнинг хоки поклари ётган муборак замин гавдаланади.

Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси, юртимизда яшайдиган ҳар қайси инсон, миллати ва тилидан қатъи назар, ер юзининг сайқали деб ном олган Самарқанд билан ҳамиша ғурур ва ифтихор қилиб яшайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугунги кунда Самарқанд вилояти, ҳаётнинг қайси соҳаси бўлмасин — бу саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, маданият, фан, таълим ёки соглиқни сақлаш бўладими — буларнинг барчасида ўзига хос юксак салоҳиятини намоён этаётгани, унинг юртимиз ривожига қўшаётган ҳиссаси ва улуши катта эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгариш ва ислоҳотларда Самарқанднинг намуна бўладиган кўп-кўп жиҳатлари борлигини ҳам эътироф этишимиз керак.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд шаҳри, Самарқанд вилояти нафақат ўзининг тарихи, юксак маданияти, иқтисодий имкониятлари билан, керак бўлса, бетакрорлиги билан ҳам Ўзбекистоннинг бутун ранг-баранглигини ўзида мужассам этади.

Биз буни Самарқанд заминида ўзаро тотув ва ҳамжиҳат бўлиб яшаётган кўп миллатли аҳоли тимсолида, ижтимоий инфратузилмалар, етакчи олий ўқув юртлари, фан ва маданият масканлари фаолиятида, саноат, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида, вилоятнинг бугунги ҳаёти ва буюк истиқболга интилишида кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам Самарқанднинг ўзига хос аҳамияти, моҳияти ва хосияти бетакрорлиги ҳақида хулоса қилар экан, Самарқанднинг эришаётган ютуқлари, вилоят эртанги ҳаётининг пойдевори тўғри ва мустаҳкам бўлиши учун бугун бу ерда мавжуд муаммоларни бартараф этишда Ўзбекистон раҳбарияти, ҳукуматимиз, Олий Мажлис депутатлари, вилоят халқ ноиблари, вилоят фаоллари, қисқа қилиб айтганда, барча ўз масъулиятини ва жавобгарлигини ҳис қилиши табиий эканлигини уқтирди.

Самарқанд вилоятининг навбатдан ташқари сессияси кун тартибига қўйилган масала ҳақида

гапирганда, гап ким ҳақида бораётгани ва бу мажлисни ўтказишга нима сабаб бўлаётгани вилоят депутатлари ва фаолларига маълум бўлиши керак, деди Ислом Каримов.

Охирги икки-уч ҳафта давомида Марказдан мутасадди раҳбар ва мутахассислар келиб, Самарқанднинг ҳозирги аҳволини, бу ерда олиб борилаётган ишларни, вилоят раҳбарияти фаолиятини, лўнда қилиб айтганда, мавжуд муҳит ва вазиятни ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқаётганидан ҳам хабардорсиз, албатта. Шуни таъкидлаб ўтишни зарур деб биламан: бугунги сессияда гап вилоятнинг барча соҳа ва йўналишларидаги белгиланган режаларни бажариш ва тармоқларни ривожлантириш бўйича ҳисобот ва баҳо бериш ҳақида кетаётгани йўқ. Албатта, бундай таҳлилнинг ҳам вақти-соати келади, бу ишни йил якуни бўйича амалга ошириш ўринли бўлади, деб ҳисоблайман.

Вилоятдаги мавжуд ҳолат ва вазиятни ҳисобга олиб, бугун сиз, халқ вакиллари билан муҳим бир масалани муҳокама қилиб, керакли хулосаларни чиқаришимиз зарур.

Сўз вилоятнинг биринчи ҳокими ва умуман, вилоят раҳбариятининг иши, унинг вилоят ҳаётига таъсири, керак бўлса, бугун ва эртага номақбул оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган айрим ҳолатлар, Самарқанд вилояти ва шаҳри

миқёсида юзага келган, очиқ айтишимиз керак, носоғлом муҳит ҳақида, бугун сизлар билан бирга атрофлича фикрлашиб, бундай вазиятни бартараф этиш, тегишли чораларни кўриш ҳақида бормоқда, деди Президент. Акс ҳолда бундай вазият эртага газак олиб, оғир муаммоларга айланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Олдин Самарқанд вилояти ҳокими лавозимида ишлаган Ш.Мирзиёев Олий Мажлис сессиясида Бош вазир этиб сайланганидан кейин унинг ўрнига Рустам Холмуродов вилоят ҳокими лавозимига тайинланганини кўпчилик яхши эслайди. Чунки бунга бор-йўғи олти-етти ой бўлди, холос.

Ўшанда бу шахсга қандай умид, қандай ниятлар билан ишонч билдириб, аввалambор, унинг олдинги иш фаолиятини ҳисобга олиб, керак бўлса, Тошкентда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида вазирнинг биринчи муовини бўлиб ишлагани, Самарқанддаги иккита етакчи олий ўқув юртига раҳбарлик қилгани, бу одам билан бирга ишлаган мутахассисларнинг фикрини чуқур ўрганиб, мана шу хулосага келганимиз, яъни уни вилоят ҳокими лавозимига тайинлаганимизни эслаб ўтишимиз ўринли бўлади, деди Президент.

Ва ана шу сессияда бу кишини юксак вазифага тайинлаганимизда, унинг билими ва ҳаёт тажрибасини инкор этмаган ҳолда, янги лавозимда ишлаш учун нималарга эътибор бериш

зарурлиги ҳақида айтган фикрларимизни ёдга олсак ва бугунги сессия кун тартибига қўйилган масалани айнан шундан бошласак, менимча, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Биринчи галда, вилоят ҳаётига чуқур кириб бориш, одамларнинг аҳволидан бохабар бўлиш, бутун вилоятни ўз елкасида кўтариб турган ишчи ва деҳқонлар, зиёлилар, хотин-қизлар, кексаларнинг дарду армонларини билиб, шу аснода уларнинг ишончини оқлаш учун бор куч-қуввати, ақл-заковатини сафарбар қилиш кераклигини айтганимиз кўпчиликнинг хаёлида сақланиб қолган бўлса керак. Ўшанда айниқса бир гапни шахсан ўзим алоҳида таъкидлаб, шундай деган эдим: Барака топкур, сиз бу лавозимнинг нақадар оғирлигини, масъулиятини балки ҳозир тушуниб, англаб олишингиз қийин бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам вилоятдаги вазиятни чуқур ўрганиш, мавжуд жиддий муаммолар билан яқиндан танишиш, уларнинг ечимини топишда, аввало, халқимиз, жамоатчилигимиз билан бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилиш зарур.

Президентимиз шу сессияда ўзи билдирган яна бир фикрни вилоят депутатларига эслатди. Яъни, инсонга мансаб, лавозимни Аллоҳ беради, лекин уни йўқотишга одамнинг ўзи сабабчи бўлади.

Бир инсон фидойи бўлиб, етакчи бўлиб, минг-минглаб инсонларни бирлаштириб тарихда қоли-

ши мумкин. Бошқа бир киши эса, қилинган ишларни йўққа чиқариб, бор обрўсидан ҳам жудо бўлиши мумкин, деб айтган сўзларим ҳам балки сизларнинг ёдингиздадир, деди Ислом Каримов.

Ўша мажлисда, бу раҳбар шу тупроқда униб-ўсган, шу заминни муқаддас деб қабул қиладиган, шу ерда яшайдиган халқнинг табиатини, феъл-атвори ва орзу-умидларини юракдан ҳис эта оладиган бўлиши, шу эзгу интилишларни рўёбга чиқариш учун бутун борлиғини бериши зарур, деб қайта-қайта такрорлаган эдим.

Такрор айтишга тўғри келади: биз барчамиз Холмуродовнинг асосий мутахассислиги муҳандис-қурувчи бўлиб, кўпроқ таълим соҳасида хизмат қилганини, бошқа соҳалар унинг учун нотаниш эканини яхши билардик.

Лекин шуни билатуриб, одам агар астойдил интилса, эл-юртнинг ҳаёти ва манфаатларини юрагидан, қалбидан ўтказиб, юртимни юксалтириш, обрўйига обрў қўшиш учун, ота-боболаримнинг хоки ётган шу ерни гуллатиш учун бутун ҳаёт-мамотимни бахш этишим керак, деб ҳаракат қилса, ҳамма нарсага эришиши мумкин, деб ўйлаган эдик.

Ахир, ҳоким лавозимига, бундай масъулиятли вазифани бажаришга юз фоиз тайёр одамни етиштирадиган бирорта мактаб ёки академия йўқлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Такрор айтаман, агар одамда интилиш, ҳаракат, фидойилик бўлса, қатъият ва шижоат бўлса, ҳамма нарсанинг уддасидан чиқиш мумкин, дея қайд этди мамлакатимиз раҳбари. Бунинг тасдиғини кўпгина мисолларда кўриш қийин эмас.

Минг афсуски, бугун Самарқандда мавжуд вазият ва муҳитни, вилоят раҳбарининг иш услубини, одамларни бошқариш ва ташкилотчилик борасидаги хато-камчиликларни, энг муҳими, аҳолининг кайфияти ва ишончини — барча-барча ҳолатларни чуқур англаб, бир хулосага келишимиз мумкин: бу одамни Самарқанд вилояти ҳокими вазифасига тайинлаганда, очиқ тан олишимиз керак, янглишган эканмиз.

Бугун вилоятда кейинги олти-етти ой давомида бажарилган ишларни таҳлил қилиб, жойларда, айниқса, Самарқанд шаҳрида вазиятнинг тобора кескинлашиб бораётганини, ҳозирги вақтда кўпгина ножўя хатти-ҳаракатлар, жиноий ишлар очилаётганини, ўз вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолатлари, адолат бузилиши, энг ачинарлиси, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик кўринишлари, кадрларни тарбиялаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида жиддий нуқсонлар борлигини кузатиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, вилоят ҳокими ўз фаолиятида катта хатоларга йўл қўйганини таассуф билан айтишимиз зарур.

Бу хатолар нималардан иборат? Президентимиз ушбу саволга жавоб бериш асносида, вилоят ҳокими фаолиятини ҳар томонлама ва чуқур танқидий таҳлил этди.

Аввало, бу раҳбар фаолиятида ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилияти кўзга ташланмади ва бунга интилиш ҳам мутлақо сезилмади, деди Ислом Каримов.

У одамларни бирлаштириш, уларнинг бошини қовуштириш, бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш каби ҳар қайси раҳбар учун зарур бўлган фазилатларни кўрсата олмади.

Аксинча, ҳаммага яхши кўринишга уриниш, ишда қатъиятлилик ва талабчанликнинг йўқлиги вилоятда салбий ҳолатларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Вилоят раҳбарининг иш фаолиятини кузатганда, унинг аҳволни яқиндан ўрганиш учун шаҳар-туманларга, узоқ қишлоқларга бориш, халқ ичига кириб, жойларда қандай ижтимоий муаммолар борлигига, мактаб ва боғчалар, касалхоналар, маданият ва спорт иншоотларидаги шароит, қурилиш ва ободончилик ишларига етарли эътибор бермаганини кўриш мумкин.

Ҳолбуки, ўзини раҳбар деган, етакчи деган одам вилоятдаги вазиятни беш қўлдай билиши — қаерда нима бўляпти, қаерда газ-сув, қаерда уй-

жой, қаерда ишсизлик муаммолари кучайиб бормоқда — уларни ечиш учун ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўриши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши, уларга амалий ёрдам бериши даркор. Афсуски, Р. Холмуродов ўз иш фаолиятини ҳаёт ўртага қўяётган ана шу талаблар асосида ташкил эта олмади.

Вилоятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, бу масъулиятли вазифанинг маъно-моҳиятини англаш, бу ишларга жамоатчиликни кенг жалб қилиш, энг аввало, мавжуд салбий ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўрилмаяпти. Раҳбар ўзини қийнамасдан, ўзи ёнмасдан ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилмасдан туриб, бир-биридан муҳим, бир-биридан долзарб бундай муаммоларни ҳал эта олмаслигини, таассуфки, Холмуродов тушуниб етмади.

Бугунги вазият шуни талаб қиладики, раҳбар талабчан, керак бўлса, қаттиққўл бўлиши, лекин биринчи галда адолатли бўлиши зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз. Бағрикенг, оққўнгил одамларимиз ҳар қандай талабчан, қаттиққўл раҳбарга чидайди, лекин адолат бузилса, чидай олмайди.

Вилоят ҳокимининг яна бир хатоси шуки, у вилоятдаги идора ва ташкилот раҳбарлари, туман ҳокимлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идо-

раларининг мутасадди ва масъул ходимлари билан баҳамжиҳат ишлашни йўлга қўя олмади.

Шу сабабли вилоятда интизом ва тартиб сусайиб бораётганини сезиш қийин эмас.

Натижада вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, барча соҳаларда қонун талабларига қатъий амал қилиш, одамларни иш билан таъминлаш бўйича амалий чоралар кўрилмаяпти.

Самарқанд вилоятида мавжуд иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш, шу жумладан, нақд пул масаласи, солиқларни тўплаш, солиқ интизомини мустаҳкамлаш, аввалambор, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тегишли талаб қўйиш, уларнинг қонунга итоат қилишини таъминлашда ҳоким ўз қатъиятини кўрсата олмади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари вилоятда кадрлар масаласида йўл қўйилаётган хато ва нуқсонларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш борасида вилоят ҳокими уларнинг мутахассислиги, профессионал малакаси ва тажрибасини ҳисобга олмасдан, кўпгина ҳал қилувчи лавозимларга ўзининг таниш-билишлари, қариндошлари, ўзига садоқатли одамларни олиб келган.

Мисол учун, Баҳодир Каримов деган Самарқанд давлат университети профессорини ўзига ёрдамчи қилиб тайинлаган. Бу одам профессор

илмий унвонига сазовор бўлса-ю, қандай қилиб қабулхонада ёрдамчи бўлиб ўтириши мумкин, деган савол туғилади.

Ахир, профессор дегани неча йиллар давомида етишиб чиқади.

Шундай экан, бу одам, агар ҳақиқий мутахассис ва профессор бўлса, ўз касби бўйича ишлаши маъқул эмасмиди?

Вилоят раҳбарининг буйругига биноан Самарқанд шаҳар ҳокимлиги қошида ободончилик департаменти тузилиб, унга раҳбар этиб ўзининг яқин таниши, Самарқанд архитектура ва қурилиш институтининг собиқ проректори Бобо Ғиёсовнинг тайинланиши ҳам кадрлар масаласидаги нотўғри ёндашувга мисол бўла олади.

Холмуродов ҳокимлик курсисига ўтириши биланоқ, ҳали солиқ соҳасини чуқур ўрганмасдан, унинг сирларини билмасдан туриб, вилоят солиқ бошқармасининг раҳбари Рустам Қўчқоровни эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш учун ҳаракат бошлаганига нима дейиш мумкин?

Қўчқоровнинг ўрнига вилоят солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи Зоҳид Мухторовни ўтказиш учун хомхаёлда юргани, бунинг сирлари бугун очилмоқда.

Ш. Мирзиёев Самарқанд вилоят ҳокими бўлиб ишлаган пайтда салбий асосларга кўра ишдан олинган вилоят коммунал хўжалиги раҳбари

Мансур Абдураимов ва қурилиш соҳасида ишлаган Шароф Ҳотамовни орадан кўп ўтмасдан эски лавозимларига қайта тиклагани ҳам Р. Холмуродов кадрлар масаласида олиб борган нотўғри сиёсатни тўлиқ очиб беради.

Текширувлар шуни кўрсатадики, олти-етти ой мобайнида ҳокимнинг бир қанча таниш-билишлари кўпгина "ёғли" лавозимларни эгаллаб олишган.

Шунингдек, у савдо соҳасида, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётган кўпгина "чаққон" ва "шоввоз"ларни ҳам ўзига яқинлаштириб олгани ҳақида гапирмасдан ўтолмаймиз, деди Юртбошимиз. Бу масалалар бўйича текширишлар албатта охирига етказилади ва тегишли хулосалар чиқарилади.

Мана шундай хунук ишлар ва интилишлар, ўз атрофида нолойиқ одамларни тўплаш, умуман, кадрларни тайинлашда номаъқул сиёсат олиб бориш билан боғлиқ фактларни яна келтириш мумкин.

Шу ўринда Президент яна бир масалага сессия қатнашчилари эътиборини қаратди.

Холмуродов вилоятнинг биринчи ҳокими бўлатуриб, ўзига ишониб топширилган бу вазифанинг ниҳоятда масъулиятли, ўта нозик экани, унинг қабул қилган қарорлари, нутқлари, берган маслаҳатлари, айтган гаплари атрофдаги

муҳитга қандай таъсир ўтказиши, бир оғиз ножўя сўз ёки ҳаракат, керак бўлса, қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини умуман тушунмаган, деб айтишга асослар бор.

Бундай юксак лавозимда ўтирган одам ҳар бир сўзига, ҳар бир қадамига алоҳида эътибор бериши кераклиги ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман. Ахир, минг-минглаб одамлар етакчи-раҳбарнинг сўзи ва ишига қараб умуман давлат сиёсатига баҳо беради, шунга қараб хулоса чиқаради.

Мен бугун вилоят ҳокимининг ўз чиқишларида айтган — бу вилоят, шаҳар ёки туман минбари бўладими — ўта хунук баъзи фикрларини такрорлаб ўтирмоқчи эмасман, деди Юртбошимиз.

Лекин унинг одамлар шаънига тегадиган, ижтимоий-маънавий муҳитни бузишга сабаб бўладиган айрим гаплари бўйича тегишли хулосалар чиқариш керак, деб ҳисоблайман.

Яна бир масала бўйича алоҳида фикр алмашиб олишимиз зарур.

Бугун, далаларда ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмай, уюшқоқлик билан йиғиб-териб олиш, ғўзани парваришлаш учун деҳқонларимиз, мутахассисларимиз, шу ишларни бошқарадиган хўжалик, туман ва вилоят раҳбарлари тунни кунга улаб, машаққатли меҳнат қилаётган мана шундай масъулиятли бир пайтда вилоят ҳокими ўзи-

нинг кундалик иш тартибини тузишда нималарга эътибор қаратган?

Афсуски, ҳозирги ҳал қилувчи паллада деҳқонлар билан далада бирга бўлиб, керак бўлса, уларнинг иш шароитига, меҳнатига тан бериб, ўзини аямасдан кечаю кундуз эл-юрт орасида бўлиш ўрнига, дам олишни, ҳордиқ чиқаришни эсдан чиқармайдиган раҳбарнинг хатти-ҳаракатлари унинг халқдан узоқлашиб, охир-оқибатда ундан бутунлай ажралиб қолишига олиб келади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Энг ёмони шундаки, бундай раҳбар жойларда ишлаётган, ёниб-куйиб меҳнат қилаётган минглаб одамларнинг адолатга, ҳаётга, эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиши мумкин. Ундан ҳам ёмони шуки, бундай вазиятда ташаббускорлик, изланувчанлик ва меҳнатсеварлик интилишлари ҳам бутунлай йўқолиб кетади.

Тадбиркор ва изланувчан раҳбар ва мутахассисларнинг ҳам ишдан қўли совиб қолади. Бундай хавфни сезмаслик ва кўрмаслик жуда катта хато бўлади ва бу кутилмаган, оғир оқибатларга олиб келиши шубҳасиз.

Шунинг учун ҳам бугун кун тартибига киритилган масала бўйича, юқорида зикр этилган ҳолатларнинг барчасини инобатга олиб, фикрлашиб, бир хулосага келишимиз зарур, деди давлатимиз раҳбари йиғилганларга мурожаат этиб,

Р.Холмуродов берган ўз аризасига кўра, Самарқанд вилояти ҳокими вазифасидан озод этишни сўраган.

Шундан сўнг Президент ана шу масалани овозга қўйишни таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятнинг янги ҳокими лавозимига номзод ҳақида гапирди.

Бу масала бўйича ҳам вилоят депутатлари ўз муносабатини билдирди.

Ҳозиргина сизлар билан бирга сайлаб-тасдиқлаб олган янги раҳбар олдида жуда катта ва мураккаб вазифалар турганини ҳаммамиз яхши тушунамиз, деди Президентимиз овоз бериш жараёнидан сўнг сўз олиб.

Ишончим комилки, вилоятнинг янги ҳокими бугунги сессия йиғилишида айтилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, бутун вилоят аҳлининг бошини қовуштирган ҳолда, бу вазифаларни ҳал этиш учун ўзининг бор кучи, билими, тажриба ва салоҳиятини сафарбар этади.

Фақат бирлик ва ҳамжиҳатликда, замон талаблари асосида иш олиб бориш, изланиш, ташаббус ва тадбиркорлик ҳисобидангина Самарқандниng қадимий шуҳратини янада ошириш, кўзланган мақсадларга эришиш мумкин. Ана шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман, деди мамлакатимиз раҳбари пировардида.

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ, ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВГА

Қадрли Рустамжон ўғлим!

Сени аваламбор шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритганинг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сен эришган бу беқиёс ғалаба мамлакатимиздаги барча шахмат мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга чексиз қувонч ва ғурурифтихор бағишлайди.

Бу нечоғлик улкан ютуқ эканини, дунёнинг манаман деган шахматчилари орасида биринчи бўлиш осон бўлмаганини барчамиз яхши англаймиз.

Ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақлзаковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу ғалаба тимсолида яна бир бор ёрқин намоён бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Миллатимиз, халқимиз кўпдан буён орзу қилган мана шундай шукуҳли кунларга, мана шундай буюк зафарга етказгани учун барчамиз авва-

ло Яратганимизга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Сендек билимли, мард ва иродали ўғлонни вояга етказган ота-онанг, оила аъзоларинг, ноёб истеъдодингни рўёбга чиқаришга ҳисса қўшган устоз-мураббийларингга раҳматлар айтамиз.

Юртимиз ҳаётидаги бу тарихий воқеа мустақиллик одамларимиз учун, аввало ёш авлод учун нақадар катта имкониятлар очиб берганини, бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир амалий тасдиғидир.

Сенга бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин, доимо омон бўл!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ҲУШЁР ВА ОГОҲ БЎЛИБ ЯШАШ ҲАЁТИМИЗ ҚОИДАСИГА АЙЛАНСИН

(2004 йил 30 июль куни рўй берган фожиали воқеалар хусусида)

Аввал хабар қилинганидек, Тошкентда содир этилган террористик хуружлар муносабати билан 2004 йил 31 июль куни Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Шу йилнинг 30 июль куни Тошкент шаҳрида — республика Бош прокуратураси, АҚШ ва Исроил давлатларининг элчихоналари бинолари ёнида содир этилган террористик ҳаракатлар бугунги йигилиш кун тартибига қўйилган асосий масала эканлиги сизларга яхши маълум, деди давлатимиз раҳбари мажлисни очар экан. Ҳозирги вақтда олдимизда турган муҳим вазифа — бу, рўй берган воқеалардан тегишли хулоса чиқариб, бундай қўпорувчиликнинг таг-томирига етиб бориш, бу ёвузликларни амалга оширган, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турган қабиҳ ниятли куч ва гуруҳларни аниқлаш, бундай хуружларнинг бошқа такрорланмаслиги учун барча зарур чора-тадбирларни белгилаб олиш, комиссиянинг 30 июль

куни ўтказилган биринчи йиғилишидан кейин бажарилган ишларни сарҳисоб қилиб, тўпланган янги маълумот ва далиллар асосида ҳаракат дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Биринчи галда, юз берган фожиа натижасида қурбон бўлган ва азият чеккан ватандошларимизнинг оила аъзоларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласини ҳал этиш керак.

Йиғилишда ана шу масалалар юзасидан ахборот берилиб, муҳокама этилди ва теғишли қарор қабул қилинди. Мажлисдан сўнг давлатимиз раҳбари рўй берган воқеалар бўйича Ўзбекистон телевидениеси орқали ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, жумладан, шундай деди:

Аввалambор, ушбу фурсатдан фойдаланиб, содир этилган ёвуз жиноят натижасида ҳалок бўлган инсонларнинг оила аъзоларига, ота-оналари ва ёру биродарларига чин қалбимдан чуқур таъзия изҳор этмоқчиман. Портлашлар оқибатида ярадор бўлган ва шикастланганларнинг тезроқ тузалиб чиқишларини истайман. Шундай оғир бир пайтда уларга давлатимиз, ҳукуматимиз номидан, қўлимиздан келган барча ёрдамни берамиз, уларнинг оиласини ёлғиз қолдирмаймиз, бунинг учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз деб, барча юртдошларимизни ишонтирмоқчиман.

Ушбу воқеалар бўйича тузилган ҳукумат комиссиясининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида кўплаб масалалар кўриб чиқилди, содир этилган воқеаларни атрофлича ўрганиб, дастлабки хулосаларга эга бўлган тегишли ташкилот раҳбарларининг ҳисоботи тингланди. Ўйлайманки, мана шу мажлисда муҳокама этилган масалалар ва аввалambор ишлаб чиқилган ҳаракат дастури, қабул қилинган қарорлар, белгилаб олинган тадбирлар, албатта, ўз натижасини беради. Бу олдимизда турган муҳим ва долзарб вазифаларни тўла-тўкис адо этишга асос бўлади. Бугунги мажлисгача қўлга киритилган баъзи бир ҳужжат ва маълумотлар кечаги воқеаларга бошқача кўз билан қараш ва уларнинг асл сабабларини очиб беришда жуда катта омил бўлади, десам, асло хато бўлмайди.

Бу қўпорувчилик хуружлари ҳақида гап кетар экан, бугун ана шу воқеалар билан боғлиқ учтўртта масала одамларни айниқса ўйга толдираётганини айтиб ўтиш керак. Аввало, ҳар бир юртдошимиз бундай жирканч, мудҳиш жиноятларни ташкил қилган ва амалга оширганлар ким, уларнинг ҳақиқий башараси қандай, уларнинг ортида кимлар турибди, бу ҳодисаларни кимлар уюштириб, ким кўрсатма берган, деган саволлар бериши табиий. Нега деганда, ана шу саволларга жавоб топмасдан туриб, келажакда бундай

ҳодисаларнинг олдини олиш, уларнинг йўлига ғов-тўсиқ қўйиш қийин бўлади.

Шунинг учун ҳам биринчи галда бу воқеаларнинг туб илдизига етиб боришимиз керак, уларнинг сабабларини ҳар томонлама чуқур аниқлаб, иштирокчи ва ташкилотчиларини топиб, амалдаги қонунларимиз асосида суд қилиб, муносиб жазосини беришимиз лозим.

Ҳозирча тўпланган маълумот ва далилий ашёлар шуни кўрсатмоқдаки, бу галги портлашлар март ойининг охири ва апрель ойининг бошида Тошкент ва Бухорода содир этилган террорчилик ҳаракатлари билан узвий боғлиқ. Кўпдан-кўп бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлган ўша даҳшатли хуружларнинг иштирокчи ва ташкилотчиларининг аксарияти қўлга олингани халқимиз ва жамоатчилигимизга яхши маълум. Айни кунларда Ўзбекистон Олий судида уларнинг устидан очиқ суд жараёни кетаётганидан ҳам кўпчилик хабардор, деб ўйлайман. Шуларнинг барчасини назарда тутиб, куни кеча амалга оширилган жиноят иштирокчиларини шу йил март ва апрель ойининг бошида портлашларни ташкил қилганларнинг бир тўдаси, уларнинг давомчилари, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Яқин кунларда, бу борадаги маълумот ва далилий ашёлар тўлиқ қўлга киритилгандан сўнг, бу ҳақиқатни расмий асосда исботлаб бериш им-

конияти туғилади. Шунда халқимизга, бутун дунё жамоатчилигига бу террорчи гуруҳларнинг ҳақиқий башарасини, уларнинг қайси куч ва марказларга мансублигини аниқ далиллар билан кўрсатишимиз мумкин бўлади. Бу далиллар март-апрель ойларида юртимизда содир этилган жиноятлар билан кечаги террористик ҳаракатлар узвий боғлиқ бўлиб, манфур жиноятчиларнинг бир тўдадан чиққанини, ягона мақсад ва режа бўйича ишлаганини аниқ тасаввур қилишга асос бўлади. Ҳозирдаёқ айтишим мумкинки, шундай хулоса чиқариш учун ишончли далилларимиз бор.

Кўпчиликни қизиқтирадиган иккинчи масала шундан иборатки, бу ёвуз кимсаларнинг мақсад-муддаолари нималардан иборат бўлган? Албатта, ҳукумат комиссияси, унга жалб этилган прокуратура ходимлари, хавфсизлик хизматчилари, Ички ишлар вазирлиги терговчилари, умуман, бу ишга дахлдор бўлган барча масъул одамлардан иборат мутахассислар гуруҳи бу масаланинг таг-томирига етиб бориш учун барча ишларни қилади. Ишончим комилки, бу масала ҳам, албатта, ўз ечимини топади. Бунинг учун барча маълумотларни тўплаб, ўзаро солиштириб, аввалambор, ашёвий далилларнинг ҳаммасини жой-жойига қўйиб, тегишли хулосалар чиқариш лозим бўлади. Мутахассисларимиз буни исбот қилиб беришлари учун озгина вақт керак. Мен

дастлабки маълумотларга таянган ҳолда, портлашлар натижасида қуйидаги учта мақсадга эришиш кўзда тутилган, деб айта оламан.

Биринчи мақсад — халқимизни қўрқув ва ваҳимага солиш, содда одамларда, ҳали-бери бизда куч бор, ҳали-бери биз кураш майдонидан тушганимиз йўқ, деган хомхаёлдан иборат тасаввурларни уйготишдан иборат. Эсингизда бўлса, Олий Мажлиснинг 14-сессиясида, мен Президент, давлат раҳбари сифатидаги ваколатимга таяниб, агарда мана шундай ёвуз йўлга мияси заҳарланиб, алданиб кириб қолган одамлар ўз хатосини англаб, қилмишидан пушаймон бўлиб, ўз айбига иқрор бўлиб, шу йўлдан қайтмоқчи, ота-онаси, оиласи ва маҳалласининг бағрига қайтмоқчи бўлса, уларни кечирамиз, афв этамиз, деб ваъда берган эдим. Давлатимиз томонидан кўрсатилган ана шундай инсонпарварлик бугун амалда ўз натижаларини бермоқда.

Чунки инсоният тарихи шуни кўрсатадики, ким ўз халқига қарши курашмоқчи бўлиб, аҳмоқона йўлга ўтган бўлса, ҳеч қачон, ҳеч қаерда ўз мақсадига эришмаган ва жувонмарг бўлган. Бу ўринда айнан жувонмарг бўлади, деб айтиш тўғри бўлади. Нега деганда, азал-азалдан ўз ота-онаси ва эл-юртига қарши қўл кўтарадиган фарзанд "оқпадар" деган лаънатга учраб, жувонмарг бўлганини кўп-кўп мисолларда кўришимиз мумкин.

Шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, жуда оғир жиноятларга қўл урмасдан туриб, ўз вақтида эс-ҳушини йиғиштириб олиш, хатарли йўлдан қайтиш имконияти бўлган йигитлар бунинг учун ўзларида куч топиб, худо берган ақлини ишлатиб, шу йўлдан қайтадиган бўлса, ўйлайманки, улар ҳам одамлар қаторида яшаш, ўз қадр-қимматини тиклаш, фарзандларининг кўзига тик қараш бахтига эришади. Бу ҳаёт шундайки, кимдир ота-онаси, аёли, фарзандлари, ёру биродарларининг кўзига тик қараса, кимдир тик қарай олмайди. Чунки бўйнида айби борлиги туфайли бунга журъат қилолмайди. Яъни, бунинг учун ўзининг маънавий ҳаққи йўқлигини ҳис қилади. Қани, айтинг, дунёда бундан ҳам оғир фожиа борми? Шунинг учун нафақат жиноий йўлга адашиб кириб қолганларга, балки уларнинг қилмишидан хабардор бўлган одамларга ҳам шуни айтмоқчиманки, ҳали ҳам кеч эмас, бундай одамларни биз ёмон йўлдан қайтаришимиз керак. Нега деганда, улар ҳам кимнингдир боласи, жигарбанди, улар ҳам ўзбек оиласидан чиққан йигитлар. Буни биз ҳеч қачон унутмаслигимиз ва халқимизни жипслаштириш, фарзандларимизни асраш йўлидаги бир даъват, деб билишимиз керак.

Албатта, бу даъватнинг маъносини тўғри тушуниб, бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлиб,

бир-биримизга суяниб, бир-биримизга елкадош бўлиб, баҳамжиҳат ҳаракат қилсак, ҳеч иккиланмасдан айтишим мумкинки, бизнинг ҳаётимизга ҳеч қандай ёвуз куч четдан туриб хавф сололмайди. Мана шундай ҳаракатлар ҳозирданоқ ўз натижасини бераётганини қилмишидан пушаймон бўлган йигитларнинг ота-оналари билан бирга милиция ва прокуратура идораларига афв этишни сўраб келаётгани мисолида кўришимиз мумкин. Ота-онаси, маҳалла оқсоқоллари уларнинг нотўғри йўлдан қайтгани, энди бошқа бу йўлга кирмаслигига кафил бўлмоқда. Ўз айбига иқрор бўлиб, бундан буён қонун асосида яшашга ваъда берганларни албатта кечирамиз. Чунки биз ҳеч қачон, ҳеч кимга ашаддий ва абадий душман бўлмаганмиз. Бош эгиб келганларни жазолаш бизнинг қонунларимизга ҳам, миллат сифатидаги менталитетимизга ҳам тўғри келмайди. Лекин бизнинг мана шундай сиёсатимиз, унинг натижалари кимларгадир ёқмаяпти. Куни кеча содир бўлган воқеалардан кўзланган яна бир мақсад ана шу жараённи йўққа чиқаришга қаратилган.

Террористларнинг учинчи мақсади ҳақида гапирганда, 30 июль воқеалари содир бўлиши биланоқ жаҳондаги айрим ахборот воситаларининг дарров дунёга жар солиб, бу жиноятларнинг орқасида "Ўзбекистон исломий ҳаракати" деб ата-

ладиган ташкилот турибди, у масъулиятни ўз бўйнига олди, деган гапларни тарқата бошлаганига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Нега деганда, бундай ахборот хуружлари ҳам бежиз эмас. Боя айтганимдек, ҳозир Ўзбекистон Олий судида март-апрель ойларида содир этилган жиноятларга алоқадорликда гумон қилиниб қўлга олинган 15 нафар шахс устидан суд бўляпти. Суд мажлисларида уларни ким йўлдан ургани, ким қўлига қурол бергани, қаерда тайёргарлик кўргани, ким моддий ёрдам бериб тургани, кимнинг тарғибот-ташвиқоти уларни шу жиноят йўлига бошлагани ҳақида айбланувчилар очиқ гапирмоқда.

Бунинг натижасида бизнинг минтақамизда яширин фаолият олиб бораётган кўпгина диний экстремистик оқимлар, жумладан, "Ҳизбут-таҳрир" оқимининг ғаразли мақсадлари фош бўлмоқда. Биз бу оқимнинг асл мақсадлари ҳақида кўп гапирганмиз. Бу оқим вакиллари нафақат Ўзбекистон, балки Покистон ва Афғонистон бўладими, минтақамиздаги қўшни республикалар бўладими, умуман, бутун мусулмон давлатларида халифат тузишдек пуч даъволар билан юргани тўғрисида кўп гапирганмиз. Бу ҳақда ҳозир ортиқча тўхталиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. "Ҳизбут-таҳрир"чилар ўз ғояларини зўравонлик билан амалга ошириш учун террорчиларни ўз сафига жалб қилиш, уларга ғоявий замин яратиш,

ёшларнинг миясини заҳарлаш, ўз халқига, мавжуд конституциявий тузумга қарши курашга чорлаётгани ҳам ана шу суд жараёнида ўз исботини топмоқда.

Айтинглар, бу кимга ёқади? Дунёда ўзини "инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари", деб эълон қилган шундай одамлар ва кучлар, уюшма ва ташкилотлар борки, уларнинг баъзилари "Ҳизбут-таҳрир"чиларни ўз ҳимоясига олиб, уларни беозор, бегуноҳ қўзичоқдек кўрсатишга уринади. Уларнинг фикрича, "Ҳизбут-таҳрир" фақат диний оқим эмиш. Ўзингиз ўйланг, бу диний оқим мана шу Ўзбекистон заминида ҳозирги мавжуд конституциявий тузумни ағдариб, қандайдир халифат тузмоқчи бўлса, халқимиз асрлар давомида курашиб эришган эркин ва озод ҳаётни тақиқлаб, шариат асосидаги тартибни жорий этмоқчи бўлса, бунга қандай қилиб тинч йўл билан эришиш мумкин? Бу қабиҳ ниятга қон тўкмасдан, минглаб одамларни хонавайрон, сарсону саргардон қилмасдан эришиб бўладими? Бу аслида гирт хомхаёл эмасми? Улар бугун ҳали мияси, онги ва дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ёшларимизни ўз таъсирига олаётган бир пайтда ўз ғояларини беозор қилиб, ниқоблаб кўрсатиб, уларни тинч йўл билан амалга ошириш ҳақида гапиряпти. Лекин улар эртага ҳокимиятни қўлга оладиган бўлса борми, бу ваъ-

даларнинг ҳаммаси аслида ҳийла-найранг экани аён бўлади.

Улар қандай қилиб ўз мақсадига тинч йўл билан эришишмоқчи? Бу — биринчи масала. Иккинчи масала шундан иборатки, биз, ўз бошидан тарихнинг қанчадан-қанча синов ва машаққатларини ўтказиб, халқ бўлиб, миллат бўлиб шу ёруғ кунларга етиб келган одамлар қандай қилиб яна минг йиллар орқага, яъни ўрта асрларга қайтишимиз мумкин? Қандай қилиб телевидениедан, замонавий ахборот ва коммуникация воситаларидан, бутун дунё, умумбашарий цивилизация натижасида шаклланган алоқаларимиздан бутунлай воз кечишимиз мумкин? Бутун дунё юксак технологиялар даврида яшаётган бир пайтда қандай қилиб фақат мутаассиб ақидалар ҳукмрон бўлган тузумда яшаш мумкин?

Бугун одамларимизни безовта қилаётган, керак бўлса, қийнаётган яна бир масала шундан иборатки, қандай қилиб бундай ёвуз жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг бошқа такрорланишига йўл қўймаслик мумкин? Қандай қилиб тинч ҳаёт кечириш, ўз мақсад-муддаоларимизга эришишимиз мумкин? Бу саволлар шу Ватан учун, шу юрт, барчамизни боқадиган бетакрор шу замин учун куйиб-ёниб яшайдиган барча юртдошларимизнинг қалбида жаранглаб турибди, десак муболаға бўлмайди. Нега деганда, тинч-

лик бўлмаса, бирон-бир ғояни, бирон-бир мақсадни амалга ошириб бўлмайди.

Албатта, эртага яна шунга ўхшаш жиноятчилар пайдо бўлмайди, деб, ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ҳаёт дегани бу албатта курашлардан иборат. Лекин биз ўз кучимиз ва имкониятларимизга қатъий ишониб, белимизни маҳкам боғлаб, халқимиз жуда яхши тушуниб қабул қилган, бугун ҳаётимизга сингиб кетган "Ўз уйингни ўзинг асра!", деган даъватни янада чуқурлаштириб, керак бўлса, уни бойитиб "Ўз уйингни ўзинг асра, ўз юртингни ўзинг ҳимоя қил" деган умуммиллий шиорга айлантиришимиз зарур. Нафақат марказда, балки узоқ туман ва қишлоқларда ҳам одамларимиз шу ғояни ўзига қурол қилиб, шу даъват асосида яшаса, бундай балоқазолар остонамизга яқин келолмайди.

Ўйлайманки, халқимиз, жамоатчилигимиз, бугунги мураккаб ҳаётнинг талабларини тўғри тушуниб, доимо ҳушёр, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашни ҳаёт қоидасига айлантиради.

АФИНА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН XXVIII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Муҳтарам спорт мураббийлари!

Аввалambор, сизларни, сиз орқали Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини дунёдаги энг нуфузли халқаро мусобақа — Олимпия ўйинларида иштирок этиш бахтига муяссар бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бугун сиз мустақил Ўзбекистон Республикаси шарафини ҳимоя қилиш учун икки юздан зиёд давлатнинг 16 мингдан ортиқ энг кучли спортчилари иштирок этадиган халқаро Олимпия мусобақаларига йўл олмоқдасиз.

Сизларнинг куч-қувват, ғайрат ва шижоат акс этган навқирон қоматингизга, галаба иштиёқи билан чақнаб турган кўзларингизга боқиб, юртимиз фарзандларининг ҳеч кимдан кам эмаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Жаҳон миқёсидаги беллашувларда вакилларимиз эришаётган катта галабалар ҳам ушбу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Табиийки, бундай зафарларни қўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамла-

катни дунёга машҳур этадиган спорт соҳасига кейинги йилларда қараш ва эътиборимизнинг тубдан ўзгаргани, баркамол авлод тарбияси йўлидаги узоқни кўзлаб амалга ошираётган улкан ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун жаҳон аҳлининг нигоҳи қадалган Афина шаҳрига — кескин ва ҳаяжонли курашлар майдони сари йўл олаётган сиз, олимпиадачиларимиз тимсолида ҳам ана шу саъй-ҳаракатларимизнинг амалий самарасини кўриб турибмиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Олимпиадада нафақат ғолиб бўлиш, балки унда иштирок этишнинг ўзи ҳам катта бахт, деган фикрда теран маъно бор. Бу нуфузли спорт ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ҳар бирингиз қанчалик тер тўкиб, тинимсиз машқ қилганингизни, бу йўлда қийинчиликларни мардлик ва матонат, мустаҳкам ирода билан енгиб ўтганингизни минглаб мухлисларингиз, жамоатчилигимиз яхши билади.

Олимпиада — нафақат спорт беллашувлари, айни пайтда ҳар бир халқнинг маънавий ва жисмоний салоҳиятини кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Ўйлайманки, сизлар кураш майдонларига чиққанда, қандай муқаддас замин фарзандлари эканингизни, қандай буюк зотларнинг ворислари эканингизни асло унутмайсиз ва уларга му-

носиб бўлишга, миллионлаб ватандошларимизнинг ишончини оқлашга интиласиз. Сизларни мардона аждодларимизнинг руҳлари қўллаб-қувватлайди, халқимизнинг меҳри ва умиди сизларга мадад ва қанот бағишлайди.

Сизлар Олимпиада беллашувларида халқимизга хос жасорат ва шижоат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини яна бир бор намоён этасиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг байроғини янада баланд кўтариб, юртимизнинг шон-шуҳратини бутун дунёга тараннум қиласиз, деб ишонаман.

Бугун сизларни масъулиятли сафарга кузатар эканмиз, ҳаммангизни Ватанга, оилангиз бағрига соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтишингизни тилаб қоламан.

Барчангизга омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

МУНДАРИЖА

ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ ГАВҲАР. *Нукус шаҳрининг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўз, 2003 йил 12 сентябрь* 3

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ИЖТИМОИЙ ҚАТЛАМИ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ МАЙДОНИДА ЎЗ ЎРНИНИ ЭГАЛЛАШИ ЛОЗИМ. *Янги тузилаётган сиёсий партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувдаги нутқ, 2003 йил 7 октябрь* 13

БУЮК АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ. *Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида ўтказилган тантанали маросимдаги суз, 2003 йил 27 ноябрь* 41

ВАТАН МУҚОФОТИ — ХОРАЗМ ЭЛИГА ЮКСАК ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ. *Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди орденини топшириш маросимидаги нутқ, 2003 йил 2 декабрь* 50

АНДИЖОН АҲЛИНИНГ ТАШАББУСКОРЛИГИ, АЗМУ ШИЖОАТИ ВА ЖАСОРАТИНИ ХАЛҚИМИЗ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ. *Андижон вилоятига Амир Темур орденини топшириш маросимидаги нутқ, 2003 йил 3 декабрь* 67

КОНСТИТУЦИЯ — ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ҲАЁТ, ЯНГИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ. *Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўз, 2003 йил 5 декабрь* 85

ТАДБИРКОРЛИК ВА ИЗЛАНУВЧАНЛИК — ЮКСАЛИШ АСОСИ. *Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ, 2003 йил 16 декабрь* 114

ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЕТУК АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ. *Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишидаги маъруза, 2004 йил 9 январь* 133

МАВЖУД САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ, 2004 йил 29 январь* 155

ЭРИШГАН МАРРАЛАРИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАН ИЗЧИЛ БОРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ. *2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза, 2004 йил 7 февраль* 184

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИГИНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ.
Хоразм вилояти Хазорасп туманида барпо этилган янги кўприкнинг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимдаги сўз, 2004 йил 12 март 232

ЁВУЗ КУЧЛАР ХАЛҚИМИЗНИ ЎЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛИДАН ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ. *Ўзбекистон телевидениеси учун берилган интервью, 2004 йил 29 март* 238

ВАТАНИМИЗНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ЎЗ КУЧ-ҚУДРАТИМИЗГА, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ ВА БУҚИЛМАС ИРОДАСИГА БОҒЛИҚ. *Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқ, 2004 йил 29 апрель* 243

МАКТАБ — ТАРАҚҚИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САОДАТ КАЛИТИ.
2004 йил 11 май 276

ЭЛ-ЮРТГА ҲАЛОЛ, ВИЖДОНАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ. *Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ, 2004 йил 25 май* 285

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН. *Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ, 2004 йил 1 июнь* 313

ТОШКЕНТ САММИТИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТДАН ШАКЛЛАНИШИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧДИР.
2004 йил 17 июнь 338

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ.
2004 йил 21 июнь 350

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА.
2004 йил 26 июнь. 361

РАҲБАР ТАШАББУСКОР, ТАЛАБЧАН ВА АЛБАТТА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ. *2004 йил 9 июль* 365

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ, ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВГА. *2004 йил 13 июль* 381

ҲУШЁР ВА ОГОҲ БЎЛИБ ЯШАШ ҲАЁТИМИЗ ҚОИДАСИГА АЙЛАНСИН *(2004 йил 30 июль куни рўй берган фожиали воқеалар хусусида)* 383

АФИНА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН XXVIII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИГА. *2004 йил 10 август* 395

66.4(5У)
К25

Каримов И.А.

Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12 — Т.: «Ўзбекистон», 2004. —400 б.

ББК 66.4 (5У)+66.3(5`,

Ислам Абдуганиевич Каримов

МИРНАЯ ЖИЗНЬ И БЕЗОПАСНОСТЬ СТРАНЫ ЗАВИСИТ ОТ ЕДИНСТВА И ТВЕРДОЙ ВОЛИ НАШЕГО НАРОДА

Том 12

На узбекском языке

Нашр учун масъул К. БЎРОНОВ
Рассом О. СОИБНАЗАРОВ
Бадиий муҳаррир Ҳ. МЕҲМОНОВ
Техник муҳаррир У. КИМ
Мусаҳҳиҳлар Ш. МАҚСУДОВА, Н. УМАРОВА
Компьютерда тайёрловчи Г. ҚУЛНАЗАРОВА

Босишга рухсат этилди 10.08.2004. Қоғоз формати 84x108$^{1}/_{32}$. Таймс гарнитурада офсет усулида босилди. Шартли б.т. 21,0. Нашр т. 12,20. Тиражи 10 000. Буюртма № К-203.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи,
700129, Тошкент, Навоий, 30.
Нашр № 93-2004.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.